

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ  
ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси

**«ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ»** фанидан  
5340100 – «Иқтисодиёт (қ/х)», 5340900-» Бухгалтерия ҳисоби ва  
аудит», 5610000-» Фермер хўжалигини бошқариш» йўналиши талабалари учун

**Маъруза матнлари.**

**САМАРҚАНД – 2010**

Маъруза матнлари Ўзбекистон Республикаси ОЎМТВ томонидан 10.08.2006 йилда тасдиқланган «Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби» фани дастури асосида тузилган ишчи ўқув дастурига муофиқ доцентлар А.И.Алиқулов, И.Қурбонов ва ассистент У.Н.Ибрагимовлар томонидан тайёрланди.

Маъруза матнлари «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси йиғилишида муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

Мажлис баёни №\_1\_ «\_27\_»\_август\_2010 йил

Кафедра мудири, доцент

М.Холмурзаев

Маъруза матнлари Иқтисодиёт ва бошқарув факултети услубий кенгаши йиғилишида муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

Мажлис баёни №\_1\_ «\_\_\_\_\_»\_август\_2010 йил

Факултет услубий кенгаши раиси, доцент

Р.Усмонов

Маъруза матнлари Иқтисодиёт ва бошқарув факултети Кенгашида муҳокама этилди ва тасдиқланди.

Мажлис баёни №\_1\_ «\_\_\_\_\_»\_август\_2010 йил

Факултет Кенгаш раиси, доцент

А.Астанов

## Мундарижа

|                                                                                                       | Бет |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| 1. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва унинг хусусиятлари.                       | 4   |
| 2. Фермер хўжаликларида пул маблағлари ва қимматли қоғозлар ҳисоби.                                   | 14  |
| 3. Фермер хўжаликларида ҳисоб-китоб операциялари ҳисоби.                                              | 31  |
| Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш захиралари,                                                        | 49  |
| 4. ўстирилаётган ва боқувдаги чорва молларини ҳисобга олишнинг хусусиятлари.                          |     |
| 5. Фермер хўжаликларида асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби.                                 | 62  |
| 6. Фермер хўжаликларида меҳнат сарфи ва унга ҳақ тўлаш ҳисоби.                                        | 71  |
| 7. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш ҳаражатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини аниқлаш хусусиятлари. | 86  |
| 8. Фермер хўжаликларида тайёр маҳсулотлар ва уларни сотишни ҳисобга олишнинг хусусиятлари.            | 96  |
| 9. Фермер хўжаликларида банк кредитлари ва қарзларни ҳисобга олишнинг хусусиятлари.                   | 102 |
| 10. Фермер хўжаликларида устав капитали, фойда ва зарарларни ҳисобга олишнинг хусусиятлари.           | 111 |
| 11. Фермер хўжаликларида бухгалтерия счётларини ёпиш тартиби.                                         | 124 |
| 12. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоботини тузиш хусусиятлари.                                   | 132 |
| Адабиётлар рўйхати                                                                                    | 140 |

## **1–МАЗУ. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва унинг хусусиятлари.**

### **Режа**

1.Бухгалтерия ҳисобининг предмети ва методи.

2. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш тамойиллари.

3. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш ва ҳисоб сиёсати.

### **«Таянч» иборалар:**

«Хужжатлаштириш», «Инвентаризация», «Бухгалтерия счёtlари», «Икки ёқламали ёзув», «Баҳолаш», «Калькуляция», «Баланс», «Ҳисобот», «Хўжалик жараёни», «Хўжалик операцияси», «Бухгалтерия ҳисобининг тамойиллари», «Марказлашган бухгалтерия», «Марказлашмаган бухгалтерия», «Ҳисоб сиёсати».

### **1.Бухгалтерия ҳисобининг предмети ва методи.**

Фермер хўжаликлари иқтисодиётини бошқаришда бухгалтерия ҳисоби ва назоратнинг роли каттадир. Шу билан бирга фермер хўжаликларида бўладиган хўжалик жараёнини ҳисобга олишда хўжалик ҳисоби (ҳисоби)дан ҳам фойдаланилади.

Фермер хўжаликлари фаолиятида маълум бир жараённи амалга ошириш учун инсонлар (ишловчилар) томонидан амалга ошириладиган жараёнлар **хўжалик операциялари** дейилади. Хўжалик операцияларининг йиғиндиси **хўжалик жараёни** дейилади. Хўжалик жараёнини сон жиҳатдан акс эттириб, сифат жиҳатдан тавсифнома беришга **хўжалик ҳисоби (ҳисоби)** дейилади. Хўжалик ҳисоби (ҳисоби) қуйидагилардан иборат :

1. Оператив-техника(Тезкор) ҳисоби.
2. Статистика ҳисоби.
3. Бухгалтерия ҳисоби.

Оператив-техника ҳисоби хўжалик жараёнлари ҳақида тезкор маълумот бериб, бу маълумотлар маълум бир вақтларда (мавсумларда) олинади. Бу маълумотлар телефон, факс ва бошқа воситалар орқали ҳам берилиши мумкин, шунинг учун «техника» сўзи қўшилган. Ушбу маълумотлар аниқ ва тўғри бўлиши лозим, лекин буларни тасдиқловчи маълумотлар ўша вақти талаб қилинмайди.

Статистика ҳисоби оммавий харакредитердаги хўжалик жараёнларини сон жиҳатидан ўрганади. У иқтисодиёт, маданият ва бошқа соҳалар ҳолати ҳақидаги ахборотларни таҳлил қилиш ва истиқболни белгилаш учун тўплайди.

Бухгалтерия ҳисоби турли хил ўлчов бирликлари ва хужжатлар асосида корхона хўжалик фаолиятини ёппасига, узлуксиз ва бир бирига боғланган ҳолда акс эттиради.

Хўжалик ҳисоби (ҳисоби)да қуйидаги ўлчов бирликлари қўлланилади :

1.Натура (физик ) ўлчов бирликлари. Буларга кг, гр, ц, т, м, м<sup>2</sup>, м<sup>3</sup>, квт/соат, т/км, ц/га ва бошқа ўлчов бирликлари киради. Бу ўлчов бирликлари асосида маҳсулот, иш ва хизмат, материаллар ва ҳ.к.ларни натура миқдори ўлчанади.

2.Меҳнат ўлчов бирликлари. Буларга киши-соат, киши-куни киради. Бу ўлчов бирликлари асосида сарфланган вақт ва меҳнат аниқланади.

3.Пул ўлчов бирликлари. Мамлакатимизда пул ўлчов бирлигига миллий валюта бирлигимиз – сўм ва тийин киради. Айрим ҳолатларида чет эл валюта бирликлари ҳам пул ўлчов бирлиги сифатида фойдаланилади.

Хўжалик ҳисобини (ҳисоби) ташкил этувчи ҳисобларнинг бирлиги :

1.Улар учаласи биргаликда хўжалик ҳисоби (ҳисоби)ни ташкил этишлиги.

2.Улар учаласи раҳбар органларининг бирлиги ва юритилиш қоидаларининг бир-бирига мослиги.

Мамлакатимизда ҳисобга услубий раҳбарликни Молия вазирлиги, бевосита раҳбарликни тармоқ вазирликлари олиб боради. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг 5- моддасига асосан Молия вазирлиги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солади ва бухгалтерия ҳисобини миллий стандартларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди. Шу қонуннинг 7-моддасига асосан, корхонада бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишни корхона раҳбари амалга оширади.

Бухгалтерия ҳисобини бошқа ҳисоб турларидан фарқи (хусусиятлари) :

1.Хўжалик жараёнини ёппасига, узлуксиз ва бир-бирига боғлиқ ҳолда ҳисобга олиб боришлиги.

2.Фақат ҳужжатлар асосида иш юритиши.

3.Бошқа ўлчов бирликлари билан бирга доимо пул ўлчов бирлигини қўлланилаши.

Шундай қилиб, хўжалик ҳисоби (ҳисоби) корхона фаолияти тўғрисидаги ахборотларни, корхонани бошқариш ва тегишли қарорлар қабул қилиш корхона бошқарувчиларга ва бошқа ахборотдан фойдаланувчиларга вақтида етказиб беради.

Хар бир фаннинг, шу жумладан бухгалтерия ҳисобининг ҳам ўрганалиган объектлари мавжуд. Ана шу объектлар бухгалтерия ҳисобини предметини ташкил этади.Мамлакатимизда 1996-йил 30 августда “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида ” қонун қабул қилинди. Ушбу қонуннинг 4 – моддасига асосан “Асосий ва жорий активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, захиралар, даромадлар ва харажатлар, фойда, зарарлар ҳамда уларнинг ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг объектларидир”. Шундай қилиб бухгалтерия ҳисобининг объектлари :

1.Корхона активлари. Булар корхонага тегишли бўлиб, асосий қисми моддий кўринишга эга. Буларга : бинолар , иншоотлар, транспорт воситалари, материаллар, маҳсулотлар , харажатлар , пул маблағлари, дебеторлик қарзлари ва ҳ.к.киради. Активлар бухгалтерия ҳисобидан иккига бўлинади :

а) Узок мудатли активлар. Корхона оборотида бир йилда ортиқ иштирок этади. Буларга асосий воситалар, номоддий активлар, узок муддатли молиявий қўйилмалар ва ҳ.к.узок муддатли активларга киради.

б) Айланма активлар. Корхона оборотида бир марта ёки бир йилгача муддатда иштирок этади. Буларга материаллар, тайёр маҳсулотлар, пул маблағлари, дебеторлик қарзлар, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар, тагалланмаган ишлаб чиқариш ва ҳ.к. киради.

2.Корхона капитали. Хусусий капитал, мақсадли молиялаштиришлар, келгуси давр тўловлари ва харажатлари учун резервлар корхона капиталига киради. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуннинг 14- моддасига асосан “Хусусий

капитал – устав капитали, қўшилган ва заҳира капиталларидан ҳамда тақсимланмаган фойдадан таркиб топади”.

3.Корхона мажбуриятлари. Бу корхонанинг молия органлари, банк муасасалари ва бошқа корхона ҳамда шахслардан бўлган қарзиди. Булар ҳам муддатига қараб бўлинади :

а)Узоқ муддатли мажбуриятлар.Тўлов муддати бир йилдан ортиқ бўлган мажбуриятлар. Буларга узоқ муддатли банк кредитлари, ижара мажбуриятлари, узоқ муддатли қарзлар киради.

б)Қисқа муддатли мажбуриятлар.Тўлов муддати бир йилгача бўлган мажбуриятлар. Бўлар қисқа муддатли банк кредитлари ва қарзлар, меҳнат ҳақи бўйича қарзлар, солиқдан қарзлар, таъминотчилардан қарзлар ва ҳ.к.киради.

4.Хўжалик жараёни–хўжалик операцияларининг йиғиндиси.Хўжалик жараёни бўлинади :

а)Таъминот жараёни. Бу жараёнда корхонада ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширишда зарур бўлган корхона активлари, шу жумладан асосий ва айланма активлар сотиб олинади.

б)Ишлаб чиқариш жараёни. Бу жараёнда ходим кучи ёрдамида корхона активларидан фойдаланиб маҳсулот ишлаб чиқарилади ёки иш ва хизматлар бажарилади

в)Сотиш жараёни. Бу жараёнда маҳсулот (иш , хизмат) сотилади ва пулга айлантирилиб келгуси жараёни бошлаш учун шароит яратилади. Шундай қилиб, **бухгалтерия ҳисобининг предмети** корхона активлари, капитали ва мажбуриятларини хўжалик жараёнидаги доиравий айланишига айтилади.

Хар бир ўз предмети ўрганиш учун , шу фан учун хос бўлган усуллардан фойдаланади. Қўйдагилар бухгалтерия ҳисоби фанининг усуллари (методи) ҳисобланади :

1.Хужжатлаштириш – хўжалик операцияларини бухгалтерия хужжатларида акс эттириш жараёни.

2.Инвентаризация – корхона активларини ҳақиқатда мавжудлигини ўлчаб, санаб, тартиб кўриб ҳисоб маълумотлари билан таққослаш жараёнига айтилади. Шунингдек, корхона мажбуриятлари ҳам хужжатлар асосида инвентаризация қилинади. Инвентаризация бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартси № 19 «Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш»га асосан амалга оширилади.

3.Бухгалтерия счётлари – корхона активлари, капитали, мажбуриятлари ва хўжалик жараёнларини алоҳида ҳаракати ва ҳолатини пул ўлчов бирлигида ҳисобга олиш ва назорат қилишдир.

4.Икки ёклама ёзув – хўжалик операцияларни бир счётнинг дебетида, иккинчи бир счётнинг кредитида акс эттиришдир.

5.Баҳолаш – корхона активларини, капитали ва мажбуриятлари қиймат ўлчовида баҳосини аниқлаш усули. Қийматнинг пулдаги ифодаси баҳо дейилади. Корхона активлари ва мажбуриятларини баҳолаш «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасига асосан амалга оширилади.

6.Калькуляция – корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)нинг бир-бирлик таннархини аниқлаш ҳисоб–китоби акс эттирилган жадвал. Маҳсулот (иш, хизмат) бир – бирлигини таннархини аниқлаш жараёни калькуляция қилиш (таннархини аниқлаш) дейилади.

7.Бухгалтерия баланси - корхона активлари, капитали ва мажбуриятларини пул ўлчов бирлигида, маълум бир кунга гуруҳлаб акс эттиришга айтилади. Баланс жадвал кўринишида бўлиб, одатда ойнинг 1 – кунига тузилади.

8.Бухгалтерия ҳисоботи – корхонанинг маълум бир даврдаги фаолияти якуний кўрсаткичларни акс эттирувчи жадваллар йиғиндисига айтилади. Бухгалтерия ҳисоботи -молиявий ва бошқарув ҳисоботига бўлинади. Молиявий ҳисобот шакллари, ҳисобот даври, тақдим этиш ва эълон қилиш «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги корхонанинг 16,17,18,19,20,21-моддалари асосида тартибга солинади.

Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисобининг методи (усули) юқорида кўриб ўтилган 8 элементдан иборатдир.

## **2. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш тамойиллари.**

Бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини шундай ташкил этиш керакки, у тежамли бўлиб, кам маблағ сарфланган ҳолда ички ва ташқи фойдаланувчиларни кўпроқ ахборотлар билан таъминласин.

Бозор муносабатларига ўтиш ва давлат мулкни хусусийлаштириш хўжалик юритишнинг мазмуни, тузилиши ҳамда психологиясида жиддий ўзгаришларга олиб келади. Бу ўз навбатида, бухгалтерия ҳисобида туб ўзгаришларни талаб қилади.

Бухгалтерия ҳисоби халқаро бизнес тили сифатида давлат қонунларининг бажарилишини кафолатлаши, тадбиркорликни ривожлантиришига, мулкни сақлаш ва кўпайишига хизмат қилиши, манфаатдор (инвесторлар, акциядорлар, банклар, фондлар, мол юборувчилар, мол олувчилар, расмий органлар ва ҳ.к.) лар томонидан муҳим иқтисодий қарорларни қабул қилишда (капиталини инвестиция қилиш, бозорга чиқиш, ходимларни ёллаш, солиқ сиёсати, молиялаш манбаларини қидириб топиш, ҳисоблашишлар ва ҳ.к.) зарур бўладиган тўлиқ ва ишонарли ахборотларни ўз вақтида етказиб бериш керак.

Бухгалтерия ҳисобини фермер хўжаликларида ҳозирги замон талаби даражасида ташкил этиш қуйидаги комплекс тадбирлар билан таъминланади:

1.Бухгалтерия ҳисобини қонуний тартибга солиш ва унинг меъёрий базасини шакллантириш билан;

2.Услубий таъминот (йўриқномалар, услубий кўрсатмалар, шарҳлар) билан;

3.Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан;

4.Халқаро профессионал ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш йўли орқали;

5.Ҳисобни бошқариш тизимини қайтадан ташкил этиш йўли билан.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг қуйидаги асосий тамойиллари келтирилган:

- ◆ бухгалтерия ҳисобини иккиёқламали ёзув усулида юритиш;
- ◆ бухгалтерия ҳисобининг узлуксизлиги;
- ◆ актив ва пассив операцияларини пулда баҳолаш;
- ◆ ахборотларнинг ишончилиги;
- ◆ ҳисоблаш;
- ◆ эҳтиёткорлик;
- ◆ шаклдан иқтисодий мазмуннинг устуворлиги;
- ◆ корхона фаолиятининг давомийлик тамойили;

- ◆ ҳисобот кўрсаткичларини тахҳослаб бўлишлиги;
- ◆ молиявий ҳисоботнинг холислиги (бетарафлиги);
- ◆ ўринлилик (жойидалиги);
- ◆ ҳисобот даври даромади ва харажатларининг мувофиқлиги;
- ◆ актив ва мажбуриятларни ҳақиқий баҳолаш.

Қонун фермер хўжаликларининг ички бухгалтерия ҳисоби олдига қуйидаги асосий талабларни қўяди: фермер хўжаликлари раҳбарларининг қонунчиликка итоат қилиши; молиявий ҳисоботда келтирилган ахборотларга ташқи фойдаланувчилар томонидан ишонч ҳосил қилиш мақсадида аудитор томонидан тасдиқлангандан сўнг ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 майигача чоп этиш.

Бухгалтерия ҳисоби юритишнинг тамойилларидан бири махфийлик (ошкор қилмаслик) бўлиб ҳисобланади. Бунда бухгалтерия ҳисоби регистрлари мазмуни билан танишиш маъмурият розилиги ёки қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда рухсат этилади. Бухгалтерия ҳисоби регистрлари билан танишишга рухсат этилган шахслар махфийликни сақлаши керак.

Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини фермер хўжаликлари раҳбари ташкил этади ва у қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ◆ бош бухгалтер раҳбарлигида бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил этиш ёки шартнома асосида жалб қилинган бухгалтерлар хизматидан фойдаланиш;
- ◆ бухгалтерия ҳисобини юритишда шартнома асосида ихтисослашган бухгалтерия фирмаларига ёки таркибига бухгалтерия ҳисоби субъекти кирадиган марказлашган хўжалик бирлашмалари ҳисоб бўлимига топшириш;
- ◆ бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиш.

Фермер хўжаликлари раҳбарларига қўйидагиларни таъминлаш масъулияти юклатилган:

- ◆ ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- ◆ ички ҳисоб ва ҳисобот тизимини ишлаб чиқиш;
- ◆ хўжалик операцияларини назорат қилиш тартиби;
- ◆ тўлиқ ва ишончли бухгалтерия ҳисобини юритиш;
- ◆ ҳисоб ҳужжатларини сақлаш;
- ◆ ташқи ва ички фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботларни тайёрлаш;
- ◆ солиқ ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳужжатларни тайёрлаш;
- ◆ ҳисоб - китобларни ўз вақтида юритиш.

Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини юритишга алоқадор бўлган шахслар бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишда бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойилларига риоя қилишлари керак.

Бухгалтерия аппарати ҳужжатларни ишлаб чиқиши, бухгалтерия регистрларида ҳисоб ёзувларини оқилона олиб бориши ва улар асосида бошқарув ва молиявий ҳисоботларни ўз вақтида тузишлари зарур.

Фермер хўжаликларида бухгалтерия қуйидаги бўлимлардан ташкил топиши мумкин:

- ◆ материал бўлими, бу ерда сотиб олинган материал қийматликларни, материал юборувчилар билан ҳисоб - китобларни, материалларни сақлаш ҳамда фойдаланиш жойлари бўйича кирими ва сарфланишининг ҳисоби юритилади. Унчалик катта бўлмаган фермер хўжаликларининг бу бўлимида асосий

воситалар, арзон ва тез эскирувчи буюмлар ва тайёр маҳсулотлар ҳисоби ҳам юритилади. Йирик фермер хўжаликларида бу участканинг маълумотларини ишлаб чиқиш учун махсус бўлим ташкил этилади;

◆ҳисоблашиш бўлими, бу ерда дастлабки ҳужжатларга асосан иш ҳақи ҳисоблаш ва ундан ушланмалар бўйича барча ҳисоблашишлар олиб борилади, меҳнат ҳақи фонди ва истеъмол фондидан фойдаланиш бўйича назорат амалга оширилади, ижтимоий суғурта ва таъминотга ажратмалар бўйича, пенсия фонди, бандлик фонди ва бошқалар бўйича ҳисоблашишлар ҳисобини олиб боради;

◆ишлаб чиқариш - калькуляция бўлими, бу бўлимда барча турдаги ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар ҳисоби юритилади, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи аниқланади ва ҳисобот тузилади, тугалланмаган ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар таркиби аниқланади;

◆умумий бўлим, бу бўлимда юқорида санаб ўтилган бўлимларда ҳисобга олинмайдиган операциялар ҳисоби юритилади, Бош дафтар юритилади ва бухгалтерия ҳисоботи тузилади. Йирик фермер хўжаликларида молиявий бўлим ажратилиб, унда пул маблағлари, корхона ва айрим шахслар билан ҳисоб - китоблар ҳисоби юритилади. Бухгалтерия фермер хўжаликларининг барча ишлаб чиқариш бўлинмалари билан бевосита муносабатда бўлади. У улардан бухгалтерия ҳисобини юритиш учун тегишли маълумотлар олади, чунончи:

◆кадрлар бўлиmidан - ишга қабул қилинганлиги, ишдан бўшатирилганлиги, таътилга чиққанлиги, корхона ичида бир жойдан иккинчи жойга ўтказилганлиги тўғрисидаги шахслар рўйхати (буйрук)ни алоҳида категория ишловчиларига ҳақ тўлаш ва мукофотлаш, ставкалар, окладлар, штатларнинг ўзгариши тўғрисидаги Низомларини.;

◆омборлардан - товар - материал қийматликларининг ҳаракати (кирим, чиқим, бир жойдан иккинчи жойга ўтказилиши) тўғрисидаги ҳужжатларни;

◆ишлаб чиқариш бўлинмаларидан - айрим хўжалик операциялари (маҳсулотни ишлаб чиқариш ва ҳ.к.) бўйича ҳужжатлар, харажатлар бўйича ишлаб чиқариш ҳисоботи ва бошқаларни;

◆режа бўлиmidан - корхонанинг барча фаолияти бўйича тасдиқланган режа кўрсаткичлари (даромад ва харажатлар сметаси) ни ;

### **3. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш ва ҳисоб сиёсати.**

Фермер хўжаликларидаги ҳисоб ахборотларини бозор иқтисодиёти талабларига жавоб беришига, объектив, ҳаммага тушунарли бўлишида амалдаги меъёрий базага боғлиқ.

Ўзбекистон ҳудудида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкилий – услубий асосини 1996 йил 30 августида қабул қилиш қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 5 февралда тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом», Бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандартлари ҳамда корхонанинг ҳисоб сиёсати ташкил этади. Бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандарти № 21 - сонли «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий - хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби сўётлар режаси ва уни

қўллаш бўйича йўриқнома» 2004 йилнинг 1 январидан амалга тадбиқ этилди. Шу билан бирга фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг умумий қоидаларини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 26 мартда 1781-сон билан рўйхатга олинган Молия вазирлиги ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2008 йил 21 январдаги 1, 1/2-сон қарори билан тасдиқланган «Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисида НИЗОМ» тартибга солади.

Бу меъёрий ҳужжатлар фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг умумий қоидаларини белгилайди, шунингдек кимнинг қарамоғида бўлиши, мулк шакллари ҳамда фаолият турларидан қатъий назар барча корхона ва ташкилотларга ҳам тегишлидир.

Шу билан бирга фермер хўжаликлари бу меъёрий ҳужжатларга асосланиб хўжалик юритишнинг ташкилий - ҳуқуқий шакллари, тармоқ хусусиятлари ва фаолият харакредитерлари, ходимлар малакаси ва бошқа вазифаларни инобатга олган ҳолда бухгалтерия ҳисоби ҳамда назоратни ташкил этиш усулларини ўзлари мустақил белгилаш ҳуқуқига эга.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам ундан ташқарида жойлашган барча Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган давлат ташкилотлари ва бошқармалари, юридик шахслар, уларнинг шўъба корхоналари, филиаллари, вакилликлари ва бошқа ташкилий бўлинмалари бухгалтерия ҳисобининг субъектлари эканлигини белгилайди.

Бухгалтерия ҳисобининг мақсади фойдаланувчиларни тўлиқ, ишонарли, ўз вақтида тузилган молиявий ва бухгалтерия ҳисобининг бошқа ахборотлари билан таъминлаш бўлиб ҳисобланади.

Бу мақсадга муваффақиятли эришиш учун бухгалтерия ҳисоби қуйидаги вазифаларни ҳал этиши керак:

- ♦ бухгалтерия ҳисоби счётларида активлар ҳолати ва ҳаракати, мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳолати тўғрисида тўлиқ, ишонарли маълумотларни шакллантириш;

- ♦ самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;

- ♦ молиявий, солиқ ва бошқа ҳисоботларни тузиш.

Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби маълум қоидалар ва тамойиллар бўйича юритилади.

Тамойил ва қоидаларнинг шундай мажмуини ўрнатиш керакки, уни амалда қўллаш ҳисоб юритишининг максимал самарасини таъминласин. Бунда самара деб молиявий ва бошқарув ахборотларни ўз вақтида шакллантириш кенг доирадаги фойдаланувчилар учун ишончилиги, равонлиги ва фойдалилигини таъминлаш тушунилади.

Назарий жиҳатдан фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларини ўрнатишга уч хил ёндошиш мавжуд:

Марказлаштирилган - бунда бухгалтерия ҳисобини юритиш ягона марказдан бошқарилади;

Марказлаштирилмаган - ҳар бир хўжалик субъекти учун бухгалтерия ҳисоби қоидаларини индивидуаллаштириш. Бу хил ёндошиш ҳисоб ишларини фаолият

харакредитерига айнан мос келишини таъминлагани билан бу бозор иқтисодиёти шароитида тўғри келмайди;

Аралаш - бу биринчи ва иккинчи ёндошишни оқилона бирлаштиришдир.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, аралаш усулда марказлаштирилган тартибда қуйидагилар белгиланади.

Молиявий ахборотларнинг ишончлилиги, таққосланувчанлиги ва фойдалилигини таъминлайдиган ҳисоб юритишнинг асосий қоида ҳамда тамойилларини белгилаш.

Ҳисоб юритишнинг умумий қоидалари ва тамойиллари ҳар бир корхонанинг фаолият кўрсатиш шароитлари, ходимлар квалификацияси, мавжуд бошқарув техник базасидан келиб чиққан қолда конкретлаштирилади. Бошқача қилиб айтганда корхона ўзининг ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

№1БҲМС”Молиявий ҳисобот ва ҳисоб сиёсати”га асосан фермер хўжаликлари ҳар бир хўжалик йили учун ўз ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши керак.

Бухгалтерия сиёсатига хўжалик фаолияти факредитларини гуруҳлаш ва баҳолаш, активлар қийматини ҳисобдан чиқариш, ҳужжат айланиш ва инвентаризацияни ташкил этиш усуллари, бухгалтерия ҳисоби счётларини қўллаш усуллари, ҳисоб тизими, ахборотларни ишлаб чиқиш ва бошқа тегишли усуллар киради.Шундай қилиб **ҳисоб сиёсати** бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари йиғиндисидан иборат.

Бу ҳисоб сиёсатида моддий қийматликларни тайёрлаш, сотиб олиш ва баҳолаш қоидалари ҳамда тартиби, буюмларни асосий воситалар, инвентар ва хўжалик жиҳозларига киритиш мезони, уларнинг эскириши, тайёр маҳсулотларни баҳолаш ва сотиш тартиби, бухгалтерия ҳисобини иш счётлар режасини ишлаб чиқиш белгиланади. Навбатдаги ҳисобот йили учун ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсати фермер хўжаликлари раҳбари томонидан тасдиқлангандан сўнг юридик кучга эга ҳужжат статусига эга бўлади.

Фермер хўжаликларининг ҳисоб сиёсати фермер хўжаликлари раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланади.

Ҳисоб сиёсатининг шакллантиришда субъект томонидан қабул қилинган бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари буйруқ чиққан йилдан кейинги йилнинг 1 январидан қўлланилади. Бунда хўжалик субъекти бўлинмаларининг жойлашган жойларидан қатъи назар, барча структуравий бўлинмалари томонидан қўлланилади.

Янги ташкил этилган Фермер хўжаликлари қабул қилган ҳисоб сиёсатини корхонанинг молиявий ҳисоботини матбуотда биринчи нашр этилишигача, лекин давлат рўйхатидан ўтган санадан 90 кундан кечикмасдан расмийлаштириши керак. Календар йили ичида ҳисоб сиёсати ўзгартирилмайди.

Фақат қуйидаги ҳолларда фермер хўжаликларининг ҳисоб сиёсати ўзгариши мумкин:

1. Фермер хўжаликлари қайтадан ташкил этилса (бирлашиш, ажралиш);
2. Мулкдорларнинг алмашиши натижасида;
3. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ўзгарса ёки Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи норматив тизимида ўзгариш бўлса;

4.Бухгалтерия ҳисобининг янги усуллари ишлаб чиқилса.

Ҳисоб сиёсати олдига қуйидаги асосий талаблар қўйилади:

- ◆ Тўлиқлилик (барча факредитларни ҳисобда тўлиқ акс эттиришни таъминлаш);
- ◆ Эҳтиёткорлик - нобудгарчиликларни акс эттиришга тайёр бўлиш;
- ◆ Мазмуннинг шаклдан устунлиги (операцияларни иқтисодий мазмунига қараб акс эттирилиши);
- ◆ Қарама-қаршиликсиз(синтетик ва аналитик ҳисоблар маълумотларининг тенглиги);
- ◆ Оқилоналилик (ҳисобни тежамкорлик билан юритиш).

Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби”Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисида низом”( Молия вазирлиги ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2008 йил 21 январдаги 1,1/2-сон қарори билан тасдиқланган, Адлия вазирлиги томонидан 26.03.2008 йилда 1781-сон билан рўйхатга олинган) асосида ташкил этилади. Фермер хўжаликлари, ўз хўжалик фаолиятларининг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, ҳисоб сиёсатини мустақил равишда шакллантиради. Бухгалтерия ҳисоби фермер хўжаликлари томонидан қонунчилик билан белгиланган ягона услубий асослар ва тартибга мувофиқ юритилади. Бунда фермер хўжалиги қўлланилаётган бухгалтерия ҳисоби регистрларини, қуйидаги талабларга риоя қилган ҳолда, мустақил равишда ўз фаолиятининг хусусиятларига мослаштириши мумкин:

- а) ягона услубий асос (икки ёқлама ёзув тамойили);
- б) аналитик ва синтетик ҳисоб маълумотларининг ўзаро боғлиқлиги;
- в) бошланғич ҳужжатлар асосида барча хўжалик операцияларининг ҳисоб регистрларида ёппасига акс эттириш;
- г) бошланғич ҳужжатлар маълумотларини фермер хўжалигини бошқариш, назорат қилиш ва хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш, шунингдек молиявий ҳисоботни тузиш учун зарур бўладиган кўрсаткичлар бўйича жамлаш ва тизимлаш.

Фермер хўжаликларида хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш учун асос бўлиб, операцияларнинг ҳақиқатда амалга оширилганлигини қайд этадиган ва уларни амалга ошириш учун фармойиш берадиган бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ҳисобланади. Фермер хўжаликларида бошланғич ҳисоб ҳужжатлари хўжалик операциялари амалга ошилган пайтда ёки улар содир этилгандан сўнг дарҳол (кечикредитирмасдан) тузилади.

Фермер хўжаликларида тузиладиган бошланғич ҳужжатларнинг мажбурий реквизитлари, уларни тузиш, қабул қилиш, сақлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби, шунингдек ҳужжатлар айланмасини амалга ошириш тартиби «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2003 йил 23 декабрдаги 131-сонли буйруғи билан тасдиқланган Бухгалтерлик ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги низомга мувофиқ тартибга солинади.

Бошланғич ҳужжатлар қонунчиликда белгиланган намунавий шаклларда ёки фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган бланкаларда тузилади.

Фермер хўжалигига келиб тушадиган бошланғич ҳужжатлар албатта текширилиши шарт. Бунда текшириш шакл бўйича (ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши тўлиқлиги ва тўғрилиги, реквизитларнинг тўлдирилиши), мазмун бўйича (ҳужжатлаштирилган операцияларнинг қонунийлиги, алоҳида кўрсаткичларнинг мантиқий боғлиқлиги) амалга оширилади.

Ҳисобни соддалаштирилган шаклда ташкил этиш учун фермер хўжалиги хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлар Режасини тузади, бу эса маблағлар ва улар манбаларининг ҳисобини асосий счётлар бўйича юритиш имкониятини яратади ва шу билан мулкнинг мавжудлиги ва сақланиши, мажбуриятларнинг бажарилиши ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг ишончлилиги устидан назоратни таъминлайди.

Фермер хўжаликлари бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлар Режасини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 9 сентябр даги 103-сонли буйруғи билан тасдиқланган, Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сонли БҲМС) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»га ва Молия вазирлиги ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2008 йил 21 январдаги 1, 1/2-сон қарори билан тасдиқланган, Адлия вазирлигида 2008 йил 26 мартда 1781-сон билан рўйхатга олинган “Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисида Низом”нинг 1-иловасида келтирилган Фермер хўжаликларининг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби намунавий Счётлар режасига мувофиқ тузади. Хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлар режасида фермер хўжалигининг ҳисоб сиёсатига асосан қонунчиликда белгиланган тартибда акс эттирилиши лозим.

Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг шакли қуйидаги шакллар бўйича юритилиши мумкин:

- а) бухгалтерия ҳисобининг оддий шакли;
- б) бухгалтерия ҳисобининг комбинациялашган шакли.

Фермер хўжалиги ўзининг ишлаб чиқариш ва бошқарув талабларидан келиб чиққан ҳолда бухгалтерия ҳисоби шаклини мустақил танлайди.

**Мавзун мустақил ўзлаштириш бўйича саволлар :**

- 1.Хўжалик ҳисоби (ҳисоби) ҳақида тушунча.
- 2.Хўжалик ҳисоби (ҳисоби)да қўлланиладиган ўлчов бирликлари.
- 3.Хўжалик ҳисоби (ҳисоби)нинг бирлиги ва хусусиятлари.
- 4.Бухгалтерия ҳисоби объектлари .
- 5.Корхона активлари ва уларни туркумланиши .
- 6.Корхона капитали ҳақида тушунча.
- 7.Мажбуриятларини туркумланиши .
- 8.Бухгалтерия ҳисоби услублари (методлари).
- 9.Калькуляция ва баҳолаш услублари (методлари)
- 10.Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш тамойиллари.

- 11.Бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш ва унинг меъёрий базаси.
- 12.Бухгалтерия ҳисобини услубий таъминоти.
- 13.Бухгалтерия ва унинг бошқа бўлинмалар билан алоқаси.
- 14.Бухгалтерия ҳисобининг вазифалар.
- 15.Ҳисоб сиёсатининг моҳияти ва аҳамияти.
- 16.Қайси ҳолларда хўжалик юритувчи субъект ҳисоб сиёсатини ўзгартириши мумкин?
- 17.»Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни моҳияти ва аҳамияти.

## **2-МАВЗУ: Фермер хўжаликларида пул маблағлари ва қимматли қоғозлар ҳисоби.**

### **Режа.**

- 1.Пул маблағларининг фермер хўжаликлари иқтисодиётидаги ўрни ва ҳисобнинг вазифалари.**
- 2.Фермер хўжаликларида касса операциялари ҳисоби.**
- 3.Фермер хўжаликларининг банкдаги ҳисоб-китоб счёти операцияларининг ҳисоби.**
- 4.Фермер хўжаликларининг банкдаги валюта счёти операцияларининг ва бошқа пул маблағларининг ҳисоби.**
- 5.Фермер хўжаликларида қимматли қоғозлар ҳисоби.**

### **“Таянч” иборалар:**

«Ҳисоб-китоб счёти», «Валюта счёти», «Чек дафтарчаси», «Акцепт», «Инкассо», «Тўлов топшириқномаси», «Тўлов талабномаси», «Меъмориал ордер», «Аккредитив», «Касса дафтари», «Касса қирим-чиқим ордерлари», «Тўлов қайдномаси», «Далолотнома», «Кассир ҳисоботи», «Қиска ва узоқ муддатли кредитлар», «Банк кўчирмаси», «Акция», «Облигация».

### **1.Пул маблағларининг фермер хўжаликлари иқтисодиётидаги ўрни ва ҳисобнинг вазифалари.**

Бозор иқтисодиёти шароитида пул билан боғлиқ ҳисоб китоблардан самарали фойдаланиш фермер хўжаликлари иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминловчи асосий омилларидан биридир. Чунки фермер хўжаликлари фаолиятининг узлуксиз давом этишини таъминлаш учун зарур ишлаб чиқариш заҳиралари ва меҳнат воситалари сотиб олиш, ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш, давлат бюджети ва бюджетидан ташқари фондлар учун тўловларни амалга ошириш учун маълум миқдорда пул талаб қилинади. Шунинг учун ҳам фермер хўжаликлари мавжуд пул маблағларини юқорида кўрсатилган мақсадларга сарфлашда иқтисодий жиҳатдан манфаатли ва тежамли бўлган ҳамда корхонага ўз маблағларидан рационал фойдаланиш имконини беришни биринчи навбатда ҳисобга олиш зарур. Бозор муносабатлари шароитида пул маблағлари ва улардан самарали фойдаланиш учун фермер хўжаликларининг бошқарув аппаратида пул маблағлари ва уларнинг ҳаракати тўғрисидаги зарур маълумотларни бухгалтерия ҳисоби беради.

Маълумки, иқтисодий ривожланишининг барча босқичларида пул билан боғлиқ ҳисоб китоблар алоҳида аҳамиятга эга бўлган ва уларни ҳисобга олиш тартиби ўша даврдаги иқтисодий ривожланиши даражасидан келиб чиққан. Чунки ҳар қандай босқичда иқтисодий ривожланиши у ёки бу моделга амал қилган ва унинг ажралмас қисми сифатида эса бухгалтерия ҳисоби иштирок этган. Тараққиётнинг юқори поғонасига кўтарилиш эса ҳар доим иқтисодий фанларининг, жумладан, бухгалтерия ҳисоби фанининг ривожланишини ҳам белгилаб берган ва уларга ҳам таъсир этган. Бозор муносабатларининг чуқурлашуви ҳисоб-китоблар ҳисобининг услубий асослари ва уларнинг ҳаракатини ифодаловчи кўрсаткичларнинг сифат жиҳатидан ўзгартирди. Шунинг учун ҳам пул билан боғлиқ ҳисоб-китобларнинг ҳисобини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий ҳужжатлар тубдан қайта кўриб чиқилди.

Фермер хўжаликларида амалга оширадиган ҳар қандай фаолият тури пул маблағларини талаб қилади. Фермер хўжаликларида пул маблағлари асосан маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан, шунингдек қимматбаҳо қоғозларни ва мол-мулкни сотишдан келиб тушади. Фермер хўжаликлари ўзига тегишли бўлган пул маблағларини ўзининг асосий ва қўшимча фаолиятни ривожлантириш, товар моддий қийматликларини сотиб олиш, ходимларга иш ҳақи тўлаш, капитал қўйилмаларни (ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектларни қуриш, автомобиллар, тракторлар ва бошқа асосий воситаларни сотиб олиш, кўп йиллик мевали ва манзарали дарахтларни ўтқозиш ва ўстириш, шунингдек асосий подани ташкил қилиш) ўзлаштириш ва давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондларга ва бошқа юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатган хизматлари учун сарфлаши мумкин.

Фермер хўжаликларининг пул маблағларини ташкил топиши, сақланиши ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан назорат қилинади. 1998 йил 12 декабрда рўйхатга олинган ва 1998 йил 24 январда Ўзбекистон Адлия Вазирлиги томонидан тасдиқланган «Юридик шахсларнинг касса муаммоларини юритиш қоидалари»да батафсил ёритиб берилган.

Пул маблағларининг қайси манбалардан ташкил топиши ва уларнинг сарфланишини асосий аҳамияти эса «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни асосида ишлаб чиқилган ва бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандартларининг 9-сон «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот»ида аниқ кўрсатилиб ўтилган бўлиб, у Ўзбекистон Молия Вазирлиги 1998 йил 16 окредитябрда тасдиқланган ва Ўзбекистон Адлия Вазирлиги томонидан 1998 йил 4 окредитябрда рўйхатга олинган.

«Юридик шахсларнинг касса муаммоларини юритиш қоидалари»да барча юридик шахслар, жумладан фермер хўжаликлари ҳам қуйидагиларга амал қилиши шарт:

- ◇ пул маблағларини банк муассасаларида сақлашлари шарт;
- ◇ юридик шахслар ўртасидаги, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи фуқаролар иштирокидаги ҳисоблашлар фақат банк муассасалари орқали ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз шаклида амалга оширилиши зарур;

- ◊ банк муассасасидан олинган нақд пуллар қайси мақсадлар учун олинган бўлса, ўша мақсадларга сарфланиши лозим;
- ◊ фермер хўжаликлари ўз кассасида белгиланган лимит чегарасидаги пул маблағларини сақлаши мумкин;
- ◊ фермер хўжаликлари ўз кассасида лимитдан ортиқча нақд пулларни фақат меҳнат ҳақи, стипендия, мукофот, нафақа бериш вақтида 3 кун муддатда сақлаши мумкин;
- ◊ савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларидан келиб тушган тушумларни меҳнат ҳақи, пенсия ва нафақаларни тўлаш учун сарфлаш тақиқланган;
- ◊ хизмат сафарлари учун бериладиган пул қиймати ўша ҳудудда белгиланган сарф-харажатлар меъёрида бўлиши зарур;
- ◊ сарфланмаган нақд пуллар фермер хўжаликлари кассасига 3 кун ичида қайтарилиши шарт ва нақд пул олган ҳисобдор шахс бухгалтерияга аванс ҳисоботи топшириши шарт.

Пул маблағларининг сақланиши ва уларнинг тўғри фойдаланиш жавобгарлиги фермер хўжаликлари раҳбари ва бухгалтерига юклатилади. Улар касса ва банк муаммолари қоидаларига риоя қилиши ва уларни белгиланган қатъий тартибда тўғри расмийлаштиришлари зарур. Ишлаб чиқариш жараёни узлуксиз бўлганлиги учун фермер хўжаликлари маблағлари бир вақтнинг ўзида айланишнинг барча босқичида бўлиши мумкин, бунда пул маблағлари корхона иқтисодиётида алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларида: таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш босқичларида пул маблағлари зарур миқдорда сарфланади. Шунинг учун ҳам корхонада доимо маълум миқдорда пул маблағларига эҳтиёж бўлиши мумкин.

Пул маблағлари ҳисобининг олдида қуйидаги асосий вазифалар қўйилади:

- фермер хўжаликларининг пул маблағларини самарали бошқариш учун бошқарувчиларни зарур маълумотлар билан таъминлаш;
- тўлов ва ҳисоб-китобларни, пул билан боғлиқ операцияларини тартибга солувчи меъерий ҳужжатларда кўрсатилган тартибларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида амалга ошириш;
- ҳисоб регистрларида пул маблағларини нақдлиги ва ҳаракатларини ўз вақтида акс эттириш;
- пул маблағларининг белгиланган мақсадларга сарфланиши, смета ва лимитларга амал қилинишини назорат қилиш;
- пул маблағларининг инвентаризациясини белгиланган муддатларда ўтказишини таъминлаш ва ўзаро ҳисоб-китоблар, муддати ўтган дебеторлик ва кредиторлик қарзларини тўланишини назорат қилиш;
- кассадаги, ҳисоб-китоб, валюта ва банкдаги бошқа счётларда сақланаётган пул маблағларининг сақланишининг назоратини таъминлаш;
- пул ресурсларининг ҳаракат оқимини прогнозлаш ва оптималлаштириш бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш.

Ушбу масалаларнинг муваффақиятли бажарилиши фермер хўжаликларининг пул маблағларидан самарали фойдаланишни таъминловчи бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятини яратади. Албатта, юқоридаги

вазифаларни бажариш учун пул маблағларининг бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилиш зарур бўлади.

## **2. Фермер хўжаликларида касса операциялари ҳисоби**

Фермер хўжаликларида касса операцияларини юритиш ва расмийлаштириш тартиби "Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари" га асосан олиб борилади. Ушбу Қоидалар "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида"ги Қонуннинг 36-моддасига мувофиқ равишда ишлаб чиқилган. Бу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 24 январь (1\16-сонли баённома) № 376 билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 17 декабрда № 565 руйхатга олинган.

Тасдиқланган қоидаларга мувофиқ фермер хўжаликлари ўзларининг пул маблағларини кундалик эҳтиёж учун зарур бўлганларини кассада, қолганларини банк муассасаларида сақлашлари лозим.

Юридик шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ фуқаролар иштирокидаги ҳисоб-китоблар банк муассасалари орқали фақат нақд пулсиз тартибда амалга оширилади.

Фермер хўжаликлари томонидан банк муассасаларидан кассага олинган нақд пуллар қандай мақсадлар учун олинган бўлса, фақат шунга сарфланади. Аммо маълум белгиланган лимит миқдоридagi пул маблағлари корхона кассасида ҳам сақланади. Ҳисоб-китоб счётидан кассага олинган пул ходимларга иш ҳақи, мукофот тўлаш, нафақа бериш, хизмат сафари харажатларини қоплаш ва бошқа мақсадлар учун сарфланади. Банкдан олинган маблағлар белгиланган мақсадлар учун сарфланиши лозим. Сақланаётган пул маблағларининг белгиланган лимитдан ортиб кетиш ҳоллари фақат иш ҳақи, нафақа, мукофот бериш кунларида юз бериши мумкин.

Касса операциялари моддий жавобгар шахс бўлган кассир томонидан юритилади. Банкдан пул олиш учун корхонага "Чек дафтарчаси" берилиб, унда банкдан олинadиган пулнинг миқдори ва қандай мақсад учун олинаётгани кўрсатилади. Пул маблағларининг ҳаракатини расмийлаштирувчи асосий ҳужжат касса ордерлари ҳисобланади. Нақд пул кассага "Касса кириш ордери"ни расмийлаштириш билан қабул қилинади. Бу ордер бош бухгалтер ва кассир томонидан имзоланади. Пулни топширган шахсга квитанция берилади. Кассадан пул берилиши "Касса чиқим ордери" билан расмийлаштирилади. Бу ордер фермер хўжалиги раҳбари ва бош бухгалтер, кассир томонидан имзоланади. Чиқим ордерида пул нима учун берилгани кўрсатилади ва унга асос бўлувчи ҳужжат ордерга қўшиб қўйилади. Ордерларга қўшиб қўйилган дастлабки ҳужжатларга тегишли операция содир қилингандан сўнг (шу ҳужжатлар иккинчи марта фойдаланмаслиги учун) "Олинган" ёки "Тўланган" деган штамп қўйилади. Кассадан пул (пул бериш ҳақидаги аризага кўра) тўлов ведомости асосида ҳам берилади. Бу ҳолда, ҳужжатларга касса чиқим ордери ўрнини босувчи штамп қўйилади.

Иш ҳақи, мукофот, нафақа бериш ҳақидаги тўлов ведомостларида корхона раҳбари ва бошқа бухгалтернинг пулни бериш тўғрисидаги рухсат ёзуви бўлиши лозим. Касса ҳужжатлари кассага берилгунга қадар бухгалтерияда касса кирим ордерларини рўйхатга олиш журнаliga ёзиб қўйилади. Шундай қилиб, бухгалтерия ходимлари касса операцияларини юритиш бўйича назорат олиб бориш имкониятига эга бўлади.

Бухгалтерия тўлов ведомостларида кассирлар томонидан қайд этилган ёзувларни текширади, ҳамда улар бўйича берилган ва депонентга ўтказилган суммаларни ҳисоблаб чиқади.

Депонентга ўтказилган суммалар банк муассасаларига топширилади ва торширилган суммаларга битта умумий чиқим касса ордери тузилади.

Касса кирим ордерлари ва уларнинг квитанциялари, шунингдек касса чиқим ордерлари ва уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатлар бухгалтерия томонидан сиёҳли ёки шарикли ручка билан аниқ ва раво ёзилиб тўлдирилиши ёки ёзув машинкаси, ҳисоблаш машинкасида ёзилиши лозим. Бу ҳужжатларда устидан ўчириб ёзиш, тузатишлар киритиш, изоҳлари бўлган ҳолда ёзишга йўл қўйилмайди.

Фермер хўжаликларда кассага барча пул тушумлари ва кассадан нақд пул берилиши “Касса дафтари”да ҳисобга олинади.

Фермер хўжаликлари фақат битта “Касса дафтари”ни юритади, бу дафтар варақлари рақамланган, ип ўтказилган ва унга сургучли ёки мастикали муҳр босилган бўлиши лозим. Касса дафтаридаги варақлар сони фермер хўжалиги раҳбари ва бош бухгалтери имзолари билан тасдиқланади.

Касса дафтаридаги ёзувлар икки нусхада шарикли ручкада қайд этилади. Варақларнинг иккинчи нусхаси йиртиб олинadиган бўлиши керак, улар кассирни ҳисобот бериши учун хизмат қилади. Варақларнинг биринчи нусхаси касса дафтарида қолади. Варақларнинг биринчи ва иккинчи нусхалари бир хил рақамлар билан рақамланади.

Касса дафтарига ўчириб ёзиш ва изоҳлар киритиш ман этилади. Тузатишлар корхона кассири, шунингдек, бош бухгалтер ва унинг ўрнини босадиган шахснинг имзолари билан тасдиқланади.

Касса дафтарига ёзувлар ҳар бир ордер ёки унинг ўрнига ўтадиган бошқа ҳужжат бўйича пул берилганидан ёки пул олинганидан кейин кассир томонидан дарҳол қайд этилади. Ҳар куни иш куни охирида кассир бир кунлик операциялар якунини ҳисоблайди, кассада қолган пуллар қолдиғини кейинги кун санасига ўтказади ва бухгалтерияга кассир ҳисоботи сифатида йиртиб олинган иккинчи варақни кирим ва чиқим касса ҳужжатлари билан бирга касса дафтарига имзо чекиб топширади.

Агар фермер хўжаликларида ҳар куни операциялар бажарилмаса, касса ҳисоботлари операциялар бажарилган кунларида тузилиши мумкин.

Фермер хўжаликларида кассасидаги пул маблағларининг нақдлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари”;

5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари”.

Фермер хўжаликларида кассасидаги пул маблағларининг нақдлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш асосан 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари”счётида олиб борилади,чунки кўпчилик фермер хўжаликларида чет эл валютасида операциялар амалга оширилмайди. Чет эл валютасидаги операциялар тўғридан-тўғри четга маҳсулот экспорт қилувчи фермер хўжаликларида учрайди.

Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг (5000) дебети бўйича фермер хўжаликлари кассасига келиб тушган пул маблағлари акс эттирилади. Кредити бўйича фермер хўжаликлари кассасидан тўланадиган пул маблағлари ва лимитдан ортиқча пулни банкка топшириш акс эттирилади.

**Фермер хўжаликларида 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари”  
счётининг корреспонденцияси**

| Т<br>/р | Хўжалик операцияларининг мазмуни                                                                                        | Счётларнинг<br>боғланиши |            |
|---------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------|------------|
|         |                                                                                                                         | Дебет                    | Кредит     |
| 1       | Маҳсулот, иш ва хизматларнинг нақд пулга сотилиши                                                                       | 5010                     | 9010-9030  |
| 2       | Асосий воситалар ва бошқа активларни сотишдан тушумнинг нақд пулда олинishi                                             | 5010                     | 9210-9220  |
| 3       | Банкдаги тегишли счётлардан пул маблағлари кассага келиб тушди (иш ҳақи, нафақа, мукофотлар ва шу кабиларни бериш учун) | 5010                     | 5110-5530  |
| 4       | Ҳисобдор шахслар томонидан ишлатилмаган олдин олинган авансларнинг қайтарилиши                                          | 5010                     | 4220-4290  |
| 5       | Комунал хизматлар, алоқа хизматлари ва бошқа тўловларнинг келиб тушиши                                                  | 5010                     | 4890       |
| 6       | Ходимларга алоҳида уй-жой қуришга қарз бериш учун кредит суммаси нақд пулда олинди                                      | 5010                     | 6810, 7810 |
| 7       | Пул маблағлари кассадан топширилди ва банкдаги ҳисоб-китоб счётига ўтказилди                                            | 5110-5530                | 5010       |
| 8       | Ҳисобланган меҳнат ҳақи ва бошқа тўловлар берилди (мукофот ва шу кабилар)                                               | 6710                     | 5010       |
| 9       | Ҳисобдор шахсларга аванс суммалари берилди                                                                              | 4220                     | 5010       |
| 10      | Фермер хўжаликлари ходимларга берилган қарз суммаси                                                                     | 4720                     | 5010       |
| 11      | Табиий офатлар билан боғлиқ турли хил қопланмайдиган харажатлар тўланиши                                                | 9720                     | 5010       |
| 12      | Пул маблағларининг камомади (инвентаризация натижасида)                                                                 | 4730                     | 5010       |

**3. Фермер хўжаликларининг банкдаги ҳисоб-китоб счёти  
операцияларининг ҳисоби.**

Хар бир фермер хўжаликлари банкда ҳисоб-китоб счёти очади. Ҳисоб-китоб счёти очиш учун фермер хўжаликлари банкга қуйидаги ҳужжатларни топширади:

1. Ҳисоб-китоб счёти очиш учун белгиланган шаклдаги ариза. Бу аризага фермер хўжалиги раҳбари ва бош бухгалтери имзо қўяди: имзолар қўйилган ва юмалоқ муҳр босилган карточка (икки нусхада) нотариус томонидан тасдиқланади.

2. Фермер хўжалиги ташкил этилганлиги тўғрисида юқори ташкилот қарори.

3. Фермер хўжалигининг Низомидан кўчирма.

4. Бошқа тегишли ҳужжатлар.

Ҳисоб-китоб счётида фермер хўжаликлари ўз пул маблағларини сақлайдилар ва турли ташкилотлар билан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар олиб борадилар. Фермер хўжаликларининг пул маблағлари ҳисоб-китоб счётида сақланганлиги учун банк маълум миқдорда фоиз тўлайди.

Фермер хўжаликларининг ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари қуйидаги хўжалик операциялари натижасида кўпайиши мумкин: сотилган маҳсулотлар учун пул олинганда; чет ташкилотларга бажарилган иш ва хизматлар учун пул олинганда; банклардан ссудалар олинганда; кассадаги лимитдан ортиқча пуллар ўтказилганда; асосий хўжалик фаолиятидан бошқа даромадлар тушганда. Ҳисоб-китоб счётига тушадиган пул маблағлари банк қоидаларига мувофиқ намунавий ҳужжатлар асосида расмийлаштирилади. Масалан, сотилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар учун тайёрлов ташкилотлари ва бошқа хўжаликлардан тушадиган пулларни банк бу ташкилотларнинг ўз қарзлари учун пул ўтказиши тўғрисидаги ҳужжатларига асосан ўтказди. Корхона кассадаги нақд пулини банкдаги ҳисоб-китоб счётига “Нақд пулни олиб бориш эълони”га асосан топширади. Бунда банк пул қабул қилинганлиги тўғрисида квитанция беради. Айрим ҳолларда товар операцияларига доир пул мол юбуровчининг ҳужжатларига асосан ҳам ундирилиши мумкин. Бундай ҳолларда фермер хўжаликлари ўзига хизмат кўрсатувчи банкка махсус ҳужжат “Тўлов талабномаси” ёзиб топширади. Банк шу ҳужжатга асосан ҳисобланган пулларни тўловчи счётидан мол юбуровчининг счётига ўтказди.

Фермер хўжаликларининг ҳисоб-китоб счётидаги пул қуйидаги тўловлар ҳисобига камайиши мумкин: бошқа ташкилот ва корхоналардан олинган мол ва моддий бойликлар ҳамда кўрсатилган хизматлар учун пул тўлаганда; меҳнатга ҳақ тўлаш ва турли хўжалик эҳтиёжлари учун кассага нақд пул олиб келинганда; давлат бюджети ва суғурта органларига мажбурият юзасидан пул ўтказиб берилганда; банкдан олинган ссудалар ва уларнинг фоизи қайтарилганда; хўжалик фаолиятига доир бошқа тўловлар тўланганда. Нақд пул ҳисоб-китоб счётидан пул чекига асосан берилади. Фермер хўжаликларининг фармойиши билан тўланадиган бошқа барча нақд пулсиз тўловлар “Тўлов топшириғи”га асосан расмийлаштирилади. Бу ҳужжат уч нусхада тузилиб банкка топширилади. Тўлов топшириғининг 1- 2- нусхасини банк олиб қолади, 3 нусхасига пул тўланганлиги тўғрисида белги қўйиб фермер хўжалигига қайтариб беради. Банк фермер хўжаликларининг ҳисоб-китоб счётидан мустақил равишда мол юбуровчининг тўлов талабномасига асосан ҳақдор ташкилотга пул ўтказиши мумкин. Бундай вақтда тўловчи корхонадан ҳеч қандай фармойиш ҳужжатлари талаб қилинмайди. Фермер хўжаликлари ҳақ тўлашини белгиланган тартибда асосли рад этган вақтдагина банк пул ўтказиб

бермайди. Баъзи ҳужжатларга асосан банк фермер хўжаликларининг ҳисоб-китоб счётидан сўзсиз (тўловчининг рози бўлиши ёки бўлмаслигига қарамасдан) пул олади. Бундай ҳужжатларга суднинг ижро варақалари, давлат арбитражи органларининг буйруқлари киради. Бундай ҳужжатларга асосан кредитор ташкилот тўлов талабномаси ёзиб банкка топширади. Банк бу пулни сўзсиз ундириб беради. Фермер хўжаликларининг ҳисоб-китоб счётидан сарфланадиган пулни банк томонидан ҳужжатларнинг келиб тушиш кетма-кетлигига қараб тўлайди. Фермер хўжаликларининг ўз ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари ҳаракати устидан назорат қилиб туриш учун банкдан вақти-вақти билан “Банк кўчирмаси”ни олиб туради. Бу кўчирма ҳисоб-китоб счёти бўйича банкда юритиладиган шахсий счётнинг иккинчи нусхаси ҳисобланади. Кўчирмада ҳисоб-китоб счётига тушган ва ундан тўланган ҳамма пул маблағлари кўрсатилади. Пул маблағлари хўжаликнинг буйруғидан ташқари ҳисоб-китоб счётидан сарфланган ҳолларда кўчирмага тегишли ҳужжатлар илова қилинади. Бунда шуни эътиборга олиш керакки, банк учун фермер хўжаликларининг ҳисоб-китоб счётлари пассив счёт бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун унинг кредитида кўпайиши, дебитида камайиши акс эттирилади. Банклар (Фермер хўжаликлари билан келишган ҳолда) кўчирмани бериш муддатини белгилайди, шу билан бирга кўчирмани текшириш муддати, яъни банк ёзувларига норозилик билдириш муддати ҳам белгиланади. Кўчирмаларни текшириш пайтида аниқланган хатолар ҳисоб-китоб счётида банк томонидан ёзилган суммада акс эттирилади.

Фермер хўжаликларининг банкдаги ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 5110 “Ҳисоб-китоб счёти”да амалга оширилади.

5110 “Ҳисоб-китоб счёти”нинг дебети бўйича корхонанинг ҳисоб-китоб счётига пул маблағларининг келиб тушиши акс эттирилади. 5110 “Ҳисоб-китоб счёти”нинг кредитида корхонанинг ҳисоб-китоб счётидан пул маблағларининг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади. Банк кўчирмасини текшириш натижасида корхонанинг ҳисоб-китоб счёти дебети ёки кредитига хатолик билан олиб борилган суммалар 4860 “Даъволар бўйича олинандиган счётлар” ёки 6960 “Даъволар бўйича тўланадиган счётлар” билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисобида ҳисоб-китоб счёти бўйича операциялар банк кўчирмалари ва уларга илова қилинадиган пулли ва ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида акс эттирилади.

Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5100) бўйича аналитик ҳисоб миллий валютадаги пул маблағларини сақлаш учун банкларда очилган ҳар бир счёт бўйича юритилади.

Фермер хўжаликларида 5110 “Ҳисоб-китоб счёти”нинг корреспонденцияси.

| Т/р | Хўжалик операцияларининг мазмуни                                                     | Счётларнинг боғланиши |               |
|-----|--------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------|---------------|
|     |                                                                                      | Дебет                 | Кредит        |
| 1   | Ижарага берилган асосий воситалар бўйича ижарачидан ижара тўловларининг келиб тушиши | 5110                  | 4810,<br>4820 |
| 2   | Маҳсулот (товар, иш, хизмат)лар, асосий воситалар ва                                 | 5110                  | 4010          |

|    |                                                                                                      |               |               |
|----|------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------|---------------|
|    | бошқа активларни сотилишидан тушган тушумлар                                                         |               |               |
| 3  | Пул маблағлари кассада ҳисоб-китоб счётига топширилди                                                | 5110          | 5010          |
| 4  | Банкка қайтарилган чек ва аккредитивлар бўйича суммалар ҳисоб-китоб счётига ўтказилди                | 5110          | 5510,<br>5520 |
| 5  | Илгари қисқа муддатли инвестиция тартибида берилган қарзларнинг қайтарилиши                          | 5110          | 5830          |
| 6  | Илгари берилган аванс қайтарилди                                                                     | 5110          | 4310-<br>4390 |
| 7  | Қондирилган даъволар суммасининг келиб тушиши                                                        | 5110          | 4860          |
| 8  | Олинган аванслар суммаси                                                                             | 5110          | 6310-<br>6390 |
| 9  | Банкдан кассага пул маблағлари келиб тушди (меҳнат ҳақи, нафақа, мукофот ва шу кабиларни бериш учун) | 5010          | 5110          |
| 10 | Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар олдидаги қарзларнинг қопланиши                                 | 6010          | 5110          |
| 11 | Берилган аванслар суммаси                                                                            | 4310-<br>4330 | 5110          |
| 12 | Илгари олинган авансларни қайтарилиши                                                                | 6300,<br>7310 | 5110          |
| 13 | Бюджетга тўловлар бўйича қарз суммасининг ўтказилиши                                                 | 6410          | 5110          |
| 14 | Суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларнинг қопланиши                      | 6510-<br>6530 | 5110          |
| 15 | Қисқа муддатли кредит ва қарзларнинг қопланиши                                                       | 6810-<br>6840 | 5110          |
| 16 | Узоқ муддатли кредит ва қарзларнинг жорий қисмининг қопланиши                                        | 6950          | 5110          |

#### **4. Фермер хўжаликларининг банкдаги валюта счёти операцияларининг ва бошқа пул маблағларининг ҳисоби.**

Банкдаги валюта счёти фермер хўжаликларининг республика ҳудудидаги ва хориждаги банкларда валюта счётларида хорижий валютадаги пул маблағлари мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Валюта счётлари бўйича операцияларни амалга ошириш ва расмийлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан 2004 йил 2 сентябрда тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 17 сентябрда рўйхатга олинган “Чет эл валютасидаги операцияларни бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисида низом”га асосан тартибга солинади. Амалдаги қонун ва меърий ҳужжатларда

ҳар қандай корхонага чет эл валютасидаги пул маблағларига эга бўлиш ва у билан хўжалик операцияларини амалга оширишга рухсат этилган.

Чет эл валютасидаги операцияларни расмийлаштириш учун фермер хўжаликлари банкда жорий валюта счётини очиш зарур. Фермер хўжаликларига валюта операцияларини амалга оширишга хизмат қилувчи банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан валюта операцияларини амалга ошириш учун махсус рухсатномага (лицензияга) эга бўлиши шарт. Шундай рухсатномага эга бўлган банкларни вакиллик банклари дейилади. Корхоналар ўзларининг валюта счётларини фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бюлетенида бериладиган чет эл валюталарида очиш мумкин.

Валюта счётини очиш учун корхона банкка қуйидаги ҳужжатларни топшириши зарур:

1. Валюта счётини очиш учун ариза. Аризада фермер хўжалиги бошлиғи ва бош бухгалтернинг имзолари ва айланма муҳр босилган бўлиб, нотариус томонидан тасдиқланган бўлиши зарур.

2. Фермер хўжалигининг Низоми, у нотариал идора томонидан тасдиқланган бўлиши шарт.

3. Регистрациядан ўтганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг нотариус томонидан тасдиқланган нусхаси.

4. Корхона солиқ инспекциясида ҳисобга олганлиги ва пенсия фондида регистрациядан ўтганлиги тўғрисида маълумотнома.

Валюта счёти очилгандан сўнг банк ва унинг мижози ўртасида ҳисоб-китоб ва касса хизматини кўрсатиш бўйича шартнома имзоланади. Унда банк кўрсатилган хизмат турлари, кўрсатиладиган хизматлар учун тўланадиган ҳақлар, маблағларни жойлаштириш шартлари, томонларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ва бошқалар кўрсатилади.

Валюта счётлари бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида “Банк кўчирма”лари ва уларга илова қилинган пулли ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида акс эттирилади.

Барча корхоналар мулкчилик шаклидан қатъий назар Ўзбекистон Марказий банки томонидан ўрнатилган курслар бўйича Республика валюта фонлига экспорт операцияларидан тушган валюта тушумларидан 15 фоизини сотишлари мажбурийдир. Шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари экспорт операцияларидан тушган тушумларнинг 15 фоизини валюта бозорида сотишлари зарур. Фермер хўжаликларининг валюта счёти очилган тижорат банки келиб тушган валютанинг юқорида таъкидланган 15 фоизини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг корсчётига ўтказиб бериши керак. Валюта операцияларидаги ушбу хусусият транзит валюта счётида келиб тушган валюталар ҳисобини акс эттиришга бевосита таъсир қилади.

Валютани мажбурий сотиш тўғрисидаги топшириққа сотилган валютанинг сўмдаги эквивалентини қоплаш ва уни фермер хўжаликларининг ҳисоб-китоб счётига ўтказишни таъминловчи тўлов топшириғи илова қилинади. Шундай қилиб, чет эл валютасидаги барча тушумлар 2 қисмдан иборат бўлади: чет эл валютасининг 85 фоизини жорий валюта счётига, қолган 15 фоизини эса банкдаги ҳисоб-китоб счётига сўмдаги эквиваленти бўйича ўтказиб берилади.

Сўмдаги эквивалент бу Ўзбекистон Марказий банки томонидан ўрнатилган курслар бўйича чет эл валютасини қайта ҳисоблашдир. Бундай қайта ҳисоблаш ҳар ҳафтада бир марта Ўзбекистон Марказий банки эълон қилган курслар бўйича амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси ва чет мамлакатлар ҳудудидаги банклар счётларидаги чет эл валютасидаги пул маблағларининг нақдлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

5210 “Мамлакат ичида валюта счётлари”;

5220 “Чет элдаги валюта счётлари”;

5210 “Мамлакат ичида валюта счётлари” ва 5220 “Чет элдаги валюта счётлари” счётларининг дебетида валюта счётларига пул маблағларининг келиб тушиши, кредитида эса пул маблағларининг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади. Банк кўчирмасини текшириш натижасида аниқланган фермер хўжаликларининг валюта счётининг дебети ёки кредитига хатолик билан ўтказилган суммалар 4860 “Даъволар бўйича олинадиган счётлар” ёки 6960 “Даъволар бўйича тўланадиган счётлар” счётлари билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Фермер хўжаликлари бухгалтерия ҳисобида валюта счёти бўйича операциялар банк кўчирмалари ва уларга илова қилинадиган пулли ва ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида акс эттирилади.

Валюта маблағларининг аналитик ҳисоби чет эл валютасидаги пул маблағларини сақлаш учун банкларда очилган ҳар бир счёт бўйича юритилади.

5200 “Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар” нинг корреспонденцияси.

| Т/<br>р | Хўжалик операцияларининг мазмуни                                                                          | Счётларнинг боғланиши |               |
|---------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------|---------------|
|         |                                                                                                           | Дебет                 | Кредит        |
| 1       | Маҳсулот (товар, иш, хизмат)лар, асосий воситалар ва бошқа активларни сотилишидан валютанинг келиб тушиши | 5210,<br>5220         | 4010          |
| 2       | Кассада валюта маблағларининг валюта счётига топширилиши                                                  | 5210,<br>5220         | 5020          |
| 3       | Ишлатилмаган чек ва аккредитив суммасининг валюта счётига ўтказилиши                                      | 5210,<br>5220         | 5510-<br>5520 |
| 4       | Илгари қисқа муддатли инвестициялар тартибида берилган қарзнинг қайтарилиши                               | 5210,<br>5220         | 5830          |
| 5       | Илгари берилган авансларнинг қайтарилиши                                                                  | 5210,<br>5220         | 4310-<br>4330 |
| 6       | Қондирилган даъволар суммасининг келиб тушиши                                                             | 5210,<br>5220         | 4860          |
| 7       | Инвестицияга маблағларнинг қўйилиши                                                                       | 0600,<br>5800         | 5210,<br>5220 |
| 8       | Банкдан кассага валюта маблағларининг келиб тушиши                                                        | 5020                  | 5210,<br>5220 |
| 9       | Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар олдидаги                                                            | 6010                  | 5210,         |

|    |                                                             |               |               |
|----|-------------------------------------------------------------|---------------|---------------|
|    | қарзларнинг тўланиши                                        |               | 5220          |
| 10 | Берилган авансларнинг суммаси                               | 4310-<br>4330 | 5210,<br>5220 |
| 11 | Илгари олинган авансларнинг қайтарилиши                     | 6300,<br>7310 | 5210,<br>5220 |
| 12 | Қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар қопланди                | 6810-<br>6840 | 5210,<br>5220 |
| 13 | Узоқ муддатли кредитлар ва қарзларнинг жорий қисми қопланди | 6950          | 5210,<br>5220 |

Фермер хўжаликларида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва чет мамлакатлардаги аккредитивлар, чек дафтарчалари, бошқа тўлов ҳужжатларидаги (векселлардан ташқари) пул маблағларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисида, шунингдек, мақсадли молиялаштириш (тушумлар) пул маблағларининг алоҳида сақланадиган қисмининг ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

5510 “Аккредитивлар”;

5520 “Чек дафтарчалари”;

5530 “Бошқа махсус счётлар”.

5510 “Аккредитивлар” счётида аккредитивдаги пул маблағлари ҳисобга олинади. Аккредитивга пул маблағларини ўтказиш 5510 “Аккредитивлар” счётининг дебитида ва 5110 “Ҳисоб-китоб счёти”, 5210 “Мамлакат ичидаги валюта счётлари”, 5220 “Чет элдаги валюта счётлари” ва бошқа счётларнинг кредитида акс эттирилади.

5510 “Аккредитивлар” счёти бўйича аккредитивга ҳисобга олинган пул маблағлари уларнинг ишлатилиши бўйича (банк кўчирмаларига асосан), 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар”нинг дебитида ҳисобдан чиқарилади. Аккредитивдаги ишлатилмаган маблағлар, банк томонидан улар қайси счётдан ўтказилган бўлса, шу счётларга қайта тикланганда 5510 “Аккредитивлар” счётининг кредити, 5110 “Ҳисоб-китоб счёти”, 5210 “Мамлакат ичидаги валюта счётлари”, 5220 “Чет элдаги валюта счётлари” ва бошқа счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

5510 “Аккредитивлар” счёти бўйича аналитик ҳисоб фермер хўжаликлари томонидан қўйилган ҳар бир аккредитив бўйича алоҳида юритилади.

5520 “Чек дафтарчалари” счётида чек дафтарчаларидаги пул маблағларининг ҳаракати ҳисобга олинади. Чек дафтарчаларини беришда пул маблағларини депонентлаш 5520 “Чек дафтарчалари” счётининг дебити ва 5110 “Ҳисоб-китоб счёти”, 5210 “Мамлакат ичида валюта счётлари”, 5220 “Чет элдаги валюта счётлари”, 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари” ва бошқа счётларнинг кредитида акс эттирилади. Фермер хўжаликлари томонидан берилган чекларнинг тўлови доирасидаги сумма 5520 “Чек дафтарчалари” счётининг кредитидан харажат ва қарзларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда ҳисобдан чиқарилади. Чек билан берилган, лекин банк томонидан тўланмаган (тўловга тақдим этилмаган) сумма 5520 “Чек дафтарчалари” счётида қолади ва ушбу 5520 “Чек дафтарчалари” счётининг қолдиғи банк кўчирмалари билан мос келиши лозим. Банкка қайтарилган чекларнинг

(фойдаланилмай қолган) суммаси 5520 “Чек дафтарчалари” счётининг кредитида 5110 “Ҳисоб-китоб счёти”, 5210 “Мамлакат ичида валюта счётлари”, 5220 “Чет элдаги валюта счётлари” ва бошқа счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

5520 “Чек дафтарчалари” счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир олинган чек дафтарчалари бўйича юритилади.

5530- “Бошқа махсус счётлар”да банкда махсус сақланадиган мақсадли молиялаштирилладиган (тушумлар) маблағлар, шу жумладан ижтимоий муассасалар, объектлар (болалар боғчаси ва бошқалар)ни сақлаш учун ота-оналардан, ўзга фойдаланувчилар ва бошқа манбалардан келиб тушган пул маблағлари; фермер хўжаликларининг талабига кўра алоҳида счётда йиғилладиган ва сарфланадиган капитал қўйилмаларни молиялаштириш маблағлари; давлат идораларининг субсидиялари ва шу кабиларнинг ҳаракати ҳисобга олинади.

Фермер хўжаликларида 5530 “Бошқа махсус счётлар” бўйича аналитик ҳисобни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва чет элдаги бошқа махсус счётлардаги пул маблағларининг нақдлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятини таъминлаши лозим.

5500 “Банкдаги махсус счётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар” нинг корреспонденцияси.

| Т/<br>р | Хўжалик операцияларининг мазмуни                                                                         | Счётларнинг<br>боғланиши       |               |
|---------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------|---------------|
|         |                                                                                                          | Дебет                          | Кредит        |
| 1       | Аккредитивларга пул маблағлари ўтказилди                                                                 | 5510                           | 5110-<br>5220 |
| 2       | Қисқа муддатли банк кредитлари ҳисобидан аккредитивларга пул маблағлари ўтказилди                        | 5510                           | 6810          |
| 3       | Сотиш харажатларининг тўлови чек билан амалга оширилди                                                   | 9410                           | 5520          |
| 4       | Ишлатилмаган сумманинг муддат охирида қайтарилиши:<br>а) аккредитивлар<br>б) чек дафтарчалари            | 5110-<br>5220<br>5110-<br>5220 | 5510<br>5520  |
| 5       | Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган қарзни тўлашда аккредитивдаги сумма ҳисобдан чиқарилди    | 6010                           | 5510          |
| 6       | Аккредитивдан аванснинг берилиши                                                                         | 4310-<br>4330                  | 5510          |
| 7       | Бошқа кредиторларнинг хизматлари учун тўловларда ишлатилган чеклар суммасини ҳисобдан чиқариш            | 6990                           | 5520          |
| 8       | Сотиб олинган путевкалар учун махсус счётдан тўланган сумма                                              | 5610                           | 5530          |
| 9       | Чек дафтарчаларидаги ишлатилмаган маблағларнинг қисқа муддатли банк кредитларини қоплаш учун қайтарилиши | 6810                           | 5520          |

|    |                                                                                                |            |      |
|----|------------------------------------------------------------------------------------------------|------------|------|
| 10 | Аккредитивдаги ишлатилмаган маблағнинг узок муддатли банк кредитларини қоплаш учун кайтарилиши | 6950, 7810 | 5510 |
|----|------------------------------------------------------------------------------------------------|------------|------|

## 5. Фермер хўжаликларида қимматли қоғозлар ҳисоби.

Фермер хўжаликларида қимматли қоғозларига қилинган инвестициялари № 5800”Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар” №0600”Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар”ларда ҳисобга олиб борилади.

Фермер хўжаликларининг бошқа корхоналар қимматли қоғозларига қилинган қисқа муддатли (бир йил муддатдан кўп бўлмаган) инвестициялари (қўйилмалар) давлат қарзларининг фоизли облигациялари, бошқа корхоналарга берилган қарзлар ва бошқаларнинг нақдлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

5810 “Қимматли қоғозлар”;

5820 “Берилган қисқа муддатли қарзлар”;

5890 “Бошқа жорий инвестициялар”.

5810 “Қимматли қоғозлар” счётида акцияларга ва бошқа қимматли қоғозларига қўйилган қисқа муддатли инвестицияларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

Облигация ва бошқа қимматли қоғозлар 5810 “Қимматли қоғозлар” счётига сотиб олиш қийматида кирим қилинади.

Корхонада акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозларнинг сотиб олиниши 5810 “Қимматли қоғозлар” счётининг дебетида ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар ва агар қимматли қоғозлар учун тўлов моддий ёки бошқа қийматликлар (пул маблағларидан ташқари) орқали амалга оширилса, моддий ва бошқа қийматликларнинг сотилишини ҳисобга олувчи счётларнинг кредитида ҳисобга олинади.

Агар сотиб олинган облигация ва бошқа қимматли қоғозларнинг сотиб олиш баҳоси уларнинг номинал қийматидан фарқ қилса, у ҳолда сотиб олиш ва номинал қиймати ўртасидаги фарқни шундай ҳисобдан чиқариш ёки қўшимча ҳисобланиши керакки, 5810“Қимматли қоғозлар” счётида ҳисобга олинган қимматли қоғозларнинг баҳоси уларни қоплаш даврида номинал қийматига мувофиқ бўлиши лозим. Сотиб олиш ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ қопланадиган вақтгача бўлган даврда 5810 “Қимматли қоғозлар” счётининг дебети (қўшимча ҳисоблаш)да ёки кредити (ҳисобдан чиқариш) да, 9590 “Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари” ёки 9690 “Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар” счётлари билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

5810“Қимматли қоғозлар” счётида ҳисобга олинган облигация ва бошқа қимматли қоғозларнинг қопланиши пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебети ва 5810 “Қимматли қоғозлар” счётининг кредитида акс эттирилади.

5820“Берилган қисқа муддатли қарзлар” счётида фермер хўжаликларининг бошқа корхоналарга қисқа муддатга берган пулли ва бошқа қарзларининг ҳаракати ҳисобга олинади.

Берилган қарзлар 5820 “Берилган қисқа муддатли қарзлар” счётининг дебитида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Қарзларнинг қайтарилиши пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебити ва 5820 “Берилган қисқа муддатли қарзлар” счётининг кредитида акс эттирилади.

5890 “Бошқа жорий инвестициялар” счётида фермер хўжаликларининг банк ва бошқа омонатларга сўмда ва чет эл валютасидаги қўйилмаларининг ҳаракати ҳисобга олинади.

Омонатларга пул маблағларининг ўтказилиши фермер хўжаликларида 5890 “Бошқа жорий инвестициялар” счётининг дебитида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Ҳисобда банк томонидан омонатлар суммаси қайтарилганда фермер хўжаликларида тескари ёзув амалга оширилади.

Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар (5800) бўйича аналитик ҳисоб қисқа муддатли инвестицияларнинг турлари ва ушбу қўйилмалар амалга оширилган объектлар (қимматли қоғозларни сотувчи-корхоналар, омонатлар ва ҳоказолар) бўйича юритилади.

5800 “Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар”нинг корреспонденцияси.

| Т/<br>Р | Хўжалик операцияларининг мазмуни                                                        | Счётларнинг боғланиши |            |
|---------|-----------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------|------------|
|         |                                                                                         | Дебет                 | Кредит     |
| 1       | Қимматли қоғозлар маҳсулотлар, товарлар, иш, хизматларни бериш йўли билан харид қилинди | 5810                  | 9010-9030  |
| 2       | Қимматли қоғозлар асосий воситалар ва бошқа активларни бериш йўли билан харид қилинди   | 5810                  | 9210, 9220 |
| 3       | Қимматли қоғозлар нақд пулга харид қилинди                                              | 5810                  | 5010       |
| 4       | Қимматли қоғозлар қиймати банкдаги счётдан тўланиши орқали харид қилинди                | 5810                  | 5110-5530  |
| 5       | Акцияларнинг тўлов сифатида қимматли қоғозларнинг келиб тушиши                          | 5810                  | 4610       |
| 6       | Қимматли қоғозларни сотилиши                                                            | 5110                  | 5810       |
| 7       | Корхонанинг қарзи қимматли қоғозлар билан копланиши                                     | 6990                  | 5810       |
| 8       | Инвентаризация натижасида қимматли қоғозларнинг камомади                                | 4730                  | 5810       |
| 9       | Қисқа муддатли қарзларнинг асосий восита ва бошқа активлар кўринишида берилиши          | 5830                  | 9210, 9220 |
| 10      | Қисқа муддатли қарзларнинг тайёр маҳсулот, товар, иш, хизматлар кўринишида берилиши     | 5830                  | 9010-9030  |
| 11      | Бошқа корхоналар томонидан қисқа муддатли қарзларнинг қайтарилиши                       | 5110                  | 5830       |

Фермер хўжаликларида бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозларига ва бошқа корхоналарнинг устав капиталларига қилинган узоқ муддатли

инвестициялар (қўйилмалар)нинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

0610 «Қимматли қоғозлар»;

0640 «Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар»;

0690 «Бошқа узоқ муддатли инвестициялар».

Активларни инвестициялар таркибига киритиш ва уларнинг турлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 25 декабрда 65-сон билан тасдиқланган Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (12-БХМС) «Молиявий инвестициялар ҳисоби» (16.01. 1999 й. 596-сонли рўй., «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси», 1999 й., 3 ва 6-сон) билан тартибга солинади.

0610 «Қимматли қоғозлар» счётида давлат фоизли облигациялари ва маҳаллий қарзлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга қилинган узоқ муддатли инвестиция (қўйилма)ларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

0640 «Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар» счётларида фермер хўжаликларида тегишли чет эл капитали мавжуд бўлган шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига қилинган узоқ муддатли инвестицияларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

0690 «Бошқа узоқ муддатли инвестициялар» счётида фермер хўжаликларида келажакда молиявий наф олиш мақсадида давлат корхоналари ёки бошқа хайрия, экология жамиятларига қилинган узоқ муддатли инвестициялар ҳисобга олинади.

Акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар сотиб олиш баҳосида 0610 «Қимматли қоғозлар» счётининг дебетида ушбу қўйилмалар ҳисобига берилган қийматликлар ҳисобга олинган счётлар билан боғланган ҳолда ҳисобга олинади.

Агар фермер хўжаликлари томонидан харид қилинган облигациялар ва шу каби бошқа қимматли қоғозларнинг харид қиймати уларнинг номинал қийматидан юқори бўлса, у ҳолда харид қилинган вақтдан то қоплаш вақтигача бўлган даврда харид қиймати ва номинал қиймат ўртасидаги фарқ қисми ҳисобдан чиқарилади. Бунда 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» счётининг дебети ва 0610 «Қимматли қоғозлар» счётининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади.

Агар фермер хўжаликлари томонидан харид қилинган облигациялар ва шу каби бошқа қимматли қоғозларнинг харид қиймати уларнинг номинал қийматидан паст бўлса, у ҳолда харид қилинган вақтдан то қоплаш вақтигача бўлган даврда харид қиймати ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ қисми қўшимча ҳисобланади. Бунда 0610 «Қимматли қоғозлар» счётининг дебети ва 9590 «Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари» счётининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади.

Юқорида кўрсатилган ҳар иккала ҳолатда ҳам қимматли қоғозларни қоплаш муддати келганда 0610 «Қимматли қоғозлар» счётида ҳисобга олинган баҳо номинал қийматга тўғри келиши лозим.

Қимматли қоғозлар бўйича фоизлар (дивидендлар) ҳисобланганда 4830 «Олинган фоизлар» ёки 4840 «Олинган дивидендлар» счётининг дебети

ва 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» ёки 9520 «Дивидендлар кўринишидаги даромадлар» счётиларининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади.

Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётилар бўйича аналитик ҳисоб узоқ муддатли инвестицияларнинг турлари ва ушбу инвестициялар амалга оширилган объектлар (қимматли қоғозларни сотувчи-корхоналар, корхона иштирокчиси ҳисобланган шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари ва шу кабилар) бўйича юритилади. Бунда аналитик ҳисобнинг ташкил қилиниши Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва хориждаги объектларга қилинган узоқ муддатли инвестициялар тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятини таъминлаши лозим.

0600 “Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётилар”нинг корреспонденцияси.

| Т/<br>р | Хўжалик операцияларининг мазмуни                                                                                                                            | Счётиларнинг боғланиши |                         |
|---------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------|-------------------------|
|         |                                                                                                                                                             | Дебет                  | Кредит                  |
| 1       | Сотувчи корхонага асосий воситаларни бериш йўли билан қимматли қоғозларни харид қилиш                                                                       | 0610                   | 9210                    |
| 2       | Сотувчи корхонага номоддий активлар ва материаллар бериш йўли билан қимматли қоғозларни харид қилиш                                                         | 0610                   | 9220                    |
| 3       | Сотувчи корхонага маҳсулот, товар, иш, хизматларни бериш йўли билан қимматли қоғозларни харид қилиш                                                         | 0610                   | 9010,<br>9020,<br>9030  |
| 4       | Бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозлари харид қилинганда                                                                                                    | 0610                   | 5010-<br>5530           |
| 5       | Дебеторлик қарзлари ҳисобига қимматли қоғозларнинг харид қилиниши                                                                                           | 0610                   | Олинадиг<br>ан счётилар |
| 6       | Қисқа муддатли инвестициялар таркиби ўзгартирилганда (реструкредитуризация)                                                                                 | 0610                   | 5810-5890               |
| 7       | Қимматли қоғозларнинг харид ва номинал қийматлари ўртасидаги фарқ:<br>а) номинал қиймати харид қийматидан юқори<br>б) харид қиймати номинал қийматдан юқори | 0610<br>9690           | 9590<br>0610            |
| 8       | Узоқ муддатли инвестициялар сифатида ҳисобга олинган қимматли қоғозларнинг қопланиши (сотиб олиними)                                                        | 5110-<br>5530          | 0610                    |
| 9       | Узоқ муддатли инвестициялар сифатида ҳисобга олинган қимматли қоғозларнинг сотилиши                                                                         | 9220                   | 0610                    |

#### Мавзунини мустақил ўзлаштириш бўйича саволлар :

1. Пул маблағларининг иқтисодий мазмуни ва уларни сақлаш.
2. Кассага пул маблағларини киримини расмийлаштириш.
3. Кассадан пул маблағларини чиқимини расмийлаштириш.
4. Кассирнинг ҳисоботи.
5. Банкда ҳисоб-китоб ва валюта счётини очиш тартиби.

6. Банкдаги ҳисоб-китоб счёти бўйича операцияларни расмийлаштириш.
7. Банкдаги ҳисоб-китоб счёти корреспонденцияси.
8. Валюта счёти
9. Банкдаги махсус счётлар ва уларнинг корреспонденцияси.
10. Қимматли қоғозларнинг турлари ва уларнинг моҳияти.
11. Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётларнинг корреспонденцияси.
12. Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётларнинг корреспонденцияси.

**3-мавзу. Фермер хўжаликларида ҳисоб-китоб операциялари ҳисоби.(2 соат).**

### **РЕЖА.**

- 1.Мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби.**
- 2.Бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби.**
- 3.Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби.**

#### **“Таянч” иборалар:**

“Товар-моддий қийматликлар”, “Мол етказиб берувчилар ва таъминотчилар”, “Харидорлар ва буюртмачилар”, “Тўлов талабномаси”, “Акцепт”, “Аккредитив”, “Режали тўловлар”, “Бюджет”, “Бюджетдан ташқари тўловлар”, “Давлат ижтимоий суғуртаси”, “Нафақа жамғармаси”, “Мақсадли давлат жамғармалари”, “Ҳисобдор шахслар”, “Аванс ҳисоботи”.

#### **1.Мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби.**

Фермер хўжаликларида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоб-китоб нақд пулсиз амалага оширилади. Амалда нақд пулсиз ҳисоб-китобнинг турли шакллари қўлланилади. У ёки бу шаклни қўллаш, корхоналар ўртасида тузилган шартномада келишилиб олинади, айрим вақтларда эса қайси шаклни қўллаш амалдаги қонунда белгиланган бўлади.

**Ҳисоб-китобни акцепт шаклида ҳисобга олиш.** Акцепт шаклининг хусусиятларидан бири шундаки бунда харидорларга хизмат қилувчи банк муассаси мол етказиб беручи корхона счётини харидор корхона розилик берган тақдирдагина тўлайди.

Лекин харидор корхона счётни тўлашга розилик бериши ёки тўлашдан бош тортиши ҳам мумкин. Харидор корхона счётни тўлашдан бош тортган ҳолдагина, банкга бу ҳақда ёзма равишда маълум қилади. Счётни тўлашдан бош тортганлиги ҳолда ёзма равишда маълумот олинмаганда ва бошқа ҳолларда харидор счётни тўлашга рози деб ҳисобланади ҳамда мол етказиб берувчининг счёти банк томонидан тўланади.

Ҳисоб-китобнинг бу шаклида “Тўлов талабномаси” ҳужжати асосий ҳужжат ҳисобланади. Уни мол етказиб берувчи корхона харидор корхона номига товар моддий бойликлари жўнатгандан сўнг ёзади. Тўлов талабнома ҳужжати маълум белгиланган суммадан кам бўлмаган суммага ёзилади. Бу ҳужжатни мол ётказиб берувчи ўзига хизмат кўрсатувчи банк муассасасига топширади. Ўз навбатида банк ҳужжатни харидор корхона ҳисоб-китоб счёти бўлган банкга

жўнатади. Мол етказиб берувчи бир вақтнинг ўзида тўлов талабноманинг бир нусха сини ва унга илова қилинган ҳужжатларин почта орқали харидор корхона манзилига жўнатади. Харидор корхона тўлов талабнома ҳужжати тўлашга розилик бериши ёки тўлашдан бош тортиши мумкин. Мол етказиб берувчи ва харидор корхона турли шаҳарларда жойлашган тақдирда уч иш куни давомида счётни тўламаслиги ҳақида хабар қилинмаса, тўлов талабнома ҳужжати тўлашга қабул қилинди деб ҳисобланади ва счёт тўланади. Агар мол етказиб берувчи ва харидор корхона бир шаҳарда жойлашган бўлса, бу муддат икки кунни ташкил қилади.

**Ҳисоб-китобни аккредитив шаклида ҳисобга олиш.** Аккредитив бу-мол етказиб берувчи корхонага хизмат кўрсатувчи банкнинг харидор корхонага хизмат кўрсатувчи банкка жўнатилган маҳсулот учун мол етказиб берувчи счётини тўлаш ҳақидаги кўрсатмасидир. Аккредитив шаклида акцепт шаклидан фарқли равишда, счёт мол етказиб берувчи корхонага хизмат кўрсатувчи банкда тўланади. Ҳисоб-китобнинг аккредитив шакли асосан шаҳарлараро ҳисоб-китобларда қўлланилади.

Харидор корхонага мол етказиб берувчи корхонанинг счётини тўлаш учун ўзига хизмат кўрсатувчи банк муассасасига аккредитив очиш ҳақида ариза расмийлаштиради. Банк харидор корхонанинг маълум миқдордаги маблағини аккредитивлаштиради ва бу ҳақда мол етказиб берувчига, хизмат кўрсатувчи банкка маълум қилади. Маҳсулотни жўнатилганлиги ҳақидаги ҳужжатларни мол етказиб берувчи ўзига хизмат кўрсатувчи банкка топшириши билан унинг счёти тўланади. Корхонанинг ўз маблағлари ёки банк қарзи ҳисобидан аккредитив очилиши мумкин.

Ҳисоб-китобнинг аккредитив шакли мол етказиб берувчи корхона учун ҳисоб-китобни тезлаштириши, харидор корхона учун эса маблағлар айланиш жараёнини сёкинлаштириши мумкин. Чунки аккредитив аввалдан белгиланган маълум миқдордаги суммага қўйилиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳисоб-китобнинг бу шакли мол етказиб берувчи корхона счётини ўз вақтида тўламайдиган корхоналарни жазолаш сифатида қўлланилади.

**Режали тўловлар тартибидаги ҳисоб-китоб шакли** корхоналар ўртасида, яъни мол етказиб берувчи ва харидор ўртасида доимий алоқа мавжуд бўлган ҳолларда қўлланилади. Ҳисоб-китобнинг бу шакли фермер хўжаликларида савдо ташкилотлари билан нон, сут маҳсулотларини сотишда қўлланилади. Унинг хусусиятларидан бири шундаки, ҳисоб-китоб ҳар бир жўнатилган маҳсулот учун эмас, балки маълум белгиланган муддатда, яъни ҳар куни ёки 3-5 кунда бир марта олиб борилади. Ҳисоб-китобнинг олиб борилиши банк томонидан назорат қилиб борилади. Ҳисоб-китоб ҳужжатлари харидор ёки мол етказиб берувчи томонидан ёзилиши мумкин. Вақти-вақти билан жўнатилган маҳсулот ва тўланган пул текшириб турилади. Ўртадаги фарқ қўшимча маблағ тўлаш ёки маҳсулот жўнатиш билан тартибга солинади.

Товар-моддий қийматликлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар, шунингдек, ташиш бўйича олинган хизматлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган жорий мажбуриятлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш фермер хўжаликларида 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар” да амалга оширилади:

6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар” счёти ҳақиқатда келиб тушган ТМЗ ва бошқа активлар, қабул қилинган иш ва хизматларнинг қийматига ушбу қийматликларни ёки тегишли харажатларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда кредитланади.

Агар омборга келиб тушган моддий қийматликларнинг сифати, миқдори, шунингдек, баҳоси шартномада келишилган шартларга мос келмаса, 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар” счёти 4860 “Даъволар бўйича олинадиган счётлар” счёти билан боғланган ҳолда тегишли суммага кредитланади.

6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар” счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир мол етказиб берувчи ва пудратчи бўйича алоҳида юритилади.

6010-“Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар”нинг корреспонденцияси.

| Т/<br>Р | Хўжалик операцияларининг мазмуни.                                                                                                                                                                                                | Счётларнинг боғланиши                    |               |
|---------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------|---------------|
|         |                                                                                                                                                                                                                                  | Дебет                                    | Кредит        |
| 1       | Мол етказиб берувчилардан ўрнатиладиган асбоб-ускуналар келиб тушди                                                                                                                                                              | 0710,<br>0720                            | 6010          |
| 2       | Капитал қуйилмалар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг бажарган ишлари ва кўрсатган хизматлари юзасидан берилган счётлар тўловга қабул қилинди                                                                        | 0810-<br>0890                            | 6010          |
| 3       | Мол етказиб берувчилардан материаллар келиб тушди                                                                                                                                                                                | 1010-<br>1090                            | 6010          |
| 4       | Мол етказиб берувчилардан ўстиришга ва боқувга ҳайвонлар келиб тушди                                                                                                                                                             | 1110,<br>1120                            | 6010          |
| 5       | Корхона томонидан асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи хўжалик, умумишлабчиқариш ва бошқарув эҳтиёжлари учун мол етказиб берувчиларнинг бажарган иш ва хизматлари (жумладан: энергия, газ, буғ, сув) қабул қилинди | 2010,<br>2310,<br>2510,<br>2710,<br>9420 | 6010          |
| 6       | Маҳсулотлар, товарлар, иш ва хизматларни сотишда мол етказиб берувчилар ва пудратчилар кўрсатган иш ва хизматлар қабул қилинди                                                                                                   | 9410                                     | 6010          |
| 7       | Табиий офатларни тугатиш бўйича мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг хизматлари қабул қилинди                                                                                                                               | 9720                                     | 6010          |
| 8       | Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган қарзлар банкдаги счётлардан тўланди                                                                                                                                               | 6010                                     | 5110-<br>5530 |
| 9       | Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг счётларини тўлашда олдиндан берилган авансларнинг ҳисобга олиниши олиниши                                                                                                              | 6010                                     | 4310-<br>4330 |
| 10      | Даъво муддати тугаган кредиторлик қарзлари                                                                                                                                                                                       | 6010                                     | 9360          |

|  |                    |  |  |
|--|--------------------|--|--|
|  | ҳисобдан чиқарилди |  |  |
|--|--------------------|--|--|

Фермер хўжаликларида харидорлар ва буюртмачилар билан тайёр маҳсулотлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун дебеторлик қарзлари бўйича ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»да амалга оширилади:

Фермер хўжаликларида 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» счётида сотилган маҳсулот (товар)лар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун харидорлар ва буюртмачиларга тақдим этилган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича дебеторлик қарзлари ҳисобга олинади.

Фермер хўжаликларида 4010«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» асосий (операцион) фаолият даромадларини ҳисобга олувчи счётлар (9000), асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишини ҳисобга олувчи счётлар (9200) ва асосий фаолиятнинг бошқа даромадларни ҳисобга олувчи счётлар (9300) билан боғланган ҳолда харидор (буюртмачи)ларга тақдим этилган ҳисоб-китоб ҳужжатларидаги суммага дебетланади.

Фермер хўжаликларида 4010«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан келиб тушган тўловлар суммасига, олинган авансларни ҳисобга олиш ва бошқалар билан боғланган ҳолда кредитланади.

4010«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир харидор (буюртмачи) бўйича юритилади.

4010«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»нинг  
корреспонденцияси.

| Т/<br>р | Хўжалик операцияларининг мазмуни                                                                                                                                                          | Счётларнинг<br>боғланиши |            |
|---------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------|------------|
|         |                                                                                                                                                                                           | Дебет                    | Кредит     |
| 1       | Маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдаги харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзлари суммаси                                                                                                     | 4010                     | 9010-9030  |
| 2       | Асосий воситалар ва бошқа активларни сотишдаги харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзлари суммаси                                                                                            | 4010                     | 9210, 9220 |
| 3       | Харидорлар ва буюртмачилардан тўловлар келиб тушди                                                                                                                                        | 5010-5530                | 4010       |
| 4       | Харидорлар ва буюртмачиларга сотилган маҳсулотлар, товарлар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар учун даъво билдирилди                                                                 | 4860                     | 4010       |
| 5       | Харидорлар ва буюртмачиларга сотилган товарлар, маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-китоб ҳужжатларини тақдим этишда олинган авансларнинг ҳисобга олиниши | 6310                     | 4010       |
| 6       | Харидорлар ва буюртмачиларнинг тўланмаган қарзларини зарарга ҳисобдан чиқарилиши                                                                                                          | 9430                     | 4010       |

## **2.Бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби.**

Фермер хўжаликлари ҳар доим бюджет билан ҳисоб-китоб олиб боради. Бюджетдан бериладиган маблағларнинг доираси ҳозиги кунда жуда чекланган. Бюджет билан ва бюджетдан ташқари тўловлар бўйича ҳисоб-китобларнинг асосий қисми тўловлардир. Уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1.Ходимларнинг иш ҳақида ушлаб қолишлар (Фуқоролардан олинадиган даромад солиғи).

2. Фермер хўжаликлари тўлайдиган ягона ер солиғи.

3.Молия натижаларига олиб бориладиган жарима, икредитисодий санкциялар.

4.Бюджетдан ташқари фондларга (нафақа, бандлик , ижтимоий суғурта фонди ва ҳ.к.) тўловлар.

Ҳар бир тўлов тури учун тўлов муддати ва солиқ инспекциясига ҳисобот топшириш муддати белгиланган. Ортикча ўтказилган маблағлар кейинги тўловлар учун ҳисобланади ёки фермер хўжаликларига қайтарилади, кам тўланган суммалар охиригача тўлаб қўйилади.

Бюджетга тўловлар бўйича фермер хўжаликларининг жорий мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар” счётида амалга оширилади.

6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар” счётининг кредитида бюджетга тўланиши керак бўлган мажбурият суммаси олинадиган счётлар, давр харажатлари, солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилиши, меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Якуний ҳисоб-китобда, солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджетга илгари ўтказилган аванс тўловлари 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар” счётининг дебет томонида бюджетга аванс тўловларини ҳисобга олувчи счётлар (4400) билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Бюджетга ҳақиқатда ўтказилган суммалар 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар” счётининг дебет томонида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар” счёти бўйича аналитик ҳисоби ҳар бир солиқ турлари бўйича алоҳида юритилади.

6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар” счётининг корреспонденцияси.

| <b>Т/<br/>Р</b> | <b>Хўжалик операцияларининг мазмуни</b>                                                                | <b>Счётларнинг боғаниши</b> |               |
|-----------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------|---------------|
|                 |                                                                                                        | <b>Дебет</b>                | <b>Кредит</b> |
| 1               | Давр харажатларига тааллуқли ҳар хил ажратмалар, солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджетга қарзлар          | 9430                        | 6410          |
| 2               | Бюджетдан маблағлар қайтарилди ёки келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилди (якуний ҳисоб-китоблар ва ш.к.) | 5110,<br>5530,<br>4410      | 6410          |
| 3               | Жисмоний шахсларнинг иш ҳақидан даромад солиғи суммаси ушлаб қолинди                                   | 6710                        | 6410          |
| 4               | Ҳисобланган дивиденддан даромад солиғи суммаси ушлаб қолинди                                           | 6610                        | 6410          |
| 5               | Бюджетга тўловлар ўтказиб берилди                                                                      | 6410                        | 5110          |

Фермер хўжаликлари мулки ва ходимларини суғурта қилиш, давлат ижтимоий суғуртаси, фермер хўжаликлари ходимларининг нафақа таъминоти, мақсадли давлат жамғармаларига ажратмалар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

6510 “Суғурта бўйича тўловлар”;

6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар”.

6510 “Суғурта бўйича тўловлар” счёти фермер хўжаликларининг мулки ва ходимини суғурталаш бўйича қарзлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар” счёти мақсадли давлат жамғармалари олдидаги ажратмалар бўйича қарзлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Суғурта тўловлари ва мақсадли давлат жамғармаларига ажратмалар бўйича қарз суммалари суғурта ва мақсадли давлат жамғармалари бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6500)нинг кредит томонида харажатларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Суғурта тўловлари ва мақсадли давлат жамғармаларига ажратмалар бўйича қарз суммаларининг тўланиши суғурта ва мақсадли давлат жамғармалари бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6500)нинг дебет томонида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Суғурта ва мақсадли давлат жамғармалари бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6500) бўйича аналитик ҳисоб суғуртачилар ва алоҳида суғурта шартномалари, шунингдек фермер хўжаликлари тўловчи деб ҳисобланган ҳар бир мақсадли давлат жамғармалари бўйича алоҳида юритилади.

6500 “Суғурта ва мақсадли давлат жамғармалари бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар” нинг корреспонденцияси.

| Т/<br>р | Хўжалик операцияларининг мазмуни                                                         | Счётларнинг боғланиши               |           |
|---------|------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------|-----------|
|         |                                                                                          | Дебет                               | Кредит    |
| 1       | Суғурта бўйича ҳисобланган тўловлар корхона харажатларига ўтказилди                      | Харажатларни ҳисобга олувчи счётлар | 6510      |
| 2       | Ҳисобланган суғурта тўловлари суммаси банкдаги счётлардан тўланди                        | 6510                                | 5110-5530 |
| 3       | Фермер хўжаликлари ходими ҳисобидан мақсадли Давлат жамғармаларига ажратмалар қилинди.   | 6710                                | 6520      |
| 4       | Фермер хўжаликлари харажати ҳисобидан мақсадли давлат жамғармаларига ажратмалар қилинди. | Харажатларни ҳисобга олувчи счётлар | 6520      |
| 5       | Мақсадли давлат жамғармаларига илгари ҳисобланган суммалар ўтказиб берилди               | 6520                                | 5110-5530 |

### 3. Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби.

Фермер хўжаликларининг баъзи харажатлари ҳисобдор шахслар томонидан амалга оширилади. Фермер хўжаликларининг айрим ходимларига хизмат сафари харажатлари, айрим майда хўжалик харажатлари учун кассадан маблағ

берилади. Масалан, хизмат сафарига кетаётган ходимга сафар харажатларини қоплаш учун хизмат сафарига кетиш олдида аванс берилади. Хизмат сафаридан қайтгандан сўнг уч кун давомида ҳисобдор шахс берилган авансни сарфлаганлиги ҳақида ёзма равишда бухгалтерияга “Аванс ҳисоботи” топширади. Аванс ҳисоботига тегишли ҳужжатлар илова қилинади. Бухгалтерия ходимлари топширилган ҳужжатларни ва қилинган харажатларни мақсадга мувофиқлиги нуқтаи-назаридан текширадилар. Ҳисобдор шахсга янги аванс, аввалги аванс юзасидан тўлиқ ҳисоб-китоб қилингандан сўнг берилади.

Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобни ҳисобга олиш учун 4220 «Хизмат сафарларига берилган аванслар» счётида фермер хўжаликлари ходимларига хизмат сафарлари учун берилган аванслар ҳисобга олинади. Хорижга хизмат сафарига юборилаётган ходимга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 7-февралда 16-сон билан тасдиқланган «Вазирликлар, идоралар, корхона ва ташкилотларнинг ходимларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатларига маблағлар бериш тартиби»га мувофиқ, чет эл валютасида аванс берилади. Ушбу валютадаги аванс берилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича сўмга айлантирилади ва сўмда ҳисобга олинади. Хизмат сафарлари учун берилган ва сарфланган чет эл валютасининг ҳисоби алоҳида юритилади.

Хизмат сафарлари учун аванслар хизмат сафари тўғрисидаги буйруқ, чипталар қиймати, кунлик яшаш харажатлари ва бошқалар кўрсатилган ҳолда аванс суммасини ҳисоблаш асосида берилади.

6970 «Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар» счёти корхона ходимларига маъмурий-хўжалик ва операцион харажатлар, шунингдек хизмат сафарлари учун берилган ҳисобдорлик суммалари билан ҳақиқий сарфланган суммалари ўртасидаги фарқ натижасида келиб чиқадиган қарзлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Агар сарфланган сумма ҳисобдорлик бўйича берилган суммадан ошса, корхонанинг ҳисобдор шахс олдида қарзи вужудга келади ва ушбу сумма 6970 «Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар» счётининг кредит томонида кўрсатилади.

6970 «Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир ҳисобдор шахслар бўйича алоҳида юритилади.

4220 «Хизмат сафарларига берилган аванслар» ва 6970 «Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар» сётларининг корреспонденцияси.

| Т/р | Хўжалик операцияларининг мазмуни                       | Сётларнинг боғланиши |           |
|-----|--------------------------------------------------------|----------------------|-----------|
|     |                                                        | Дебет                | Кредит    |
| 1   | Ҳисобдор шахсларга банкдаги сётлардан аванслар берилди | 4220                 | 5110-5530 |
| 2   | Ҳисобдор шахсларга кассадан аванслар берилди           | 4220                 | 5010      |
| 3   | Ҳисобдор шахсларга пул эквивалентлари берилди          | 4220                 | 5610      |
| 4   | Ишлатилмаган ҳисобдор суммалари кассага қайтарилди     | 5010                 | 4220      |
| 5   | Ишлатилмаган ҳисобдор суммалари корхонанинг            | 5110                 | 4220      |

|    |                                                                                                                                                                              |                                        |      |
|----|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------|------|
|    | банкдаги счётига қайтарилди                                                                                                                                                  |                                        |      |
| 6  | Ҳисобдор шахслар сотиб олинган турли хилдаги пул эквивалентларига ҳақ тўлади                                                                                                 | 5610                                   | 4220 |
| 7  | Ишлатилмаган пул эквивалентлари қайтарилди                                                                                                                                   | 5610                                   | 4220 |
| 8  | Ҳисобдор шахслар капитал қўйилмалар, материаллар, ҳайвонлар, асбоб ускуналарни сотиб олиш, етказиб келиш, тайёрлаш билан боғлиқ харажатларни амалга оширди                   | 0710-0890,<br>1010-1090,<br>1110-1120, | 4220 |
| 9  | Ҳисобдор шахслар асосий, ёрдамчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи хўжаликлар, шунингдек, умум ишлаб чиқариш харажатларни амалга оширди                                       | 2010, 2310,<br>2510, 2710              | 4220 |
| 10 | Ҳисобдор шахслар давр харажатларига тегишли бўлган турли хилдаги харажатларни тўлади                                                                                         | 9410-9440                              | 4220 |
| 11 | Асосий ишлаб чиқариш, ёрдамчи ишлаб чиқариш, умумишлаб чиқариш ва бошқарув эҳтиёжларига тааллуқли харажатларни амалга оширганлиги учун ҳисобдор шахсларга қарзлар ҳисобланди | 2010, 2310,<br>2510, 9420              | 6970 |
| 12 | Маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган (транспорт ва бошқа) харажатларни амалга оширганлиги учун ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар ҳисобланди                                  | 9410                                   | 6970 |

**Мавзунини мустақил ўзлаштириш бўйича саволлар :**

- 1.Накд пулсиз ҳисоб-китобнинг шакллари.
- 2.Ҳисоб-китобни акцепт шаклида ҳисобга олиш.
- 3.Ҳисоб-китобни аккредитив шаклида ҳисобга олиш.
4. Режали тўловлар тартибидаги ҳисоб-китоб шакли.
- 5.Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётларнинг корреспонденцияси.
- 6.Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётларнинг корреспонденцияси.
- 7.Бюджетга тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби.
- 8.Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби.
- 9.Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар счётининг корреспонденцияси.
- 10.Суғурта ва мақсадли давлат жамғармалари бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётларнинг корреспонденцияси.
- 11.Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобни ҳисоби.
- 12.Хизмат сафарларига берилган аванслар ва Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар счётларининг корреспонденцияси.

**4-мавзу: Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш  
заҳиралари,ўстиришдаги ва боқувдаги молларни ҳисобга олишнинг  
хусусиятлари.**

**РЕЖА.**

1. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш заҳираларининг иқтисодий моҳияти, туркумланиши ва баҳолаш. Омбор хўжалиги ҳисобини ташкил этиш.

2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш заҳираларининг дастлабки ҳисоби.

3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш заҳираларининг синтетик ва аналитик ҳисоби.

4. Ўстиришдаги ва боқувдаги молларнинг иқтисодий моҳияти, баҳолаш ва ҳисобнинг вазифалари. Ўстиришдаги ва боқувдаги молларнинг дастлабки ҳисоби.

5. Ўстиришдаги ва боқувдаги молларнинг синтетик ва аналитик ҳисоби.

**“Таянч” иборалар:**

“Айланма активлар”, “Товар моддий заҳиралар”, “Тайёр маҳсулотлар”, “Соф сотиш нархи”, “Омбор хўжалиги”, “Моддий жавобгар шахс”, “Инвентар ва хўжалик жиҳозлари”, “Ўстиришдаги ва боқувдаги моллар”, “Асосий пода”.

**1.Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш заҳираларининг иқтисодий моҳияти, туркумланиши ва баҳолаш. Омбор хўжалиги ҳисобини ташкил этиш.**

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш учун узоқ муддатли активлар билан бирга айланма активлар ҳам зарур бўлади. Айланма активлардан товар-моддий заҳиралар ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этади. Товар моддий заҳираларга тайёр маҳсулотлар, тугалланмаган ишлаб чиқаришлар, хом ашё ва материаллар, ёқилғи, уруғлик, кўчат материаллари, ем-хашак, ўғитлар, қурилиш материаллари, эҳтиёт қисмлар, кам баҳоли ва тез эскирувчи предметлар киради. Товар-моддий заҳиралари узоқ муддатли активлардан қуйидагилари билан фарқ қилади:

1.Ишлаб чиқариш жараёнида бир марта иштирок этади.

2.Ўз қийматини тўлиқ ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига кўшади.

Товар-моддий заҳираларни иқтисодий моҳияти, баҳолаш, харажатга чиқариш Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартси №4 “Товар-моддий заҳиралар”и билан тартибга солинади.

Товар моддий заҳиралар турлари бўйича туркумланади:

1)Тайёр маҳсулотлар. Булар фермер хўжаликларида қайси тармоқдан олинганлигига қараб бўлинади:

а) Ўсимликчилик тайёр маҳсулотлари.

б) Чорвачилик тайёр маҳсулотлари.

в) Саноат ва бошқа ишлаб чиқаришлар тайёр маҳсулотлари.

2)Тугалланмаган ишлаб чиқаришлар. Булар тармоқлар (ўсимликчилик, чорвачилик, саноат ишлаб чиқариш ва х.к.) бўйича бўлинади.

3) Хом ашё ва материаллар. Булар эса турлари (хом ашё турлари, ўғит, ем-хашак, уруғлик, ёқилғи ва х.к.) бўйича бўлинади.

-Тайёр маҳсулотлар – корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўлиб, йил давомида режа таннархида баҳоланиб, йил охирида ҳақиқий таннархга етказилади.

- Сотиб олинган товар-моддий заҳиралар сотиб олиш нархи бўйича (сотиб олиш баҳосига олиб келиш харажати қўшиб) баҳоланади.

- Тугалланмаган ишлаб чиқаришлар-ҳақиқий таннархи бўйича баҳоланади.

Шунингдек, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддасига асосан “Айланма активлар”ни баҳолаш қуйидаги икки баҳонинг энг пасти бўйича – баланс тузилаётган санадаги ҳақиқий таннархи бўйича (сотиб олиш нархи ёки ишлаб чиқариш таннархи) ёки бозор баҳоси бўйича (соф сотиш қиймати) амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш таннархи – бу мазкур активни ишлаб чиқаришга алоқадор харажатлар йиғиндисидир.

Соф сотиш нархи активни сотиш харажатлари чегирилган ҳолатда активни сотиш мумкин бўлган нархидир.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш заҳиралари ҳисобининг вазифалари:

1)Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш заҳираларини тўғри ва ўз вақтида бухгалтерия ҳужжатлари ва регистрларида акс эттирилишини таъминлаш;

2)Маҳсулотлар ва заҳираларни тўлиқ сақланишини ва улар устидан тўғри сарфланишини таъминловчи назоратни ўрнатиш;

3)Исталган кунга ёки вақтга материаллар ва маҳсулотлар ҳолати ва ҳаракати тўғрисида маълумот олишни таъминлаш;

4)Ишлаб чиқариш заҳираларини белгиланган меъёردа булишини таъминлаш;

5)Вақти-вақти билан маҳсулот ва заҳиралар сақланиши ва ҳолати бўйича инвентаризация ўтказиб туриш.

Фермер хўжаликларида маҳсулот ва заҳираларни сақланишини таъминлаш учун омбор хўжалиги ташкил этилади. Омборлар умумий ва махсус омборларга бўлинади. Умумий омборларда корхона эҳтиёжи учун зарур бўлган инвентарлар, қоп-қанорлар, идишлар ва ҳ.к. сақланади. Махсус омборлар маълум турдаги заҳираларни сақлаш учун ташкил этилади. Масалан: ёқилғи омбори, ўғитлар омбори ва ҳ.к.

Омбор хўжалигини ташкил этилиши, тегишли ускуналар билан жиҳозланиши учун фермер хўжаликлари раҳбари масъул ҳисобланади. Омборда сақланадиган заҳиралар ва маҳсулотлар учун омбор мудирини моддий-жавобгар шахс ҳисобланади. Омбор мудирини омбор хўжалиги ҳисобини юритади. Омборда сақланадиган маҳсулотлар ёки заҳираларни ҳолати ва ҳаракати омбор мудирини томонидан “Омбор ҳисоби дафтари” ёки “Омбор ҳисоби карточкаси” га ёзиб борилади. Омборга қабул қилинадиган товар-моддий заҳиралар “Материалларни қабул қилиш тўғрисида накладной”, “Юк хати”, “Счёт-фактура” ва бошқа ҳужжатлар асосида қабул қилинади. Омбордан товар моддий заҳиралар “Лимит-забор картаси”, “Талабнома”, “Юк хати” ва бошқа ҳужжатлар асосида берилади.

Ҳужжатлар айланиш графигига асосан омбор мудир кириш ва чиқим ҳужжатларини илова қилган ҳолда бухгалтерияга “Товар-моддий захира ҳаракати тўғрисида” ҳисобот топширади.

## **2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш заҳираларининг дастлабки ҳисоби.**

Дастлабки ҳисоб – бу бухгалтерия ҳисобининг хусусиятларидан бири, ҳужжатлар асосида иш юритилиши билан бевосита боғлиқ. Дастлабки ҳисоб қуйидаги уч элементдан иборат:

1. Дастлабки бухгалтерия ҳужжатлари
2. Моддий жавобгар шахснинг кириш-чиқим дафтари.
3. Моддий жавобгар шахснинг ҳисоботи.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш заҳираларининг ҳаракати бўйича турли хил бухгалтерия ҳужжатлари расмийлаштирилади. Буларни қуйидаги тартибда кўриб чиқамиз:

А) Ўсимликчилик маҳсулотлари кириши ва чиқими бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатлар:

-“Дон ва бошқа маҳсулотларни даладан жўнатиш реестри” – донли экинлар маҳсулотларини даромадга олишга расмийлаштирилади.

-“Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини келиш кундаги”–сабзавот, мева, полиз маҳсулотларини даромадга олишда расмийлаштирилади

-“Пахта терими тўғрисида кунлик маълумот”- пахта хом-ашёсини даромадга олишда расмийлаштирилади.

-“Дағал ва ширани озукларни даромадга олиш далолатномаси” - озукларни даромадга олишда расмийлаштирилади.

-“Ўсимликчилик маҳсулотларини саралаш ва куриш далолатномаси”–донли экинлар маҳсулотларини саралашда расмийлаштирилади.

-“Дон ва бошқа маҳсулотлар ҳаракати қайдномаси”- донли экинлар маҳсулотларини йиғиштириб олиш мавсуми даврида расмийлаштирилади.

-“Товар-транспорт накладной”–ўсимликчилик маҳсулотларини тайёрлов ташкилотига жўнатиш (сотиш) да расмийлаштирилади.

-“счёт-фактура”, “Юк хати” – ўсимликчилик маҳсулотлари бошқа ташкилотларга ёки корхона ходимларига сотишда расмийлаштирилади.

-“Ем-хашак сарфлаш қайдномаси”– чорва молларини озуклантириш учун ем-хашак сарфлаш вақтида расмийлаштирилади.

-“Уруғлик ва экиш материалларини сарфлаш далолатномаси” –уруғлик ва қўчат материалларини сарфлашда расмийлаштирилади.

б) Чорвачилик маҳсулотлари кириши ва чиқими бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатлар:

-“Соғилган сутни ҳисобга олиш журнали”–соғилган сутни ҳисобга олишда расмийлаштирилади.

-“Сут ҳаракати қайдномаси”–сутнинг ҳаракатини ҳисобга олишда расмийлаштирилади.

-“Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини келиш кундалиги”– асални ва тухумни даромадга олишда расмийлаштирилади.

-“Жунни қирқиш ва даромадга олиш далолатномаси” – қўйлардан қирқиб олинган жунни ҳисобга олишда расмийлаштирилади.

-“Товар-транспорт накладной”—чорвачилик маҳсулотларини тайёрлов ташкилотларига жўнатиш (сотиш) да расмийлаштирилади.

-“Юк хати”— чорвачилик маҳсулотларини ички хўжалик эҳтиёжи учун фойдаланишда расмийлаштирилади.

в) Ишлаб чиқариш заҳираларини кирим ва чиқими бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатлар:

-“Счёт-фактура”—ушбу ҳужжатга асосан таъминот ташкилотларидан сотиб олинган турли хил товар-моддий заҳиралари киримга олинади.

-“Материалларни қабул қилиш тўғрисида накладной”—хўжаликни ўзида ишлаб чиқилган ёки тайёрланган ҳамда асосий воситалар тугатишдан олинган турли хил материаллар даромадга олинади.

-“Лимит — забор картаси”, “Талабнома”, “Юк хати” — ишлаб чиқариш заҳираларини сарфланиши ҳисобга олинади.

-“Минерал, органик ва бакредитериологик ўғитлар, заҳарли химикатлар ва гербицидларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси” — минерал ва бошқа ўғитлар, заҳарли химикатлар ва гербицидлар сарфланиши ҳисобга олинади.

Юқорида кўриб чиқилган бухгалтерия ҳужжатларидан ташқари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш заҳираларининг ҳаракати бўйича бошқа тегишли ҳужжатлар ҳам расмийлаштирилиши мумкин.

Масалан: маҳсулотларни сотишда ёки ишлаб чиқариш заҳираларини сотиб олишда дастлаб “Шартнома” тузилади. Ишлаб чиқариш заҳираларини хўжалик вакили “Ишонч қоғози” орқали тегишли ҳужжатлар асосида мол етказиб берувчи ташкилотдан олиб келади.

### **3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш заҳираларининг синтетик ва аналитик ҳисоби.**

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш заҳираларни ҳисобга олишда актив счёт бўлган “1000-Материаллар ҳисоби счётлари” қўлланилади. Бухгалтерия ҳисоби счётлар режасига асосан “1000-Материаллар ҳисоби счётлари” таркибидаги қуйидаги счётлар мавжуд:

1010 “Хом ашё ва материаллар”.

1020 “Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар”

1030 “Ёқилғи”

1040 “Эҳтиёт қисмлар”

1050 “Қурилиш материаллар”

1060 “ Идиш ва идишбоп материаллар ”

1070 “Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар”

1080 “Инвентар ва хўжалик жиҳозлари ”

1090 “Бошқа материаллар”.

1010 “Хом-ашё ва материаллар” счётида фермер хўжаликлари ўз ишлаб чиқаришда қайта ишлаш учун мўлжалланган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳисобга олиб борилади.

1020 “Сотиб олинган ярим тайёр материаллар ва бутловчи қисмлар” счётида сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ёки ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун бутловчи материаллар ҳисобга олиб борилади.

1030 “Ёқилғи” счётида барча турдаги (қаттиқ ва суюқ) ёқилғилар, 1040 “Эҳтиёт қисмлар” счётида барча турдаги эҳтиёт қисмлар, шиналар, 1050

“Қурилиш материаллари” счётида барча турдаги қурилиш материаллари, 1060 “Идиш ва идишбоп материаллар” счётида барча турдаги идишлар, идиш материаллари, 1070 “Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар” счётида қайта ишлаш учун бошқа ташкилотларга берилган материаллар ҳисобга олиб борилади.

1080 «Инвентар ва хўжалик жиҳозлари» счётида фермер хўжаликларининг айланма маблағлари таркибига кирадиган инвентарлар, асбоблар, хўжалик жиҳозлари ва бошқа меҳнат воситаларининг (кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар) мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

Ушбу счётда қуйидаги мезонлардан бирига жавоб берадиган мулк ҳисобга олинади:

а) хизмат қилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлмаган;

б) хизмат қилиш муддатидан қатъи назар бир бирлиги (комплект)нинг қиймати (сотиб олиш вақтида) Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг эллик баробаригача бўлган буюмлар. Раҳбар ҳисобот йилида буюмларнинг инвентар ва хўжалик жиҳозлари таркибига ҳисобга олиниши учун қийматининг паст чегарасини белгилаш ҳуқуқига эга.

Хизмат қилиш муддати ва қийматидан қатъи назар инвентар ва хўжалик жиҳозлари таркибига қуйидагилар киритилади:

а) махсус асбоблар ва мосламалар (алоҳида буюртмани тайёрлаш учун ёки маълум бир турдаги буюмларни серияли ва оммавий ишлаб чиқариш учун мўлжалланган мақсадли асбоблар ва мосламалар);

б) махсус ва санитар буюмлар, махсус пойафзал;

в) ётоқ жиҳозлари;

г) канцелярия жиҳозлари (калькуляторлар, стол жиҳозлари ва ҳ.к.);

д) ошхона ва овқатланиш хонаси жиҳозлари шунингдек, овқатланиш хонаси чойшаблари;

е) харажатлари, уларни қуриш, қурилиш-монтаж ишлари таннарига олиб бориладиган вақтинчалик (титулсиз иншоотлар) қурилма ва мосламалар;

ж) фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлган алмаштириладиган ускуналар;

Фермер хўжаликлари мустақил равишда инвентарлар, асбоблар ва хўжалик жиҳозларни ҳисобга олувчи счётларни уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятидаги ўрни ва ролига қараб очишлари мумкин. Уларнинг қиймати фойдаланишга берилган вақтда ишлаб чиқариш ёки давр харажатларига тўлиқ қўшилади. Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозларининг сақланишини таъминлаш мақсадида кейинчалик уларнинг ҳисоби балансдан ташқари 014 «Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари» счётида алоҳида фойдаланувчилар бўйича юритилади.

Инвентар ва хўжалик жиҳозлари кейинчалик фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган ҳолларда уларни балансдан ташқари счётдан ҳисобдан чиқариш белгиланган тартибда расмийлаштирилган “Ҳисобдан чиқариш далолатномаси”га асосан амалга оширилади.

1090 “Бошқа материаллар” счётида ем-хашаклар, уруғлик, ўғитлар, асосий воситаларни тугатишдан олинган металлалом, эскирган шиналар, қайта ишланган мойлар ва бошқа материаллар ҳисобга олиб борилади

Фермер хўжаликлари уруғликлар, экиш материаллари, (сотиб олинган ва ўзида ишлаб чиқарилган) компостлар, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши курашда ишлатиладиган, биологик препаратлар, заҳарли кимёвий моддалар, дорилар ҳамда кимёвий моддаларни (ўсимликчиликда, чорвачиликда ва ёрдамчи хўжаликда) ҳисобга олиш ва бошқалар учун қўшимча счётларни очишлари мумкин.

1000 “Материалларни ҳисобга олувчи счётлар”нинг корреспонденцияси.

| Т/<br>р | Хўжалик операцияларининг мазмуни                                                                                  | Счётларнинг боғланиши  |           |
|---------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------|-----------|
|         |                                                                                                                   | Дебет                  | Кредит    |
| 1       | Мол етказиб берувчилардан материаллар олинди                                                                      | 1010-1090              | 6010      |
| 2       | Асосий воситаларни тугатиш натижасида материаллар даромадга олинди                                                | 1090                   | 9210      |
| 3       | Материаллар кирим қилингандан кейин аниқланган яроқсизлик (дефект) бўйича мол етказиб берувчига билдирилган даъво | 4860                   | 1010-1090 |
| 4       | Ўзида ишлаб чиқарилган материалларнинг кирим қилиниши                                                             | 1010-1090              | 2010-2310 |
| 5       | Тўлови инкор этилган олдин билдирилган даъво суммасининг ҳисобдан чиқарилиши                                      | 1010-1090              | 4860      |
| 6       | Ўсимликчилик эҳтиёжи учун уруғлик ва экиш материаллари, ўғитлар, турли хил химикатлар                             | 2010                   | 1090      |
| 7       | Чорвачилик эҳтиёжи учун ем-хашак, доридармонлар сарфланиши                                                        | 2010                   | 1090      |
| 8       | Омбордаги тайёр маҳсулотни уруғлик ёки ем-хашак учун ажратилиши                                                   | 1090                   | 2810      |
| 9       | Асосий, ёрдамчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи хўжаликларга материалларнинг сарфланиши                          | 2010, 2310, 2510, 2710 | 1010-1090 |
| 10      | Маъмурий эҳтиёжлар учун материалларнинг берилиши                                                                  | 9420                   | 1010-1090 |
| 11      | Табиий офат натижасида йўқотилган материалларнинг ҳисобдан чиқарилиши                                             | 9720                   | 1010-1090 |
| 12      | Инвентаризация натижасида материалларнинг камомади аниқланди                                                      | 5910                   | 1010-1090 |
| 13      | Материалларни сотилиши ва бошқа ҳисобдан чиқарилишига                                                             | 9220                   | 1010-1090 |

Ишлаб чиқариш заҳираларининг турлари, гуруҳлари бўйича ёки моддий жавобгар шахслар бўйича аналитик счётлар ташкил этилади ва уларнинг ҳаракати бўйича ҳисоб регистрларига ёзувлар моддий жавобгар шахслар

ҳисоботи, кирим-чиқим накладнойлари, счѐт-фактуралар ва бошқа тегишли ҳужжатлар асосида олиб борилади.

**4. Ўстиришдаги ва боқувдаги молларнинг иқтисодий моҳияти, баҳолаш ва ҳисобнинг вазифалари. Ўстиришдаги ва боқувдаги молларнинг дастлабки ҳисоби.**

Фермер хўжаликларида ўстиришдаги ва боқувдаги моллар айланма активларнинг асосий гуруҳини ташкил этади ва улар меҳнат предметлари ҳисобланади. Уларни боқиш жараёнида жонли меҳнат сарфи, ем-хашак ва бошқа харажатлар қилинади. Маълум ёшга етганидан сўнг, ўстиришдаги моллар асосий подага ўтказилади ва аксинча асосий подадан брак қилинган моллар, боқувга қўйилиб меҳнат предметига ўтади. Ўстиришдаги ва боқувдаги моллар чорвачилик соҳасининг тугалланмаган ишлаб чиқариши ҳисобланиб, улар ўзига хос хусусиятлар эгаллиги, улар айланма активлар (реализация қилиниши, сўйишга топширилиши, асосий подага ўтказилиши) сифатида ҳисобга олишни талаб қилади. Шундай қилиб, ўстиришдаги ва боқувдаги моллар бир томондан чорвачиликни тугалланмаган ишлаб чиқариши деб қаралса, иккинчи томондан айланма активлар ҳисобланади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги моллар доимо ҳаракатда бўлиб, улар шу ҳаракатини ҳисобга олиниш жараёнида баҳоланади. Бу баҳолаш қуйидагича бўлади:

- Сут йўналишидаги қорамолчиликдан олинган бузоқлар режа таннархида баҳоланади.
- Гўшт йўналишидаги қорамолчиликдан олинган бузоқлар тирик вазинини тирик вазннинг режа таннархига кўпайтирилиб баҳоланади.
- Чўчқачиликдан олинган чўчқа болалари ҳам тирик вазнининг тирик вазннинг режа таннархига кўпайтирилиб баҳоланади.
- Ишчи ҳайвонлардан олинган насл, ишчи ҳайвоннинг 60 озуқа-куни режа таннархига тенглаштирилиб баҳоланади. Туялардан олинган насл 120 озуқа-куни режа таннархида баҳоланади
- Парранда болалари инкубациянинг суткалик парранда режа таннархида баҳоланади.
- Янги асалари уялари режа таннархида баҳоланади.
- Четдан сотиб олинган ўстиришдаги ва боқувдаги моллар сотиб олиш баҳосига, олиб келиш харажати қўшиб баҳоланади.
- Асосий подадан брак қилиниб, боқувга қўйилган моллар баланс баҳосида баҳоланади.
- Асосий подага ўтказилган моллар ҳақиқий таннархда баҳоланади.

Фермер хўжаликларида ҳар ойда ўстиришдаги ва боқувдаги моллар вазни ўлчаниб, уларнинг ошган вазни ҳисобига уларнинг қиймати оширилади. Йил охирида ўсган вазннинг ҳақиқий таннархи аниқлангандан сўнг, режа ва ҳақиқий таннархи ўртасидаги фарқ коррекредитировка қилиниб, ўстиришдаги ва боқувдаги молларнинг ҳақиқий таннархи аниқланади.

Ҳисобнинг вазифалари:

- 1) Ўстиришдаги ва боқувдаги молларнинг бош сони ошиши ва сақланиши устидан назорат қилиш
- 2) Пода таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида ҳисобга олиб бориш;

3) Ўстиришдаги ва боқувдаги молларни парваришlash ва боқишнинг натижаларини тўғри аниқлаб бориш;

4) Чорвачилик ходимларининг ўз меҳнати манфаатдорлигини тўғри йўлга қўйиш;

5) Ўстиришдаги ва боқувдаги моллар ҳаракати бўйича дастлабки ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштириш ва ҳисоб регистрларини ўз вақтида юритиш.

Ўстиришдаги ва боқувдаги молларнинг ҳаракатини ҳисобга олишда қуйидаги бухгалтерия ҳужжатлари расмийлаштирилади:

1. “Туғилган ҳайвон наслини кириш қилиш далолатномаси”. Бу ҳужжат бузоқ, чўчка, қўй ва ишчи ҳайвонларнинг болаларини даромадга олиш учун икки нусхада тузилади. Ҳужжатда насл берган ҳайвон кимга беркитилганлиги, унинг лақаби, номери, туғилган насл сони, жинси, берилган номери, ажралиб турадиган белгилари ва кимга беркитилганлиги кўрсатилади.

2. “Ҳайвонларни гуруҳдан-гуруҳга ўтказиш далолатномаси”. Ўстиришдаги моллар доимо ўсишда бўлганлиги учун вақти-вақти билан бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ўтказилиб турилади. Шунда юқоридаги ҳужжат расмийлаштирилиб, бунда махсус ҳайъат тузади ва бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ўтказиладиган ҳайвон тури, вазни, қайси гуруҳдан қайси гуруҳга ўтказилаётганлиги, кимга беркитилганлиги кўрсатилади.

3. “Моллар вазнини тортиш қайдномаси”. Ўстиришдаги ва боқувдаги моллар ҳар ойда вазни ўлчанади ва шу ўлчаш натижаси шу ҳужжатда расмийлаштирилади. Бунда ҳар бир ҳайвоннинг охириги ва кейинги вазни асосида уларнинг ўсган вазни (привес) аниқланади.

4. “Моллар ва паррандаларни жўнатиш-қабул қилиш товар-транспорт накладной”. Бу ҳужжатга асоан харидор ва буюртмачиларга сотилган ҳайвонлар ҳисобга олиниб, моллар бош сони, тирик вазни, қаерга жўнатилаётгани, қабул қилиб олувчи, жўнатувчи ва бошқа маълумотлар акс эттирилади.

5. “Моллар ва паррандаларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси”. Моллар сўйилганда, мажбурий сўйилганда ёки касаллиги туфайли нобуд бўлганда, ушбу ҳужжат расмийлаштирилиб, ҳисобдан чиқиш сабаби кўрсатилади.

6. Четдан сотиб олинган моллар “Счёт-фактура” билан даромадга олинади. Агар ёш мол наслдор бўлса, белгиланган нусхада “Наслдорлик гувоҳномаси” ҳам бўлиши лозим.

7. “Суткалик ёш паррандаларнинг чиқиши ва саралаш далолатномаси”. Ихтисослашган хўжаликларда инкубациядан чиққан жўжа ва бошқа паррандаларни ҳисобга олишда ушбу ҳужжат расмийлаштирилади.

Фермер хўжаликларининг чорвачилик фермасида “Моллар ва паррандалар ҳисобга олиш дафтари” юритилади. Ушбу дафтарда юқоридаги ҳужжатлар асосида ҳайвон ва паррандалар таркибидаги ўзгаришлар ҳисобга олиниб, тегишли ёзувлар ёзиб борилади. Ҳар ойнинг охирида дафтардаги маълумотлар якунланади ва шу асосда “Моллар ва паррандалар ҳаракати ҳақидаги ҳисобот” тузилади. Ушбу ҳисобот икки нусхада тузилиб, бир нусхаси фермада, иккинчи нусхаси бошланғич ҳужжатлар илова қилинган ҳолда бухгалтерияга топширилади.

## **5. Ўстиришдаги ва боқувдаги молларнинг синтетик ва аналитик ҳисоби.**

Фермер хўжаликларида ўстиришдаги ва боқувдаги молларнинг сақлаш харажатлари ва олинган маҳсулотлари 2010-“Асосий ишлаб чиқариш” счётининг “Чорвачилик” аналитик счётида ҳисобга олиб борилади. Йирик ҳайвонлар (қорамол, қўй, эчки, ишчи ҳайвонлар, чўчка)нинг асосий подага ўтказилганларининг бош сони ва улар қиймати 0100 “Асосий воситаларни ҳисобига олувчи счётлар” счётининг 0170“Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар” счётида ҳисобга олиб борилади. Ўстиришдаги ва боқувдаги молларнинг бош сони, қиймати ва ҳаракати 1100 «Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобига олувчи счётлар»да ҳисобга олиб борилади. 1100«Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобига олувчи счётлар» балансга нисбатан актив счёт бўлиб, унинг дебет томонида чорва молларидан олинган ўсган вазн (привес)ни ва бош сонининг кўпайиши, кредит томонида эса чиқими акс эттирилади.

Фермер хўжаликларига тегишли ёш ҳайвонлар; боқувдаги, яйловдаги катта ёшдаги ҳайвонлар; паррандалар; ёввойи ҳайвонлар; қуёнлар; асалари оилалари; сотиш учун асосий подадан яроқсиз қилинган (боқувга қўйилмасдан); сотиш учун аҳолидан қабул қилинган қорамолларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар»;

1120 «Бўрдоқидаги ҳайвонлар».

Асосий подадан яроқсиз қилинган ҳайвонлар 1120 «Бўрдоқидаги ҳайвонлар» счётига, 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счётининг кредитидан (маҳсулдор ҳайвонлар - бошланғич қийматда; ишчи ҳайвонлар - яроқсизга чиқариш натижасида олинган ҳақиқий микдорида) ҳисобга олинади.

Насл сифатида олинган ёш ҳайвонлар 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счётининг дебетига ва насл берадиган ҳайвонларни сақлаш харажатларни ҳисобга олувчи счётнинг кредитидан кирим қилинади.

Ёш йирик шохли қорамоллар ва боқувдаги (яйловдаги) ҳайвонларнинг ортган вазнининг қиймати шунингдек, ёш ҳайвонлар (тойлар ва бошқалар)нинг ўсиш қиймати ҳар ойда 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» ва 1120 «Бўрдоқидаги ҳайвонлар» счётларининг дебетига парваришlash режа таннари бўйича ушбу ҳайвонларни парваришlash харажатларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредитидан олиб борилади. Йил охирида кўрсатилган счётлар бўйича йил давомида парваришlash режа таннари бўйича ҳисобга олинган ҳайвонларнинг қўшилган вазни ёки ўсиш қийматини, парваришlashнинг ҳақиқий таннаригача тўғриlash ёзувлари амалга оширилади.

Асосий подага ўтказиладиган ёш ҳайвонлар 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счётидан 0840 «Асосий подани ташкил этиш» счётининг дебетига ҳисобдан чиқарилади. Бир вақтнинг ўзида ёш ҳайвонларнинг асосий подага ўтказилишида 0170 «Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар» счёти дебетланади ва 0840 «Асосий подани ташкил қилиш» счёти кредитланади. Қиймати 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счётида юритиладиган ҳайвонларнинг четга чиқиб кетиши, шу жумладан, асосий подадан яроқсиз қилинган ҳайвонларни тайёрlash корхоналарига топширилиши 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» 1120 «Бўрдоқидаги ҳайвонлар» счётларининг кредити ва 9110 «Сотилган тайёр

махсулотларнинг таннари» счётининг дебитида акс эттирилади ва бир вақтнинг ўзида ушбу ҳайвонлар учун сотиб олувчидан корхонага тегишли суммага 9010 «Тайёр махсулотларни сотишдан даромадлар» счётининг кредити билан 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» счётининг дебити билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Фермер хўжаликларида нобуд бўлган ва ноиложликдан сўйилган эпизоотия ёки табиий офатдан нобуд бўлганларидан ташқари ҳайвонларнинг қиймати, моддий қийматликларнинг бузилиши сифатида 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» ва 1120 «Бўрдоқидаги ҳайвонлар» счётларининг кредити ва 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счётининг дебитида акс эттирилади. Нобуд бўлган ва ноиложликдан сўйилган ҳайвонлардан олинган терилар, шохлар, туёқлар, техник ёғлар ва шу кабилар фойдаланиш ёки сотиш мумкин бўлган нархлар бўйича баҳоланиб, қўшимча махсулот сифатида ҳайвонларни парваришлаш харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг кредитидан кирим қилинади. Эпизоотия ёки табиий офатдан нобуд бўлган ёки сўйилган ҳайвонларнинг қиймати 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» ва 1120 «Бўрдоқидаги ҳайвонлар» счётларининг кредитидан бевосита 9720 «Фавқулоддаги зарарлар» счётининг дебитига ҳисобдан чиқарилади.

1100“Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи счётлар”нинг корреспонденцияси.

| Т/р | Хўжалик операцияларининг мазмуни                                      | Счётларнинг боғланиши |        |
|-----|-----------------------------------------------------------------------|-----------------------|--------|
|     |                                                                       | Дебет                 | Кредит |
| 1   | Ёш моллар бир ёш гуруҳдан иккинчи ёш моллар гуруҳига ўтказилса.       | 1110                  | 1110   |
| 2   | Бошқа шахслардан ва аҳолидан харид қилинган ҳайвонлар кирим қилинди   | 1110,<br>1120         | 6990   |
| 3   | Ҳайвонларнинг ортган вазни ва ўсишининг кирим қилиниши                | 1110,<br>1120         | 2010   |
| 4   | Мол етказиб берувчилардан харид қилинган ёш ҳайвонлар кирим қилинди   | 1110                  | 6010   |
| 5   | Ҳайвонларни етказиб келиш бўйича ҳисобдор шахсларнинг харажатлари     | 1110,<br>1120         | 6970   |
| 6   | Таъсисчилардан улуш сифатида олинган ёш ҳайвонларнинг кирим қилиниши  | 1110                  | 4610   |
| 7   | Маҳсулдор ҳайвонлар наслларининг кирим қилиниши                       | 1110                  | 2010   |
| 8   | Ишчи ҳайвонлар наслларининг ёки ўсган вазнини кирим қилиниши          | 1110                  | 2310   |
| 9   | Асосий подадан брак қилиниб, боқувга қўйилган моллар суммасига        | 1120                  | 0170   |
| 10  | Бошқа шахслардан текинга келиб тушган ёш ҳайвонларнинг кирим қилиниши | 1110                  | 8530   |
| 11  | Ёш ҳайвонларнинг асосий подага ўтказилиши                             | 0840                  | 1110   |
| 12  | Сотилган ва четга берилган ёш ҳайвонлар                               | 9110                  | 1110   |
| 13  | Эпизоотия натижасида нобуд бўлган ёш                                  | 9720                  | 1110   |

|  |                                   |  |  |
|--|-----------------------------------|--|--|
|  | хайвонларнинг ҳисобдан чиқарилиши |  |  |
|--|-----------------------------------|--|--|

1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» ва 1120 «Бўрдоқидаги ҳайвонлар» счётлари бўйича аналитик счётлар ҳайвонларни ўстириш ва боқиш харажатларини ҳисобга олиш учун белгиланган ҳайвонларни сақлаш жойлари, турлари, ёшларининг гуруҳлари ва бошқалар бўйича юритилади. Ушбу аналитик счётларидаги ёзувлар, “Моллар ва паррандалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот” асосида олиб борилади.

**Мавзуни мустақил ўзлаштириш бўйича саволлар :**

1. Ишлаб чиқариш заҳиралари иқтисодий моҳияти.
2. Айланма активларни баҳолаш.
3. Омбор хўжалиги ҳисобини ташкил этиш.
4. Ўсимликчилик маҳсулотлари ҳаракати бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатлар.
5. Чорвачилик маҳсулотлари ҳаракати бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатлар.
6. Материаллар ҳаракати бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатлар.
8. Материалларни синтетик ва аналитик ҳисоби.
9. Ўстиришдаги ва боқувдаги молларнинг иқтисодий моҳияти.
10. Ўстиришдаги ва боқувдаги молларни баҳолаш.
11. Ўстиришдаги ва боқувдаги молларнинг дастлабки ҳисоби.
12. Ўстиришдаги ва боқувдаги моллар ҳаракати бўйича ҳисобот.
13. Ўстиришдаги ва боқувдаги моллар синтетик ва аналитик ҳисоби.

**5-Мавзу. Фермер хўжаликларида асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби**

**РЕЖА.**

1. Асосий воситаларнинг иқтисодий моҳияти, туркумланиши, баҳолаш ва ҳисобнинг вазифалари.
2. Асосий воситалар келишининг ҳисоби.
3. Асосий воситалар эскириши ҳисоби.
4. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ва тугатишнинг ҳисоби.
5. Номоддий активлар ҳисоби.

**«Таянч» иборалар:**

«Асосий воситалар», «Амортизация», «Амортизация қилинадиган қиймат», «Фойдали хизмат муддати», «Дастлабки қиймат», «Жорий қиймат», «Қолдик қиймат», «Тугатиш қиймати», «Қопланадиган сумма», «Баланс қиймати», «Номоддий актив».

**1 Асосий воситаларнинг иқтисодий моҳияти, туркумланиши, баҳолаш ва ҳисобнинг вазифалари.**

Фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятида меҳнат, материал ва молия ресурслари билан бирга асосий воситалардан ҳам фойдаланадилар. Асосий воситалар – узоқ давом этадиган вақт мобайнида (бир йилдан кўпроқ вақт давомида) моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, ноишлаб чиқариш соҳасида ҳам амал қилинадиган, шунингдек ижарага бериш учун фойдаланадиган моддий активлардир (БХМАН<sup>5</sup>нинг 7-банди). Асосий воситаларга бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари, узатувчи мосламалар,

ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари ва ҳ.к. киради. Фермер хўжаликларида маҳсулдор ва ишчи ҳайвонлар, кўп йиллик дарахтлар ва ҳ.к. ҳам асосий воситалар таркибига киради. Асосий воситаларга ерларни мелiorатив ҳолатини яхшилаш учун қилинган капитал сарфлар ҳам киради. Асосий воситалар айланма маблағлардан қуйидаги белгилари билан фарқ қилади:

1) Ишлаб чиқариш жараёнида бир неча марта иштирок этиши.

2) Хизмат муддати давомида натура кўринишини сақлаб қолиши.

3) Ўз қийматини харажатга босқичма-босқич (амортизация шаклида) қўшиши.

Хизмат муддати бир йилдан кам бўлган активлар (меҳнат воситалари) тез эскирувчи буюмлар ҳисобланади.

Асосий воситалар молиявий ҳисоботнинг №3 шакли «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот»га асосан қуйидагича туркумланади:

1. Бино.

2. Иншоот.

3. Узатиш мосламалари.

4. Машина ва жиҳозлар

шу жумладан: а) Куч машина ва жиҳозлари.

б) Ишчи машина ва жиҳозлар.

в) Ўлчов ва тартибга солувчи асбоблар, мосламалар ва лаборатория жиҳозлари.

г) Ҳисоблаш техникаси.

д) Бошқа воситалари.

5. Транспорт воситалари.

6. Асбоб-ускуналар.

7. Ишлаб чиқариш инвентари.

8. Хўжалик инвентари.

9. Ходим ва маҳсулдор ҳайвонлар.

10. Кўп йиллик дарахтлар.

11. Ер ҳолатини яхшилашдаги капитал харажатлар (иншоотсиз).

12. Бошқа асосий воситалар.

Асосий воситалар ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятида тайинланишига кўра туркумланади:

1. Ишлаб чиқариш асосий воситалари.

2. Захирадаги асосий воситалари.

3. Консервация қилинган асосий воситалар.

4. Ижарага олинган асосий воситалар.

Асосий воситалар кимга тегишли эканлигига кўра туркумланади:

1. Ўз асосий воситалари.

2. Ижарага олинган асосий воситалар.

Асосий воситалар натура кўринишига кўра туркумланади:

1. Натура кўринишга эга асосий воситалар.

2. Натура кўринишига эга бўлмаган асосий воситалар.

Асосий воситалар ҳисобини тўғрилигининг шарт-уларни ягона принцип асосида баҳоланишидир. Асосий воситаларнинг 4 хил баҳоси мавжуд:

1. Асосий воситалар дастлабки қиймати – уларни барпо этиш (қуриш, ўстириш, етиштириш, яшаш) ёки сотиб олиш бўйича амалда қилинган харажатлар қийматидир.

Асосий воситалар дастлабки қиймати, уларни келиш манбаларига қараб қуйидагича бўлади:

а) Таъсисчилардан, уларнинг устав фондига улуши сифатида олинганда – томонларнинг келишувига кўра баҳоланади.

б) Корхонанинг ўзида тайёрланган, бошқа корхонадан ёки шахсдан сотиб олинган асосий воситалар – ҳақиқий харажатлар миқдорида (олиб келиш, монтаж ва ўрнатиш харажатлари қўшилиб) баҳоланади.

в) Текинга олинган асосий воситалар экспертлар аниқлаган ёки қабул қилиш – топшириш ҳужжатларида кўрсатилган баҳода баҳоланади.

Асосий воситалар вақти-вақти билан Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2002 йил 29 окредитябрда тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилган “1 январ ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида низом”га кўра қайта баҳоланиб турилади. Бундай қайта баҳолаш ҳар йили бир марта 1 январ ҳолатига ўтказилди. Қайта баҳолаш натижасида аниқланган асосий воситалар қиймати – қайта тикланган қиймат дейилади.

1. Бошлангич қиймат- асосий воситани ишчи ҳолатга келтириш учун қилинган жами харажатлардир ёки уларни барпо этиш (қуриш, ўстириш, етиштириш, яшаш) ёки сотиб олиш бўйича амалда қилинган харажатлар қийматидир.

2. Жорий қиймат – асосий воситаларнинг муайян бир вақтда амалдаги бозор нархлари бўйича қиймати ёки активларни хабардор манфаатдор томондан ўртасида алмаштирилиши мумкин бўлган суммасидир.

3. Қолдик қиймати – асосий воситаларнинг дастлабки (қайта тикланган) ёки жорий қийматидан тўпланган амортизация чиқариб танланган суммасидир.

4. Тугатиш қиймати – асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш вақтида кўзда тутилган қиймати, бундан асосий воситани тугатиш харажатлари айрилади.

5. Амортизацияланадиган қиймат- дастлабки қийматдан тугатиш қийматини чегирилгандир.

Асосий воситалар ҳисобининг вазифалари:

- Асосий воситаларни сақланишини ва мақсадга мувофиқ фойдаланишини назорат қилиш;

- Асосий воситалар келиши, ҳаракати ва чиқишини ҳужжатларда ва ҳисоб регистрлари тўғри ва ўз вақтида акс эттириш;

- Асосий воситаларни таъмирлаш, кенгайтириш харажатларини мақсадга мувофиқлигини таъминлаш;

- Асосий воситалар амортизацияси (эскириши)ни тўғри ҳисоблашни ва харажатга қўшишни таъминлаш;

- Асосий воситалар ўз вақтида ва мақсадга мувофиқ таъмирланишини назорат қилиш;

- Асосий воситаларни ҳисоб чиқариш ва тугатиш натижаларини аниқ ҳисоблашни таъминлаш.

Асосий воситалардан самарали фойдаланиш ва уларни ҳисобга олишни тўғри йўлга қўйиш учун уларга инвентар номерлар берилади.

**2. Асосий воситалар келишининг ҳисоби.** Фермер хўжаликларига тегишли (мулки) бўлган асосий воситалар ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотлар, актив счёти бўлган 0100 «Асосий воситалар ҳисоби счётлари» таркибидаги қуйидаги счётларда олиб борилади:

|             |                                                                                                |
|-------------|------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <b>0100</b> | <b>Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар</b>                                               |
| 0110        | Ер                                                                                             |
| 0111        | Ерни ободонлаштириш                                                                            |
| 0112        | Молияланадиган узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш |
| 0120        | Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар                                                      |
| 0130        | Машина ва асбоб-ускуналар                                                                      |
| 0140        | Мебель ва офис                                                                                 |
| 0150        | Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси                                                      |
| 0160        | Транспорт воситалари                                                                           |
| 0170        | Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар                                                                    |
| 0180        | Қўп йиллик ўсимликлар                                                                          |
| 0190        | Бошқа асосий воситалар                                                                         |
| 0199        | Консервация қилинган асосий воситалар                                                          |

Ушбу счётлар бўйича асосий воситаларнинг хар бири, гуруҳи ёки тури бўйича аналитик счётлар ташкил этилади. Асосий воситалар юқоридаги счётларда дастлабки қийматда ёки қайта тикланган қийматда ҳисобга олиб борилади.

Асосий воситаларни келиши, «Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси» (№ОС – 1шакл) билан расмийлаштирилади. Ушбу далолатнома ҳар бир объектга тузилиб, техник ҳужжатлар илова қилинади ва асосий воситани баҳоси, эскириш суммаси, тайёрланган вақти, фойдаланишга бериш вақти кўрсатилади. Асосий воситалар ҳаракати ва ҳолати «Инвентар карточка» (№ 6-ОС шакл)да ҳисобга олиб борилади.

Асосий воситалар келиши бўйича қуйидагича бухгалтерия проводкалари тузилади:

1) Дебет 0110-0190

Кредит 0810 – Қурилган объектлар асосий воситалар таркибига қабул қилинганда.

2) Дебет 0110-0190

Кредит 0820 – Асосий воситалар сотиб олинганда. Бир вақтнинг ўзида шу асосий воситалар хўжаликда асосий воситалар таркибига қабул қилинганда.

Дебет 0110-0190

Кредит 0820

3) Дебет 0110-0190

Кредит 0310 – Молиявий лизингга олинган асосий воситаларнинг молиявий лизинг муддати тугагандан сўнг ўз асосий воситалар таркибига қабул қилинганда.

4) Дебет 0110-0190

Кредит 4610 – Таъсис этувчилардан устав капиталига қўшилган асосий воситалар қабул қилинганда.

5) Дебет 0110-0190

Кредит 8530 – Асосий воситалар текинга олинганда.

6) Дебет 0170

Кредит 0840 –Ишчи ёки маҳсулдор ҳайвон асосий восита таркибига қабул қилинганда.

7) Дебет 0110-0190

Кредит 0890 – Асосий воситани кенгайтириш ва реконструкция қилишда қиймати ошганда.

8) Дебет 0111

Кредит 0850 – Ерни ҳолатини яхшилаш учун қилинган сарфлар асосий восита таркибига қабул қилинганда.

9) Дебет 0110-0190

Кредит 8510 – Асосий воситалар қайта баҳолашда ошган суммасига.

10) Дебет 0110-0190

Кредит 9390 – Асосий воситалар инвентаризация натижасида ортиқча чикса, ошган суммасига.

Асосий воситаларни ҳисобга олиб боришда, уларни карточкаларда ҳисобга олиб бориш қулай бўлиб, бунда ҳар бир асосий воситага ёки гуруҳига алоҳида карточка очилиб, унда тегишли маълумотлар (номи, инвентар номери, дастлабки қиймати, амортизация суммаси ва ҳ.к.) акс эттирилиб борилади. Карточкалар картотекада сақланади.

### **3. Асосий воситалар эскириши ҳисоби.**

Асосий воситалар қийматини харажатга босқичма-босқич, яъни қисман қўшиб боради. Ана шу асосий воситанинг харажатга, яъни маҳсулот (иш, хизмат) таннархига қўшиладиган қисми амортизация ажратмалари дейилади. Амортизация ажратмалари йиғиндиси – эскириш суммасини ташкил этади. Асосий воситаларга амортизация ажратмалари меъёри Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида белгилаб берилган. Ушбу меъёрлар асосий воситанинг дастлабки ёки қайта тикланган қийматига фоизларда белгиланган бўлиб, улар қуйидагича:

| Гуруҳлар тартиб рақами | Кичик гуруҳлар тартиб рақами | Асосий воситаларнинг номи                              | Амортизациянинг йиллик нормаси, %да |
|------------------------|------------------------------|--------------------------------------------------------|-------------------------------------|
| I                      |                              | <b>Бинолар, иморатлар ва иншоотлар</b>                 |                                     |
|                        | 1                            | Бинолар, иморатлар                                     | 5                                   |
|                        | 2                            | Қўприклар                                              |                                     |
|                        | 3                            | Дамбалар, тўғонлар                                     |                                     |
|                        | 4                            | Қирғоқни мустаҳкамловчи, қирғоқни химояловчи иншоотлар |                                     |
|                        | 5                            | Резервуарлар, цистерналар, баклар ва бошқа сиғимлар    |                                     |

|            |    |                                                                                                                                      |    |
|------------|----|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
|            | 6  | Ички хўжалик ва хўжаликлараро суғориш тармоғи                                                                                        |    |
|            | 7  | Ёпиқ қоллекредитор-дренаж тармоғи                                                                                                    |    |
|            | 8  | Боғларнинг ва ҳайвонот боғларининг иншоотлари                                                                                        |    |
|            | 9  | Спорт-соғломлаштириш иншоотлари                                                                                                      |    |
|            | 10 | Иссиқхоналар ва парниклар                                                                                                            |    |
|            | 11 | Бошқа иншоотлар                                                                                                                      |    |
| <b>II</b>  |    | <b>Узатиш қурилмалари</b>                                                                                                            |    |
|            | 1  | Элекредитр узатиш ҳамда алоқа қурилмалари ва линиялари                                                                               | 8  |
|            | 2  | Ички газ қувурлари ва қувурлар                                                                                                       |    |
|            | 3  | Водопровод, канализация ва иссиқлик тармоқлари                                                                                       |    |
|            | 4  | Магистрал қувурлар                                                                                                                   |    |
|            | 5  | Бошқалар                                                                                                                             |    |
| <b>III</b> |    | <b>Куч-қувват берадиган машиналар ва ускуналар</b>                                                                                   |    |
|            | 1  | Иссиқлик техника ускуналари                                                                                                          | 8  |
|            | 2  | Турбина ускуналари ва газ турбиналари қурилмалари                                                                                    |    |
|            | 3  | Элекредитр двигателлари ва дизель-генераторлар                                                                                       |    |
|            | 4  | Комплекс қурилмалар                                                                                                                  |    |
|            | 5  | Бошқа куч-қувват берадиган машиналар ва ускуналар (ҳаракатланувчи транспортдан ташқари)                                              |    |
| <b>IV</b>  |    | <b>Фаолият турлари бўйича иш машиналари ва ускуналар (ҳаракатланувчи транспортдан ташқари)</b>                                       |    |
|            | 1  | Иқтисодиётнинг барча тармоқларига тегишли машиналар ва ускуналар                                                                     | 15 |
|            | 2  | Қишлоқ хўжалиги тракторлари, машиналари ва ускуналари                                                                                |    |
|            | 3  | Компрессор машиналари ва ускуналари                                                                                                  |    |
|            | 4  | Насослар                                                                                                                             |    |
|            | 5  | Юк кўтариш-транспорт, юк ортиш-тушириш машиналари ва ускуналари, тупроқ, карьер ҳамда йўл-қурилиш ишлари учун машиналар ва ускуналар |    |
|            | 6  | Устун-қозиқ қоқиш машиналари ва ускуналари, майдалаш-янчиш, саралаш, бойитиш ускуналари                                              |    |
|            | 7  | Технологик жараёнлар учун барча турдаги сизимлар                                                                                     |    |
|            | 8  | Бошқа машиналар ва ускуналар                                                                                                         |    |
| <b>V</b>   |    | <b>Ҳаракатланувчан транспорт</b>                                                                                                     |    |
|            | 1  | Автомобиль транспортининг ҳаракатдаги таркиби, ишлаб чиқариш транспорти                                                              | 20 |
|            | 2  | Енгил автомобиллар                                                                                                                   |    |
|            | 3  | Саноат тракторлари                                                                                                                   |    |
|            | 4  | Коммунал транспорт                                                                                                                   | 10 |
|            | 5  | Бошқа транспорт воситалари                                                                                                           | 20 |
| <b>VI</b>  |    | <b>Компьютер, периферия қурилмалари,</b>                                                                                             |    |

|            |   |                                                                                                 |    |
|------------|---|-------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
|            |   | <b>маълумотларни қайта ишлаш ускуналари</b>                                                     |    |
|            | 1 | Компьютерлар                                                                                    | 20 |
|            | 2 | Периферия қурилмалари ва маълумотларни қайта ишлаш ускуналари                                   |    |
|            | 3 | Нусха кўчириш-кўпайтириш техникаси                                                              |    |
|            | 4 | Бошқалар                                                                                        |    |
| <b>VII</b> |   | <b>Бошқа гуруҳларга киритилмаган қатъий белгиланган активлар</b>                                |    |
|            | 1 | Кўп йиллик дов-дарахтлар                                                                        | 10 |
|            | 2 | Идора мебелли ва ускуналари (шу жумладан телефон аппаратлари, ҳисоблаш қурилмалари ва бошқалар) | 15 |
|            | 3 | Бошқалар                                                                                        | 10 |

Қуйида асосий воситалар амортизация қилинмайди:

1)ер участкалари ва табиатдан фойдаланишга доир бошқа объектлар (сув, ер ости бойликлари ва бошқа табиий ресурслар);

2)маҳсулдор чорва моллари;

3)кутубхона фонди;

4)музей қимматликлари;

5)қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда консервациялашга ўтказилган асосий воситалар;

6)архитектура ёдгорликлари;

7)умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, йўлаклар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфидаги бўлган ободонлаштириш иншоотлари;

8)амортизация тўлиқ ҳисобланган мол-мулк;

9)асосий воситалар таркибига ўтказилмаган капитал қўйилмалар.

Асосий воситалар учун амортизацияни юқорида кўриб ўтилган нормаларда белгиланганидан пастроқ ва фермер хўжаликларининг ҳисоб сиёсатида мустаҳкамлаб қўйилган нормалар бўйича ҳисоблашга йўл қўйилади.

Фойдаланишда бўлган асосий воситаларни сотиб оладиган фермер хўжаликлари ушбу асосий воситалар бўйича амортизация нормасини мазкур асосий воситалардан аввалги мулкдорлар томонидан фойдаланилган йиллар (ойлар) сонига камайтирилган фойдаланиш муддатини ҳисобга олган ҳолда белгилашга ҳақлидир. Агар мазкур асосий воситадан аввалги мулкдорларда амалда фойдаланиш муддати ушбу асосий воситаларнинг ушбу моддада таснифланиши билан белгиланадиган фойдаланиш муддатига тенг ёки ундан ортиқ бўлса, фермер хўжаликлари техника хавфсизлиги талабларини ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда бу асосий воситадан унумли фойдаланиш муддатини мустақил равишда, лекин уч йилдан кам бўлмаган муддатга белгилашга ҳақлидир. Фойдаланишда бўлган асосий воситалардан фойдаланиш муддатини аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, амортизацияни ҳисоблаш янги асосий воситаларга бўлгани сингари амалга оширилади.

Қабул қилинган асосий воситалар, қабул қилинган ойдан кейинги ойнинг 1-кунидан амортизация ҳисобланади. Ҳисобдан чиққанларига, ҳисобдан чиққан ойдан кейинги ойнинг 1-кунидан амортизация ҳисоблаш тўхтатилади.

Асосий воситаларга амортизация №5БХМА “Асосий воситалар”нинг 24 ва 25 пунктларига асосан, қуйидаги усулларнинг бири асосида ҳисобланади:

1)Амортизацияни барабар (тўғридан-тўғри) ҳисоблаш усули.

2)Амортизацияни бажарилган иш ҳажмига мутаносиб тарзда ҳисоблаш (ишлаб чиқариш) усули.

3)Амортизацияни икки барабор кўпайтирилган меъёри билан камаядиган қолдиқ усули (қолдиқни камайиш усули)

4)Йиллар йиғиндиси усули (кумулятив усули).

Асосий воситаларга ҳисобланган амортизация суммалари «Амортизация ҳисоблаш ведомости»да ҳар ойда акс эттирилиб борилади.

Асосий воситаларга ҳисобланган амортизация суммалари счётлар режасидаги контр-актив счёт бўлган. 0200 «Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар» таркибидаги қуйидаги счётларда ҳисобга олиб борилади:

| <b>0200</b> | <b>Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар</b>                                | <b>КА</b> |
|-------------|----------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| 0211        | Ер ободонлаштиришнинг эскириши                                                               |           |
| 02 12       | Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши |           |
| 0220        | Бино, иншоот ва узатувчи мосламаларнинг эскириши                                             |           |
| 0230        | Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши                                                       |           |
| 0240        | Мебел ва офис жиҳозларининг эскириши                                                         |           |
| 0250        | Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникасининг эскириши                                       |           |
| 0260        | Транспорт воситаларининг эскириши                                                            |           |
| 0270        | Ишчи ҳайвонларнинг эскириши                                                                  |           |
| 0280        | Кўп йиллик ўсимликлар эскириши                                                               |           |
| 0290        | Бошқа асосий воситаларнинг эскириши                                                          |           |
| 0299        | Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши                  |           |

Асосий воситаларга амортизация ҳисобланганда, асосий воситалар хизмат қиладиган тармоқ харажатини ҳисобга олувчи счётлар (0810, 2010, 2310, 2510, 2710, 2720, 9423) дебетланиб, 0211-0299 счётлар кредитланади.

0200-“Асосий воситалар эскиришини ҳисобга олувчи счётлар”нинг корреспонденцияси.

| <b>Т/<br/>р</b> | <b>Хўжалик операцияларининг мазмуни</b>                                                                                                           | <b>Счётларнинг боғланиши</b> |               |
|-----------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------|---------------|
|                 |                                                                                                                                                   | <b>Дебет</b>                 | <b>Кредит</b> |
| 1               | Фермер хўжаликларининг асосий, ёрдамчи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчи хўжаликларида фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисобланганда | 2010,<br>2310,<br>2710       | 0211-<br>0299 |
| 2               | Умум ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисобланганда                                                            | 2510                         | 0211-<br>0299 |
| 3               | Маъмурий мақсадлар учун фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисобланганда                                                                 | 9420                         | 0211-<br>0299 |
| 4               | Қуйидаги мақсадларда фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш:                                                                        | 9440                         | 0211-<br>0299 |

|    |                                                                                                                                                                                                             |                       |                       |
|----|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------|-----------------------|
|    | а) янги турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ишга тушириш ишларида;<br>б) умумий ёки якка тартибда ишлаб чиқаришга мўлжалланмаган янги технологик жараёнларни ўзлаштиришда;                   |                       |                       |
| 5  | Ишчи хайвонларга эскириш ҳисобланганда                                                                                                                                                                      | 2010,<br>2310         | 0270                  |
| 6  | Қўп йиллик ўсимликларга эскириш ҳисобланганда                                                                                                                                                               | 2010                  | 0280                  |
| 7  | Жорий (қисқа муддатли) ижарага берилган асосий воситаларга эскириш ҳисобланганда                                                                                                                            | 9430                  | 0220-<br>0299         |
| 8  | Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни хусусий асосий воситалар таркибига ўтиши натижасида уларга ҳисобланган эскириш суммасини ўтказиш                                           | 0299                  | 0211-<br>0290         |
| 9  | Узоқ муддатли ижара шартномасининг муддати тугагандан кейин ижарага берувчига қайтариладиган асосий воситаларнинг эскиришни ҳисобдан чиқариш                                                                | 0299                  | 0310                  |
| 10 | Асосий воситаларнинг эскиришини қайта баҳолаш:<br>а) қиймати оширилганда<br>б) қиймати камайтирилганда                                                                                                      | 8510<br>0211-<br>0299 | 0211-<br>0299<br>8510 |
| 11 | Асосий воситаларни тугатиш, сотиш, текинга бериш, устав капиталига улуш сифатида бериш, узоқ муддатли ижарага бериш, камомад ёки бузилиш натижасида уларга ҳақиқатда ҳисобланган эскиришни ҳисобдан чиқариш | 0211-<br>0290         | 9210                  |

#### **4. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ва тугатишнинг ҳисоби.**

Асосий воситалар тўлиқ эскирганда, сотилганда, табиий офат натижасида нобуд бўлганда ва бошқа ҳолларда ҳисобдан чиқарилади. Асосий воситаларни ҳисобда чиқарилишида махсус тузилган хайъат томонидан “Асосий воситаларни тугатиш далолатномаси” (№4-ОС-шакл) расмийлаштирилади. Далолатномани фермер хўжалиги раҳбари тасдиқлангандан сўнг, бухгалтерияга топширилади ва асосий воситалар ҳисоби карточкасига тегишли ёзувлар ёзилади. Асосий воситани тугатишдан олинган материаллар “Далолатнома” асосида омборга қабул қилинади. Асосий воситаларни тугатилиши ва бошқа ҳисобдан чиқиши транзит счёти бўлган 9210-“Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши” счётида ҳисобга олиб борилади. Ушбу счёти бўйича қуйидагича бухгалтерия проводкалари тузилади.

1. Дебет-9210, Кредит-0110-0190-Ҳисобдан чиқарилган (сотилган, текинга берилган, тугатилган) асосий воситалар дастлабки қийматига.

2. Дебет-9210, Кредит-0110-0190- Лизингга берилган ёки бошқа корхонага ҳисса бадали сифатида берилган асосий воситанинг дастлабки қийматига.

3. Дебет-0210-0299, Кредит-9210-Ҳисобдан чиқарилган асосий воситанинг эскириш суммасига.

4. Дебет-9210, Кредит-2310- Асосий воситани тугатишда ёрдамчи ишлаб чиқаришлар хизмати суммасига.

5. Дебет-9210, Кредит-6710- Асосий воситани тугатишда қатнашганларга меҳнат ҳақи ҳисобланса.

6. Дебет-9210, Кредит-6520- Ижтимоий суғуртага ажратмалар ҳисобланса

7. Дебет-1050,1090,Кредит-9210-Асосий воситани тугатишдан олинган турли хил материаллар суммасига.

8. Дебет-4010, Кредит-9210- Харидорларга сотилган асосий воситалар суммасига (пули тўланмаган).

9. Дебет-9210, Кредит-9310- Асосий воситани тугатишдан молиявий натижа(фойда) аниқланса.

10. Дебет-9430, Кредит-9210- Асосий воситани тугатишдан молиявий натижа(зарар) аниқланса.

Асосий воситалар фойдаланишга яроксиз бўлганда ёки тўлиқ эскирган «Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси» расмийлаштирилиб, ҳисобдан чиқарилади. Ушбу хўжалик операциялари бухгалтерия счётларида қуйидагича акс эттирилади:

1. Дебет 9210 – счёт.

Креит 0110 – 0190 – счётлар – Асосий воситанинг дастлабки қийматига.

2. Дебет 0210-0290 – счётлар.

Кредит 9210–счёт- Асосий воситани эскириш суммасига.

3. Дебет 9210-счёт

Кредит 2310, 6710, 6520 – счётлар-Асосий воситани тугатиш билан боғлиқ харажатларга.

4. Дебет 1040, 1050, 1090 – счётлар.

Кредит 9210-счёт – Асосий воситани тугатишдан олинган турли материаллар суммасига.

Асосий воситаларни бошқа ҳисобдан чиқаришлари бўйича молиявий натижа, худди асосий воситаларни сотишдагидек аниқланади.

Асосий воситаларни инвентаризация натижасида кам чиққанда ёки табиий офат натижасида ёки бошқа сабаблар билан ҳам ҳисобдан (балансдан) чиқарилади. Ушбу операциялар бухгалтерия счётларида қуйидагича акс эттирилади:

1. Дебет 9210 - счёт

Кредит 0110-0190-счётлар Асосий воситанинг дастлабки қийматига.

2. Дебет 0210-0290-счётлар

Кредит 9210-счёт – Асосий воситанинг эскириш суммасига

3. Дебет 9433 «Моддий бойликларни камомоди ва бўзилиши бўйича харажатлар».

Кредит 9210-счёт – Кам чиққан асосий воситанинг фарқ суммасига.

4. Дебет 4630-счёт

Кредит 9433-счёти – Камомад суммаси айбдорга олиб борилса.

Асосий воситалар камомоди ёки бошқа ҳисобдан чиқишига айбдор шахс аниқланмаса, сумма 9433-счётда қолади ва йил охирида 9900 счётда ўтказилади.

Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа ҳисобдан чиқишида инвентар объектларни хар бир тури бўйича алоҳида аналитик счётлар очилиб, аналитик ҳисоби юритилади.

Асосий воситалар лизинг бўйича берилганда, лизинг бўйича олиниши лозим бўлган суммалар, даромад ҳисобланиб қуйидагича проводка берилади:

1. Дебет 6210 – «Муддати ўзайтирилган даромад» счёти

Кредит 9210 – счёти – Жорий йилда (ҳисобот даврида) олинadиган лизинг суммаси.

2. Дебет 7290 «Бошқа муддати ўзайтирилган мажбуриятлар» счёти

Кредит 9210-Кейинги даврларда олинadиган лизинг суммаси.

Агар асосий восталар узоқ муддатли ижарага берилса Дебет 0920, Кредит 9210-проводка берилади.

**5. Номоддий активлар ҳисоби.** Фермер хўжаликларида мулкчилик ҳуқуқи фермер хўжаликларига тегишли бўлган номоддий активларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

0410 «Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау»;

0420 «Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари»;

0430 «Дастурий таъминот»;

0440 «Ёр ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқлари»;

0450 «Ташкилий харажатлар»;

0460 «Франчайз»;

0470 «Муаллифлик ҳуқуқлари»;

0480 «Гудвилл»;

0490 «Бошқа номоддий активлар».

Объектларни номоддий активларга киритиш тартиби ва уларнинг таркиби қонунчилик асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 12 окредитябрда 49-сон билан тасдиқланган (7-БҲМС) «Номоддий активлар» Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти асосида тартибга солинади.

Номоддий активлар қуйидаги объектлар учун аниқланадиган бошланғич баҳода номоддий активларни ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинади:

а) таъсисчилар томонидан фермер хўжаликларининг устав капиталига улуш ҳисобидан киритилгани - томонларнинг келишуви бўйича;

б) тўлов асосида бошқа корхона ва шахслардан харид қилинган ушбу объектларни харид қилиш ва тайёр ҳолатга келтириш бўйича амалга оширилган - ҳақиқий харажатлар бўйича;

в) бошқа корхона ва шахслардан текинга олинган объектлар - кирим қилиш санасидаги бозор баҳосида ёки қабул қилиш-топшириш ҳужжатларида кўрсатилган қиймат бўйича;

г) Фермер хўжаликларининг ўзи томонидан яратилган ёки фермер хўжаликларининг ўзида илмий - тадқиқот ишлари натижасида олинган объектлар - ҳақиқий таннарни бўйича.

Таъсисчилар томонидан фермер хўжаликларининг устав капиталига уларнинг улушлари ҳисобига киритилган номоддий активларни кирим қилиш (0400) номоддий активларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебетида ва 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счётининг кредитида акс эттирилади.

Бошқа корхона ва шахслардан харид қилинган номоддий активлар, номоддий активларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебети, 0830 «Номоддий активларни харид қилиш» счётининг кредитига кирим қилинади.

Бошқа корхона ва шахслардан текинга олинган номоддий активларнинг кирим қилиниши номоддий активларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебетида, 8530 «Текинга олинган мулк» счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Агар номоддий актив фермер хўжаликларининг ўзи томонидан яратилса ва уни яратиш харажатларининг аниқ суммасини аниқлаш имкони мавжуд бўлса, у ҳолда номоддий актив ҳақиқий таннархи бўйича акс эттирилади. Номоддий активларнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолда ушбу харажатлар илмий-тадқиқот ишлари (ИТИ) ёки илмий-тадқиқот, синов конструкторлик ишлари (ИТСКИ) харажатлари сифатида акс эттирилади.

«Гудвилл (фирма баҳоси)»нинг бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 12-окредитябрда 49-сон билан тасдиқланган (7-БХМС) «Номоддий активлар» Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига мувофиқ амалга оширилади.

Номоддий активлар чиқиб кетганда (сотилганда, текинга берилганда ва бошқаларда) уларнинг бошланғич қиймати номоддий активларни ҳисобга олувчи тегишли счётларнинг (0400) кредитидан 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счётининг дебетида ҳисобдан чиқарилади.

0400-“Номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар”нинг корреспонденцияси.

| Т<br>/р | Хўжалик операцияларининг мазмуни                                                                                                                        | Счётларнинг боғланиши               |           |
|---------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------|-----------|
|         |                                                                                                                                                         | Дебет                               | Кредит    |
| 1       | Харид қилинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати (ҳақиқий таннархи) бўйича кирим қилиниши                                                         | 0410-0490                           | 0830      |
| 2       | Корхонанинг ўзида яратилган номоддий активларнинг ҳақиқий таннархи бўйича кирим қилиниши                                                                | 0410-0490                           | 0830      |
| 3       | Устав капиталига улуш сифатида ёки акцияга обуна бўлишга ҳақ тўлаш ҳисобига олинган номоддий активларнинг кирим қилиниши                                | 0410-0490                           | 4610      |
| 4       | Текинга олинган номоддий активларнинг кирим қилиниши                                                                                                    | 0410-0490                           | 8530      |
| 5       | Корхонани сотиб олишда активларнинг ҳақиқий баҳоси ва сотиб олиш баҳоси ўртасидаги фарқ сифатида вужудга келадиган гудвилл (фирма баҳоси)ни акс эттириш | 0480                                | 8330      |
| 6       | Гудвилл (фирма баҳоси) суммасини ҳар ой фойдали хизмат муддати давомида ҳисобдан чиқарилиши.                                                            | Харажатларни ҳисобга олувчи счётлар | 0480      |
| 7       | Номоддий активларнинг бошланғич қиймати бўйича сотилиши, ҳисобдан чиқарилиши, харид қилинган қимматли қоғозлар ҳақининг тўлови учун берилиши,           | 9220                                | 0410-0490 |

|  |                                                                                                                        |  |  |
|--|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--|--|
|  | бошқа корхоналарнинг устав капиталига улуш сифатида, шунингдек, текинга берилганда ва бошқалар натижасида чиқиб кетиши |  |  |
|--|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--|--|

Мулкчилик ҳуқуқи фермер хўжаликларига тегишли бўлган номоддий активлар бўйича жамланган амортизация тўғрисида маълумотлар қуйидаги счётларда умумлаштирилади:

0510 «Патентлар, лицензиялар ва ноу-хаунинг амортизацияси»;

0520 «Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналарининг амортизацияси»;

0530 «Дастурий таъминотнинг амортизацияси»;

0540 «Ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқларининг амортизацияси»;

0550 «Ташкилий харажатларнинг амортизацияси»;

0560 «Франчайзинг амортизацияси»;

0570 «Муаллифлик ҳуқуқларининг амортизацияси»;

0590 «Бошқа номоддий активларнинг амортизацияси».

Номоддий активлар амортизацияси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 12 окредитябрда 49-сон билан тасдиқланган (7-БХМС) «Номоддий активлар» Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида кўзда тутилган усулларга мувофиқ, белгиланган меъёрлар бўйича корхона томонидан ҳисоблаб чиқилиб, ойма-ой тегишлилигига қараб таннархга ёки давр харажатларига олиб борилади.

Номоддий активларга ҳисобланган амортизация суммаси харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебети ва (0500) номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи счётларнинг кредитига олиб борилади.

Номоддий активларнинг чиқиб кетиши (сотилиши, текинга берилиши ва бошқалар)да улар бўйича ҳисобланган эскириш суммаси (0500) номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи счётларнинг дебетидан 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счётининг кредитига ҳисобдан чиқарилади.

Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи счётлар (0500) бўйича аналитик ҳисоб номоддий активларнинг турлари ва алоҳида объектлари бўйича юритилади.

0500-“Номоддий активларнинг амортизациясини ҳисобга олувчи счётлар”нинг корреспонденцияси.

| Т/р | Хўжалик операцияларининг мазмуни                                                                                            | Счётларнинг боғланиши |               |
|-----|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------|---------------|
|     |                                                                                                                             | Дебет                 | Кредит        |
| 1   | Асосий, ёрдамчи ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган номоддий активлар бўйича амортизация ҳисоблаш                              | 2010,<br>2310         | 0510-<br>0590 |
| 2   | Умумишлабчиқариш мақсадида ва хизмат кўрсатувчи хўжаликларда фойдаланилаётган номоддий активлар бўйича амортизация ҳисоблаш | 2510,<br>2710         | 0510-<br>0590 |
| 3   | Бошқарув мақсадида фойдаланилаётган номоддий активлар бўйича амортизация ҳисобланганда                                      | 9420                  | 0510-<br>0590 |

|   |                                                                                                                                                                                                                                                                            |           |           |
|---|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|-----------|
| 4 | Қуйидаги мақсадларда фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисобланганда:<br>а) янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ишга тушириш ишларида;<br>б) умумий ёки яқка тартибда ишлаб чиқаришга мўлжалланмаган янги технологик жараёнларни ўзлаштиришда; | 9440      | 0510-0590 |
| 5 | Капитал қуйилмаларда фойдаланилаётган номоддий активлар бўйича амортизация ҳисобланганда                                                                                                                                                                                   | 0810-0890 | 0510-0590 |
| 6 | Номоддий активларни тугатиш, сотиш, текинга бериш, устав капиталига улуш сифатида бериш, узоқ муддатли ижарага бериш, камомад ёки бўзилиши натижасида йиғилган амортизация суммасини ҳисобдан чиқариш                                                                      | 0510-0590 | 9220      |

#### **Мавзун мустақил ўзлаштириш бўйича саволлар :**

1. Асосий воситаларнинг иқтисодий моҳияти ва ҳисобнинг вазифалари.
2. Асосий воситаларни баҳолари, туркумланиши.
3. Асосий воситалар келишининг ҳисоби.
4. Асосий воситалар амортизацияси (эскириши) ҳисоби.
5. Асосий воситаларни чиқиши ва тугатилиши ҳисоби.
6. Асосий воситалар инвентаризацияси.
5. Номоддий активлар ҳисоби.
5. Номоддий активлар эскириши ҳисоби.

#### **6-мавзу: Фермер хўжаликларида меҳнат сарфи ва унга ҳақ тўлаш ҳисоби Режа.**

1. Меҳнат ва унга ҳақ тўлашни ҳисобга олишнинг асосий вазифалари.
2. Меҳнат ҳақи шакллари ва тизимлари, меҳнат ҳақи фонди ва унинг таркиби. Меҳнат ҳақининг дастлабки ҳисоби.
3. Меҳнат ва унга ҳақ тўлашнинг синтетик ва аналитик ҳисоби.
4. Меҳнат ҳақидан ушланмалар ва меҳнат ҳақига нисбатан ажратмалар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби.

#### **«Таянч» иборалар:**

«Тариф тизими», «Тариф сеткаси», «Тариф ставкаси», «Оддий ишбай», «Ишбай-мукофот», «Ишбай аккорд», «Оддий вақтбай», «Вақтбай-мукофот», «Асосий иш ҳақи», «Қўшимча иш ҳақи», «Меҳнат ҳақи фонди», «Депонентланган иш ҳақи», «Меҳнат ҳақидан ушланмалар», «Меҳнат ҳақига нисбатан ажратмалар», «Нафақа фонди», «Ягона ижтимоий тўлов».

#### **1. Меҳнат ва унга ҳақ тўлашни ҳисобга олишнинг асосий вазифалари.**

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши мулкчиликнинг турли шакллари пайдо бўлиши, натижада янгича хўжалик юритиш тизимлари пайдо бўлишига олиб келди. Бундай шароитда фермер хўжаликлари молиявий ресурслари ва уларнинг ишлатилишини белгилаб берувчи бухгалтерия ҳисобининг услубияти янги шароитга мослашиши талаб этилади. Фермер хўжаликлари эндиликда нафақат ўзининг ички омилларини, балки ташқи омилларни ҳам инобатга олиши зарурдир. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, бугунги кунда фермер хўжаликлари ҳақидаги маълумотлар фақат

унинг ўзинигина эмас, балки у билан алоқадор барча жисмоний ва ҳуқуқий шахсларни ҳам қизиқтиради. Олдинги параграфларда айтиб ўтганимиздек бухгалтерия ҳисоби иккига, яъни молиявий ва бошқарув ҳисобига бўлинади. Бухгалтерия ҳисоби айрим соҳалари бўйича вазифаларни аниқлашда ана шу бўлиниш албатта инобатга олиниши керак, деб ҳисоблаймиз. Хўш, меҳнат ва унга ҳақ тўлаш ҳисоби қайси бухгалтерияга тегишли, молиявийгами ёки бошқарувгами? Унинг олдида қандай вазифалар турибди? Мана шу саволларга жавоб беришимиз учун аввалом бор бухгалтерия ҳисобининг умумий вазифаларини эслашимиз керак. Маълумки, бухгалтерия ҳисобининг мақсади ва вазифалари фойдаланувчиларни ахборот билан таъминлашдир. Меҳнат ва унга ҳақ тўлаш ҳақидаги маълумотлар Республикамизда белгиланган молиявий ҳисобот учун ҳам маълум бир ахборотларни тақдим этади. Масалан, фермер хўжаликларида ишловчиларнинг ўртача йиллик сони, иш ҳақи фонди, ўртача иш ҳақи суммаси, ижтимоий фондларга ажратмалар ва улар бўйича корхонанинг қарзи, иш ҳақидан ушлаб қолинган даромад солиғи ва улар бўйича ҳисоб-китоблар кабилар ҳақида маълумотлар берилади.

Фермер хўжаликларини бошқариш нуқтаи назаридан эса фермер хўжаликлари ходимлари сони, таркиби, меҳнат унумдорлиги, иш ҳақи ва иш ҳақи фонди, иш ҳақига нисбатан ажратмалар, уларнинг ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишига мос келиши ёки келмаслиги, меҳнат ва иш ҳақи бўйича унумсиз харажатлар, асосий ишлаб чиқариш ходимлари ва маъмурий бошқарув ходимлари бўйича иш ҳақи харажатлари каби маълумотлар даркор. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда меҳнат ва унга ҳақ тўлашни ҳисобга олишнинг қуйидаги вазифаларини белгилашимиз мумкин:

1. Иш вақтининг тўғри сарфланиши устидан назорат олиб бориш;
2. Сарфланган меҳнат ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотни тегишли ҳужжатларда ўз вақтида ва тўғри акс эттириш;
3. Ҳисобланган иш ҳақини калкуляция объектлари ўртасида тўғри тақсимлаш;
4. Меҳнат ва унга ҳақ тўлашнинг илғор усуллари амалда қўллаш;
5. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тўғри сарфланиши устидан назорат олиб бориш;
6. Меҳнат ва унга ҳақ тўлаш бўйича маълумотларни молиявий ҳисобот ва хўжалик раҳбарияти учун ўз вақтида умумлаштириш ва тақдим этиш.

Бошқа тармоқларидаги каби фермер хўжаликлирида ҳам ходимлар сони фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш дастури асосида аниқланади. Ходимлар фермер хўжаликлари миқёсида улардан қаерда фойдаланишига қараб 2-гурӯҳга бўлинади: қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлганлар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига тааллуқли бўлмаган ишлаб чиқариш ва хўжаликлардаги ходимлар.

## **2. Меҳнат ҳақи шакллари ва тизимлари, меҳнат ҳақи фонди ва унинг таркиби. Меҳнат ҳақининг дастлабки ҳисоби.**

Фермер хўжаликлирида ходим меҳнатига тариф тизими асосида сарфланган меҳнат миқдори ва сифатига мувофиқ ҳақ тўланади.

**Тариф тизими**- тариф-малака маълумотномаси, тариф сеткаси ва тариф ставкаси каби тушунчаларни ўз ичига олади. Фермер хўжаликларида бажариладиган ишларнинг ишлаб чиқариш тавсифи тариф-малака

маълумотномасида келтирилади. Ушбу ҳужжат ходимлар малакасини аниқлаш ва уларга маълум разряд белгилашга асос бўлиб хизмат қилади.

**Тариф сеткаси**- бу разрядлар ва уларга тегишли бўлган тариф коэффицентлари кўрсатиладиган ҳужжатдир. Фермер хўжаликларида биринчи разряднинг тариф коэффиценти бирга тенг бўлиб, разряд ортган сари тариф коэффиценти ҳам ошиб боради.

**Тариф ставкаси**- ходимнинг разрядига мувофиқ унга маълум вақт бирлиги(соат,кун) учун тўланадиган ҳақ миқдорини аниқлайди. Одатда тариф ставкаси биринчи разряд учун белгиланиб, қолган разрядлар учун эса биринчи разряд тариф ставкасини қолган разрядлар тариф коэффицентига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Фермер хўжаликларида иш ҳақининг асосан **ишбай ва вақтбай** шакллари қўлланилади.Иш ҳақининг ишбай шаклида меҳнатга ҳақ ишбай нарх асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ва сифатига мувофиқ тўланади. Нарх- бу бир бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш учун тўланадиган иш ҳақи суммасидир. Амалда ишбай иш ҳақи шаклининг оддий, мукофот ва аккорд тизимлари қўлланилади.

**Оддий ишбай** шаклида ишлаб чиқарилган маҳсулот сонини ишбай нархига кўпайтириш йўли билан иш ҳақи миқдори аниқланади.

**Ишбай-мукофот** шаклида ходим асосий иш ҳақидан ташқари маълум ишлаб чиқариш ютуқларига эришганлиги учун мукофот олади. Масалан, ишлаб чиқаришда хом-ашё, материал ва бошқа моддий бойликлар тежаб-тергаб сарфланганлиги, ишлаб чиқариш режасини ошириб бажарилганлиги ва ҳ.к. Ишбай иш ҳақи шаклининг ушбу тизими амалда кенг қўлланилади.

**Ишбай аккорд** шаклида иш ҳақи суммаси ишлаб чиқарилиши лозим бўлган маҳсулот ёки бажарилиши лозим бўлган иш учун белгиланади. Аккорд шаклининг афзалликларидан бири шундаки, унда бажарилган жами ишнинг ҳажми ёки олинган маҳсулот учун ҳақ тўланади. Бу эса меҳнатни меъёрлашни ва иш ҳақи бўйича ҳисоб китоб ишларини бир мунча енгиллаштиради. Ишбай аккорд тизими асосан мавсумий ишларни ҳамда айрим буюртмаларни бажаришда қўлланилади.

Иш ҳақининг **вақтбай** шаклида меҳнатга ҳақ ходимнинг ишлаган вақти ва малакасига қараб тўланади. Амалда вақтбай иш ҳақининг оддий ва мукофот шакллари қўлланилади.

**Оддий вақтбай** шаклида фермер хўжаликлари ходимлар ҳақиқатан ишлаган вақтига қараб белгиланган маош асосида ҳақ олишади. Вақтбай иш ҳақи олувчи ходимлар меҳнатига ҳақ уларнинг ишлаган вақти ва тариф ставкалари асосида аниқланади.

**Вақтбай-мукофот** шаклида асосий иш ҳақидан ташқари мукофот ҳам тўланади.

Фермер хўжаликлари меҳнат ва унга ҳақ тўлаш бўйича масалаларни мустақил равишда ўзлари ҳал қиладилар. Фермер хўжаликлари раҳбари тасдиқланган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида касаба уюшмаси ташкилоти билан келишган ҳолда ходимларнинг айрим гуруҳи учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай, вақтбай ёки аккорд шакллари билан белгилаш ҳамда ходимларни

мукофотлаш учун мукофотлаш шартлари ҳамда кўрсаткичларини аниқлаб олиши мумкин.

Амалдаги тариф-малака маълумотномасига мувофиқ фермер хўжаликлари ходимларга разряд белгилаш, ишлаб чиқариш меъёрларини қараб чиқиш ва янгиларини тасдиқлаш мумкин. Ундан ташқари, фермер хўжаликлари раҳбари юқори малакали ходимларнинг ойлик иш ҳақига қўшимча белгилай олади, штатлар, маош, маъмурий бошқарув харажатлари сметасини тасдиқлайди.

Фермер хўжаликларида меҳнатга ҳақ тўлаш фондини режалаштириш тартибини ўзгартириш билан бир қаторда меҳнатга ҳақ тўлашнинг илғор шакллари кўллашга, меҳнатга ҳақ тўлашнинг рағбатлантириш ролини кучайтиришга, эришилган юқори натижалардан моддий манфаатдорликни оширишга алоҳида эътибор берилиши лозим.

Иш ҳақи ўз таркибига кўра иккига бўлинади: асосий ва қўшимча.

**Асосий иш ҳақи** дейилганда фермер хўжаликлари ходимларининг ишлаган вақти учун тўланадиган ҳақ тушунилади. Масалан вақтбай ва ишбай ҳақнинг барча турлари, меҳнат шароитининг ўзгарганлиги учун тўланадиган қўшимча ҳақ учун тўланадиган ҳақ ва бошқалар назарда тутилади.

**Қўшимча иш ҳақи** деб ходимларнинг ишламаган вақти учун амалдаги қонун-қоидаларга мувофиқ тўланадиган ҳақга айтилади. Масалан, меҳнат таътили учун, ёши 18 га етмаган ўсмирларнинг ишламаган соати учун, давлат, жамоа ишлари билан банд бўлингани учун тўланадиган ҳақ ва бошқалар.

Фермер хўжаликлари ходимларининг асосий ва қўшимча меҳнат ҳақлари ҳамда рўйхатда бўлмаган ходимлар меҳнат ҳақи суммаси меҳнатга ҳақ тўлаш фондини ташкил қилади. Унга қуйидагилар киради:

-фермер хўжаликларида меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ ҳисобланган меҳнат ҳақи;

- меҳнат ҳақи кўринишида берилган маҳсулот қиймати;

-тариф ставкалари ва окладларига қўшимчалар;

-мукофотлар;

-фермер хўжаликлари штатида бўлмаган ходимлар меҳнатига ҳақ;

-меҳнат таътилига тўланадиган ҳақ ва бошқалар.

Фермер хўжаликлари пул тўловлари ва рағбатлантиришларига қуйидагилар киради:

-йиллик иш якунлари бўйича рағбатлантириш;

- ишлаб чиқариш топшириқларини бажарганлиги учун рағбатлантириш;

-фермер хўжаликлариладан ўқишга юборилган талабаларга стипендия;

-даволаниш учун бериладиган йўлланмалар қиймати ва бошқалар.

**Фермер хўжаликлари ходимларнинг ўртача меҳнат ҳақи.** Фермер хўжаликлари ходимлари ўртача иш ҳақига фермер хўжаликларида меҳнатга ҳақ тўлаш фонди таркибига киритиладиган жами тўловлар киради. Фақат фермер хўжаликлари штатида бўлмаган ходимлар меҳнатига тўланадиган ҳақ киритилмайди. Ўртача меҳнат ҳақи пул тўловлари ва рағбатлантиришлардан ташқари йил натижалари бўйича рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқариш топшириғини бажарганлиги учун мукофотлар ҳам киради. Фермер хўжаликлари ходимлари ўртача даромадига ўртача иш ҳақига киритиладиган суммалардан ташқари яна моддий ёрдам, меҳнат фахрийлари нафақага

кетаётган вақтларида тўланадиган мукофот, талабалар стипендияси, фермер хўжаликлари ходимларига бериладиган енгилликлар, даволаниш учун бериладиган йўлланмалар ва бошқалар киради.

Фермер хўжаликларида меҳнатга ҳақ тўлаш фондини таркибига кирмайдиган тўловларга куйидагилар киради:

- тадқиқот ва рационализаторлик таклифлари учун рағбатлантириш;
- хизмат сафари харажатлари;
- вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлиги учун нафақа, ишлаётган нафақахўрларга берилаётган нафақа;
- махсус кийим,пойабзал қиймати;
- ўқув муассасалари, болалар интернатларига кўрсатиладиган ёрдам;
- маданий-оммавий ўқув тадбирларини олиб бориш учун ижарага олинган бино ижара ҳақи;
- профилакредиторий, дам олиш уйлари, пансионатлар харажатлари;
- кутубхоналар, тиббиёт пунккредити, музейлар билан боғлиқ харажатлар.

Фермер хўжаликларида меҳнат ва унга ҳақ тўлашнинг дастлабки ҳисоби бўйича куйидаги бухгалтерия ҳужжатлари расмийлаштирилади:

1.Меҳнатга ҳақ тўлашнинг **вақтбай** шаклида ишлаган вақтлари учун “Иш вақтини ҳисобга олиш табели”расмийлаштирилади.Табелда ходимларнинг ой давомида ишлаган кунларидаги ишлаган соатлари ҳар кунига ёзиб борилади.Ишламаган кунлар учун эса тегишли Масалан: дам олиш кунларига “В”,байрам кунларига “П” белгилар қўйилади.

2.Меҳнатга ҳақ тўлашнинг **ишбай** шаклида ишлаган вақтлари учун “Меҳнат ва бажарилган ишларни ҳисобга олиш варақаси” расмийлаштирилади.Ушбу ҳужжатда ходимларнинг бажарган иш ҳажми,ишлаган соатлари,кунлари,разряди ва бошқа кўрсаткичлар акс эттирилади.

3.Фермер хўжаликларида транспорт воситаларида иш бажарадиган тракторист-машинистлар бажарган ишлар учун “Тракторист-машинистнинг ҳисоб варақаси” ёки “Тракторнинг йўл варақаси” расмийлаштирилади.

Шунингдек, чорвачилик тармоғида банд бўлган ходимларнинг бажарган иш ҳажми,ишлаган соатлари учун “Чорвачилик тармоғида банд бўлган ходимларга меҳнат ҳақи ҳисоблаш ҳисоб-китоби”,курилиш ва таъмирлаш ишларида банд бўлган ходимларнинг бажарган иш ҳажми,ишлаган соатлари учун “Ишбай иш учун наряд” расмийлаштирилади. Меҳнат ва иш ҳақини ҳисоблаш бўйича расмийлаштириладиган бошланғич ҳужжатлар белгиланган муддатда бухгалтериянинг меҳнат ҳақини ҳисоблаш бўлимига топширилади. Бошланғич ҳужжатлар бухгалтерия ходимлари томонидан текширилади, сўнгра қайта ишланади.

Фермер хўжаликларида меҳнат ва унга ҳақ тўлашнинг дастлабки ҳисоби бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатлар асосида фермер хўжаликлари ходимларига меҳнат ҳақи амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида фермер хўжаликларида қабул қилинган қоидаларга асосан ҳисобланади. Ҳисобланган меҳнат ҳақи фермер хўжаликлари бухгалтериясида юритиладиган “Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар дафтари”да акс эттирилиб борилади. “Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар дафтари”га асосан фермер хўжалиги бухгалтери “Тўлов қайдномаси” тузади. “Тўлов қайдномаси”га фермер хўжалиги раҳбари ва

бухгалтери имзо чеккандан сўнг,қайднома асосида ходимларга фермер хўжалиги кассасидан меҳнат ҳақи берилади.

### **3.Меҳнат ва унга ҳақ тўлашнинг синтетик ва аналитик ҳисоби.**

Фермер хўжаликлари рўйхатида бўлган ва рўйхатида турмаган ходимларга меҳнатга ҳақ тўлаш (меҳнат ҳақининг ҳамма турлари, мукофотлар, ишлайдиган пенсия олувчиларга ҳисобланган пенсия ва бошқа тўловлар) бўйича жорий қарзлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги балансга нисбатан пассив счётларда амалга оширилади:

6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”;

6720 “Депонентланган иш ҳақи”.

6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар” счётининг кредит томонида меҳнат ҳақи, ижтимоий суғурта бўйича нафақалар, пенсиялар ва бошқа шу каби суммалар акс эттирилади. 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар” счётининг дебет томонида ҳисобланган меҳнат ҳақини тўлаш ва ундан ушланмалар акс эттирилади.

Ҳар йилги ва қўшимча таътил бўйича суммаларни ҳисоблашда ушбу суммалар меҳнат ҳақи жамғармасига жорий ойга тўғри келадиган таътил кунлари суммаси миқдорида киритилади. Таътилнинг бир қисми кейинги ойга ўтган ҳолларда, ушбу кунлар учун ходимларга тўланган суммалар жорий ойда берилган бўнак суммаси каби акс эттирилади ва 4290 “Ходимларга берилган бошқа бўнақлар” счётининг дебетида ва 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” счётининг кредитида кўрсатилади.

6720 “Депонентланган иш ҳақи” счётида ходимларнинг олинмаган иш ҳақи бўйича қарзлари акс эттирилади.

6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар” ва 6720 “Депонентланган иш ҳақи” счётлари бўйича аналитик ҳисоб фермер хўжаликларининг ҳар бир ходими бўйича алоҳида юритилади.

6700 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олувчи счётлар”нинг корреспонденцияси.

| Т/<br>р | Хўжалик операцияларининг мазмуни                                                                                             | Счётларнинг боғланиши |        |
|---------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------|--------|
|         |                                                                                                                              | Дебет                 | Кредит |
| 1       | Капитал қўйилмалар соҳасида банд бўлган ходимларга меҳнат ҳақи ҳисобланганда                                                 | 0810-0890             | 6710   |
| 2       | Асосий ишлаб чиқариш(ўсимликчилик,чорвачилик), ёрдамчи ишлаб чиқариш, умумишлаб чиқариш ишчиларига меҳнат ҳақи ҳисобланганда | 2010, 2310, 2510      | 6710   |
| 3       | Маҳсулот сотишда, бошқарув ва бошқа операцияларда банд бўлган ходимларга меҳнат ҳақи ҳисобланганда                           | 9410-9430             | 6710   |
| 4       | Келгуси давр харажатларига киритиладиган ишлар учун меҳнат ҳақи ҳисобланганда                                                | 3190                  | 6710   |
| 5       | Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш жараёнларида иштирок этганларга меҳнат ҳақи ҳисобланганда                                | 9210                  | 6710   |
| 6       | Ортиқча тўланган суммалар (меҳнат ҳақи ва ҳоказолар) кассага қайтарилди                                                      | 5010                  | 6710   |

|    |                                                                                                            |      |      |
|----|------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------|------|
| 7  | Табиий офатлар, ёнғинларни бартараф қилиш билан боғлиқ бўлган ишчиларга меҳнат ҳақи ҳисобланганда          | 9720 | 6710 |
| 8  | Ходимларга бир марталик мукофот ҳисобланганда                                                              | 9430 | 6710 |
| 9  | Маҳсулот, иш, хизматлар қиймати фермер хўжаликлари ишчиларидан ушлаб қолинганда                            | 6710 | 4790 |
| 10 | Ходимларга ҳисобланган суммалар кассадан тўланганда (меҳнат ҳақи, мукофотлар ва ҳоказо)                    | 6710 | 5010 |
| 11 | Ҳисобдор шахсларнинг қайтармаган бўнак суммалари ушлаб қолинганда                                          | 6710 | 4220 |
| 12 | Кредитга сотиб олинган товарлар учун ҳисоб-китоблар бўйича навбатдаги тўловлар ишчилардан ушлаб қолинганда | 6710 | 4710 |
| 13 | Айбдор ишчиларнинг меҳнат ҳақи суммасидан етказилган моддий зарарлар суммаси ушлаб қолинганда              | 6710 | 4730 |
| 14 | Фермер хўжаликлари ишчиларининг меҳнат ҳақи суммасидан даромад солиғи суммаси ушлаб қолинганда             | 6710 | 6410 |
| 15 | Ишчиларининг меҳнат ҳақи суммасидан нафақа жамғармасига ушлаб қолинганда                                   | 6710 | 6520 |
| 16 | Меҳнат ҳақи суммаси депонентга ўтказилганда                                                                | 6710 | 6720 |
| 17 | Ижро варақаралари асосида(алимент ва бошқалар) меҳнат ҳақидан ушлаб қолинганда                             | 6710 | 6990 |
| 18 | Депонент суммаси кассадан берилганда                                                                       | 6720 | 5010 |

Бундан ташқари фермер хўжаликлари ходимларига меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш балансга нисбатан актив счёт бўлган 4210 «Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнаклар» счётида амалга оширилади.

4210 «Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнаклар» счётида фермер хўжаликлари ходимларига меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнакларнинг барча турлари юзасидан ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади. Бўнакларнинг келгусидаги меҳнат ҳақи ҳисобига берилиши ходимларнинг сабаби кўрсатилган аризасига асосан амалга оширилади. Бундан ташқари, ушбу счётда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан акс эттириладиган, яъни 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счётининг дебети ва 4210 «Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнаклар» счётининг кредитида меҳнат ҳақи бўйича ҳар ойлик бўнаклар ҳисобга олинади.

4210 «Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнаклар» счётининг корреспонденцияси.

| Т/<br>р | Хўжалик операцияларининг мазмуни                                            | Счётларнинг боғланиши |        |
|---------|-----------------------------------------------------------------------------|-----------------------|--------|
|         |                                                                             | Дебет                 | Кредит |
| 1       | Меҳнат ҳақи ҳисобидан бўнак берилди                                         | 4210                  | 5010   |
| 2       | Ходимларга келгусидаги меҳнат ҳақи ҳисобига берилган бўнаклар ушлаб қолинди | 6710                  | 4210   |

Шундай қилиб, фермер хўжаликларида ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан

ҳисоблашишлар”, 6720 “Депонентланган иш ҳақи” ва 4210 «Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнақлар» счётларида юритилади. 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар” счётининг кредитида ҳисобланган иш ҳақи суммаси кўрсатилса, дебитида иш ҳақидан ушлаб қолинадиган суммалар акс эттирилади. Бунда қолдиқ кредитда бўлиб, бу фермер хўжаликларининг ходимлардан қарзини билдиради. Ҳисобот даври охирига аниқланган сальдо яъни қолдиқ фермер хўжаликлари мажбурияти сифатида балансда алоҳида модда сифатида ўз аксини топади.

#### **4.Меҳнат ҳақидан ушланмалар ва меҳнат ҳақиға нисбатан ажратмалар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби.**

Фермер хўжаликларида ходимларға ҳисобланган меҳнат ҳақидан қуйидаги ушланмалар ушлаб қолинади:

- 1.Даромад солиғи.
- 2.Нафақа фондиға(жамғармасиға).
- 3.Касаба уюшма жамғармасиға.
- 4.Ижро варақаралари асосидаги ушланмалар(алимент,етказилган моддий зарар ва ҳ.к.)
- 5.Олдин берилган бўнақ суммаси.
- 6.Кредитға олинган товарлар суммаси ва ҳ.к.

Юқоридаги ушланмалардан даромад солиғи,нафақа фондиға, ижро варақаралари асосидаги ушланмалар мажбурий ушланмалар ҳисобланади.

Даромад солиғи фермер хўжаликларида ходимларға ҳисобланган меҳнат ҳақидан қуйидаги тартибда ушлаб қолинади:

Ҳисобланган меҳнат ҳақи суммасининг минимал иш ҳақининг олти баробарига тўғри келган қисмидан 12%, олти баробаридан ўн баробарига тўғри келган қисмидан 17%, ўн баробаридан ортиқ қисмидан 22%. Фермер хўжаликларида ходимларға ҳисобланган меҳнат ҳақидан даромад солиғи ушлаб қолинганда Дебет 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”,Кредит 6410 “Бюджетға тўловлар бўйича қарз” бухгалтерия проводкаси берилади.

Нафақа фондиға(жамғармасиға) фермер хўжаликларида ходимларға ҳисобланган меҳнат ҳақи суммасидан 3,5% ушлаб қолинади. Нафақа фондиға ушлаб қолинган суммаға Дебет 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”,Кредит 6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар” бухгалтерия проводкаси берилади.

Ижро варақаралари асосидаги ушланмалар суднинг қарорига асосан бўлиб,унда меҳнат ҳақи суммасидан ушлаб қолинадиган сумма кўрсатилган бўлади. Меҳнат ҳақи суммасидан алимент суммаси ушлаб қолинганда Дебет 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”, Кредит 6990 “Бошқа мажбуриятлар” бухгалтерия проводкаси берилади.

Ходимнинг меҳнат ҳақи суммасидан фермер хўжалигига етказилган моддий зарар суммаси ушлаб қолинганда Дебет 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”, Кредит 4730“Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи” бухгалтерия проводкаси берилади.

Касаба уюшма жамғармасиға фермер хўжаликларида ходимларға ҳисобланган меҳнат ҳақи суммасидан 1% ушлаб қолинади.Бунда Дебет 6710 “Меҳнат ҳақи

бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”,Кредит 6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар” бухгалтерия проводкаси берилади.

Меҳнат ҳақи ҳисобидан олдин берилган бўнак суммаси ходимларга ҳисобланган меҳнат ҳақи суммасидан ушлаб қолинганда Дебет 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”,Кредит 4210 “Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнаклар” бухгалтерия проводкаси берилади.

Меҳнат ҳақи ҳисобидан ходимларнинг кредитга олинган товарлар суммаси ушлаб қолинганда Дебет 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”,Кредит 4710 “Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимнинг қарзи” бухгалтерия проводкаси берилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат кодекси”га асосан ишловчиларнинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолинадиган ушланмалар суммаси ҳисобланган меҳнат ҳақи суммасининг 50%дан ошиб кетмаслиги лозим(Суднинг ижро варақалари бўлмаган ҳолларда).

Фермер хўжаликларида ходимларга ҳисобланган меҳнат ҳақиға нисбатан **ягона ижтимоий тўлов** амалга оширилади.Бу мажбурий ажратма ҳисобланиб 2009 йил учун меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 24% миқдориди белгиланган.Ягона ижтимоий тўлов давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ўртасида белгиланган тартибга мувофиқ қуйидаги миқдорларда тақсимланади:

|                                                   |       |
|---------------------------------------------------|-------|
| Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси               | 23,6% |
| Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси | 0,2%  |
| Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши              | 0,2%  |

Ягона ижтимоий тўлов учун ажратмалар ҳисобланганда Дебет меҳнат ҳақи ҳисобланганда дебетланадиган счётлар,Кредит 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз”( фермер хўжаликларининг ишчи счётлар режасида 6510 ёки 6510 счётлар белгиланган бўлса ўша счётлар) бухгалтерия проводкаси берилади.

Фермер хўжаликларида меҳнат ҳақидан ушланмалар ва меҳнат ҳақиға нисбатан ажратмалар бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳар бири алоҳида ҳисобга олиб борилади. Шунинг алоҳида қайд этиш лозимки, меҳнат ҳақидан ушланмалар фермер хўжаликлари ходимларининг меҳнат ҳақидан ушлаб қолинади,унинг маҳсулот таннари ёки фермер хўжаликлари фаолиятига таъсири йўқ. Меҳнат ҳақиға нисбатан ажратмалар эса ҳисобланган меҳнат ҳақиға нисбатан ҳисобланиб ходимларининг меҳнат ҳақиға таъсири йўқ,лекин ушбу ажратмалар маҳсулот таннарига қўшилиб фермер хўжаликлари фаолиятига таъсир кўрсатади.

#### **Мавзунинг мустақил ўзлаштириш бўйича саволлари :**

- 1.Меҳнат ва унга ҳақ тўлашни ҳисобга олишнинг асосий вазифалари.
- 2.Меҳнат ҳақи шакллари ва тизимлари.
- 3.Меҳнат ҳақининг турлари.
- 4.Меҳнат ҳақи фонди ва унинг таркиби.
- 5.Меҳнат ҳақининг дастлабки ҳисоби.
- 6.Меҳнатга ҳақ тўлаш фондини таркибига кирмайдиган тўловлар.
- 7.6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”счётининг корреспонденцияси.

8. 4210 «Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнақлар» счётининг корреспонденцияси.

9. Меҳнат ҳақидан ушланмалар ҳисоби.

10. Меҳнат ҳақиға нисбатан ҳисобланган ажратмалар ҳисоби.

## **7-Мавзу: Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини аниқлаш хусусиятлари**

### **Режа:**

1. Ўсимликчилик ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулотлари таннархини аниқлаш.

1.1 Ўсимликчилик харажатларининг иқтисодий моҳияти ва ҳисобининг вазифалари.

1.2. Ўсимликчилик ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқимини дастлабки, синтетик ва аналитик ҳисоби

1.3. Ўсимликчилик маҳсулотлари таннархини ҳисоблаш.

2. Чорвачилик ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш.

2.1. Чорвачилик харажатларининг иқтисодий моҳияти ва ҳисобининг вазифалари.

2.2. Чорвачилик харажатлари ва маҳсулотлари чиқиши ҳисоби.

2.3. Чорвачилик маҳсулотлари таннархини ҳисоблаш.

### **«Таянч» иборалар:**

«Тугалланмаган ишлаб чиқариш», «Тақсимланадиган суғориш харажатлари», «Жорий таъмирлаш ва амортизация харажатлари», «Маҳсулот таннархига киритилмайдиган харажатлар», «Маҳсулот таннархига киритилмайдиган харажатлар», «Молиявий фаолият харажатлари», «Фавқулодда зарарлар», «Моддий харажатлар», «Меҳнат ҳақи харажатлари», «Ижтимоий мақсадлар учун ажратмалар», «Асосий ва номоддий активлар эскириши», «Харажат объектлари», «Харажат элементлари», «Харажат моддалари», «Калькуляция объектлари», «Маҳсулот таннархи», «Калькуляция фарқлари».

**1. Ўсимликчилик ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулотлари таннархини аниқлаш.**

**1.1 Ўсимликчилик харажатларининг иқтисодий моҳияти ва ҳисобининг вазифалари.**

Ўсимликчилик тармоғи фермер хўжаликларининг асосий тармоғи ҳисобланиб, аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, чорвачиликни озуқа ва қайта ишлаш саноатини хом-ашё билан таъминлайдиган муҳим соҳа ҳисобланади. Фермер хўжаликларининг ўсимликчилик тармоқларига пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, полизчилик, ёпиқ грунтда маҳсулот етиштириш ва бошқа тармоқлар киради.

Ўсимликчилик тармоғида бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда ўсимликчилик тармоғида ишлаб чиқариш жараёнларини мавсумийлиги, маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларни қоплаш даврини узоқлиги, ишлаб чиқаришни табиий омилларга боғлиқлиги каби омиллар таъсирини ҳисобга олиш лозим.

Ўсимликчилик тармоғидан маҳсулотлар олиш учун сарфланадиган харажатларга уруғлик, ўғит, меҳнат ҳақи, ижтимоий мақсадлар учун ажратмалар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, асосий воситалар амортизацияси, ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкил этиш харажатлари ва бошқа харажатлар киради. Ушбу харажатларни қуйидаги гуруҳларга бўламиз:

1. Жорий йил ҳосили учун ўтган йиллардаги харажатлар (Жорий йил учун тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари).

2. Жорий йил ҳосили учун жорий йилдаги харажатлар.

3. Келгуси йиллар ҳосили учун жорий йилдаги харажатлар (Келгуси йиллар учун тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари).

Ўсимликчилик тармоғида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда харажатларнинг ушбу хусусиятлари ҳисобга олиниб ҳисоб ишлари ташкил этилади, яъни ушбу харажатлар бир-бири билан қўшиб юборилмай алоҳида ҳисобга олиб борилади. Харажатлар ҳисобини харажатларни қайси йил ҳосилига тегишли эканлигига қараб алоҳида олиб борилиши харажатларни харажат объекларига тўғри олиб борилишини таъминлаш билан бирга ҳар бир маҳсулот таннархини иқтисодий асосланган ҳолда аниқлаш имконини беради.

Ўсимликчилик тармоғида харажатлар ҳисобини ташкил этишда харажат объектларини тўғри аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Ўсимликчиликда харажат объектлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Қишлоқ хўжалик экинлари. Бунга ўсимликчилик тармоғидаги барча экин турлари киради.

2. Қишлоқ хўжалик ишлари. Бу харажат объекти қишлоқ хўжалик ишлари номи билан аталиб, бажарилган ишларнинг харажатлари бажарилган ишларнинг номи билан аталадиган аналитик счётда ҳисобга олинади. Сўнгра ушбу харажатлар қишлоқ хўжалик экинларига белгиланган тартибда тақсимланади.

3. Тақсимланадиган харажатлар. Ушбу харажат объекти алоҳида кўриб чиқилади.

4. Бошқа объектлар. Бунга асосан ем-хашак экинларини йиғиштириб олгандан сўнг алоҳида турдаги ем-хашак тайёрлаш (силос тайёрлаш ва ҳ.к.) билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш киради.

Ўсимликчилик тармоғида ишлаб чиқариш харажатлари ичида шундай харажатлар борки, бу харажатларни тўғридан-тўғри харажат объектига олиб бориш имконияти бўлмайди. Бу харажатлар дастлаб алоҳида аналитик счётларда ҳисобга олиб борилиб, ўсимликчилик тармоқлари бўйича тақсимланади. Бу харажатлар қуйидагилар:

1. Тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари.

2. Тақсимланадиган суғориш харажатлари.

3. Тақсимланадиган жорий таъмирлаш ва амортизация харажатлари киради.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари жорий йилда қилинган харажатлар бўлиб, келгуси йил ҳосили таннархига киритилади. Ўсимликчилик тармоғида ишлаб чиқариш жараёни узоқ давом этганлиги учун айрим харажатлар келгуси йил ҳосили учун қилинади. Буларга кузги шудгорлаш, ўғитлаш, шўр ювиш, суғориш ва бошқа харажатлар мисол бўлади. Бу харажатлар алоҳида аналитик счётда ҳисобга олиниб шудгорланган, ўғит

сепилган, шўри ювилган ёки қишки суғориш амалга оширилган майдонларга экилган экинлар бўйича экин майдонларини салмоғига қараб тақсимланади.

Тақсимланадиган суғориш харажатларига хўжаликдаги умумий фойдаланишда бўлган канал ва ариқларни сақлаш, тозалаш, сув тақсимлаш иншоотларини ва сув насосларини сақлаш ҳамда ушбу соҳа ходимларини меҳнат ҳақи ва унга нисбатан ҳисобланган ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар харажатлари киради. Ушбу харажатлар алоҳида аналитик счётада ҳисобга олиб борилиб экин турлари бўйича шартли суғорилган майдон салмоғига қараб тақсимланади. Шартли суғорилган майдон суғоришлар сонини суғорилган майдонга кўпайтириб аниқланади.

Тақсимланадиган жорий таъмирлаш ва амортизация харажатларига турли ўсимликчилик тармоқларида фойдаланилаётган асосий воситаларни жорий таъмирлаш ва эскириши(амортизацияси) харажатлари киради. Бу харажатлар ҳам алоҳида аналитик счётада ҳисобга олиниб экинлар бўйича бажарилган ишларни салмоғига қараб тақсимланади.

Ўсимликчиликда харажатлар ва маҳсулот чиқими ҳисобини қуйидаги асосий вазифалари мавжуд:

1. Фермер хўжаликлари бошқарувчиларини ҳар бир экин тури бўйича ўз вақтида ишлаб чиқариш харажатлари ва олинган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш.
2. Ишлаб чиқариш харажатлари ва олинган маҳсулотларни бухгалтерия ҳужжатлари ва ҳисоб регистрларида ўз вақтида ва тўғри акс эттириш.
3. Тақсимланадиган харажатларни харажат объектлари бўйича иқтисодий асосланган ҳолда тақсимлаш.
4. Харажатларни харажат объектлари ва харажат моддалари бўйича тўғри ҳисобга олиб бориш.
5. Ишлаб чиқариш харажатлари ва олинадиган маҳсулотлар устидан доимий назоратни олиб бориш.
6. Маҳсулотларни тўлиқ даромадга олиниши ва сақланиши устидан назорат олиб бориш.
7. Ҳар бир маҳсулот таннархини иқтисодий асосланган ҳолда аниқлашни таъминлаш.

## **1.2.Ўсимликчилик ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқимини дастлабки, синтетик ва аналитик ҳисоби.**

Фермер хўжаликларида ўсимликчилик тармоғидаги ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқимини ҳисобга олишда турли хил бухгалтерия ҳужжатларидан фойдаланилади. Фойдаланиладиган бухгалтерия ҳужжатлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- 1.Меҳнат сарфини ҳисобга олувчи ҳужжатлар.
- 2.Меҳнат предметлари сарфини ҳисобга олувчи ҳужжатлар.
3. Меҳнат воситалари сарфини ҳисобга олувчи ҳужжатлар.
- 4.Маҳсулот чиқимини ҳисобга олувчи ҳужжатлар.

Фермер хўжаликларида дастлабки уч гуруҳга кирувчи ҳужжатлар ўсимликчилик тармоғидаги ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи ҳужжатларга киради. Буларга «Иш вақтини ҳисобга олиш табели», «Меҳнат ва бажарилган ишни ҳисобга олиш варақаси», «Асосий воситаларга амортизация

ҳисоблаш ҳисоб-китоби», «Уруғ ва экиш материаллари сарфлаш далолатномаси», «Минерал ва органик ўғитлар ҳамда гербицидлар ва заҳарли химикатларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси» ва бошқа ҳужжатлар кириб,улар ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишда расмийлаштирилади.

Ўсимликчилик маҳсулотлари даромадга олинishi, олинган маҳсулот турларига қараб қуйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

- 1.»Дон ва бошқа маҳсулотларни даладан жўнатиш реестри».
- 2.»Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари келиш кундалиги».
- 3.»Пахта терими тўғрисида кунлик маълумот».
- 4.»Боғдорчилик маҳсулотлари келиш кундалиги».
- 5.»Ёпиқ грунт маҳсулотларини келиш кундалиги».
- 6.»Дағал ва ширали озуқаларни қабул қилиш далолатномаси».

Ўсимликчилик ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишини ҳисобга олувчи ҳужжатлар бухгалтерияда қайта ишланиб, “Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишини ҳисобга олиш дафтари”га ёзувлар амалга оширилади.Дафтарда ҳар бир экин турига алоҳида бетлар ажратилган бўлиб,харажатлар ва олинган маҳсулотлар тегишли бетларга ёзилади.Ушбу дафтар ҳисоб регистри вазифасини бажариб, ўсимликчилик тармоғидаги ҳар бир экин тури бўйича харажатлар ва маҳсулот чиқишини алоҳида ҳисобга олишни таъминлайди.

Ўсимликчиликда ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқимини ҳисоби бухгалтерия ҳисоби счётлар режасининг 2010- «Асосий ишлаб чиқариш» счётида очиладиган аналитик счётларда ҳисобга олиб борилади. Бу счётлар балансга нисбатан актив счёт бўлиб дебитида ўсимликчилик тармоғига қилинган харажатлари, кредитида эса ўсимликчилик тармоғидан олинган маҳсулотлар ҳисобга олиб борилади.Ўсимликчилик тармоғидан олинган маҳсулотлар йил давомида режа таннархида ҳисобга олиниб, йил охирида ҳақиқий таннархга тузатилади.

Фермер хўжаликларининг харажатлари ҳам «Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»га асосан қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- 1.Маҳсулот(иш,хизмат) таннархига киритиладиган харажатлар.
- 2.Асосий фаолиятнинг бошқа харажатлари.
- 3.Молиявий фаолият харажатлари.
- 4.Фавқулодда зарарлар.

Харажатларни иқтисодий моҳиятига кўра гуруҳланиши **харажат элементлари** дейилади. Маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар қуйидаги харажат элементларига бўлинади:

- 1.Моддий харажатлар.
- 2.Меҳнат ҳақи харажатлари.
- 3.Ижтимоий мақсадлар учун ажратмалар.
- 4.Асосий ва номоддий активлар эскириши(амортизацияси).
- 5.Бошқа харажатлар.

Харажатларни турларига кўра гурухланиши **харажат моддалари** дейилади. Харажатларни харажат моддалари бўйича ҳисобга олиниши бошқарув ҳисобига кириб,хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда харажат моддалари сонини ўзлари мустақил белгилайдилар. Фермер хўжаликларида ўсимликчилик тармоғидаги харажатлар қуйидаги 9 та харажат моддаси бўйича ҳисобга олинади:

1.Меҳнат ҳақи ажратмалари билан бирга.

2.Ўғитлар.

3.Асосий воситалар амортизацияси.

4.Уруғлик ва кўчат материаллари.

5.Иш ва хизматлар.

6.Ёқилғи ва мойлаш материаллари.

7.Суғурта тўловлари.

8.Умум ишлаб чиқариш харажатлари.

9.Бошқа харажатлар.

1.»Меҳнат ҳақи ажратмалари билан бирга» харажат моддасида муайян экин турлари ёки гурухларининг бевосита технологик жараёнида ишлаган турли тоифадаги ходимларга ҳисобланган асосий ва қўшимча меҳнат ҳақи тўловлари ҳамда ҳисобланган меҳнат ҳақиға нисбатан ижтимоий мақсадлар учун ажратмалар ҳисобга олиб бирилади.

А)Дебет 2010- «Асосий ишлаб чиқариш» счёти

Кредит 6710- «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб китоблар» счёти – Ўсимликчилик тармоғи ишловчиларига меҳнат ҳақи ҳисобланганда.

Б)Дебет 2010- «Асосий ишлаб чиқариш» счёти.

Кредит 6520- «Давлат мақсадли фондларига тўловлар» счёти –Ҳисобланган меҳнат ҳақиға нисбатан ижтимоий мақсадлар учун ажратма ҳисобланганда.

2.»Ўғитлар» харажат моддасида муайян бир экин (экин гуруҳи) учун сарфланган минерал ва органик ўғитлар сарфи ҳисобга олиб бирилади.

Дебет 2010- «Асосий ишлаб чиқариш» счёти.

Кредит 1090- «Бошқа материаллар» счёти – Сарфланган минерал ва органик ўғитлар қийматиға.

3.»Асосий воситалар амортизацияси» харажат моддасида ўсимликчилик тармоғида фойдаланилган асосий воситаларга ҳисобланган амартизация харажатлари ҳисобга олиб бирилади.

Дебет 2010- «Асосий ишлаб чиқариш» счёти.

Кредит 0200 «Асосий воситалар эскиришини ҳисобга олувчи счётлар» счёти – Ўсимликчилик тармоғида фойдаланилган асосий воситаларга эскириш (амортизация) ҳисобланганда.

4.»Уруғлик ва кўчат материаллари» харажат моддасида экин экиш учун сарфланган уруғлик ва ўтқазилган кўчатлар харажати ҳисобга олиб бирилади.

Дебет 2010- «Асосий ишлаб чиқариш» счёти

Кредит 1090- «Бошқа материаллар» счёти – Сарфланган уруғлик ва ўтқазилган кўчат материаллари қийматиға.

5.»Иш ва хизматлар» харажат моддасида ўсимликчилик тармоғига ёрдамчи ишлаб чиқаришлар кўрсатган хизмати ва чет ташкилотлар томонидан бажарилган иш ва хизматлар харажати ҳисобга олиб бирилади.

А)Дебет 2010- «Асосий ишлаб чиқариш» счёти

Кредит 2310- «Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар» счёти – Ўсимликчилик тармоғида хўжаликни ўз ёрдамчи ишлаб чиқаришлари кўрсатган хизмат суммасига.

Б)Дебет2010-»Асосий ишлаб чиқариш» счёти.

Кредит 6010- «Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»- Ўсимликчилик тармоғида чет ташкилотларнинг кўрсатган хизмати суммасига.

6.»Ёқилғи ва мойлаш материаллари» харажат моддасида ўсимликчилик тармоғига сарфланган турли хилдаги ёқилғи ва мойлаш материаллари харажати ҳисобга олиб бирилади.

Дебет 2010- «Асосий ишлаб чиқариш» счёти.

Кредит 1030- «Ёқилғилар» счёти – Сарфланган ёқилғи ва мойлаш материаллари қийматига.

7.»Суғурта тўловлари» харажат моддасида ўсимликларни турли табиий офатлардан суғурталаш харажатлари ҳисобга олиб бирилади.

Дебет 2010- «Асосий ишлаб чиқариш» счёти

Кредит 6510- «Суғурта бўйича тўловлар» счёти –Ҳисобланган суғурта тўловлари суммасига.

8.»Умум ишлаб чиқариш харажатлари» харажат моддасида ўсимликчилик тармоқлари бўйича умумий ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобга олиб бирилади.

Дебет 2010- «Асосий ишлаб чиқариш» счёти

Кредит 2510- «Умумий ишлаб чиқариш харажатлари» счёти –ўсимликчилик умумий ишлаб чиқариш харажатлари экинлар бўйича тақсимланганда.

9.»Бошқа харажатлар» харажат моддасида юқоридаги моддаларда ҳисобга олинмаган ўсимликчилик тармоғининг бошқа тўғри харажатлари ҳисобга олиб бирилади.Бунда харажатларнинг турлари бўйича тегишли бухгалтерия проводкалари тузилади.

Ўсимликчилик тармоғида етиштирилган маҳсулотлар йил давомида режа таннархида баҳоланиб двромадга олинади. Йил охирида қилинган харажатлар ва олинган маҳсулотларни ҳақиқий миқдори аниқлангандан сўнг ҳақиқий таннарх ҳисобланиб режа таннархи ҳақиқий таннархга тузатилади.

Ўсимликчилик тармоғида етиштирилган маҳсулотларни даромадга олишда қуйидаги бухгалтерия проводкалари тузилади:

1.Дебет 2810 – « Омбордаги таёр маҳсулот» счёти.

Кредит 2010–»Асосий ишлаб чиқариш» счёти–Етиштирилган маҳсулотлар омборга кирим қилинганда.

2.Дебет 6510 – «Суғурта бўйича тўловлар» счёти.

Кредит 2010 – «Асосий ишлаб чиқариш» счёти- Табиий офат натижасида кўрилган зарар суғурта ташкилоти томонидан тўлаш учун қабул қилинганда.

3.Дебет 1090 – «Бошқа материаллар» счёти.

Кредит 2010 – «Асосий ишлаб чиқариш» счёти – Етиштирилган маҳсулотлар ем-хашак ёки уруғлик учун тўғридан-тўғри ажратилиб даромадга олинганда.

4.Дебет 9110 – «Сотилган маҳсулотлар таннархи» счёти.

Кредит 2010 – «Асосий ишлаб чиқариш» счёти –Сотилган маҳсулотларнинг йил охирида калькуляция фарқи(Агар ҳақиқий таннарх режа таннархидан катта бўлса,фарқ суммасига “қўшимча ёзув”узулида,агар ҳақиқий таннарх режа таннархидан кичик бўлса,фарқ суммасига “қизил сторно”узулида бухгалтерия проводкаси тузилади.

### 1.3. Ўсимликчилик маҳсулотлари таннархини ҳисоблаш.

Фермер хўжаликларида ҳам бошқа корхоналар сингари йиллик молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасида белгиланганидек 1-январдан 31-декабргача бўлган давр ҳисобланади. Фермер хўжаликларида йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳақиқий таннархи йил охирида аниқланади. Таннархи аниқланадиган маҳсулот **калькуляция объекти** ҳисобланади. Ўсимликчиликдан олинган асосий ва ёндош маҳсулотларни таннархи аниқланади. Қўшимча маҳсулотлар таннархи аниқланмайди, улар маълум баҳода баҳоланиб жами харажатдан чегириб ташланади.

Ўсимликчиликда маҳсулот таннархини аниқлашдан олдин бухгалтерия ҳисобининг маълумотлари текширилади.

Маҳсулотни ҳақиқий таннархини аниқлашдан олдин қуйидагиларни тўғрилиги текширишдан ўтказилади:

- 1.Ишлаб чиқариш харажатларини ҳар бир тармоқ бўйича ва фермер хўжалиги бўйича тўлиқ акс эттирилганлиги;
- 2.Асосий ва қўшимча маҳсулотларни тўлиқ даромадга олинганлиги;
- 3.Табиий офат натижасида нобуд бўлган экинлар харажатлари ва инвентаризация натижаларини тўлиқ ҳисобда акс эттирилганлиги;
- 4.Ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлинмалари томонидан кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар бўйича калькуляция фарқларини ўтказилганлиги;
- 5.Тақсимланадиган харажатлар: умумий ишлаб чиқариш, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тақсимланадиган жорий таъмирлаш, тақсимланадиган амортизация, тақсимланадиган суғориш ва келгуси давр харажатлари тўғри тақсимланганлиги текширишдан ўтказилади.

**Маҳсулот таннархи** - бу маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган харажатларнинг пулдаги ифодасидир. Маҳсулот таннархини аниқлаш учун жами харажатни маҳсулот миқдорига бўлиш керак.Бухгалтерия ҳисобида бир бирлик маҳсулот таннархини аниқлаш жараёни маҳсулот таннархи калькуляцияси дейилади. Маҳсулот таннархи калькуляциясида харажатларни калькуляция объектлари ўртасида иқтисодий асосланган ҳолда тақсимлаш муҳим аҳамиятга эга.

Харажатларни калькуляция объектлари бўйича тақсимлашнинг бир қанча усуллар мавжуд(ушбу усуллар “калькуляция усуллари”ҳам дейилади), булар:

1.Оддий усул- Ушбу усул бир экиндан бир турдаги маҳсулот олинса,яъни “харажат объекти” билан “калькуляция объекти” бир-бирига мос келса қўлланилади. Бунда жами харажат олинган маҳсулот миқдорида бўлинади.

| № | Калкуляция объект- | Маҳсулот миқдори, | Асосий маҳсулотга айланти- | Жами асосий маҳсу- | Салмо -ғи, % | Жами харажат, | 1центнер маҳсулот таннархи, |
|---|--------------------|-------------------|----------------------------|--------------------|--------------|---------------|-----------------------------|
|---|--------------------|-------------------|----------------------------|--------------------|--------------|---------------|-----------------------------|

2.Қўшимча маҳсулотлар қиймати чегирилиш усули-Ушбу усулда жами харажатдан қўшимча маҳсулотлар қиймати чегирилиб, қолган харажатлар “калькуляция объекти”га олиб борилиб маҳсулот таннархи аниқланади.

3.Ўртача сотиш баҳолари асосида маҳсулот таннархи усули-Ушбу усулда жами харажатлар“калькуляция объекти”лари ўртасида уларни ўртача сотиш баҳолари асосида аниқланган қийматлирининг салмоғига мос равишда тақсимланиб, маҳсулот таннархи аниқланади.

4.Коэффициентлар асосида маҳсулот таннархи усули - Ушбу усулда жами харажатдан қўшимча маҳсулотлар қиймати чегирилиб, қолган харажатлар “калькуляция объекти”лари ўртасида белгиланган коэффициентлар асосида шартли маҳсулотга айлантирилган салмоғига мос равишда тақсимланиб, маҳсулот таннархи аниқланади.

5.Эксперт усули- бу усулда жами харажатдан қўшимча маҳсулотлар қиймати чегирилиб, қолган харажат асосий ва ёндош маҳсулотлар ўртасида олдиндан белгиланган фоизлар асосида тақсимланиб, маҳсулот таннархи аниқланади.

**Пахтачиликда маҳсулот таннархини аниқлаш.** Фермер хўжалигида пахтачилик тармоғининг жами харажатлари 22,6 миллион сўмни ташкил этиб, 675 центнер пахта хом-ашёси олинган. Пахтачиликдан қўшимча маҳсулотлар даромадга олинмаган.1 цн. пахта хом-ашёсини ҳақиқий таннархини аниқлаш учун жами харажатлар олинган маҳсулот миқдорида бўлинади.

|                        |                  |               |                |
|------------------------|------------------|---------------|----------------|
| 1 цн. пахта таннархи = | 22,6 миллион сўм | 675 центнер = | 334.8минг сўм. |
|                        | :                |               |                |

**Донли экинлар таннархини аниқлаш:** Фермер хўжалигида ғаллачилик бўйича жами харажатлар 68792000 сўмни ташкил этган. Олинган маҳсулотлар 10300 центнер дон, 1200 центнер дон чиқиндиси (40% донлилик даражасига эга), сомон 8400 центнер(1 центнери 250 сумдан жами 2,1 миллион сўм).Бунда асосий маҳсулот-дон ва ёндош маҳсулот-дон чиқиндисининг таннархи аниқланади. Қўшимча маҳсулот қиймати жами харажатдан чегирилади(68792000-2100000=66692000). Қолган харажат дон ва дон чиқиндиси ўртасида қуйидагича тақсимланади:

|   | лари             | ц     | риш фоизи | лот, ц |       | сўм      | сўм    |
|---|------------------|-------|-----------|--------|-------|----------|--------|
| 1 | Дон              | 10300 | 100       | 10300  | 95,55 | 63724206 | 6186,8 |
| 2 | Дон<br>чиқиндиси | 1200  | 40        | 480    | 4,45  | 2967794  | 2473,2 |
|   | Жами             | х     | х         | 10780  | 100   | 66692000 | х      |

**Сабзавот экинлари таннархини аниқлаш.** Сабзавотчиликга бир қанча экин турлари (помидор, пиёз, сабзи, бақлажон, булғор қалампери ва х.к.) кирилади. Агар, фермер хўжалигида сабзавотчиликнинг бир турдаги экини экилган бўлиб, харажатлар алоҳида аналитик сўтда олиб борилган бўлса, маҳсулот таннархи жами харажатлар олинган маҳсулот миқдорига бўлиниб аниқланади. Агар, фермер хўжалигида сабзавотчиликнинг бир неча турдаги экини экилган бўлиб, харажатлар алоҳида аналитик сўтда олиб борилган бўлса, маҳсулот таннархи қуйидагича аниқланади: Фермер хўжалигида помидор ва пиёз экилган бўлиб, харажатлар битта аналитик сўтда олиб борилган. Жами харажатлар 8,2 миллион сўм бўлиб, 526 центнер помидор ва 405 центнер пиёз даромадга олинган. Сабзавотчиликдан қўшимча маҳсулотлар даромадга олинмаган. Харажатлар “калькуляция объектлари”- помидор ва пиёз ўртасида уларнинг сотиш баҳоларидаги қийматига мос равишда тақсимланади. 1 цн. помидорнинг ўртача сотиш баҳоси 9,2 минг сўм, 1 цн. пиёзнинг ўртача сотиш баҳоси 18,0 минг сўм.

| №  | Калкуля-ция объект-лари | Маҳсулот миқдори, ц | 1 цн. маҳсулотнинг сотиш баҳоси, минг сўм | Сотиш баҳосидаги қиймати, млн. сўм | Салмо-ғи, % | Жами харажат, млн. сўм | 1 центнер маҳсулот таннархи, минг сўм |
|----|-------------------------|---------------------|-------------------------------------------|------------------------------------|-------------|------------------------|---------------------------------------|
| 1. | Помидор                 | 526                 | 9,2                                       | 4,8                                | 39,7        | 3,25                   | 6,2                                   |
| 2. | Пиёз                    | 405                 | 18,0                                      | 7,3                                | 60,3        | 4,95                   | 12,2                                  |
|    | Жами                    | х                   | х                                         | 12,1                               | 100,0       | 8,20                   | х                                     |

**Ем-хашак экинлари таннархини аниқлаш.** Ем-хашак экинларига бир қанча экин турлари (беда, силос учун маккажўхори х.к.) кириб, улар бир йиллик ва кўп йиллик ем-хашак экинларига бўлинади. Ем-хашак экинларидан олинган маҳсулотлар таннархи коэффициентлар ёрдамида аниқланади. Бир йиллик ем-хашак экинлари учун белгиланган коэффициентлар: Пичан-1,0;

Кўк масса-0,25;

Уруғ-9,0;

Тўфон-0,1

Кўп йиллик ем-хашак экинлари учун белгиланган коэффициентлар:

Пичан-1,0;

Кўк масса-0,3;

Уруғ-75,0;

Тўфон-0,1

Агар, фермер хўжалигида ем-хашак экинларининг бир тури экилган бўлиб, бир турдаги маҳсулот олиниб, харажатлар алоҳида аналитик счётада олиб борилган бўлса, маҳсулот таннархи жами харажатлар олинган маҳсулот миқдорига бўлиниб аниқланади.

Кўпчилик ҳолатларда фермер хўжалигида кўп йиллик ем-хашак экини бўлган-беда экилиб, ундан пичан ва кўк масса олинади. Бундай ҳолларда кўк масса 0,3 коэффициент асосида пичанга айлантирилиб маҳсулот таннархи аниқланади.

Фермер хўжалигида кўп йиллик ем-хашак экини экилган бўлиб, жами харажатлар 5,5 миллион сўмни ташкил этиб, қуйидаги маҳсулотлар олинган: Пичан-525 центнер, Кўк масса-1586 центнер, Уруғ-15 центнер, Тўфон-90 центнер. Маҳсулотлар таннархи коэффициент асосида қуйидагича аниқланади:

| №  | Калкуляция объектлари | Маҳсулот миқдори, ц | Шартли маҳсулотга айлантириш коэффициенти | Шартли маҳсулот миқдори | Салмо-ғи, % | Жами харажат, минг сўм | 1центнер маҳсулот таннархи, минг сўм |
|----|-----------------------|---------------------|-------------------------------------------|-------------------------|-------------|------------------------|--------------------------------------|
| 1. | Пичан                 | 525                 | 1,0                                       | 525                     | 24,6        | 1353                   | 2,58                                 |
| 2. | Кўк масса             | 1586                | 0,3                                       | 476                     | 22,3        | 1226,5                 | 0,78                                 |
| 3. | Уруғ                  | 15                  | 75,0                                      | 1125                    | 52,7        | 2898,5                 | 193,2                                |
| 4. | Тўфон                 | 90                  | 0,1                                       | 9                       | 0,4         | 22                     | 0,24                                 |
|    | Жами                  | х                   | х                                         | 2135                    | 100,0       | 5500                   | х                                    |

**2.Чорвачилик ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш.**

**2.1. Чорвачилик харажатларининг иқтисодий моҳияти ва ҳисобнинг вазифалари.**

Чорвачилик тармоғи фермер хўжаликларининг асий тармоқларидан бири бўлиб, аҳолини озиқ-овқат билан, қайта ишловчи саноатни хом-ашё билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Чорвачилик тармоғига: қорамолчилик, қўйчилик, чўчқачилик, паррандачилик, йилқичилик, туячилик, пиллачилик, асаларичилик, балиқчилик каби тармоқлар киради. Бу тармоқларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдорини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш билан бирга харажатлар ва маҳсулот чиқиши ҳисобини тўғри йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун турли хил харажатлар: меҳнат ҳақи, ем-хашак, чорвачилик асосий воситалар эскириши, дори-дармонлар, суғурта тўловлари, иш ва хизматлар ҳамда бошқа харажатлар қилинади. Бу харажатлар доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлинади:

Доимий харажатларга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ёки ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаргани билан ўзгармайдиган харажатлар киради. Жумладан: асосий

воситалар эскириши, суғурта тўловлари, ижара ҳақи ва бошқа харажатлар. Булар ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаргани билан, ўзгармай (шартли равишда) қолади.

Ўзгарувчан харажатларга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши билан ўзгарадиган харажатлар киради. Буларга меҳнат ҳақи, ем-хашак, иш ва хизматлар ҳамда шунга ўхшаш харажатлар мисол бўлади. Булар ишлаб чиқариш ҳажми ошса, кўпаяди ва аксинча.

Бундан ташқари, чорвачилик тармоғи харажатлари бевосита (тўғри) ва билвосита (йиғиб тақсимланувчи) харажатларга ҳам бўлинади. Бундай бўлиниш (гуруҳлаш) маҳсулот таннархига қўшилишига кўра бўлиниши бўлиб, бевосита харажатларга тўғридан-тўғри харажат объектларига олиб бориловчи харажатлар киради. Булар тўғри меҳнат ҳақи, ем-хашак, иш ва хизматлар ва бошқа харажатлардир.

Билвосита харажатларга чорвачилик умум ишлаб чиқариш харажатларига кириб, бу харажатлар дастлаб 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби» счётида ҳисобга олиб борилиб, сўнгра йил охирида чорвачилик харажат объектлари бўйича тақсимланади.

Чорвачилик ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқиши ҳисобининг вазифалари:

1. Корхона бошқарувчиларини ўз вақтида ва тўлиқ чорвачилик ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқиши тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлаш;

2. Чорвачилик харажатлари ва маҳсулот чиқишини ўз вақтида бухгалтерия ҳужжатларида акс эттирилишини таъминлаш;

3. Харажатларни меъёрларга мос келишини ва иқтисодий асосланган ҳолда бўлишини таъминлаш;

4. Олинган маҳсулотларни тўлиқ ва нобудгарчиликсиз даромадга олинишини таъминлаш;

5. Хар бир харажат объектига харажатларни тўғри олиб борилишини таъминлаш;

6. Маҳсулот таннархини иқтисодий асосланган ҳолда аниқланишини таъминлаш;

7. Калькуляция фарқларини тўғри ва ўз вақтида бухгалтерия счётларида акс эттириш.

## **2.2. Чорвачилик харажатлари ва маҳсулотлари чиқиши ҳисоби.**

Фермер хўжаликларида чорвачилик ишлаб чиқариш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5-февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом» га асосан ҳисобга олиб борилади.

Чорвачиликда харажат объектлар хар бир турдаги ёки гуруҳдаги ҳайвон турлари ҳисобланади.

Чорвачилик харажат объектлари:

1. Қорамолчилик бўйича:

- а) Сут йўналишидаги қорамолчиликда:

1. Асосий пода

2. Ёш ва боқувга қўйилган моллар.

б) Гўшт йўналишидаги қорамолчиликда:

1. Асосий пода ва саккиз ойликкача бўлган бузоқлар.

2. Саккиз ойликдан катта бузоқлар ва боқувдаги моллар.

2. Қўйчилик. Қўйчиликда харажат объектлари уларнинг йўналиши бўйича ташкил этилади.

3. Чўчқачилик.

1. Асосий пода.

2. 2 ойликдан 4 ойликкача бўлган чўчқа болалари.

3. 4 ойликдан катта чўчқа болалари.

4. Ёш чўчқа болалари ва боқувга қўйилган чўчқалар.

4. Паррандачилик. Паррандачиликда харажат объектлари паррандалар тури ёки йўналиши бўйича ташкил этилади:

1)Тухум йўналишидаги

2)Гўшт йўналишидаги.

Қолган ҳайвон турлари бўйича ҳам уларнинг турлари ва ҳисоб гуруҳлари бўйича харажат объектлари ташкил этилади. Харажат объектлари асосида аналитик счётлар очилади ва харажатлар, олинган маҳсулотлар алоҳида ҳисобга олиб борилади.

Чорвачилик тармоғи бўйича ишлаб чиқариш харажатлари қуйидаги харажат элементлари бўйича гуруҳланади:

1. Материал (моддий) харажатлар.

2. Меҳнат ҳақи харажатлари.

3. Ижтимоий мақсадлар учун ажратмалар.

4. Асосий воситалар ва номоддий активлар эскириши.

5. Бошқа харажатлар.

Ушбу харажатлар «Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом» га асосан маҳсулот таннархига кирадиган харажатлар ҳисобланади.

Чорвачилик тармоғи бўйича очилган аналитик счётлар бўйича ишлаб чиқариш харажатлари қуйидаги харажат моддалари бўйича гуруҳланади:

1. Меҳнат ҳақи ажратмалари билан бирга.

2. Ем-хашак

3. Асосий воситалар эскириши

4. Иш ва хизматлар.

5. Ёқилғи-мойлаш материаллари.

6. Суғурта тўловлари.

7. Умум ишлаб чиқариш харажатлари.

8. Бошқа харажатлар.

Биринчи харажат моддасида чорвачилик тармоғи ишлаб чиқаришида банд бўлган ишловчиларга ҳисобланган меҳнат ҳақи ва меҳнат ҳақига нисбатан ҳисобланган ижтимоий мақсадлар учун ажратмалар ҳисобга олиб борилади.

Иккинчи харажат моддасида чорва моллари ва паррандаларни озиқлантириш учун сарфланган ем-хашак харажати ҳисобга олиб борилади.

Учинчи харажат моддасида чорвачилик тармоғи асосий воситаларига ҳисобланган амортизация ажратмалари ҳисобга олиб борилади.

Тўртинчи харажат моддасида чорвачилик тармоғига ўз ёрдамчи ишлаб чиқаришлари ва чет ташкилотлар кўрсатган хизматлар харажати ҳисобга олиб борилади.

Бешинчи харажат моддасида чорвачилик тармоғида фойдаланилаётган транспорт воситаларига сарфланган ёқилғи ва мойлаш материаллари харажатлари ҳисобга олиб борилади.

Олтинчи харажат моддасида чорва моллари ва чорвачилик тармоғи асосий воситаларини ихтиёрий суғуртаси бўйича харажатлар ҳисобга олиб борилади.

Еттинчи харажат моддасида чорвачилик умум ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобга олиб борилади. Чорвачилик умум ишлаб чиқариш харажатлари дастлаб 2510 «Умум ишлаб чиқариш харажатлари» счётида ҳисобга олиб борилиб, йил охирида чорвачилик тармоқлари бўйича тақсимланади.

Саккизинчи харажат моддасида юқоридаги гуруҳларга кирмаган бошқа харажатлар ҳисобга олиб борилади.

Чорвачилик маҳсулотлари чиқиши 2010 «Асосий ишлаб чиқаришлар» счётининг кредитида акс эттирилади. Йил давомида олинган маҳсулотлар режа таннархида кирим қилилади. Йил охирида олинган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи аниқланиб, режа таннархи ҳақиқий таннархга тузатилади.

Чорвачилик тармоғидан олинган маҳсулотлар бўйича «Соғилган сутни ҳисобга олиш журнали», «Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари келиш кундалиги», «Хайвонларни ўлчаш қайдномаси», «Жунни қирқиш ва даромадга олиш далолатномаси», «Туғилган хайвон боласини даромадга олиш далолатномаси» каби бухгалтерия ҳужжатлари расмийлаштирилади.

Чорвачилик маҳсулотлари даромадга олинганда қуйидагича бухгалтерия проводкалари тузилади:

Дебет 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти

Кредит 2010 «Асосий ишлаб чиқариш харажатлари» счёти – чорвачилик маҳсулотлари: сут, жун, тухум, асал, пилла даромадга олинганда.

Дебет 1100 «Ўстиришдаги ва боқувдаги моллар» счёти

Кредит 2010 «Асосий ишлаб чиқаришлар» счёти – чорвачиликдан ўсган вазн ва туғилган хайвон болалари даромадга олинганда;

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқаришлар» счёти

Кредит 2010 «Асосий ишлаб чиқаришлар» счёти – чорвачилик қўшимча маҳсулоти – гўнг ўсимликчилик тармоғида ўғит сифатида сарфланганда.

Чорвачилик тармоғининг ишлаб чиқариш харажатлари ва олинган маҳсулотларни ҳисобга олишда расмийлаштирилган ҳужжатлар ҳар ойда бухгалтерияга топширилади ва қайта ишланади. Ҳужжатлар қайта ишланиб, улар асосида, чорвачилик бўйича ишлаб чиқариш ҳисоботи» (18 а – шакл) тузилади. Ушбу ҳисобот икки бўлимдан иборат бўлиб, I- бўлим «Ишлаб чиқариш харажатлари», II-бўлим «Маҳсулот чиқиши» деб номланади.

Биринчи «Ишлаб чиқариш харажатлари» бўлимида харажатлар харажат моддалари бўйича ҳар бир харажат объектининг ҳисобот оyi ва йил бошидан буён харажатлар акс эттирилиб борилади. Бунда, меҳнат ҳақи харажатлари киши-куни ва суммасида, бошқа харажатлар натура ва пул ўлчов бирликларида акс эттирилади. Масалан, сарфланган ем-хашак, центнер ва озуқа бирлиги ҳамда суммалари алоҳида акс эттирилади.

Иккинчи «Маҳсулот чиқиши» бўлимида ҳар бир турдаги маҳсулотни ой давомида ва йил бошидан буён натура ва пул ўлчов бирлигида акс эттирилади.

«Чорвачилик бўйича ишлаб чиқариш ҳисоботи» (18а-шакл) чорвачилик харажатлари ва маҳсулот чиқишини ҳисобга олувчи йиғма ҳужжат ҳисобланиб, у ҳисоб регистри ўрнини ҳам босади.

Бухгалтерияда «Чорвачилик ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқиши» дафтари юритилади. Ушбу дафтарда ҳар бир харажат объекти бўйича алоҳида бетлар ажратилиб, харажатлар харажат моддалари бўйича ва олинган маҳсулотлар тури ойма-ой ёзиб борилади.

### **2.3. Чорвачилик маҳсулотлари таннархини ҳисоблаш.**

Йил охирида чорвачилик тармоғидан олинган маҳсулотлар ҳақиқий таннархи аниқланади. Чорвачилик тармоғида ҳам ўсимликчилик тармоғидегидек асосий ва ёндош маҳсулотлар ҳақиқий таннархи аниқланади, қўшимча маҳсулотлар ҳақиқий таннархи аниқланмайди. Чорвачилик тармоғида асосий маҳсулотларга сут йўналишидаги қорамолчиликнинг «Асосий пода» аналитик счёти бўйича асосий маҳсулотларга - сут, ёндош маҳсулотларга – бузоқ, қўшимча маҳсулотларга – гўнг кирса, «Ўстиришдаги ва боқувдаги моллар» аналитик счёти бўйича асосий маҳсулотларга – ўсган вазн, қўшимча маҳсулотларга – гўнг киради. Шундай қилиб, чорвачиликнинг ҳар бир соҳаси бўйича асосий ва ёндош маҳсулотлар ҳақиқий таннархи аниқланади. Олинган қўшимча маҳсулотлар эса режа таннархида ёки сотиш мумкин бўлган баҳода баҳоланиб даромадга олинади.

Ҳақиқий таннархни аниқлашни чорвачилик тармоғининг ҳар бир соҳаси бўйича ўзига хос бўлган хусусиятлари мавжуд бўлиб, таннархни аниқлашни қорамолчилик соҳаси бўйича кўриб чиқамиз:

Қорамолчилик бўйича қуйидаги харажат объектлари мавжуд:

а) Сут йўналишидаги қорамолчиликда:

1. Асосий пода
2. Ёш ва боқувга қўйилган моллар.

б) Гўшт йўналишидаги қорамолчиликда:

1. Асосий пода ва саккиз ойликкача бўлган бузоқлар.
2. Саккиз ойликдан катта бузоқлар ва боқувдаги моллар.

Ушбу харажат объектлари бўйича маҳсулотлар таннархини аниқлаш тартиби қуйидагича:

1) Сут йўналишидаги қорамолчилик. Ушбу тармоқнинг иккита харажат объекти (аналитик счёти) бўлади. «Асосий пода» аналитик счёти бўйича сут ва бузоқ “калькуляция объекти” ҳисобланади. Гўнг қўшимча маҳсулот ҳисобланиб, уни тўплаш, дала чиқариш харажатлари ҳисобга оlinиб, баҳоланади. Гўнгнинг таннархи ҳисобланмайди.

«Асосий пода»дан олинган сут ва бузоқнинг ҳақиқий таннархини ҳисоблаш учун, жами харажатлардан гўнг қиймати айрилиб, қолган харажатни 90% сутга, 10% бузоққа ажратилиб, ушбу маҳсулотлар таннархи аниқланади.

Мисол: «Дўстлик» фермер хўжалигида «Асосий пода» аналитик счёти бўйича жами харажатлар 13583 минг сўмни ташкил этди. Олинган маҳсулотлар 1880 центнер сут, 24 бош бузоқ ва 2000 тонна 2150 минг сўмлик гўнг бўлган. Маҳсулот таннархи қуйидагича аниқланади:

1) Жами харажатдан гўнг қиймати айрилади:

$13583-2150=11433$  минг сўм

2) Қолган харажатни 90% сутга, 10% бузоқ харажатига ажратилиб, маҳсулотлар таннархини ҳисоблаймиз:

$1\text{ц.сут таннархи}=11433\times 90\%:1880\text{ ц.} = 10290$  минг сўм: $1880=5473$  сўм.

$1\text{ бош бузоқ таннархи} = 11433\times 10\% : 24 = 1143,0$  минг сўм: $24 = 47638$  сўм.

«Ўстиришдаги ва боқувдаги моллар» аналитик счёти бўйича 1 ц.ўсган (ортган) вазн ва 1ц.тирик вазн таннархи аниқланади.

Ўсган вазнни таннархини ҳисоблашда нобуд бўлган молларнинг вазни ҳисобга олинади, тирик вазнни таннархини ҳисоблашда нобуд бўлган молларнинг вазни ҳисобга олинмайди.

1 ц. ўсган вазнни ҳақиқий таннархини ҳисоблашда, жами харажатдан қўшимча маҳсулотлар (гўнг) қиймати айрилиб, қолган харажатлар жами ўсган вазн (центнер) миқдорига бўлинади. Бир бош ҳайвондан олинган ўсган вазн ҳисобот охиридаги вазндан ҳисобот бошидаги вазнни айириш орқали аниқланади. Бутун подадан олинган ўсган (ортган) вазни миқдорини аниқлаш учун подага келиб қўшилган ҳайвонлар вазнига ҳисобот даври охиридаги вазни қўшилиб, шу подадан чиқиб кетган ва ҳисобот даври бошидаги ҳайвонлар вазни айрилади. Буни, қуйидаги формула ёрдамида акс эттириш мумкин:

Ўсган (ортган) вазн =  $V_{х.о.} + V_{ч.к.} - V_{х.б.} - V_{к.к.}$

Бу ерда,  $V_{х.о.}$  – ҳайвонларнинг ҳисобот даври охиридаги вазни (ц.).

$V_{к.к.}$  – подага келиб қўшилган ҳайвонлар вазни (ц.).

$V_{х.б.}$  – ҳайвонларнинг ҳисобот даври бошидаги вазни (ц.).

$V_{ч.к.}$  – подадан чиқиб кетган (шу жумладан нобуд бўлган ҳайвонлар вазни ҳам) ҳайвонлар вазни (ц.).

Мисол: Фермер хўжалигида «Ўстиришдаги ва боқувдаги моллар ҳисоби» аналитик счёти бўйича харажатлар 9538 минг сўмни ташкил этган. Йил давомида 91 ц.ўсган (ортган) вазн ва 1800 тонна 1935 минг сўмлик гўнг олинган.

$1\text{ ц. ўсган вазн ҳақиқий таннархи} = 9538-1935: 91\text{ ц.} = 7603$  минг сум :  $91\text{ц.}= 83549$  сўм.

Чорвачиликнинг қолган тармоқлари бўйича маҳсулотлар таннархини аниқлашда юқорида қайд этиб ўтилганидек, асосий ва ёндош маҳсулотлар таннархи жами харажатлардан қўшимча маҳсулотлар қиймати айрилиб ташлангандан сўнг қолган харажатлар асосида аниқланади. Чорвачиликнинг фақат паррандачилик (инкубацияда), балиқчилик, асаларичилик соҳаларида тугалланмаган ишлаб чиқариш бўлиши мумкин, шунинг учун маҳсулотлар таннархини ушбу соҳаларида аниқлашда тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳам ҳисобга олинishi лозим.

**Мавзуни мустақил ўзлаштириш бўйича саволлар :**

1. Чорвачиликда харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини аниқлаш бўйича ҳисобнинг вазифалари.

2. Чорвачиликда харажат элементлари.

3. Чорвачиликда харажат моддалари.

4. Чорвачилик харажатларни бўйича расмийлаштириладиган бухгалтерия ҳужжатлари.

5. Маҳсулот чиқиши бўйича расмийлаштириладиган бухгалтерия ҳужжатлари.
6. Чорвачилик харажатларни ва маҳсулот чиқишини бухгалтерия счётларида акс эттириш..
7. «Асосий пода» (қорамолчилик) маҳсулотлари таннархини ҳисоблаш.
8. 1 ц. ўсган вазн (қорамолчиликда) таннархини ҳисоблаш.
9. 1 ц. тирик вазн (қорамолчиликда) таннархини ҳисоблаш.
10. Паррандачилик маҳсулотлари таннархини ҳисоблаш.
11. Қўйчилик маҳсулотлари таннархини ҳисоблаш.
12. Асаларичилик маҳсулотлари таннархини ҳисоблаш.
13. «Чорвачилик бўйича ишлаб чиқариш ҳисоботи».

## **8 - Мавзу. Фермер хўжаликларида тайёр маҳсулотлар ва сотиш операциялари ҳисоби**

### **Режа.**

1. Фермер хўжаликларида тайёр маҳсулотлар ҳисоби.
2. Маҳсулот сотишнинг дастлабки, синтетик ва аналитик ҳисоби.
3. Иш ва хизматлар сотиш ҳисоби.
4. Асосий воситаларни сотиш ҳисоби.
5. Бошқа активларни сотиш ҳисоби.

### **«Таянч» иборалар.**

«Тайёр маҳсулот», «Бошқа активлар», «Сотиб олиш нархи», «Ишлаб чиқариш таннархи», «Ҳақиқий таннарх», «Бозор баҳоси», «Соф сотиш қиймати», «Сотиш харажатлари».

### **1. Фермер хўжаликларида тайёр маҳсулотлар ҳисоби.**

Фермер хўжаликларида тайёр маҳсулотлар ўз ишлаб чиқаришидан олиниб, буларга ўсимликчилик (пахта, дон, сабзавот, узум, мева, поллизчилик маҳсулотлари ва ҳ.к.), чорвачилик (сут, тухум, жун ва ҳ.к.), саноат ишлаб чиқаришлар маҳсулотлари киради. Тайёр маҳсулотлар йил давомида режа таннархида ҳисобга олиб борилади, йил охирида маҳсулотлар ҳақиқий таннархи аниқлангандан сўнг режа ва ҳақиқий таннарх ўртасидаги фарқ коррекредитировка қилинади. Фермер хўжаликларида тайёр маҳсулотларни даромадга олишда турли хил бухгалтерия ҳужжатлари расмийлаштирилади. Ўсимликчилик маҳсулотлари даромадга олинишида, олинган маҳсулот турларига қараб «Дон ва бошқа маҳсулотларни даладан жўнатиш реестри», «Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари келиш кундалиги», «Пахта терими тўғрисида кунлик маълумот», «Боғдорчилик маҳсулотлари келиш кундалиги», «Ёпиқ грунт маҳсулотларини келиш кундалиги» ва бошқа бухгалтерия ҳужжатлари расмийлаштирилади.

Чорвачилик тармоғидан олинган маҳсулотлар бўйича «Соғилган сутни ҳисобга олиш журнали», «Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари келиш кундалиги», «Жунни қирқиш ва даромадга олиш далолатномаси» ва бошқа бухгалтерия ҳужжатлари расмийлаштирилади.

Фермер хўжаликларида тайёр маҳсулотларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади.

2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар»;

2820 «Кўргазмадаги тайёр маҳсулотлар»;

2830 «Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар».

Фермер хўжаликлари четга хизматлар кўрсатиб ва ишлар бажариши мумкин. Четга кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишларнинг қиймати тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётларда (2800) акс эттирилмайди. Улар бўйича ҳақиқий харажатлар 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар” счётида ҳисобга олиб борилиб, буюртмачилар томонидан кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар қабул қилиниб олинганидан сўнг, ушбу харажатлар харажатларни ҳисобга олувчи счётлардан 9130 «Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар таннари» счётига ҳисобдан чиқарилади. Буюртмачиларга жойида топшириладиган ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилмаган маҳсулотлар тугалланмаган ишлаб чиқариш таркибида қолади.

Фермер хўжаликларида 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счётида ўсимликчилик маҳсулотлари, чорвачилик ва қайта ишланган маҳсулотларининг ҳаракатини бизнес-режадан келиб чиқиб, йил давомида режа таннари бўйича ҳисобга олади. Йил охирида тайёр маҳсулотлар ҳақиқий таннари аниқлангандан сўнг, режа ва ҳақиқий таннарх ўртасидаги фарқ корреккредитировка қилиниб, маҳсулотлар ишлаб чиқариш (ҳақиқий) таннари бўйича ҳисобга олинади.

Сотиш учун тайёрланган (олинган) тайёр маҳсулотлар, шу жумладан, қисман корхонанинг ўз эҳтиёжлари учун мўлжалланган маҳсулотларнинг кирим қилиниши 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот» счётининг дебетида акс эттирилади.

Харидорлар (буюртмачилар)га ортиб жўнатилган тайёр маҳсулотлар ва улар учун ушбу харидор (буюртмачи)лар томонидан ҳисоб-китоб ҳужжатларининг тақдим этилиши 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счётининг кредитидан сотилиш тартибида 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннари» счётининг дебетида ҳисобдан чиқарилади.

2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счётида ҳақиқий таннарида ҳисобга олинган тайёр маҳсулотлар, аналитик ҳисобда алоҳида турдагиларнинг ҳаракатини, маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннарининг, унинг ҳисоб баҳоси қийматидан фарқини ажратган ҳолда уларни ҳисоб баҳо (режа таннарида, сотиш баҳосида ва бошқа)да акс эттириш мумкин. Бундай фарқлар тайёр маҳсулотнинг алоҳида гуруҳлари бўйича фермер хўжалиги томонидан шакллантириладиган ҳисоб баҳоси қийматидан ҳақиқий таннарининг фарқ даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобга олинади.

Тайёр маҳсулотларни 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счётидан ҳисобдан чиқаришда ҳақиқий ишлаб чиқариш таннари аналитик ҳисобда қабул қилинган баҳоси бўйича қийматидан фарқ суммаси, ҳисобот даври бошига тайёр маҳсулотлар қолдиғидаги фарқлар ва ҳисобот даври мобайнида омборга келиб тушган тайёр маҳсулотлар бўйича фарқларнинг бу маҳсулотларни ҳисоб баҳосидаги қийматига нисбати сифатида аниқланадиган фоизлар бўйича топилади. Сотилган маҳсулотга тўғри келадиган тайёр маҳсулот ҳақиқий таннарининг унинг ҳисоб баҳоси бўйича қийматидан фарқ суммаси 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счётининг кредитида ва улар ортиқча харажат ёки тежалганликни кўрсатишидан келиб чиққан ҳолда қўшимча ёзув орқали тегишли счётларнинг дебетида акс эттирилади.

2820 «Кўргазмадаги тайёр маҳсулотлар» счётида кўргазма, ярмарка, реклама ва кўрсатиш учун мўлжалланган тайёр маҳсулотлар ҳақиқий ишлаб чиқариш таннари бўйича ҳисобга олинади. Бунда 2820 «Кўргазмадаги тайёр маҳсулотлар» счётининг дебети ва 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счётининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади. Тайёр маҳсулотлар учун жавобгарлик вақтинча бир моддий жавобгар шахсдан бошқасига ўтади. Агар кўргазмага, ярмаркага қўйилган тайёр маҳсулотлар сотилса, у ҳолда 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот» счётидаги каби бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

2830 «Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар» счётида комиссия ва консигнация шартномалари бўйича ортиб жўнатилган тайёр маҳсулотлар акс эттирилади.

Бошқа корхоналарга комиссия ва консигнация шартлари асосида сотиш учун берилган тайёр маҳсулотлар 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счётидан 2830 «Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар» счётининг дебетига ҳисобдан чиқарилади. Комиссия ва консигнация шартлари асосида берилган тайёр маҳсулотларни сотишда 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти каби бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар», 2820 «Кўргазмадаги тайёр маҳсулотлар», 2830 «Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар» счётлари бўйича аналитик ҳисоб жавобгар шахслар бўйича, маҳсулот турлари (сортлар, партиялар, киплар) бўйича ва тайёр маҳсулотни сақлаш жойлари бўйича юритилади.

Фермер хўжаликларида тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётлар (2800)нинг боғланиши

| Т/<br>р | Хўжалик операцияларининг мазмуни                                                                                             | Счётларнинг боғланиши |        |
|---------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------|--------|
|         |                                                                                                                              | Дебет                 | Кредит |
| 1       | Ўсимликчилик, чорвачилик, саноат ишлаб чиқаришларнинг тайёр маҳсулотларни кирим қилиниши                                     | 2810                  | 2010   |
| 2       | Тайёр маҳсулотларнинг кўргазмадан омборга кирим қилиниши                                                                     | 2810                  | 2820   |
| 3       | Инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча тайёр маҳсулотлар                                                               | 2810                  | 9390   |
| 4       | Фермер хўжаликлари ички эҳтиёжлар учун (қайта ишлашга берилиши, ишлаб чиқаришга сарфланиши) тайёр маҳсулотларнинг ишлатилиши | 2010                  | 2810   |
| 5       | Тайёр маҳсулотларнинг кўргазмага берилиши                                                                                    | 2820                  | 2810   |
| 6       | Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннарини ҳисобдан чиқариш.                                                                      | 9110                  | 2810   |
| 7       | Инвентаризация натижасида моддий жавобгар шахснинг айби бўйича камомаднинг аниқланиши                                        | 4730                  | 2810   |
| 8       | Тайёр маҳсулотларнинг текинга берилиши                                                                                       | 9430                  | 2810   |

## 2. Маҳсулот сотишнинг дастлабки, синтетик ва аналитик ҳисоби.

Хўжалик жараёнининг якунловчи босқичи сотиш жараёни ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида бошқа жараёнларга қараганда сотиш жараёни ҳал қилувчи жараён ҳисобланади. Чунки, сотиш жараёнида корхона ишлаб чиқарган тайёр маҳсулотлар ёки четга бажарган иш ва хизматлари пулга айланади. Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларни вақтида ва ишлаб чиқарувчи корхонани қаноатлантирувчи баҳода пулга айланиши, корхонанинг иқтисодиётини мустаҳкамлайди. Шу билан бирга сотиш жараёнида молиявий натижа (фойда) аниқланади.

Фермер хўжаликлари четга тайёр маҳсулотлар, иш ва хизматлар, асосий воситалар, ҳамда бошқа активларни сотади. Маҳсулот (иш, хизматлар) ҳозирги вақтда амалда бўлган, «Ҳисоблаш усули» га асосан улар харидор ва буюртмачиларга жўнатилган вақтдан бошлаб, пули келиб тушиш муддатидан катъий назар, сотилган ҳисобланади.

Фермер хўжаликлари маҳсулот (иш, хизмат) лар сотиш бўйича маълум харажатлар қиладилар. Бу харажатлар маҳсулот (иш, хизмат) сотиш харажатлари бўлиб, бухгалтерия ҳисобида бу харажатлар сотилган маҳсулот (иш, хизмат) таннархига қўшилмайди. «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом» га асосан сотиш харажатлари «Давр харажатлари» таркибида ҳисобга олиб борилади ва маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан олинган фойда ҳисобидан қопланади. Счётлар режасида сотиш харажатлари № 9410 «Сотиш бўйича харажатлар» счётида ҳисобга олиб борилади.

Фермер хўжаликларида пахта ва донли экинларга давлат буюртмаси бўлиб, бу маҳсулотлардан пахтани тўлиқ давлатга сотса, донли экинларни давлат буюртмасида белгиланган қисмини сотади. Қолган маҳсулотларни эса ихтиёрий равишда харидор ва буюртмачиларга сотади.

Фермер хўжаликларида сотиш турлари:

- 1) Давлат буюртмаси бўйича сотиш.
- 2) Давлат буюртмаси бўлмаган сотиш.

Сотиш каналлари:

- 1) Давлат тайёрлов ташкилотларига сотиш.
- 2) Харидор ва буюртмачиларга сотиш.
- 3) Дехқон бозорида сотиш.
- 4) Ўз ички эҳтиёжи учун фойдаланиш (сотиш).
- 5) Ўзига тегишли савдо шахобчалари орқали сотиш.
- 6) Меҳнат ҳақи ҳисобидан сотиш.

Сотиш опрециялари ҳисоби вазифалари:

1. Сотиш операциялари тўғри ва ўз вақтида бухгалтерия ҳужжатларида ва ҳисоб регистрларида акс эттириш.

2. Маҳсулот (иш, хизмат) ларни сотиш бўйича шартномаларни ўз вақтида тузилиш ва шартнома шартларини бажарилишини назорат қилиш.

3. Маҳсулот (иш, хизмат) сотиш харажатларини назорат қилиш ва уни иложи борида камайтириш чора-тадбирларини белгилаш.

4. Сотилаётган маҳсулот, иш-хизмат ва бошқа активларни сотиш баҳоларини иқтисодий асосланганлигини назорат қилиш.

5. Хар бир турдаги сотилган маҳсулот, иш ва хизмат ва бошқа активлар бўйича молиявий натижани тўғри аниқлаш.

Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ва бошқа активларни сотишда фермер хўжаликлари дастлаб харидор ёки буюртмачилар билан шартнома тузадилар. Шартномада маҳсулот тури, миқдори, сифати, жўнатиш вақти, баҳоси, ҳисобкитоб шакли, шартнома шarti бажарилмаса тўланадиган жарималар ва бошқа кўрсаткичлар кўрсатилади. Давлат буюртмаси бўлган пахта ва дон бўйича фермер хўжаликлари давлат тайёрлов ташкилотлари билан шартнома тузадилар.

Пахта хом-ашёсини тайёрлов ташкилотига жўнатишда «Пахтани жўнатиш-қабул қилиш товар-транспорт накладной» (1- қ/х(пахта)-шакл) расмийлаштирилади. Ушуб ҳужжат 4 нусхада бўлиб, бир нусхаси пахтани жўнатган ишлаб чиқариш бўлинмасида, иккинчи нусхаси транспорт хайдовчисида, учинчи нусхаси тайёрлов ташкилотида қолади, 4-нусхаси фермер хўжалиги бухгалтериясига, пахтани қабул қилинганлигини тасдиқловчи «Қабул квитанцияси» (ПК-17-шакл) билан топширилади.

Донли экинлар маҳсулоти ҳам давлат қабул пункreditларига топширилиши шу тартибда бўлиб, бунда «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини жўнатиш-қабул қилиш товар-транспорт накладной» (1 қ/х (дон) – шакли)расмийлаштирилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан сабзавот, полиз, мева, сут, жун ва бошқа маҳсулотлар харидор ва буюртмачиларга сотилганда «Товар-транспорт накладной» ёки «Счёт-фактура»лар расмийлаштирилади. Агар маҳсулотлар нақд пулга тўғридан-тўғри сотилган бўлса, «Касса кирим ордери» расмийлаштирилади.

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бир қисми меҳнат ҳақи ҳисобидан ишловчиларга сотилса, бу жараён «Тўлов қайдномаси» билан расмийлаштирилади.

Фермер хўжаликларининг ички эҳтиёжи, яъни умумий овкатланишга, ўз капитал курилиши эҳтиёжлари учун ёки бошқа мақсадлар учун фойдаланилса «Накладной» (ички хўжалик ҳисоби учун) расмийлаштирилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари фермер хўжаликларининг фирма дўконлари орқали ёки деҳқон бозорларида сотилса «Счёт-фактура» ёки «Фактура» расмийлаштирилади.

Фермер хўжаликлари ўзида ишлаб чиқарган тайёр маҳсулотларини сотиш жараёнини ҳисобга олишда қуйидаги счётлардан фойдаланилади:

1.№ 9000«Асосий (операцион) фаолиятидан олинган даромадлар ҳисоби счётлари» таркибидаги 9010 «Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар» счёти. Бу счёт транзит счёт бўлиб, унда ёзувчилар йил давомида доимо кредит томонда бўлади, фақат бу счёт ёпишда дебетланади.

2.№9100 «Сотилган маҳсулот(иш,хизмат)лар таннархи ҳисоби счётлари» таркибидаги 9110 «Сотилган маҳсулотлар таннархи» счёти. Бу счёт ҳам транзит счёт бўлиб, унда ёзувлар йил давомида доимо дебет томонда бўлади, фақат бу счёт ёпишда кредитланади.

9010 ва 9110-счётлар таркибидаги хар бир турдаги сотилган маҳсулотлар бўйича, зарур ҳолларда сотиш каналлари бўйича алоҳида аналитик счётлар очилади.

Маҳсулот сотиш жараёни бухгалтерия счётларида қуйидагиларча акс эттирилади:

1. Дебет 9110 «Сотилган маҳсулотлар таннари» счёти.

Кредит 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот» - сотилган тайёр маҳсулот таннарига (Фермер хўжаликларида йил давомида режа таннарида, йил охирида ҳақиқий таннарига етказилади).

2. Дебет 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинган счётлар» счёти.

Кредит 9010 «Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар» счёти – Сотилган тайёр маҳсулотнинг сотиш баҳосидаги қийматига.

3. Дебет 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти.

Кредит 9010 «Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар» счёти – Тайёр маҳсулотларни нақд пулга сотишдан олинган суммага.

4. Дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти».

Кредит 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинган счётлар» счёти. - Сотилган маҳсулотлар учун харидор ва буюртмачилардан пул келиб тушганда.

5. Дебет 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти.

Кредит 9110 «Сотилган маҳсулотлар таннари» счёти – Ҳисобот даври охирида сотилган маҳсулот таннари ҳисобдан чиқарилганда (счёт ёпилганда).

6. Дебет 9010 «Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар» счёти.

Кредит 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти – Маҳсулот сотишдан олинган тушум ҳисобдан чиқарилганда (счёт ёпилганда).

Мисол: Фермер хўжалиги 2008 йилда 500 ц. дон ишлаб чиқарган. 1ц. доннинг режа таннари 3000 сум, ҳақиқий таннари 3500 сум. 1ц. донни ўртача сотиш баҳоси 4200 сўм. Донни барчаси давлат тайёрлов ташкилотига сотилган. Ушбу хўжалик операциялари бўйича қуйидагича бухгалтерия проводкалари тузилади:

1. Сотилган доннинг режа таннарига:

Дебет 9110 «Сотилган маҳсулотлар таннари» счёти.

Кредит 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот» счёти – 1500,0 минг сўм.

2. Сотилган доннинг сотиш баҳосидаги қийматига:

Дебет 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинган счётлар» счёти.

Кредит 9010 «Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар» счёти – 2100,0 минг сўм.

3. Сотилган доннинг калькуляция фарқига, «қўшимча ёзув» усулида:

Дебет 9110 «Сотилган маҳсулотлар таннари» счёти.

Кредит 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти – 250,0 минг сўм.

4. Сотилган доннинг таннари якуний молиявий натижага ўтказилганда:

Дебет 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти.

Кредит 9110 «Сотилган маҳсулотлар таннари» счёти – 1750,0 минг сўм.

5. Сотилган доннинг сотиш баҳосидаги қиймати якуний молиявий натижага ўтказилганда:

Дебет 9010 «Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар» счёти.

Кредит 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти – 2100,0 минг сўм.

Фермер хўжаликлари маҳсулотларини харидор ва буюртмачилардан бошқаларга сотганда қуйидагича бухгалтерия проводкалари берилади:

1. Сотилган доннинг режа таннарига:

Дебет 9110 «Сотилган маҳсулотлар таннари» счёти.

Кредит 2810»Омбордаги тайёр маҳсулот»счёти.

1.Дебет 0890»Бошқа капитал қўйилмалар» счёти.

Кредит 9010»Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар» счёти – Маҳсулотлар ўз капитал қўйилмаларига сарфланганда.

2. Дебет 2310» Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти ёки 2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» счёти.

Кредит 9010»Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар» счёти –Маҳсулотлар ёрдамчи ёки хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларга сарфланганда.

3. Дебет 6710» Мехнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб китоблар» счёти.

Кредит 9010»Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар» счёти –Маҳсулотлар ўз ходимларига мехнат ҳақи ҳисобидан сотилганда.

Фермер хўжаликлари бухгалтериясида сотилган маҳсулотлар ҳисоби бўйича алоҳида дафтар юритилиб,ушбу дафтарда сотилган маҳсулот тури,сотиш канали бўйича ҳисоб-китоблар алоҳида олиб борилади.

Ҳисобот даврида тузиладиган молиявий ҳисоботнинг «Молиявий натижа тўғрисида ҳисобот» (2-шакл) шаклида фермер хўжалиги бўйича жами сотилган маҳсулот таннарни ва маҳсулот сотишдан тушган тушум алоҳида қаторда акс эттирилиб, маҳсулот сотишнинг молиявий натижаси акс эттирилади.

### **3. Иш ва хизматлар сотиш ҳисоби.**

Фермер хўжаликлари маҳсулот сотишдан ташқари, четга иш ва хизматлар ҳам бажариши мумкин,яъни сотиши мумкин. Четга сотиладиган иш ва хизматларга, бошқа фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик ишларини бажариш (ерни шудгорлаш, қатор ораларига ишлов бериш ва ҳ.к.), маҳсулотларни ташиш бўйича транспорт хизматини кўрсатиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб бериш (донни майдалаш ва ҳ.к.) ва бошқа иш ва хизматларни бажариш киради. Бу иш ва хизматларни фермер хўжаликлари шартнома асосида бажарадилар. Шартномада бажариладиган иш тури, ҳажми, бажариш муддати, ҳисоб-китоб шакли ва бошқа шартлар кўрсатилади. Сотиладиган иш ва хизматларни бажариш бўйича барча харажатларни (шартномада айрим шартлар кўрсатилмаган бўлса) хизматни сотадиган фермер хўжаликлари ўз зиммасига олади. Хизмат сотиб оладиган корхона ушбу хизматни пулини тўлайди.

Иш ва хизматларни сотиш бўйича харажатлар, маҳсулот сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар сингари, давр харажатлари таркибида бўлган, сотиш харажатлари таркибига киритилиб, сотилган иш ва хизмат таннарига киритилмайди.

Фермер хўжаликларида четга сотилган иш ва хизматларни амалга ошириш учун қилинган харажатлар 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг «Саноат ишлаб чиқаришлар» аналитик счётида ёки 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётида ҳисобга олиб борилади. Ушбу харажатлар счётларнинг дебет томонида ҳисобга олиб борилиб, сотилган иш ва хизматни таннарини ташкил этади.

Четга сотилган иш ва хизматлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб бериш (донни майдалаш ва ҳ.к.) билан боғлиқ бўлса, четга сотилган иш ва хизматларни амалга ошириш учун қилинган харажатлар 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг «Саноат ишлаб чиқаришлар» аналитик счётининг

дебетида ҳисобга олиб борилади. Четга сотиладиган иш ва хизматларга, бошқа фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик ишларини бажариш (ерни шудгорлаш, қатор ораларига ишлов бериш ва ҳ.к.), маҳсулотларни ташиш бўйича транспорт хизматини кўрсатиш билан боғлиқ бўлса, четга сотилган иш ва хизматларни амалга ошириш учун қилинган харажатлар 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётининг дебетида ҳисобга олиб борилади.

Иш ва хизматлар сотиш бўйича қуйидагича бухгалтерия проводкалари тузилади:

1. Дебет 9130 «Бажарилган иш ва хизматларнинг таннархи» счёти.

Кредит 2010»Асосий ишлаб чиқариш» счёти ёки 2310»Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти - Четга бажарилган (сотилган) иш ва хизматлар таннархи суммасига.

2. Дебет 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти.

Кредит 9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинадиган даромадлар» счёти – Буюртмачиларга сотилган иш ва хизматларни шартномавий қиймати суммасига.

3. Дебет 0810 «Тугалланмаган қурилиш» счёти.

Кредит 9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинадиган даромадлар» счёти – Хўжаликнинг ўз капитал қурилишига бажарилган иш ва хизматлар суммасига.

4. Дебет 6310 «Харидор ва буюртмачилардан олинган аванслар» счёти.

Кредит 9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинадиган даромадлар» счёти – Бажариладиган иш ва хизматлар учун олдиндан олинган аванс суммасига.

5. Дебет 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» счёти.

Кредит 9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинадиган даромадлар» счёти –Меҳнат ҳақи ҳисобидан ўз ходимларига кўрсатилган хизмат суммасига.

6. Дебет 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти.

Кредит 9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинадиган даромадлар» счёти – Четга бажарилган ишлар ва хизматлар нақд пулга бажарилганда,яъни сотилганда.

7. Дебет 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти.

Кредит 9130 «Бажарилган иш ва хизматларнинг таннархи» счёти – Йил (Ҳисобот даври) охирида счётни ёпишга.

9. Дебет 9030»Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинадиган даромадлар» счёти.

Кредит 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти – Йил (ҳисобот даври) охирида счётни ёпишга.

Фермер хўжаликларида четга бажарилган иш ва хизматларнинг ҳар бир тури ёки буюртмачилар бўйича алоҳида аналитик счётлар очилиб,ҳисоб-китоблар алоҳида олиб борилади.Четга бажарилган иш ва хизматлар суммаси фермер хўжаликларининг жами маҳсулот(иш,хизмат)лар сотиш ҳажмига киритилиб, сотилган маҳсулот суммаси билан бирга «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» (2-шакл) да акс эттирилади.

#### **4. Асосий воситаларни сотиш ҳисоби.**

Фермер хўжаликларида асосий воситалар сотилганда ва бошқа ҳолларда ҳисобдан чиқарилганда хўжалик балансдан чиқарилади. Асосий воситалар сотилганда ва бошқа ҳисобдан чиқарилганда бухгалтерия ҳисоби счётлар режасида № 9210 «Асосий воситаларни сотилиши ва турли чиқими» счётида ҳисобга олиб борилади. Ушбу счётнинг дебитида сотилган ёки ҳисобдан чиқарилган асосий воситаларнинг баланс баҳоси, тугатиш харажатлари ҳисобга олинса, кредитида эса асосий воситаларга ҳисобланган жами амортизация суммаси, асосий воситаларни тугатишдан олинган материаллар суммаси, асосий воситаларни сотишдан олинган тушум суммаси акс эттирилади.

Асосий воситалар сотилганда томонлар ўртасида «Шартнома» тузилиб, «Асосий воситани қабул қилиш-топшириш далолатномаси» расмийлаштирилади ва хўжалик операциялари бухгалтерия счётларида қуйидагича акс эттирилади:

1. Дебет 9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти.

Кредит 0100 «Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар» (Тегишли равишда асосий воситаларни турлари бўйича ҳисобга олувчи счётлар) – Сотилган асосий воситанинг баланс қийматига.

2. Дебет 0200 «Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар» (Тегишли равишда асосий воситаларни турлари бўйича ҳисобланган амортизация суммасини ҳисобга олувчи счётлар).

Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти – Сотилган асосий воситаларнинг эскириш суммасига.

3. Дебет 5110 «Ҳисоб - китоб счёти».

Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти – Асосий воситалар тўғридан-тўғри сотилганда, яъни пули ҳисоб-китоб счётига олинганда.

4. Дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар» счёти.

Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти – Харидорларга сотилган асосий воситаларни сотиш баҳосига.

5. Дебет 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счёти.

Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти – счёт – Асосий воситани сотиш бўйича олдиндан олинган аванс суммасига.

Агар, асосий воситаларни сотилиши вақтида харажатлар қилинса, ушбу харажатлар 9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» счётининг дебитида ва тегишли счётлар кредитида акс эттирилади.

Асосий воситаларни сотилиши, уларнинг ҳар бир турини сотилиши бўйича алоҳида очилган аналитик счётда ҳисобга олиб борилади ва 9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» счётининг ҳар бир аналитик счётидаги дебет ва кредит оборотлар таққосланиб, асосий воситаларни сотишнинг молиявий натижаси аниқланади. Агар сальдо дебетда қолса, асосий воситани сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқишидан кўрилган зарар бўлиб, бунга қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти.

Кредит 9210 «Асосий воситаларни сотилиши ва турли чиқими» счёти – Асосий воситаларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарар суммасига.

Агар 9210»Асосий воситаларни сотилиши ва турли чиқими» счётида очилган аналитик счёта сальдо кредитда қолса, асосий воситани сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқишидан кўрилган фойда бўлиб, бунга қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Дебет 9210 «Асосий воситаларни сотилиши ва турли чиқими» счёти.

Кредит 9310 «Асосий воситаларни сотилиши ва турли чиқимидан олинган фойда» счёти – Асосий воситаларни сотилиши ва бошқа ҳисобдан чиқарилишида олинган фойда суммасига.

### **5. Бошқа активларни сотиш ҳисоби.**

Фермер хўжаликларида маҳсулот ( иш, хизмат)лар, асосий воситалардан ташқари бошқа активларни ҳам сотиши мумкин. Бошқа активларга: номоддий активлар, сотиб олинган материаллар, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар, қисқа ва узоқ муддатли молиявий қўйилмалар, валюта маблағлари, ўстиришдаги ва боқувдаги моллар киради. Буларни сотиш счётлар режасида 9220 «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқими» счётида ҳисобга олиб борилади. Бу счётнинг дебитида сотилган активларнинг баланс қиймати ва уларни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар акс эттирилса, кредитида эса уларни сотишдан тушадиган тушум акс эттирилади. Шунингдек, фойдаланишда бўлган номоддий активлар ва камбаҳоли ва тез эскирувчи буюмлар сотилган, улар эскириши ҳам кредитда акс эттирилади.

Бошқа активлар сотилганда «Счёта-фактура», «Ҳисобдан чиқариш далолатномаси», «Накладной» каби ҳужжатлар расмийлаштирилади. Ушбу хўжалик операциялари бухгалтерия счётларида қуйидагича акс эттирилади:

1. Дебет 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти.

Кредит 0410-0490-счётлар –Сотилган номоддий активлар баланс қийматига.

2.Дебет 0510-0590-счётлар

Кредит 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти – Сотилган номоддий активлар эскириш суммасига.

3. Дебет 9220»Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти.

Кредит 1010-1090-счётлар-Четга сотилган материаллар баланс қийматига.

4. Дебет 9220»Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти.

Кредит 1100»Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар ҳисоби счётлари»– Сотилган ўстиришдаги ва боқувдаги моллар баланс қийматига.

5. Дебет 9220»Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти.

Кредит 0610 «Қимматли қоғозлар» счёти–Қимматли қоғоз шаклидаги узоқ муддатли молиявий қўйилма сотилганда.

6. Дебет 9220»Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти.

Кредит 5810»Қимматли қоғозлар» счёти-Облигация ёки бошқа қимматли қоғоз шаклидаги қисқа муддатли молиявий қўйилма сотилганда.

7. Дебет 9220»Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти.

Кредит 5210-5220-счётлар-Чет эл валютасини сотиш кунидаги курси бўйича сотилган суммасига.

8. Дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти».

Кредит 9220»Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти.– Бошқа активларни сотишдан ҳисоб-китоб счётига тушган тушум суммасига, шу жумладан валюта ҳам сотилганда.

9. Дебет 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счёти.  
Кредит 9220»Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти-Бошқа активларни сотиш учун олинган аванс суммасига.

10.Дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар».  
Кредит 9220»Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти-Харидорларга сотилган бошқа активларни сотиш баҳосидаги қийматига.

11.Дебет 9220»Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти  
Кредит 9320 «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқимидан олинган фойда» -Бошқа активларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқишидан олинган фойда суммасига.

12.Дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти.  
Кредит 9220»Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти.— Бошқа активларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқишидан кўрилган зарар суммасига.

Бошқа активларни сотиш ва ҳисобдан чиқариш бўйича, уларни хар бир тури ва ҳисобдан чиқиш вақти бўйича алоҳида аналитик счётлар очилиб, ҳисоб-китоб олиб борилади.

#### **Мавзун мустақил ўзлаштириш бўйича саволлар :**

1. Сотиш операцияларининг иқтисодий моҳияти, сотиш каналлари. Ҳисобнинг вазифалари.

2. Маҳсулот (иш, хизмат) сотишнинг дастлабки ҳисоби.

3. Маҳсулот (иш, хизмат) сотишнинг синтетик ва аналитик ҳисоби.

4. Асосий воситаларни тугатиш харажатлари ҳисоби.

5. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришни молиявий натижаси.

6. Номоддий активларни сотиш ҳисоби.

7. Қимматли қоғозлар ва бошқа активларни сотиш ҳисоби.

**9-МАВЗУ: Фермер хўжаликларида банк кредитлари ва қарзларни ҳисобга олишнинг хусусиятлари**

#### **Режа.**

1.Кредит ва қарзларнинг иқтисодий моҳияти, турлари, ҳисобнинг вазифалари.

2.Банкнинг қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ҳисоби.

3.Фермер хўжалиги ходимларига берилган кредитлар ва қарзлар ҳисоби.

4.Қисқа ва узоқ муддатли қарзлар ҳисоби.

#### **“Таянч” иборалар.**

“Қисқа муддатли банк кредити”, “Ўрта муддатли банк кредити”, “Узоқ муддатли банк кредити”, “Қисқа муддатли қарз”, “Узоқ муддатли қарз”, “Тўланадиган фоизлар”.

**1. Кредит ва қарзларнинг иқтисодий моҳияти, турлари, ҳисобнинг вазифалари**

Фермер хўжаликлари хўжалик фаолиятини бир маромда давом эттириш учун, ўз маблағлари ҳисобига ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мавжуд маблағлари етишмай қолишлиги мумкин. Ана шундай вақтларда фермер хўжаликлари банк кредитларидан фойдаланиш мумкин. Банк кредитларидан фойдаланишда қуйидаги тамойилларга риоя қилинади:

1.Таъминланганлик.

2.Олинган кредит суммаси учун ҳақ тўлаш.

- 3.Кредитни қайтаришлик мажбурийлиги.
- 4.Кредитни мақсади бўйича ишлатилиши.
- 5.Кредитни муддатлилиги.

Фермер хўжаликлари банклардан оладиган кредитлари қайтариш муддатига қараб бўлинади:

- 1.Қисқа муддатли.
- 2.Ўрта муддатли
- 3.Узоқ муддатли

Қисқа муддатли кредитлар бир йилгача муддатга берилиб, фермер хўжаликлари уруғлик, ем-хашак, ёқилғи, меҳнат ҳақи тўлаш учун, яъни айланма маблағларини тўлдириш учун оладилар.

Ўрта муддатли кредитлар бир йилдан ортиқ ва беш йилгача бўлган муддатга берилиб, фермер хўжаликлари асосий подани ташкил этиш, янги техника сотиб олиш ва бошқа мақсадлар учун оладилар.

Узоқ муддатли кредитлар беш йилдан ортиқ муддатга берилиб, фермер хўжаликлари қурилиш ва бошқа узоқ муддатли ишлар учун оладилар.

Фермер хўжаликлари банклар билан тузилган шартномага асосан кредит олади. Шунинг учун, кредитларни фермер хўжаликлари ихтиёрий равишда, ўз маблағи қайси соҳага етмай қолган бўлса, шу соҳа учун оладилар, ҳамда кредит муддати корхона билан банк ўртасида тузилган шартномада белгилаб берилади.

Фермер хўжаликлари ҳисоб-китобларни ёки бошқа жараёнларни амалга оширишда ўз маблағи етишмай қолса, банк бўлмаган корхоналардан қарз олишлари мумкин. Олинган қарзлар қайтарилиш муддатига қараб, қисқа муддатли (1 йилгача) ва узоқ муддатли (1 йилдан ортиқ) қарзларга бўлинади. Фермер хўжаликлари бошқа корхоналардан қарз олганда бу икки корхона ўртасида шартнома тузилади. Корхона ҳам худди банк кредити каби тамойилларга эга бўлиб, булар тузилган шартномада ўз аксини топади.

Кредит билан қарзнинг бир-биридан фарқи:

1) Кредит – банк муассасидан олинган қарз бўлса, қарз – банк бўлмаган муассасадан олинган қарздир.

2) Кредит – маълум бир мақсад учун олиниб, фақат шу мақсад учун ишлатилади, қарз эса корхоналар ўртасида тузилган шартномага асосан олиниб, зарур эҳтиёжларга ишлатилади.

3) Кредит – корхоналар учун асосан пул шаклида бўлиб, қарз эса пул ёки натура шаклида бўлиши мумкин.

Ҳисобнинг вазифалари:

1) Олинган кредит ва қарзларни мақсадга мувофиқлигини таъминлаш.

2) Кредит ва қарзларни олинган мақсади бўйича фойдаланишликни таъминлаш ва назорат қилиш.

3) Кредит ва қарзларни вақтида қайтарилишини таъминлаш ва назорат қилиш.

4) Кредит ва қарзлар учун тўланадиган фоизларни тўғри ҳисоблаш ва вақтида тегишли ҳисоб регистрларида акс эттириб бориш.

## **2. Банкнинг қисқа ва узоқ муддатли кредитлари ҳисоби.**

Қисқа ва узоқ муддатли кредитларни олиш ва уни қайтариш банк қоидалари билан, ҳамда фермер хўжаликлари ва банк ўртасида тузилган шартнома билан

тартибга солинади. Бухгалтерия ҳисобида бир йилгача муддатга олинган кредитлар қисқа муддатли, бир йилдан ортиқ муддатга олинган кредитлар узоқ муддатли кредитлар дейилади.

Банкнинг қисқа муддатли кредитлари счётлар режасидаги пассив счёт бўлган № 6800 “Қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар ҳисоби счётлари” таркибида 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари” счётида ҳисобга олиб борилади.

Қисқа муддатли крдебетлар ҳисоби бўйича қуйидагича бухгалтерия проводкалари тузилиши мумкин:

1) Дебет - 5110 “Ҳисоб-китоб счёти”

Кредит – 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари” счёти -Қисқа муддатли банк кредити ҳисоб-китоб счётига олинганда.

2) Дебет – 6010“Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар” счёти.

Кредит – 6810“Қисқа муддатли банк кредитлари” счёти - “Мол етказиб берувчи ва пудратчилардан бўлган қарз тўғридан-тўғри банкдан олинган қисқа муддатли кредит ҳисобига тўланганда.

3) Дебет – 1000 “Материаллар ҳисоби счётлари” счёти.

Кредит – 6810“Қисқа муддатли банк кредитлари” счёти - Қисқа муддатли кредит ҳисобига олинган материаллар суммасига(Мол етказиб берувчи счёти тўғридан-тўғри тўланса).

4) Дебет – 7810 “Узоқ муддатли банк кредитлари” счёти.

Кредит – 6810“Қисқа муддатли банк кредитлари” счёти - Узоқ муддатли кредит қисқа муддатли кредит ҳисобига қайтарилса.

5) Дебет – 5810“Қимматбаҳо қоғозлар” счёти.

Кредит – 6810“Қисқа муддатли банк кредитлари” счёти - Қисқа муддатли кредит ҳисобига қимматли қоғозлар олинганда.

6) Дебет – 9610 “Фоизлар кўринишидаги харажатлар” счёти.

Кредит – 6820“Қисқа муддатли банк кредитлари” счёти - Қисқа муддатли кредит учун ҳисобланган фоиз суммасига.

7) Дебет – 6810“Қисқа муддатли банк кредитлари” счёти.

Кредит–5110“Ҳисоб-китоб счёти”-Олинган қисқа муддатли банк кредит қайтарилганда.

Банкнинг олинган қисқа муддатли кредитлари фермер хўжалигининг қайси счётига олинишига қараб бухгалтерия проводкалари тузилади.Агар банкнинг қисқа муддатли кредитлари чет эл валтасида олинса, 5110“Ҳисоб-китоб счёти” ўрнига 5200 “Чет эл валюталаридаги пул маблағлари ҳисобининг счётлари” счётидан фойдаланилади. Агар банкнинг қисқа муддатли кредитлари ҳисобига аккредитивлар очилса ёки чек дафтарчалари олинса ёки бошқа махсус счётларга олинса 5110“Ҳисоб-китоб счёти” ўрнига 5500 “Банкдаги махсус счётлардаги пул маблағлар ҳисоби счётлари” счётидан фойдаланилади.

Қисқа муддатли кредитлар аналитик ҳисоби кредит олинган банклар ва олинган вақтлари бўйича юритилади. Вақтида қайтарилмаган кредитлар алоҳида аналитик счётда юритилади.

Банкнинг миллий валюта ёки чет эл валютасида олинган кредитлари счётлар режасидаги пассив счёт бўлган №7800 “Узоқ муддатли кредитлар ва қарзлар ҳисоби счётлари” таркибидаги 7810 “Узоқ муддатли банк кредитлари” счётида

ҳисобга олиб борилади. Ушбу счёт қуйидаги счётлар билан хўжалик операциялари мазмунига қараб корреспонденцияланади:

1) Дебет – 5110 “Ҳисоб-китоб счёти”.

Кредит – 7810 “Узоқ муддатли банк кредитлари” счёти - Узоқ муддатли банк кредити ҳисоб-китоб счётига олинганда.

2) Дебет – 0820 “Асосий воситаларни сотиб олиш” счёти.

Кредит – 7810 “Узоқ муддатли банк кредитлари” счёти - – Узоқ муддатли кредит ҳисобига асосий восита сотиб олинса (Мол етказиб берувчи счёти тўғридан-тўғри тўланса)

3) Дебет -0910 “Олинган векселлар” счёти.

Кредит – 7810 “Узоқ муддатли банк кредитлари” счёти - Узоқ муддатли кредит ҳисобига вексел (узоқ муддатли) олинса.

4) Дебет–4320 “Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилган бўнақлар” счёти.

Кредит – 7810 “Узоқ муддатли банк кредитлари” счёти - Узоқ муддатли кредит ҳисобидан мол етказиб берувчиларга аванс берилса.

5) Дебет – 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар” счёти.

Кредит – 7810 “Узоқ муддатли банк кредитлари” счёти - Мол етказиб берувчи ва пудратчилардан бўлган қарз узоқ муддатли кредит ҳисобига тўланса.

6) Дебет – 9610 “Фоизлар кўринишидаги харажатлар” счёти.

Кредит–7810 “Узоқ муддатли банк кредитлари” счёти - Узоқ муддатли кредитлар учун тўланадиган фоизлар ҳисобланса.

7) Дебет – 7810 “Узоқ муддатли банк кредитлари” счёти.

Кредит–5110 “Ҳисоб-китоб счёти”. Узоқ муддатли кредит ҳисоб-китоби счётидан қайтарилса.

8) Дебет – 7810 “Узоқ муддатли банк кредитлари” счёти.

Кредит–6810 “Қиска муддатли банк кредитлари счёти”. Узоқ муддатли кредит қиска муддатли кредит ҳисобидан қайтарилса.

9) Дебет – 5810 “Қимматбаҳо қоғозлар” счёти.

Кредит – 7810 “Узоқ муддатли банк кредитлари” счёти -. Узоқ муддатли кредит ҳисобидан қимматли қоғозлар(қиска муддатли) олинса.

Банкнинг олинган узоқ муддатли кредитлари фермер хўжалигининг қайси счётига олинганига қараб бухгалтерия проводкалари тузилади. Агар банкнинг узоқ муддатли кредитлари чет эл валютасида олинса, 5110 “Ҳисоб-китоб счёти” ўрнига 5200 “Чет эл валюталаридаги пул маблағлари ҳисобининг счётлари” счётидан фойдаланилади. Агар банкнинг узоқ муддатли кредитлари ҳисобига аккредитивлар очилса ёки чек дафтарчалари олинса ёки бошқа махсус счётларга олинса 5110 “Ҳисоб-китоб счёти” ўрнига 5500 “Банкдаги махсус счётлардаги пул маблағлар ҳисоби счётлари” счётидан фойдаланилади.

Узоқ муддатли банк кредитлари аналитик ҳисоби турлари ва муддатлари бўйича олиб борилади.

### **3. Фермер хўжалиги ходимларига берилган кредитлар ва қарзлар ҳисоби.**

Фермер хўжаликлари ўз ходимлари савдо корхоналаридан кредитга олинган товарлар суммасини қайтариши ёки банкдан ўз ходимлари учун

кредитлар олиши мумкин. Фермер хўжаликларида ушбу хўжалик операциялари бўйича ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

4710 “Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи”;

4720 “Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи”;

4710 “Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи” счётида фермер хўжаликлари ходимларига кредитга берилган товарлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

Фермер хўжаликлари ўз ходимлари кредитга товар сотиб олганда, тақдим товарлар қиймати суммасини савдо ташкилотларига банк кредити ҳисобига қоплаши мумкин. Банк томонидан тегишли ҳисоб-китоб ҳужжатлари этилганда, фермер хўжалиги томонидан кредитга олинган товарлар қиймати суммасини савдо ташкилотларига банк кредити ҳисобидан тўланганда 4710 “Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи” счёти дебетланиб, 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари” ёки 7810 “Узоқ муддатли банк кредитлари” счётлари кредитланади. Корхона ходимларидан ушбу тўловларнинг ушлаб қолишда 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар” счёти дебетланиб, 4710 “Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи” счёти кредитланади, сўнг эса ушлаб қолинган сумма банк кредитини тўлаш учун 5110 “Ҳисоб-китоб счёти” счётининг кредитидан 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари” ва 6950 “Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми” счётларининг дебетига ўтказилади.

Ўзининг ходимлари томонидан кредитга сотиб олган товарлар бўйича қарзларини қоплашда банк кредитларидан фойдаланмайдиган фермер хўжаликлари, яъни ходимлари томонидан кредитга олган товарлари суммасини савдо ташкилотларига тўлаганда 4710 “Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи” счёти дебетланиб, 5110 “Ҳисоб-китоб счёти” счёти кредитланади. Ушбу ходимлар берган топшириқ-мажбуриятларига асосан уларнинг меҳнат ҳақи суммасидан юқоридаги тўловлар суммаси ушлаб қолинганда 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар” счёти дебетланиб, 4710 “Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи” счёти кредитланади.

Агар, фермер хўжаликлари ўзининг ходимлари томонидан кредитга сотиб олган товарлар бўйича қарзларини олдин меҳнат ҳақидан ушлаб қолиб, сўнггра тўласа қуйидагича бухгалтерия проводкалари тузилади:

1. Дебет- 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар” счёти.

Кредит- 6990 “Бошқа мажбуриятлар” счёти- Меҳнат ҳақи суммасидан кредитга сотиб олган товарлар суммаси ушланганда.

2. Дебет- 4710 “Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи” счёти.

Кредит- 5110 “Ҳисоб-китоб счёти” счёти- Ходимлари кредитга сотиб олган товарлар суммаси фермер хўжаликлари томонидан тўланганда.

3. Дебет- 6990 “Бошқа мажбуриятлар” счёти.

Кредит- 4710 “Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи” счёти- Ходимларнинг кредитга сотиб олган товарлар бўйича қарзи ҳисобдан чиқарилганда.

4720 “Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи” счётида фермер хўжаликлари ходимларига берилган қарзлар бўйича ҳисоб-китоблар акс эттирилади (масалан, якка тартибда уй-жой қуришга ва бошқаларга). “Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи” счётининг дебитида ходимларга берилган қарз суммаси пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Агар маблағлар фермер хўжаликларига берилган кредит ҳисобидан бевосита банк томонидан (бу маблағларни олдиндан фермер хўжаликларининг ҳисоб-китоб счётига ўтказмасдан) ходимларга берилса, бунда 4720 “Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи” счётининг дебитида 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари” ва 7810 “Узоқ муддатли банк кредитлари” счётлари билан боғланган ҳолда ёзувлар амалга оширилади.

Қарздор ходимлардан келиб тушган тўловлар суммасига 4720 “Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи” счёти (қабул қилинган тўловлар тартибидан келиб чиққан ҳолда) 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари”, 5110 “Ҳисоб-китоб счёти”, 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар” счётлари билан боғланган ҳолда кредитланади.

Банк кредитларини қоплаш 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари”, 6950 “Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми” счётларининг дебитида ва банкка тегишли бўлган сумма ўтказилган пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредитида акс эттирилади.

Ушбу счётлар бўйича аналитик счётлар ҳар бир ходим бўйича, қарз турларини ҳисобга олган ҳолда очилиб, ҳисоб-китоб олиб борилади.

#### **4. Қисқа ва узоқ муддатли қарзлар ҳисоби.**

Фермер хўжаликлари ўз фаолияти давомида банк бўлмаган корхоналардан ҳам қисқа ёки узоқ муддатли қарзлар олиши мумкин. Банк бўлмаган корхоналардан олинган қисқа муддатли қарзлар счётлар режасидаги 6800 “Қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар ҳисоби счётлари” таркибидаги 6820 “Қисқа муддатли қарзлар” счётида олиб борилади. Ушбу счёт қуйидаги счётлар билан корреспонденцияланади:

1) Дебет – 1010 “Материаллар ҳисоби счётлари”.

Кредит – 6820 “Қисқа муддатли қарзлар” счёти- Олинган қарз ҳисобга материаллар олинганда.

2) Дебет – 5110 “Ҳисоб-китоб счёти”.

Кредит – 6820 “Қисқа муддатли қарзлар” счёти- Ҳисоб-китоб счётига қисқа муддатли қарз келиб тушганда.

3) Дебет – 9610 “Фоизлар кўринишидаги харажатлар” счёти.

Кредит – 6820 “Қисқа муддатли қарзлар” счёти- Қисқа муддатли қарз учун фоиз ҳисобланганда.

4) Дебет – 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар”.

Кредит – 6820 “Қисқа муддатли қарзлар” счёти- Мол етказиб берувчилардан бўлган қарз қисқа муддатли қарз ҳисобидан тўланса.

5) Дебет – 6820 “Қисқа муддатли қарзлар” счёти.

Кредит – 5110 “Ҳисоб-китоб счёти”- Қисқа муддатли қарз қайтарилганда.

Қисқа муддатли қарзлар аналитик ҳисоби қарз берувчилар ва қайтариш муддати бўйича юритилади.

Фермер хўжаликлари шартномага асосан, банк бўлмаган корхонадан узоқ муддатли қарз олса, ушбу қарзлар пул қурилишида бўлса, счётлар режасида пассив счёт бўлган №7800 “Узоқ муддатли кредитлар ва қарзлар ҳисоби счётлари” таркибидаги 7820 “Узоқ муддатли қарзлар” счётида ҳисобга олиб борилади. Ушбу счёт қуйидаги счётлар билан корреспонденцияланиши мумкин:

1) Дебет - 5110“Ҳисоб-китоб счёти”-

Кредит – 7820“Узоқ муддатли қарзлар” счёти- Узоқ муддатли қарзлар олинганда.

2) Дебет – 9610 “Ҳоизлар қўрилишидаги харажатлар”счёти.

Кредит –7820“Узоқ муддатли қарзлар” счёти- Узоқ муддатли қарз учун ҳоиз ҳисобланганда.

3) Дебет – 7820“Узоқ муддатли қарзлар” счёти.

Кредит – 5110“Ҳисоб-китоб счёти”- Узоқ муддатли қарзлар қайтарилганда.

Олинган узоқ муддатли қарзлар қарз берувчилар ва тўланадиган ҳоизлар турлари бўйича алоҳида аналитик счётлар очилиб, аналитик ҳисоби юритилади.

**Мавзунини мустақил ўзлаштириш бўйича саволлар :**

1. Кредит ва қарзлар, улар ўрнатилиши ва фарқлари.
2. Қисқа муддатли кредитлар ҳисоби.
3. Узоқ муддатли кредитлар ҳисоби.
4. Ходимларга берилган кредитлар ҳисоби.
5. Қисқа муддатли қарзлар ҳисоби.
6. Узоқ муддатли қарзлар ҳисоби.

## **10-МАВЗУ: Фермер хўжаликларида устав капитали, фойда ва зарарларни ҳисобга олишнинг хусусиятлари**

### **Режа.**

1.Капитал ва резервларнинг иқтисодий моҳияти ва ҳисобнинг вазифалари.Устав капитали ҳисоби.

2.Грантлар ва субсидиялар ҳамда келгуси давр харажатлари ва тўловлари резерви ҳисоби.

3.Молиявий натижаларнинг иқтисодий моҳияти ва ўқетнинг вазифалари.

4.Фойда ва зарарларнинг синтетик ва аналитик ҳисоби.

5.Тақсимланмаган фойда (зарар) ҳисоби.

### **«Таянч» иборалар.**

«Фонд», «Капитал», «Резерв (захира)», «Устав капитали», «Резерв капитали», «Қўшилган капитал», «Эмиссион даромад», «Давлат субсидиялари», «Давлат ёрдами», «Активларга киритиладиган субсидиялар», «Грант», «Субсидия», «Дотация», «Субвенция», «Ҳисса капитали», «Пай капитали», «Молиявий натижа», «Солиқ тўлагунча фойда», «Соф фойда».

**1. Капитал ва резервларнинг иқтисодий моҳияти ва ҳисобнинг вазифалари.Устав капитали ҳисоби.**

Фондлар, капитал ва резервларни ҳисобга олиш бухгалтерия ҳисобининг икки ёқламали ёзув усулида юритиш қондасига мос келади. Чунки фондлар, капитал ва резервлар корхона активларининг манбаларини, яъни ўз маблағларининг манбаларини ифодалайди.

Фонд сўзи лотин тилидаги “fondus” сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида «асос» деган маънони билдиради. Бухгалтерия ҳисобида фондлар маълум бир активларнинг манбаларини, яъни асосини билдиради. Бундан ташқари фондлар маълум мақсадлар учун ташкил этилади ва фақат шу мақсадлар учун ишлатилади.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасида кўрсатилганидек «Хусусий капитал – устав капитали, қўшилган ва заҳира капиталидан, ҳамда тақсимланмаган фойдадан таркиб топади». Хусусий капитал мақсадли молиялаштиришлар, грантлар ва субсидиялар ҳамда келгуси давр харажатлари ва тўловлари резерви билан бирга корхона ўз маблағларининг манбаини ташкил этади.

**Резервлар** корхонада белгиланган тартибда ишлаб чиқариш ва операцияларга харажатларни тенг миқдорларда қўшиш учун ташкил этилган суммасини билдиради. Резервларни ташкил этиш тартиби «Харажатлар таркиби тўғрисида Низом»га асосан амалга оширилади, яъни корхона харажатлари ҳисобидан ташкил этади.

Ҳисобнинг вазифалари:

1. Фондлар ва резервларни белгиланган тартибда ташкил этилишини назорат қилиш.
2. Фондлар, капитал ва резервлар ҳаракатини ўз вақтида ва тўғри ҳисобга олиб бориш.
3. Резервларни мақсадга мувофиқ ишлатилишини (ҳисобдан чиқарилишини) таъминлаш.
4. Фондлар, капитал ва резервлар ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотлар билан фойдаланувчиларни ўз вақтида таъминлаш.

Фермер хўжаликларида “устав капитали – таъсис ҳужжатларида белгиланган ҳиссаларнинг (пул ифодасида) йиғиндисидир” («Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» қонун, 14-модда). Шунингдек, устав капиталини ташкил бўлиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва таъсис ҳужжатлари асосида, ташкилий-ҳуқуқий шаклга мос ҳолда тартибга солинади. Устав капиталига ҳисса шаклида қўшилаётган моддий ва номоддий активлар таъсисчилар келишувига ёки юридик шахс бошқарув органининг қарорига кўра баҳоланади ва ҳисобга олинади.

Фермер хўжаликларида устав капитали(фонди)нинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар пассив счёти бўлган № 8300-«Устав капиталини ҳисобга олувчи счёти» таркибидаги 8330-«Пай ва улушлар» счётида ҳисобга олиб борилади. Пассив счёти бўлган 8330-«Пай ва улушлар» счёти фермер хўжаликларида устав капитали (фонди) ҳажмини билдиради.

Давлат корхоналарида – устав фонди шу корхонага давлат томонидан ажратилган асосий ва айланма маблағлар суммасини йиғиндисидан иборат бўлади.

Улуш капитали – хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун, корхонани ташкил этишда катнашаётганлар қўшган улушининг суммасидан иборат.

Пай фонди – тадбиркорлик фаолиятини биргаликда амалга ошириш учун ишлаб чиқариш кооператив (ширкат) аъзоларининг пай бадаллари йиғиндисидан иборат.

Фермер хўжаликлари низомида кўрсатилган ва таъсисчиларнинг улуш ва пайлар суммасидан иборат устав капитали рўйхатдан ўтгандан сўнг;

Дебет – 4610 «Устав капитали (фонди)га бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзи» счёти.

Кредит – 8330»Пай ва улушлар» счёти- бухгалтерия проводкаси берилади.

Таъсис этувчилардан, улуш ва пай бадалларини ҳақиқатда даромадга олинishi (келиб тушиши)га қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Дебет – 0110-0190, 1010-1090, 1110, 5010, 5110 ва ҳ.к.счётлар.

Кредит – 4610»Устав капитали (фонди)га бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзи» счёти.

8330-»Пай ва улушлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб пайчилар (таъсисчилар) бўйича олиб борилади.

## **2. Грантлар ва субсидиялар ҳамда келгуси давр харажатлари ва тўловлари резерви ҳисоби.**

Фермер хўжаликларининг давлатдан ва нодавлат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар ва фондлардан оладиган субсидия ва грантлари, корхона фаолиятини молиялаштириш манбаи сифатида фермер хўжаликлари капиталига қўшилади. Давлат субсидиялари – Корхоналарга маълум бир фаолиятни амалга ошириш учун давлат томонидан ресурслар билан ёрдам бериш.

Давлат ёрдами – муайян мезонлар билан қаноатлантирувчи битта ёки бир қатор хўжалик юритувчи субъектларга иқтисодий ёрдам бериш учун давлат кўрадиган тадбир.

Активларга киритиладиган субсидиялар – узоқ муддатли активларни қуриш, сотиб олиш мақсадида корхоналарга ажратилган давлат ёрдами.

Даромадга киритиладиган субсидиялар – активларга киритиладиганларидан ташқари, давлатнинг ҳар қандай бошқа субсидиялари.

Грантлар ва субсидия пассив счёт бўлган 8810-»Грантлар» ва 8820-»Субсидиялар» счётларида ҳисобга олиб борилади. 8810-»Грантлар»счётида давлат ва нодавлат ташкилотлари, халқаро ташкилот ва фондларнинг турли дастурларни амалга ошириш учун ажратган грантлари ҳисобга олиб борилади. 8820-»Субсидиялар» счётида давлат томонидан маълум шартлар асосида, фермер хўжаликлари иқтисодиётини ривожлантириш учун пул ёки натура шаклидаги ёрдами ҳисобга олиб борилади.

Грантлар ва субсидияларни фермер хўжаликларининг хусусий капитали сифатида акс эттириш шартлари қуйидагилар ҳисобланади:

- а) маблағларнинг мақсадли йўналиш бўйича ишлатилиши;
- б) маблағларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларнинг йўқлиги;
- в) белгиланган шартлар бажарилганда қайтариб берилмаслиги.

**Грант** деганда ижтимоий хусусиятга эга мақсадлар, иқтисодиётни ривожлантириш, илмий-техник ва инновацион дастурларни бажариш учун Ҳукумат, нодавлат, хорижий, ҳамда халқаро ташкилотлар ва жамғармалар томонидан кўрсатиладиган текин, гуманитар ёки моддий-техник маблағлар тушунилади. Грант маблағлари қатъий равишда белгиланган мақсадларга ишлатилади.

Ажратилган грант тўғрисида хабарнома олинганда ушбу грант суммасига 8810 “Грантлар” счёти кредитланиб, 4890 “Бошқа дебиторларнинг қарзи” счёти дебетланади.

Грант суммасидан молиялаштириладиган пул маблағлари қабул қилиниши пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5110-5530) дебетида 4890 “Бошқа дебиторларнинг қарзи” счёти кредитида акс эттирилади. Грант суммасидан молиялаштириладиган мулкнинг капитал қўйилма, ўрнатиладиган ускуналар, материаллар ва бошқа активлар шаклида қабул қилинишида мос равишда 0800, 0700, 1000 ва ҳ.л. счётлар дебетланиб, 4890 “Бошқа дебиторларнинг қарзи” счёти кредитланади. Олинган грантлар суммаси резерв капиталига қўшилганда 8810 “Грантлар” счёти дебетланиб, 8520 “Резерв капитали” счёти кредитланади.

Чет эл валютасида олинган грант суммаси хўжалик операциялари амалга оширилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича миллий валютага ўтказилади.

**Субсидиялар**, яъни иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида белгиланган шартлар учун фермер хўжаликларига давлат томонидан пул ёки натура кўринишида кўрсатилган ёрдам суммаси. 8820 “Субсидиялар” счёти ажратилган субсидиялар суммаси ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Давлат (ҳукумат) томонидан берилган ёрдам турли кўринишда (қўшимча бериш, субвенция ва бошқалар) бўлиши ва ҳар хил шартларга мувофиқ берилиши мумкин.

Давлат субсидияларининг ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 19 октябрда 52-сон билан тасдиқланган (10-сонли БҲМС) “Давлат субсидияларини ҳисобга олиш ва давлат ёрдамини очиш” Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига мувофиқ амалга оширилади.

8820 «Субсидиялар» счёти қуйидаги счётлар билан корреспонденцияланади:

1) Дебет - 4890 “Бошқа дебиторларнинг қарзи” счёти.

Кредит-8820 “Субсидиялар” счёти-Субсидиялар ажратилганлиги тўғрисида маълумот олинганда.

2) Дебет – 5110 “Ҳисоб-китоб счёти”.

Кредит–4890 “Бошқа дебиторларнинг қарзи” счёти-Субсидиялар ҳисоб-китоб счётига келиб тушганда.

3) Дебет - 5200 “Чет эл валюталаридаги пул маблағлари ҳисобининг счётлари”  
Кредит-4890 “Бошқа дебиторларнинг қарзи” счёти-Субсидиялар валюта счётига келиб тушганда.

4) Дебет - 8820 “Субсидиялар” счёти.

Кредит – 8520 “Резерв капитали” счёти-Олинган субсидиялар суммаси резерв капиталига қўшилганда.

Грантлар ва субсидиялар аналитик ҳисоби ҳар бир грант ёки субсидиялар, ҳамда уларнинг манбалари бўйича олиб борилади.

Фермер хўжаликларида резервлар (заҳиралар) «Харажатлар таркиби тўғрисида Низом»га асосан корхона харажатлари ҳисобига ташкил этилади. Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун харажатлар ҳисобидан ташкил этилган резервлар пассив счёт бўлган 8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар

резервлари» счётида ҳисобга олиб борилади. Жумладан, ушбу счётда ижарага ёки прокатга олинган асосий воситалар ва предметлар эскириши, ремонт ёки фермер хўжаликлари ўз асосий воситалари ремонт, ишловчилари меҳнат таътили учун тўловлар, вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар куриш харажатлари ва ҳ.к. учун ташкил этилган резервлар ҳисобга олиб борилади.

Юқорида кўриб ўтилган резервлар ташкил этилганда, харажат счётлари (2010, 2310, 2320, 2510, 9410, 9420, 9450) дебетланиб, 8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари» счёти кредитланади.

Резерв суммаси ҳисобидан амалга оширилган харажатлар ҳисобдан чиқарилганда, 8910«Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари» счёти дебетланади. Бунда, агар асосий восита ремонт фермер хўжаликлари ремонт устахонасида амалга оширилса, дастлаб 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти дебетиди ва 6710, 6420, 1010-1070 ва ҳ.к.счётлар кредитида акс этирилади. Ремонт иши тугагач, ремонт харажати ташкил этилган резерв ҳисобидан ҳисобдан чиқарилганда, 8910«Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари» счёти дебетланиб, 2310«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти кредитланади. Ушбу харажатларни, тўғридан-тўғри 8910«Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари» счёти дебети ва тегишли счётлар 6710, 6420, 1010-1070 ва ҳ.к.счётлар кредитида ҳам акс этириш мумкин.

Бундан ташқари, 8910«Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари» счёти қуйидаги счётлар билан ҳам корреспонденцияланиши мумкин:

1) Дебет - 8910«Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари» счёти.

Кредит – 0200 «Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар»- Ташкил этилган резерв ҳисобидан асосий воситалар эскириш ҳисобланганда.

2) Дебет - 8910«Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари» счёти.

Кредит-5110«Ҳисоб-китоб счёти»-Ташкил этилган резерв ҳисобидан ҳисоб-китоб счётидан харажатларга пул ўтказилса.

3) Дебет - 8910«Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари» счёти

Кредит-9000«Асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби счётлари»-Фойдаланилмай қолган резерв суммаси корхона даромадига ўтказилганда.

Резервларни тўғри ташкил этилганлиги ва ишлатилиши вақти-вақти билан, йил охирида эса албатта смета бўйича, ҳисоб-китоблар бўйича ва ҳ.к.лар йўли билан текширилиб турилади. Зарур ҳолларда коррективировка қилинади.

8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир резерв бўйича алоҳида олиб борилади.

**3.Молиявий натижаларнинг иқтисодий моҳияти ва учётнинг вазифалари.**

Ҳар бир корхонада, шу жумладан фермер хўжаликларида ҳам йил охирида молиявий натижа аниқланади. **Молиявий натижа** – корхонанинг йил давомидаги фаолияти натижасида олган фойдаси ёки кўрган зараридир. Шунингдек, молиявий натижа нафақат корхонанинг бутун фаолияти, балки айрим соҳалари, тармоқлари ва хўжалик операциялар бўйича ҳам аниқланади. Масалан, фермер хўжаликларида қуйидаги операциялар бўйича ҳам молиявий натижа аниқланиши мумкин:

- 1)Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотишдан.
- 2)Асосий воситаларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқаришлардан.
- 3)Бошқа активларни сотишдан.
- 4)Бошқа турли хил операциялар бўйича.

Хар бир турдаги операциялар бўйича молиявий натижани аниқланиши, фермер хўжаликларида олинган даромаднинг харажатлар билан таққосланишини, харажатларнинг қопланиш даражасини аниқланишини ва ҳар бир хўжалик операциянинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш имконини беради.

Умумий ҳолатда, молиявий натижани аниқлаш учун даромад (тушум) харажат билан таққосланади, бунда даромад харажатдан катта бўлса, фарқ суммаси фойда, агар даромад харажатдан кичик бўлса, фарқ суммаси зарар бўлади. Маҳсулот сотиш операциялари бўйича молиявий натижани аниқлашда, сотилган маҳсулотлардан тушган тушум (маҳсулотни сотиш баҳосидаги қиймати) сотилган маҳсулот таннархи билан таққосланади. Тушум катта бўлса, фарқ суммаси фойда, кичик бўлса фарқ суммаси зарар бўлади.

Фермер хўжаликларида молиявий натижалар ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги №54 сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот(иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом» ва Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти №3 «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»га асосан фермер хўжаликлари харажатлари қуйидаги тўрт гуруҳга бўлинади:

- 1.Маҳсулот (иш, хизмат) таннархига кирадиган харажатлар.
- 2.Давр харажатлари.
- 3.Молиявий фаолият харажатлари.
- 4.Фавқулодда зарарлар.

Шунингдек, фермер хўжаликлари даромадлари ҳам тўрт гуруҳга бўлинади:

- 1.Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушум.
- 2.Асосий фаолиятининг бошқа даромадлари(тушумлари).
- 3.Молиявий фаолият даромадлари (тушумлари).
- 4.Фавқулодда фойда.

Фермер хўжаликларининг харажатлари ва даромадларининг тўрт гуруҳга бўлинишидан, молиявий натижаларнинг беш кўрсаткичи аниқланади.

1. Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан ялпи молиявий натижа.
2. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан молиявий натижа.
3. Умумхўжалик фаолиятдан молиявий натижа.
4. Солиқ тўлагунча бўлган фойда.
5. Соф фойда.

Молиявий натижа фермер хўжаликларида йил охирида аниқланади, чунки, хўжаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳақиқий таннархи йил охирида аниқланиб, сўнгра сотилган маҳсулотларнинг молиявий натижаси аниқланади.

Фермер хўжаликларининг молиявий натижаси молиявий ҳисоботнинг №2 – шакли «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»да тўлиқ аксини топади.

Ҳисобнинг вазифалари:

1. Молиявий натижаларни иқтисодий асосланган ҳолда аниқланишини таъминлаш.
2. Молиявий натижаларни ҳар бир кўрсаткичини тўғри ва ўз вақтида аниқлаш.
3. Молиявий натижаларни ҳисоб регистрларида тўғри ва ўз вақтида акс эттириш.
4. Молиявий натижалар тўғрисидаги ахборот билан фермер хўжаликлари бошқарувчиларни ва бошқа фойдаланувчиларни тўлиқ ва вақтида таъминлаш.

#### **4.Фойда ва зарарларнинг синтетик ва аналитик ҳисоби.**

Фермер хўжаликларининг молиявий натижаси, счётлар режасининг V-қисми «Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва ишлатилиши»да, яъни 9-бўлим «Даромадлар ва харажатлар»да ҳисобга олиб борилади. «Харажатлар таркиби тўғрисида Низом»га асосан фермер хўжаликларининг асосий фаолияти, молиявий фаолияти ва фавқулодда операциялар бўйича молиявий натижасини аниқлаш мумкин.

Фермер хўжаликларининг ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)ларини сотишдан олинган молиявий натижаси 9000 «Асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби счётлари» ва 9100 «Сотилган маҳсулотлар таннархи ҳисоби счётлари» таркибидаги счётлар маълумотлари асосида аниқланади.

Асосий фаолиятнинг бошқа операцияларидан молиявий натижалар, агар фойда бўлса 9300 «Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳисоби счётлари» таркибидаги счётларда, агар зарар бўлса 9430 «Бош операцион харажатлар» счёти таркибидаги счётларда акс эттирилади.

Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва харажатлар эса 9500 «Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби счётлари» ва 9600 «Молиявий фаолият бўйича харажатлар ҳисоби счётлари» таркибидаги счётларда ҳисобга олиб борилади.

Фавқулодда фойда ёки зарарлар 9700 «Фавқулодда фойда (зарар)лар ҳисоби счётлари» таркибидаги счётларда ҳисобга олиб борилади.

Ҳисобот даври охири юқоридаги счётлардаги маълумотлар корхонанинг умумий молиявий натижасини аниқлаш учун 9910 «Якуний молиявий натижа» счётида умумлаштирилади. 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти транзит счёт бўлиб, унинг дебитида фермер хўжаликларининг зарари, кредитида эса фойдаси акс эттирилади. Ушбу счётнинг дебет ва кредит оборотлари таққосланиб, фермер хўжаликларининг якуний молиявий натижаси аниқланади.

9910-«Якуний молиявий натижа» счёти куйидаги счётлар билан корреспонденцияланади:

1. Дебет 9010, 9020, 9030 - счётлар

Кредит 9910-«Якуний молиявий натижа» счёти-Ҳисобот даври охирида сотилган маҳсулот (иш, хизмат)лардан олинган даромадлар суммаси ўтказилганда.

2. Дебет 9910-«Якуний молиявий натижа» счёти.

Кредит 9110, 9120. 9130- счётлар-Ҳисобот даври охирида сотилган маҳсулот (иш, хизмат) таннархи суммаси ўтказилганда.

3. Дебет 9910-«Якуний молиявий натижа» счёти .

Кредит 9410, 9420, 9430– счёта – Ҳисобот даври охирида давр харажатлари суммаси ҳисобдан чиқарилганда.

4. Дебет 9310 – 9390 – счёта.

Кредит. 9910-«Якуний молиявий натижа» счёти – Ҳисобот даври охирида асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари суммаси ўтказилганда.

5. Дебет 9510 – 9590 – счёта.

Кредит 9910-«Якуний молиявий натижа» счёти– Ҳисобот даври охирида молиявий фаолиятнинг даромадлари суммаси ўтказилганда.

6. Дебет 9910-«Якуний молиявий натижа» счёти.

Кредит 9610-9690-счёта-Ҳисобот даври охирида молиявий фаолиятнинг харажатлари суммаси ўтказилганда.

7. Дебет 9910-«Якуний молиявий натижа» счёти.

Кредит 9720-«Фавқулоддаги зарарлар»счёти-Ҳисобот даври охирида фавқулодда зарарлар суммаси ўтказилганда.

8. Дебет 9710-«Фавқулодда фойдалар»счёти.

Кредит 9910-«Якуний молиявий натижа» счёти– Ҳисобот даври охирида фавқулодда фойда суммаси ўтказилганда.

Юқоридаги бухгалтерия проводкалари берилгандан сўнг, 9910 «Якуний молиявий натижа» счётининг дебет ва кредит оборотлари таққосланиб, сальдо аниқланади, ҳамда бу сальдо 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счётига қуйидагича бухгалтерия проводкаси билан ўтказилади:

1) Дебет 9910-«Якуний молиявий натижа» счёти.

Кредит 8710«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счёти– Аниқланган сальдо, 9910 – счётининг кредитида бўлса (фойда бўлса).

2) Дебет 8710«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счёти.

Кредит 9910-«Якуний молиявий натижа» счёти– Аниқланган сальдо, 9910 – счётининг дебитида бўлса (зарар бўлса).

Ҳисобот даврининг охирида 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти тўлиқ ёпилади ва бухгалтерия балансида акс эттирилмайди.

### **5.Тақсимланмаган фойда (зарар) ҳисоби.**

Фермер хўжаликларида ҳисобот даврида ва бутун фаолияти давомида тақсимланмаган фойдаси ёки қопланмаган зарари ҳолати ва ҳаракати тўғрисида маълумотлар пассив сёт бўлган 8700«Тақсимланмаган фойда ( қопланмаган зарар) ҳисоби сётлари»да олиб борилади. Ушбу сёт таркибида қуйидаги сётлар бор:

8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)».

8720 «Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар) «.

8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» сётда фермер хўжаликлари ҳисобот даврида олган фойдаси ёки зарари ҳисобга олиб борилади. Агар корхона йилни фойда билан якунласа, фойда суммасига 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти дебетланиб, 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси» счёти кредитланади. Агар корхона йилни зарар

билан якунласа, зарар суммасига 8710 «Ҳисобот даврининг қопланмага зарари» счёти дебетланиб, 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти кредитланади.

8720»Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар) «счёта фермер хўжаликлари бутун фаолияти давомидаги жамғарилган фойдасини ёки қопланмаган зарарини акс эттиради. **Жамғарилган фойда** – хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият бошланганидан бошлаб олган фойдасидан кўрилган зарарларни қоплашга, дивидендларни тўлашга ва ўз капиталини кўпайтиришга қўшган қисмидан қолган қисмидир. Бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжаликлари инқирозга учрамаслиги ва фаолиятини давом эттириши учун доимо йилни фойда билан якунлаши лозим. Шунинг учун 8720 «Жамғарилган фойда» счётида кўпчилик ҳолларда қолдик кредит томонда бўлади ва пассив ҳолатда ишлатилади.

Фермер хўжаликларида ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдасини мулк эгаси дивидендлар шаклида олишлари мумкин, агар солиқлар ва мажбурий ажратмалардан қарздорлик бўлмаса. Бундан ташқари ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдасини резерв капитали ташкил этиш ёки кўпайтиришга ажратилганидан сўнг, қолган қисми 8720 «Жамғарилган фойда» счётига ўтказилади. Ушбу хўжалик операциялари бухгалтерия сётларида қуйидагича акс эттирилади:

1. Дебет 8710»Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счёти.

Кредит.6610»Тўланадиган дивидентлар» счёти – Тақсимланмаган фойда суммасини бир қисми мулк эгаларига дивиденд шаклида тўлашга ажратилганда.

2. Дебет 8710»Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счёти.

Кредит 8520»Резерв капитали» счёти– Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдасини бир қисми резерв капиталига ўтказилганда.

3. Дебет 8710»Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счёти.

Кредит 8720»Жамғарилган фойда» счёти-Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдасини қолган қисми жамғарилган фойдага ўтказилганда.

Фермер хўжаликлари доимо йилни фойда билан якунламасликлари мумкин. Бундай ҳолатда фермер хўжаликларининг ҳисобот даврида кўрган зарари, фермер хўжаликларининг жамғарилган фойдаси билан қопланади. Бунда, Дебет 8720»Жамғарилган фойда» счёти, Кредит 8710»Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси» счёти бухгалтерия проводкаси берилади.

Бухгалтерия балансида фермер хўжаликларининг жамғарилган фойдаси, балансининг пассив томонининг I-бўлимида акс эттирилади. Яъни, бухгалтерия баланси тузилгунча, фермер хўжаликларининг ҳисобот давридаги фойдаси (қопланмаган зарари) тегишли бухгалтерия ёзувлари билан жамғарилган фойда счётига ўтказилади. Агар корхонада 8720 «Жамғарилган фойда (қопланмаган зара)» счётида қолдик дебет томонда бўлса, яъни зарар бўлса, бу сумма ҳам балансининг пассив томони I-бўлимида акс эттирилади, лекин «қизил» сиёҳ билан ёки олдига «-» белгиси қўйиб ёзилади.

**Мавзунини мустақил ўзлаштириш бўйича саволлар :**

- 1.Капитал (фонд) ва резервларнинг иқтисодий моҳияти.
- 2.Капитал ва резервларни турлари.
- 3.Устав капитали ва унинг ҳисоби.
- 4.Заҳира капитали ва унинг ҳисоби.
- 5.Грантлар ва субсидиялар ҳисоби.
- 6.Асосий воситалар ремонти учун заҳиралар ҳисоби.
7. Молиявий натижаларнинг иқтисодий моҳияти.
- 8 Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари.
9. Давр харажатлари ҳисоби.
10. Молиявий фаолият бўйича даромадлар ва харажатлар.
11. Якуний молиявий натижа ҳисоби.
12. Тақсимланмаган фойда ҳисоби.

## **11-МАВЗУ. Фермер хўжаликларида бухгалтерия счётларини ёпиш тартиби.**

### **РЕЖА.**

1. Счётларни ёпишни умумий тамойилари ва кетма-кетлиги.
2. Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар счётларини ёпиш.
3. Умумий ишлаб чиқариш ва келгуси давр харажатлари счётларини ёпиш.
4. Асосий ишлаб чиқаришлар счётларини ёпиш.
- 5.Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар,капитал қўйилмаларни ҳисобга оладиган счётларини ёпиш.
- 6.Сотиш ва молиявий натижа счётларини ёпиш.

### **«Таянч» иборалар:**

«Счётларни ёпиш тамойили», «Счётларни ёпишни кетма-кетлиги», «Операцион счётлар», «Тақсимловчи счётлар»,«Молиявий натижа счётлари», «Storno ёзуви», «Қўшимча ёзув(проводка)», «Харажатлар иқтисоди ва ошиқча сарфи», «Калькуляция фарқлари», «Счётларни ёпиш қайдномаси (далолатномаси)».

### **1.Счётларни ёпишни умумий тамойиллари ва кетма-кетлиги.**

Ҳозирги бухгалтерия ҳисоби тизимида кўра-харажатларни йил давомида асосий ишлаб чиқариш счётлари бўйича тўлиқ ҳолда акс этилмаслиги, молиявий натижани сотилган маҳсулотга бўлган харажатлар хажмига боғлиқлиги ва бошқа ҳолатлар йил охирида операцион ва молиявий натижа счётларини ёпишни такоза этади.

Счётларни ёпишни аҳамияти шундаки, счётларни ёпиш билан жорий йил бухгалтерия ҳисоби ишларига якун ясалади. Шунинг учун ҳам счётларни тўғри ёпиш ҳисоб ишларини йил давомида тўғри ташкил этилиши каби аҳамиятлидир. Счётларни ёпиш орқали хўжаликни ҳисобот йили ишлаб чиқариш-молия фаолияти кўрсаткичларини тўғри ва аниқ ҳисобланишига эришилади. Счётларни ёпмасдан маҳсулот етиштириш харажатлари ва уни таннархи бўйича аниқ маълумотларга эга бўлиб бўлмайди, бу ўз навбатида ҳисобот йили учун молиявий натижа ва рентабеллик кўрсаткичларини аниқлаш имкониятини бермайди.

Счётларни ёпиш шу йилнинг хотима баланси тузилгунча амалга оширилиши лозим. Бу жараёнга шу йилга тегишли ҳамма бухгалтерия

операциялари счётларда тўлиғича ўз аксини топиши керак, шу жумладан йил охирида ўтказилган инвентаризация натижалари ҳам.

Шу асосда счётларни ёпишгача ҳамма синтетик ва аналитик счётлар шу йилга тегишли ёзувлар бўйича тўлиқ текширилган бўлиши керак. Фақат шундан кейин счётларни ёпиш бўйича тегишли ҳисоб-китоблар бажарилади.

Счётлар йиғиб-таксимловчи, калькуляцион ва таққословчи счётларга тегишли бўлиб, бу счётлар операцион счётлар гуруҳига киради. Бу счётларга счётлар режасига кўра №0800, 2000,2300,2500,2700,3100,8700,9000,9100, 9300,9400, 9500, 9700,9900 счётлар киради.

Счётлар режасидаги қолган счётларга ёпиш тушунчаси эмас, балки якунлаш тушунчаси хос бўлиб бунда шу счётларни дебет ва кредитига тегишли ёзувларга тўлиғича аниқлик киритилиб кейинги йилга ўтадиган қолдиғи реал ҳолда аниқланади (агар у мавжуд бўлса).

Счётларни ёпиш тушунчаси счётларни якунлашга нисбатан бошқача мазмунга эга бўлиб бунда операцион счётларда шу йилга тегишли харажатлар ва бошқа суммалар йил давомида ва йил охирида бошқа счётларга тегишли ҳисоб-китоблар асосида ўтказилади ва шу счётлар ҳисобот йили натижалари бўйича қолдиқга эга бўлмайди, яъни ёпилади.

Операцион счётларни ёпишда, ҳисоб-китобларидан сўнг шу счётларнинг айримларида келгуси йилларга тегишли бўлган харажат ва бошқа суммалар қолади.

Операцион счётларни ёпишда маълум тамойил ва кетма-кетликка риоя қилиниши лозим.

Счётларни ёпиш тамойилларига уларни ёпиш бўйича бажариладиган ҳисоб-китоблар бўйича қуйидагилар киритилади:

1. Синтетик (ҳар бир синтетик счёт таркибидаги аналитик счётлар)счётлар кетма-кетлигини тўғри белгилаш.

2. Счётларни ёпишда маълум шартлиликга йўл қўйилади, чунки кейинги тартибда ёпиладиган счётлардан калькуляция фарқлари булардан олдин ёпилган счётларга олиб борилмайди.

3. Йиғиб-таксимловчи счётлар (№2500,3100)ни ёпишда уларнинг дебитида йил давомида йиғилган суммаларни, шу счётларни кредитлаб ҳисобдан чиқариш билан.

4. Калькуляцион счётлар (0800,2000,2300,2700) калькуляция фарқларни оддий ёки “Storno”ёзувлар билан счётни кредитидан бошқа счётларга ўтказиш билан.

5. Молиявий натижа счётлари(9000,9100,9300,9400,9500,9600,9700,9900)ни натижаларга кўра тескари (дебетлаш ёки кредитлаш) проводкалар билан тегишли счётларга ўтказилиши билан ёпилади.

Юқоридаги счётларни ёпиш тамойилларидан келиб чиқиб ҳамда счётларни ёпишда шартлиликни минимал бўлишлигини таъминлаш юзасидан юқоридаги счётларни қуйидаги кетма-кетлик билан ёпиш тавсия этилади: 2300,3100,2500,2700,2000,0800,9000,9100, 9300,9400,9500,9600,9700,9800,9900,8700.

Шунинг билан бирга юқоридаги счётлар ичида №2500,9000,9100,9300,9400,9500,9600,9700,9900 – счётлар ҳисобот йили натижалари бўйича тўлиқ ёпилади, қолган 2300,3100,2700,2000,0800

счётлардаги харажатларнинг маълум қисми келгуси йилларга тегишли бўлгани учун, уларнинг шу йилга тегишли харажатлари бўйича ёпилади ва келгуси йилларга тегишли харажатлари ҳисобига тўлиқ ёпилмайди ва келгуси йилга қолдик билан ўтказилади.

## **2. Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар счётларини ёпиш.**

Маълумки ёрдамчи ишлаб чиқаришлар хўжаликни деярли ҳамма бўлинмаларига хизмат кўрсатганлиги, яъни кўплаб истеъмолчиларга эга бўлганлиги учун счётлар ичида биринчи бўлиб ёпилади.

Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар томонидан йил давомида бажарилган иш ва хизматлар истеъмолчилар счётига режа таннархида олиб борилган бўлиб йил охирида ҳар бир ёрдамчи ишлаб чиқариш бўйича иш ва хизматларнинг ҳақиқий таннархи аниқланади.

Бажарилган иш ва хизматларнинг режа ва ҳақиқий таннархи орасидаги фарқларни тегишли истеъмолчилар счётига ўтказиш мазкур счётни ёпилишини билдиради.

Фермер хўжаликларида счётлар режасига кўра №2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётида харажатлар қуйидаги аналитик счётлар бўйича ҳисобга олиб борилади:

- Таъмирлаш устахонаси.
- Машина-трактор парки.
- Юк автотранспорти.
- Ишчи ҳайвонлар.
- Сув таъминоти.
- Электр таъминоти.
- Газ таъминоти.
- Бошқа ёрдамчи ишлаб чиқаришлар.

№2310«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётида ҳисобга олинадиган ишлаб чиқаришларни ўзаро кўрсатган хизмат ва бажарган ишларининг салмоғига (ҳажмига) кўра уларни ёпиш кетма-кетлиги белгиланади.

Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ичида электр таъминотини барча ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ва фермер хўжаликларини барча бўлинмаларига хизмат кўрсатишини ҳисобга олиб, одатда №2310«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётини ёпиш «Электр таъминоти»аналитик счётини ёпишдан бошланади.

Бунинг учун йил охирида«Электр таъминоти» аналитик счётида йиғилган ҳақиқий харажатларни жами йиллик ишлаб чиқарилган (истеъмол қилинган) электр энергия миқдорига бўлиш йўли билан 1 киловатт – соат электро-энергиянинг ҳақиқий таннархи аниқланади. Шундан сўнг 1 киловатт-соат электро-энергиянинг режа ва ҳақиқий таннархи орасидаги фарқ аниқланиб, истеъмолчиларга сарфланган электро-энергиянинг миқдорига кўпайтирилиб оддий (ҳақиқий таннархи режа таннархидан ошиқ бўлса) ёки “Storno” (ҳақиқий таннархи режа таннархидан паст бўлса) ёзуви билан №2310«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётини «Электр таъминоти» аналитик счёти кредитидан қуйидаги счётлар дебетида ўтказилади:

2310«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти– Ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг бошқа соҳаларига сарфланган электро-энергия миқдорига.

2010»Асосий ишлаб чиқариш»счёти-Асосий ишлаб чиқариш тармоқларига сарфланган электро-энергия миқдорига.

2510»Умум ишлаб чиқариш харажатлари»счёти-Умум ишлаб чиқариш эҳтиётига сарфланган электро-энергия миқдорига.

9130»Бажарилган иш ва хизматларнинг таннари»счёти – Бошқа ташкилотларга бажарилган иш ва хизматларга сарфланган электро-энергия миқдорига.

9420» Маъмурий харажатлар»счёти – маъмурий бошқарув эҳтиётига сарфланган электро-энергия миқдорига ва бошқа счётлар.

Ушбу бухгалтерия ёзувларидан кейин «Электр таъминоти» аналитик счётининг дебет ва кредит таъмонлари тенглашгани ҳолда, аналитик счёт ҳисобот йили операциялари бўйича тўлиқ ёпилади ва келгуси йил бошига қолдиғи бўлмайди. №2310»Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётидаги бошқа аналитик счётларда ҳисобга олинган ёрдамчи ишлаб чиқаришлар счётларини ёпиш улар томонидан бажарилган куб.метр, тонно-километр, эталон-гектар, от кунни, таъмирланган объект, ишлаб чиқарилган эҳтиёт қисм ва бошқа буюмларни ҳақиқий таннари аниқланиб, уларни режа таннари билан таққослаб, шу ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ҳисобга олинган аналитик счётлар кредитидан тегишли истеъмолчилар счётлари дебетида оддий (ҳақиқий таннари режадан ошиқ бўлганда) ёки «Storno» (ҳақиқий таннари режа таннаридан кам бўлганда) ёзувларида амалга оширилади.

Ушбу ишлаб чиқаришлар бўйича калькуляция фарқларини тақсимлашда калькуляция фарқлари ёпилаётган счётга ва шу счёт ёпилгунча ёпилган счётларга олиб берилмайди, яъни бунгача ёпилган счётларга тегишли фарқлар кейинги ёпиладиган счётларга олиб борилади.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш счётини ёпиш ҳисоб-китоблари шу ишлаб чиқаришларни ҳар бирини ёпиш бўйича бажариладиган ҳисоб-китоблар бухгалтерия маълумотномаларида ўз аксини топади.

### **3.Умумий ишлаб чиқариш ва келгуси давр харажатлари счётларини ёпиш.**

Ёрдамчи ишлаб чиқариш счётини ёпишдан кейин умумий ишлаб чиқариш ва келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи счётларни ёпишга киришилади. Бунда №3100 «Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар» таркибидаги 3190 «Бошқа келгуси давр харажатлари» аналитик счёти ва №2500 «Умумий ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби счёти» тегишли аналитик счётлари ёпилади.

Маълумки № 3100»Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар» таркибидаги 3190 «Бошқа келгуси давр харажатлари» аналитик счётида фермер хўжаликлари келгуси йилларда олинган илмий техника адабиётлари обунаси учун олдида тўланган суммани, мулк суғуртаси бўйича олдида тўловларни,кўп йиллик ем-хашак экинларининг келгуси йилларга тегишли харажатларини ҳисобга олиб боради.

3190 «Бошқа келгуси давр харажатлари» аналитик счётини ёпиш учун шу счётда ҳисобга олинган харажатлардан жорий йилга тегишли қисмини аниқлаб, уни тегишли ҳисоб объектларига ўтказишдан иборат. Бунинг учун ушбу харажатлар қанча даврга мўлжалланганлигига қараб, яъни уч йилга

мўлжалланган бўлса учдан бир қисми, 4 йилга мўлжалланган бўлса тўртдан бир қисми аниқланиб тегишли бухгалтерия маълумотномаларига асосан ҳисоб объектларига ўтказилади.

Шу тарзда аниқланган жорий йилга тегишли келгуси давр харажатлари №0810-0890, 2010, 2510, 2710-2790,9720 ва бошқа счётларни дебетига 3190 «Бошқа келгуси давр харажатлари» аналитик счётининг кредитидан ўтказилади ва 3190 «Бошқа келгуси давр харажатлари» аналитик счётини дебетига келгуси йилларга тегишли бўлган харажатлар қолдик бўлиб қолади. 3190 «Бошқа келгуси давр харажатлари» аналитик счёти ёпилгандан сўнг, 2500 «Умум ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби счётлари» ёпилади.

Маълумки, 2500 «Умум ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби счётлари»да ўсимликчилик, чорвачилик ва саноат ишлаб чиқаришларини бошқариш ва ташкил этиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳисобга олиб борилади.

Бу харажатлар ўсимликчиликда барча экинлар, чорвачиликда барча чорвачилик тармоқлари ва барча саноат ишлаб чиқаришларига тегишли бўлгани учун улар йил давомида №2500»Умум ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби счётлари»нинг дебетига йиғилади.

№2500»Умум ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби счётлари»ни ёпиш,шу харажатларни йил охирида ҳар бир экин, чорва моллари ва саноат ишлаб чиқаришларнинг тегишли ҳисоб объектларига ўтказишдан иборат.

Умумий ишлаб чиқариш харажатларини йил охирида тақсимлаш қуйидагича амалга оширилади; ўсимликчилик бўйича умумий ишлаб чиқариш харажатлари – ҳар бир экин бўйича уруғлик ва кўчат материалларидан ташқари жами харажат суммасига, чорвачилик бўйича умумий ишлаб чиқариш харажати – ҳар бир ҳайвон гуруҳи бўйича ем-хашак харажатидан ташқари жами харажат суммасига, саноат ишлаб чиқариши бўйича умумий ишлаб чиқариш харажати – саноат ишлаб чиқаришлари бўйича хом ашё ва ярим фабрикатлар харажатидан ташқари жами харажатлар суммасига нисбатан мутоносиб равишда тақсимланади.

Ушбу ҳисоб-китоблар бухгалтерия маълумотномасида акс эттирилиб унга №2000 «Асосий ишлаб чиқаришни ҳисоби счёти» дебетланиб №2500»Умум ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби счётлари» кредитланади ва йил охирига №2500»Умум ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби счётлари» тўлиқ ёпилади.

**4.Асосий ишлаб чиқаришлар счётларини ёпиш.** №2000»Асосий ишлаб чиқаришни ҳисоби счёти»да ҳисобга олинadиган «Ўсимликчилик», «Чорвачилик» ва «Саноат ишлаб чиқариши» счётлари бўйича ҳар бир экин, чорва гуруҳи ва саноат ишлаб чиқаришларининг турлари бўйича очилган аналитик счётлар алоҳида ёпилади.

Саноат ишлаб чиқаришлари асосан ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ бўлганлиги учун, саноат ишлаб чиқаришлари маҳсулот таннархи ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари таннархига боғлиқ бўлади.Шу туфайли дастлаб ўсимликчилик ва чорвачилик харажатларини ҳисобга олинган счётлар олдин ёпилади.

Ўсимликчилик счётини ёпишда ундаги аналитик счётлар кетма-кетлигига риоя қилиниши лозим. Уларни қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Йил охирида тақсимланадиган харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (тақсимланмаган амортизация, жорий таъмирлаш, суғориш, тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари).

2. Экинлар (экинлар гуруҳи) бўйича жорий йил харажатлари счётлари.

3. Келгуси йил ҳосилига тегишли харажатларни ҳисобга олувчи счётлар.

Юқоридаги аналитик счётларнинг учинчи гуруҳи ўсимликчилик счётининг келгуси йилга ўтадиган қолдиғи бўлганлиги туфайли, ўсимликчилик счётини ёпиш асосан дастлабки икки гуруҳ аналитик счётларни ёпилиши билан боғлиқ.

Экинлар тури бўйича харажатларни ҳисобга олидиган счётларини ёпишдан олдин тақсимланадиган харажатлар счётлари ёпилиши лозим.

Ўтган йили амалга оширилиб, жорий йил ҳосилига тегишли бўлган тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари экинлар харажатига харажат моддалари бўйича ҳар бир гектар ҳисобидан тақсимланиб қўйилади ва унга №2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг айрим экинлар бўйича очилган аналитик счётлари дебетланиб, шу счётнинг «Тугалланмаган ишлаб чиқариш харажати» аналитик счёти кредитланади.

Ўсимликчиликда фойдаланиладиган асосий воситалар бўйича тақсимланмаган амортизация ажратмалари, асосий воситаларни айрим гуруҳлари бўйича алоҳида аналитик счётларда ҳисобга олиб борилиб, йил охирида уларга хос бўлган кўрсаткичларга асосан тақсимланади ва унга №2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг айрим экинлар бўйича очилган аналитик счётлари дебетланиб, шу счётнинг «Ўсимликчиликда фойдаланиладиган асосий воситалар бўйича тақсимланмаган амортизация ажратмалари» аналитик счёти кредитланади.

«Ўсимликчиликда фойдаланиладиган асосий воситалар бўйича тақсимланмаган жорий таъмирлаш харажати»ни йил охирида айрим экинлар харажатига тақсимлашда, тақсимланмаган амортизация ажратмаларини тақсимлашда фойдаланилган кўрсаткичлар асосида тақсимланади ва унга №2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг айрим экинлар бўйича очилган аналитик счётлари дебетланиб, шу счётнинг «Ўсимликчиликда фойдаланиладиган асосий воситалар бўйича тақсимланмаган жорий таъмирлаш» аналитик счёти кредитланади.

Суғориладиган деҳқончиликда йил давомида алоҳида ҳисобга олиниб йил охирида тақсимланадиган харажатлар жумласига «тақсимланмаган суғориш харажатлари» киради. Тақсимланмаган суғориш харажатлар йил охирида суғориладиган экин ва боғлар харажатига уларни суғориш – гектарлари салмоғига мутаносиб равишда харажат моддалари бўйича тақсимланади ва унга №2000 «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг экин ва боғлар аналитик счётлари дебетланиб шу счётнинг «тақсимланмаган суғориш харажатлари» аналитик счёти кредитлари.

Юқоридаги аналитик счётлар ёпилгандан сўнг №20 «Асосий ишлабчиқариш» счётида экин турлари бўйича очилган аналитик счётларни ёпишга киришилади.

Аналитик счётларининг дебет томонида экинларга йил давомида қилинган ҳақиқий харажатлар ҳисобга олинса, кредитида йил давомида доромадга олинган асосий ва қўшимча маҳсулотлар режа таннарида ҳисобга олинади.

Йил охирида ҳар бир экин ёки экин гуруҳи бўйича очилган аналитик счётнинг дебет ва кредит оборотларини таққосланиб аниқланган калькуляция фарқлари, бухгалтерия ёзувлари асосида тегишли бухгалтерия счётларига ўтказилади.

Маҳсулотларнинг калькуляция фарқларига №9110»Сотилган маҳсулотлар таннари», №2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот», №2010 «Асосий ишлаб чиқариш» ва бошқа счётлар дебетланиб, №2010»Асосий ишлаб чиқариш» счётининг экин ёки экин гуруҳи бўйича очилган аналитик счётлари кредитланади.

Шу якунловчи операциялардан сўнг №2010»Асосий ишлаб чиқариш» счётнинг ўсимликчиликга тегишли аналитик счётлари, жорий йилга тегишли харажатлар бўйича тўлиқ ёпилади ва бу счётда келгуси йил ҳосили учун қилинган харажатлар суммаси қолдик ҳолида қолади.

Ўсимликчиликга тегишли аналитик счётлар ёпилгандан сўнг, чорвачилик бўйича аналитик счётларни ёпишга киришилади. Бунда бир турдаги ҳайвонларнинг маҳсулотлари иккинчи турдаги молларни боқиш учун фойдаланилиши ҳисобга олиниб, чорвачилик харажатларини ҳисобга оладиган аналитик счётларни ёпиш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

Биринчи навбатда таркибида бошқа чорва маҳсулоти сарфи бўлмаган аналитик счётлар ёпилади.

Иккинчи навбатда маҳсулоти бошқа турдаги ҳайвонлар учун фойдаланилган аналитик счётлар ёпилади.

Бундан ташқари агар хўжаликда озиқа тайёрлаш цехи мавжуд бўлса, унда чорва моллари харажатлари аналитик счётларидан олдин озиқа тайёрлаш цехи харажатлари бўйича очилган аналитик счёт ёпилади. Бунинг учун «Ем-хашак тайёрлаш цехи» аналитик счёти дебетида йил давомида ҳақиқий қилинган харажат, кредитида тайёрланган озуқанинг ҳайвонларга сарфланиши акс эттирилганлигини ҳисобга олиб, йил охирида счётнинг дебет ва кредит оборотларини таққослаш йўли билан аниқланган калькуляция фарқлари оддий ёки «Storno» ёзуви билан сарфланган озуқа миқдorigа мутаносиб равишда моллар харажатида ўтказилади. Бунга ҳайвонлар харажатларини ҳисобга олиш бўйича очилган аналитик счётлари дебетланиб, «Ем-хашак тайёрлаш цехи» аналитик счёти кредитланади.

Шундан сўнг, юқорида таъкидланганидек таркибида бошқа чорва маҳсулоти сарфи бўлмаган бўлмаган аналитик счёт ёки шундай аналитик счётлар бўлмаган тикдирда қорамолчилик бўйича аналитик счётларни ёпишга киришилади.

Маълумки, қорамолчиликда харажатлар алоҳида сут йўналиши ва алоҳида гўшт йўналиши бўйича ҳисобга олиб борилади. Ҳар иккала йўналиш бўйича ҳам харажатлар ҳисоби «Асосий пода» ва «Ўстиришдаги ва боқувдаги моллар» харажат объектлари бўйича ташкил этилган аналитик счётларда олиб борилади. Қорамолчилик счётини ёпиш айнан шу ҳисоб объектлари бўйича алоҳида амалга оширилади.

Ушбу аналитик счётлар дебетида йил давомида ҳақиқий харажатлар, кредитида олинган маҳсулот (сут,бузоқ, ортган вази. гўнг)ларнинг режа таннаридаги миқдори ва қиймати акс эттирилган бўлиб, йил охирида сут, бузоқ ва ортган вазнинг ҳақиқий таннари аниқланади. Қорамолчиликдан

олинган маҳсулотларни ҳақиқий таннархини аниқлашда дастлаб ҳақиқий харажатдан қўшимча маҳсулот (гўнг)га тегишли харажат чиқарилиб, қолган харажатлар асосий маҳсулот (сут,бузоқ, ортган вазни) миқдорига тақсимланади. Бунда жами харажатнинг 90 фоизи сутга, 10 фоизи бузоқга мўлжалланган.

Шу тартибда аниқланган 1 цн. сут ва 1 бош бузоқнинг ҳақиқий таннархи, уни режа таннархи билан солиштирилиб, калькуляция фарқлари шу маҳсулотлардан фойдаланиш йўналишлари бўйича тегишли счётлар дебетиға, қорамолчилик харажатларини ҳисобға олишға мулжалланган аналитик счётларининг кредитидан оддий ёки “Storno”ёзуви билан ўтказилади.

Шу каби қорамолчиликнинг «Ўстиришдаги ва боқувдаги моллар» аналитик счёти бўйича ортган вазн ва тирик вазннинг ҳамда қорамолчиликнинг бошқа аналитик счётлари бўйича олинган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи аниқланиб, калькуляция фарқларини тегишли счётларға ўтказиш билан ушбу аналитик счётлар ёпилади.

Шу асосда ҳисобот йилиға тегишли маҳсулотларнинг калькуляция фарқлари тегишли счётларға қўшимча ёки “Storno” ёзувлар билан акс эттирилгандан сўнг №2010 “Асосий ишлаб чиқариш” счётнинг чорвачилик бўйича аналитик счётлари тўлиқ ёпилади, агар хўжаликда асаларичилик, балиқчилик,паррандачиликнинг (инкубация)аналитик счётлари бўйича тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари бўлса, ушбу аналитик счётларда қолдиқ қолади.

Ўсимликчилик ва чорвачилик харажатларини ҳисобға олувчи аналитик счётлар ёпилгандан кейин, саноат ишлаб чиқаришлари харажатини ҳисобға олувчи аналитик счётлар (уларни баъзилари чорвачилик бўйича аналитик счётлардан олдин ёки у билан олдинма-кетин) ни ёпишға киришилади.

Саноат ишлаб чиқариши бўйича аналитик счётларни ёпиш хўжаликда улар катта ҳажмға эға бўлганда қуйидаги кетма-кетликға риоя қилинади:

Биринчи навбатда, ўсимликчилик маҳсулотини қайта ишлаш билан боғлиқ аналитик счётлар ёпилади. Бу аналитик счётлар чорвачилик аналитик счётларидан олдин ёпилади, чунки улар маҳсулоти (кепак ва бошқалар) чорвачиликда озуқа сифатида фойдаланилади.

Иккинчи навбатда, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш харажатларини ҳисобға олувчи аналитик счётлари ёпилади.

Учинчи навбатда, саноат ишлаб чиқариши бўйича «Сўйиш цехи» аналитик счёти ёпилади. Шундан сўнг бошқа аналитик счётлари (ёғоч кесиш, оҳак тайёрлаш ва бошқалар) ёпилади.

Агар хўжаликда саноат ишлаб чиқаришларининг ҳажми катта бўлмаса, уларни бир-бириға боғлиқлигини ҳисобға олган ҳолда тегишли кетма-кетликда аналитик счётлар ёпилади.

Юқоридагиларни қайси бири қўлланилганда ҳам саноат ишлаб чиқаришлари бўйича аналитик счётларни ёпиш учун уларни дебет ва кредит оборотлари жамланиб, маҳсулотларни ҳақиқий таннархи аниқланиб,ҳақиқий ва режа таннархларини калькуляция фарқлари топилади. Шу калькуляция фарқларига қўшимча ёзувлар (оддий ёки “Storno” ҳолда) билан саноат маҳсулотларини фойдаланиш йўналишларини бўйича тегишли счётлар (2810,9110 ва бошқа счётлар) дебетланиб №2010“Асосий ишлаб чиқариш”

счётининг саноат ишлаб чиқариши бўйича аналитик счётлари кредитланади ва шу билан тугалланмаган ишлаб чиқариш харажати бўлмаган аналитик счётлар, ҳисобот йили хўжалик операциялари бўйича тўлиғича ёпилади.

#### **5.Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар,капитал қўйилмаларни ҳисобга оладиган счётларини ёпиш.**

Хизмат кўрсатувчи хўжаликларда ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар билан боғлиқ харажатлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» счётида амалга оширилади.

Фермер хўжаликларида хизмат кўрсатувчи хўжаликлари сифатида фаолияти маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар тушунилади. Жумладан, ушбу счётда фермер хўжаликларининг балансида бўлган соғлиқни сақлаш объектлари, болалар боғчалари, уй-жой коммунал хўжалиги объектлари, спорт ва маданият, тикувчилик ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш устаконалари, ошхона ва буфетлар, илмий-тадқиқот ва конструкторликка оид ажратилган бўлинмаларни сақлаш харажатлари акс эттирилади.

2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» счётининг дебитида хизмат кўрсатувчи хўжаликларда маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар акс эттирилади. Харажатлар 2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» счётнинг дебетига товар-моддий захиралари, меҳнат ҳақи тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар ва бошқаларни ҳисобга олувчи счётларнинг кредитидан ҳисобдан чиқарилади.

2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» счётининг кредитида хизмат кўрсатувчи хўжаликлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий таннари акс эттирилади. Ушбу суммалар 2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» счётининг кредити бўйича товар моддий захиралари ва бошқаларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» счёти бўйича ой охиридаги қолдиқ тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматини кўрсатади.

2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» счёти бўйича очилган аналитик счётларни дебитида йил давомида ҳақиқий харажатлар, кредит томонида эса бажарилган иш ва хизматлар режа таннарида ҳисобга олинади. 2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» счётини ёпиш учун счётни дебет ва кредит оборотларини жамлаб, маҳсулот, бажарилган иш ва хизматларни ҳақиқий таннарини аниқлаш асосида калькуляция фарқларини (оддий ёки “Storno” ёзуви билан) №2810, 9110, 9130, 9430 ва бошқа счётларни дебити ва №2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» счётининг кредити бўйича акс эттиришдан иборат.

0800“Капитал қўйилма ҳисоби счётлари”ни дебет томонида асосий воситаларни қуриш, сотиб олиш, хўжаликда етиштирилган моллар ва қўп йиллик дарахтларнинг асосий воситага қабул қилиш, номоддий активларни сотиб олиш ҳисобга олиб борилади. Ушбу счётларни ёпиш йил давомида ҳақиқатда амалга оширилган харажатларни аниқлаш ва қуриб битказилган,

сотиб олинган, хўжаликда етиштирилган моллар ва кўп йиллик дарахтларни асосий воситага қабул қилиш қийматларига ўзгартишлар киритишдан иборат.

Бу шу билан боғлиқки, йил давомида асосий воситаларга қабул қилинган объектларга тегишли иш ва хизматлар, материаллар, моллар ортиган вазнининг калькуляция фарқлари йил охирида аниқ бўлганлиги туфайли улар қийматига тегишли ўзгартиришлар киритилишини тақоза этади.

Ушбу калькуляция фарқларига дастлаб №0800“Капитал қўйилма ҳисоби счётлари” таркибидаги тегишли счётлари дебетланиб, №1110, 2010 ва бошқа счётлар кредитланади, ва бир йўла уларни асосий воситига қабул қилинган қисмига №0120,0170,0180 ва бошқа счётлар дебетланиб №0800“Капитал қўйилма ҳисоби счётлари” таркибидаги тегишли счётлар кредитланади.

Ишлаб чиқаришга топширилган объектларга тегишли бўлган, аммо белгиланган тартибга биноан улар қийматига олиб борилмайдиган харажатлар капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар кредитидан 9430»Бошқа операцион харажатлар» счётининг дебетига чиқарилади.

Шу ёзувлардан сўнг капитал қўйилмаларни ҳисобга оладиган счётларда қурилиши, шаклланиши тугалланмаган ишлар капитал қўйма объектларига тегишли тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари сифатида келгуси йилга ўтади.

#### **6.Сотиш ва молиявий натижалар счётларини ёпиш.**

Фермер хўжаликларида маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар сотишдан олинган даромадлар 9010»Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар» ва 9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар» счётларни кредитида 4010»Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар», 5010» Миллий валютадаги пул маблағлари», 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» ва бошқа счётлар дебети билан ҳисобга олиб борилади. Шу маҳсулот, иш ва хизматларнинг режа таннарни (йил давомида) ҳамда режа ва ҳақиқий таннарх орасидаги фарқлар (йил охирида) 9110 «Сотилган маҳсулотлар таннарни» ва 9130 «Бажарилган иш ва хизматларнинг таннарни» счётларининг дебет томонида 2010»Асосий ишлаб чиқариш», 2310»Ёрдамчи ишлаб чиқариш»,2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» ва бошқа счётлар кредити билан акс эттирилади.

Йил охирида (ҳисобот давр охирида) 9010»Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар»ва 9030»Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар» счётларининг кредит оборотлари-

Дебет 9010»Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар»,9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар» счётлари.

Кредит 9910»Якуний молиявий натижа» счёти-бухгалтерия проводкаси билан якуний молиявий натижага ўтказилади.Шу билан 9010 ва 9030 счётлар ёпилади.

Шунингдек, йил охирида (ҳисобот давр охирида) 9110 «Сотилган маҳсулотлар таннарни» ва 9130 «Бажарилган иш ва хизматларнинг таннарни» счётларининг дебет оборотлари-

Дебет 9910»Якуний молиявий натижа» счёти.

Кредит 9110 «Сотилган маҳсулотлар таннарни» ва 9130 «Бажарилган иш ва хизматларнинг таннарни» счётлари-бухгалтерия проводкаси билан якуний молиявий натижага ўтказилади.Шу билан 9110 ва 9130 счётлар ёпилади.

9300»Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳисоби счётлари»да асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳисобга олиниб, улар жумласига асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқимидан олинган фойда (9310), бошқа активларни сотилиши ва турли чиқимидан олинган фойда (9320), ундирилган пеня, жарима ва бурдсизликлар (9330), ўтган йиллар фойдаси (9340), қисқа муддатли ижарадан олинган даромадлари (9350), кредиторлик ва депонентлик қарзларини ҳисобдан чиқарилашидан тушган даромадлар (9360), хизмат кўрсатувчи хўжаликлар даромадлари (9370), қайтирилмайдиган молиявий ёрдам (9380) ва бошқа операцион даромадлар (9390) киради. Ҳисобот даврида юқоридаги счётларнинг кредитида тегишли ёзувлар бўлиб, дебетида ёзувлар бўлмайди.

Йил охирида (давр охирида) ушбу счётларни ёпилишида, ушбу счётларнинг кредит оборотлари 9910»Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилади. Яъни ушбу счётлар дебетланади ва 9910»Якуний молиявий натижа» счёти кредитланади (Дебет 9310, 9320, 9330, 9340, 9350, 9360, 9370, 9380, 9390 ва Кредит 9910).

Ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган сотиш харажатлари, бошқарув харажатлари, бошқа операцион харажатлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 9400 «Давр харажатлари ҳисоби счётлари» таркибидаги 9410 «Сотиш харажатлари», 9420 «Маъмурий харажатлар» ва 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётларда амалга оширилади. Давр харажатларининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом билан тартибга солинади.

9410 «Сотиш харажатлари» счётида маҳсулотни сотиш бўйича харажатлар, яъни фермер хўжаликларида маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш билан боғлиқ, транспорт воситаларига ортиш, маркетинг билан шуғулланувчи ходимлар ва бўлимларнинг харажатлари ва бошқалар акс эттирилади. Ҳисобот даврининг охирида 9410 «Сотиш харажатлари» счёти 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти билан боғланган ҳолда (Дебет 9910, Кредит 9410) ёпилади.

9420 «Маъмурий харажатлар» счётида фермер хўжаликларини бошқариш бўйича харажатлар, бошқарув ходимларининг меҳнат ҳақи харажатлари, умумбошқарув аҳамиятига молик асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари, умумхўжалик аҳамиятидаги биноларнинг сақлаш ва бошқа харажатлар ҳисобга олинади. Ҳисобот даврининг охирида 9420 «Маъмурий харажатлар» счёти 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти билан боғланган ҳолда (Дебет 9910, Кредит 9420) ёпилади.

9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари, ахборот, аудиторлик ва маслаҳат хизматлари учун тўлов харажатлари, иш ҳақи ҳисоблашда ҳисобга олинмайдиган компенсациялаш ва рағбатлантириш аҳамиятига молик тўловлар, банк ва депозитария хизматларининг тўловлари, зарарлар, жарималар, пенялар ва бошқа операцион фаолият жарёнида вужудга келадиган, ишлаб чиқариш жараёни, молиявий фаолият ва фавқулодда харажатлар моддаларининг

белгилари бўлмаган бошқа харажатлар акс эттирилади. Ҳисобот даврининг охирида 9430 “Бошқа оперцион харажатлар” счёти 9910 “Якуний молиявий натижа” счёти билан боғланган ҳолда (Дебет 9910, Кредит 9430) ёпилади.

9500»Молиявий фаолиятдан олинган даромадларни ҳисоби счётлари»таркибида юритиладиган счётларда роялти кўринишидаги даромадлар(9510), дивидент кўринишидаги даромадлар (9520), фоиз кўринишидаги даромадлар (9530), валюталар курслари фарқларидан олинган даромадлар (9540),узоқ муддатли ижарадан даромадлар (9350), қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар (9560) ва молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (9590) киради.

Йил охирида (давр охирида) 9510, 9520, 9530, 9540, 9550,9560, 9590 счётларнинг кредит оборотлари бухгалтерия далолатномаси асосида 9910 – счётга (Дебет 9510, 9520, 9530, 9540, 9550,9560,9590, Кредит 9910) ўтказилиши билан ёпилади.

Фермер хўжаликларида Молиявий фаолият бўйича харажатлар тўғрисидаги ахбротларни умумлаштириш 9600 “Молиявий фаолият бўйича харажатлар ҳисоби счётлари” счёти таркибидаги 9610 “Фоизлар кўринишидаги харажатлар”,9620 “Валюталар курслари фарқидан зарарлар” ва 9690 “Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар”счётларда амалга оширилади.

Фермер хўжаликларининг банклар кредитлари, мол етказиб берувчиларнинг қарзлар, узоқ муддатли ижара бўйича фоизлар ва бошқа фоиз тўлови харажатлари 9610 “Фоизлар кўринишидаги харажатлар” счётининг дебетида 6920 “Ҳисобланган фоизлар” ёки пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Ҳисобот даврининг охирида 9610 “Фоизлар кўринишидаги харажатлар” счёти 9910 “Якуний молиявий натижа” счёти билан боғланган ҳолда (Дебет 9910, Кредит 9610) ёпилади.

9620 “Валюталар курслари фарқидан зарарлар” счётида салбий курс фарқи ва баланснинг валюта моддаларига доир операциялар бўйича зарарлар акс эттирилади. Чет эл валютаси операциялари бўйича салбий курс фарқлари, шу жумладан бухгалтерия балансини тузиш санасига қарзларни қайта баҳолашдан фарқ 9620 “Валюталар курслари фарқидан зарарлар” счётининг дебетида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар, олинадиган счётлар ва мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Ҳисобот даврининг охирида 9620 “Валюталар курслари фарқидан зарарлар” счёти 9910 “Якуний молиявий натижа” счёти билан боғланган ҳолда (Дебет 9910, Кредит 9620) ёпилади.

9690 “Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар” счётида молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар акс эттирилади. Ҳисобот даврининг охирида 9690 “Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар” счёти 9910 “Якуний молиявий натижа” счёти билан боғланган ҳолда (Дебет 9910, Кредит 9690) ёпилади.

Молиявий натижалар счётлари жумласига фавқулоддаги фойда (9710) ва фавқулоддаги зарар счётлари ҳам киритилиб бу счётлар йил охирида (давр охирида) бухгалтерия далолатномаси асосида 9910 «Якуний молиявий натижа» счётига (Дебет 9710,Кредит 9910-фавқулоддаги фойда,Дебет 9910,Кредит 9720-фавқулоддаги зарар) ўтказилиши билан ёпилади.

Юқоридаги счётлар ёпилгандан сўнг, 9910 «Якуний молиявий натижа» счётини ёпишга киришилади.

Йиллик бухгалтерия ҳисоботи тузишдан олдин 9910»Якуний молиявий натижа» счёти тўлиқ ёпилади. Бунда 9910»Якуний молиявий натижа» счётнинг дебет ва кредит оборотлари йил охирида (ҳисобот даври охирида) таққосланади. Агар, дебет обороти кредит оборотидан катта бўлса, фарқ суммаси ҳисобот даври зарари бўлиб, бунга дебет 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» ва кредит 9910»Якуний молиявий натижа» бухгалтерия проводкаси берилади. Агар, дебет обороти кредит оборотидан кичик бўлса, фарқ суммаси ҳисобот даври фойдаси бўлиб, бунга дебет 9910»Якуний молиявий натижа» ва кредит 8710»Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» бухгалтерия проводкаси берилади.

8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарар)” счётида фермер хўжаликларининг ҳисобот давридаги фаолияти бўйича тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)си ҳисобга олинади.

Тақсимланмаган фойда суммаси дивидендлар тўлаш учун йўналтирилганда 8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарар)” счётининг дебетида ва 6610 “Тўланадиган дивидендлар” счётининг кредитида акс эттирилади.

Тақсимланмаган фойда суммасидан қонунчиликда белгиланган тартибда резерв капиталини шакллантириш учун фойдаланиш мумкин, бунда 8710 “Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)” счёти дебетланади ва 8520 “Резерв капитал” счёти кредитланади.

Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойдани тақсимлашдан кейин қолган сумма 8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарар)” счётидан 8720 “Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)лар” счётига ўтказилади. Шу билан молиявий натижаларни ҳисобга олувчи счётларни ёпилиши якунланади.

#### **Мавзун мустақил ўзлаштириш бўйича саволлар :**

- 1.Йил охирида операцион ва молиявий натижа счётларини ёпиш зарурлиги ва аҳамияти
- 2.Счётларни ёпиш тартиби ва тамойиллари
- 3.Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар счётларини ёпиш
- 4.Келгуси давр харажатлари счётларини ёпиш
- 5.Умум ишлабчиқариш харажати счётларини ёпиш
- 6.Ўсимликчиликда тақсимланадиган харажатлар счётларини ёпиш
7. Ўсимликчиликнинг айрим экинлар бўйича аналитик счётларни ёпиш
- 8.Чорвачилик харажати счётларини ёпиш
- 9.Саноат ишлаб чиқариш харажати счётларини ёпиш
- 10.Бошқа ишлаб чиқаришлар счётиларини ёпиш
- 11.Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётларни ёпиш
- 12.Маҳсулот, иш ва хизматлар сотиш счётини ёпиш
- 14.Молиявий натижа счётларини ёпиш.

## **12-МАВЗУ: Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоботини тузиш хусусиятлари .**

Режа.

1. Ҳисоботнинг моҳияти, аҳамияти ва топшириш муддатлари.
2. Бухгалтерия баланси ва корхона сифат кўрсаткичларининг таҳлили.
3. Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботни тузиш тартиби.
4. Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни тузиш тартиби.
5. Пул оқимлари тўғрисида ҳисоботни тузиш тартиби.

### **«Таянч» иборалар:**

«Ҳисобот», «Бухгалтерия баланси», «Баланс-брутто», «Баланс-нетто», «Молиявий натижалар», «Асосий воситалар», «Активлар», «Оборот активлар», «Мажбуриятлар», «Қисқа муддатли мажбуриятлар», «Узоқ муддатли мажбуриятлар», «Хусусий капитал», «Резервлар», «Даромадлар», «Харажатлар», «Ҳисобот санаси», «Ҳисобот даври».

### **1. Ҳисоботнинг моҳияти, аҳамияти ва топшириш муддатлари.**

Хўжаликларни самарали бошқариш унинг хўжалик фаолияти, активларнинг ҳолати ва улардан фойдаланиш, хўжалик капитали ва мажбуриятлари тўғрисида тўла иқтисодий ахборотни тезкорлик билан олиш ва фойдаланишни тақоза қилади. Хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолияти устидан кундалик назоратни ҳужжатлар ва ҳисобот регистрларига асосан олиб борадилар. Лекин узоқ вақт (ой, чорак, йил) давомида хўжалик фаолиятининг якунини билиш учун бу маълумотлар етарли эмас. Уларни умумлаштириш ва тизимга келтириш зарур. Ушбу ахборотларни олишнинг асосий манбаи бухгалтерия ҳисоботи ҳисобланади.

**Бухгалтерия ҳисоботи**-ҳисоб жараёнининг якунловчи босқичи бўлиб, корхона фаолиятини маълум бир даврга (кунга) якунини акс эттирувчи жадваллар йиғиндисидан иборат. Бухгалтерия ҳисоботининг шакллари ва ундаги кўрсаткичлар давлат томонидан, яъни молия вазирлиги томонидан тасдиқланади. Ҳозирги кунда «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги қонуннинг 16-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002-йил 27-декабрдаги 140-сонли буйруғига асосан молиявий ҳисоботнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

1. Бухгалтерия баланси (1-шакл)
2. Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-шакл)
3. Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот (2-3 шакл)
4. Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот (4-шакл)
5. Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот (5-шакл)
6. Дебеторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотнома (2а-шакл).

Корхоналарда ҳисобот ҳисобнинг турларига қараб бўлинади:

1. Бухгалтерия ҳисоботи.
2. Статистик ҳисобот.
3. Оператив(тезкор) ҳисобот.

Бухгалтерия ҳисоботи корхонанинг мулкани, мажбуриятларини ва молиявий натижаларини қиймат ўлчовида акс эттириб, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида тузилади. У навбатида бухгалтерия ҳисоботини: а) Молиявий ҳисоботга ва б) Бошқарув ҳисоботига бўлиш мумкин.

Статистик ҳисобот корхонанинг алоҳида кўрсаткичлари ҳақида ҳам қиймат, ҳам натура маълумотларни акс эттиради ва статистика, бухгалтерия ва оператив ҳисоб маълумотлари асосида тузилади.

Оператив ҳисобот қисқа давр ичида корхона фаолиятининг асосий кўрсаткичлари ҳақида маълумот бериб, оператив ҳисоб маълумотлари асосида тузилади.

Бухгалтерия ҳисоботи топширилиш даврига (тузиш муддатига) қараб бўлинади:

1. Даврий ҳисоботлар.

2. Йиллик ҳисоботлар.

Даврий ҳисоботга «Бухгалтерия баланси», «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот», «Дебеторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида ҳисобот», «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот» шакллари киради.

Ушбу ҳисобот шакллари, қолган ҳисобот шакллари билан бирга йиллик ҳисобот таркибини ҳам ташкил этади.

Фермер хўжаликлари йилда бир марта, йиллик молиявий ҳисобот топширади.

Бухгалтерия ҳисоботи маълумотларидан фермер хўжаликлари бошқарувчилари, кредиторлар, мол етказиб берувчилар, харидорлар ва давлат органлари фойдаланадилар. Жумладан, 26.07.1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган, 14.08.1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишнинг концептуал асоси» нинг 9-бандига асосан молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга «Ҳақиқий ва бўлгуси инвесторлар, кредиторлар, маҳсулот етказиб берувчилар, харидорлар, ходимлар, шунингдек ҳукумат муассасалари, вазирликлар, жамоатчилик ва бошқа манфаатдор фойдаланувчилар» киради.

Фермер хўжаликларида молиявий ҳисобот шаклларида бошқа фермер хўжаликларининг ички ҳисобот шаклларида фойдаланувчи бўлиб фермер хўжаликларининг раҳбари ва аъзолари ҳисобланади.

Ҳисобот маълумотлари асосида фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти таҳлил қилинади, фойдаланилмаётган резервлар аниқланади ва йўл-қўйилган камчиликлар сабаби аниқланиб, келгусида йўл қўймаслик белгилаб олинади.

Бундан ташқари фермер хўжаликларида ҳисобот маълумотларидан режалаштиришда, яъни бизнес-режалар тузишда ҳам фойдаланилади.

Ҳисобот маълумотлари асосида фермер хўжаликларининг иқтисодий кўрсаткичлари ва унинг иқтисодий ҳолати тўғрисида таъминотчилар, харидорлар, инвесторлар ва кредиторлар ҳам маълумотларга эга бўладилар ва шунга асосан фермер хўжаликлари билан иқтисодий муносабатда бўладилар.

Бухгалтерия (молиявий) ҳисобот элементлари (унсурлари) бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- Активлар
- Мажбуриятлар
- Хусусий сармоя («Б.Ҳ. тўғрисида» қонун 14-модда)
- Резервлар (захиралар)

- Даромадлар
- Харажатлар
- Молиявий натижалар.

Ушбу элементлар моҳияти «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишнинг концептуал асоси» (1988 йил 26 июнда Молия вазирлиги тасдиқланган, 1998 йил 14 августда Адлия вазирлиги рўйхатга олган) нинг 37-38-моддаларида очиб берилган.

Бухгалтерия ҳисоботи маълум талаблар асосида тузилади. Бухгалтерия ҳисоботига қўйилган талабалар:

- Ҳисобот кўрсаткичлари тўғри ва ишонарли бўлиши керак
- Ҳисобот ўз вақтида тузилиши ва белгиланган муддатда топширилиши лозим.
- Ҳисобот Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклларда тузилиши керак

- Ҳисобот оддий, аниқ ва барча учун тушунарли бўлиши керак.
- Ҳисоботни корхона раҳбари ва бошқа тегишли шахслар имзолаши лозим
- Ҳисоботда тушунарсиз ва ўчириб ёзилган рақамлар бўлмаслиги керак.

Бухгалтерия ҳисоботи учун ҳисобот даври «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги қонуннинг 18-моддасига асосан 1-январдан 31 декабргача бўлган календарь йил ҳисобланади. Даврий ҳисоботлар эса, календарь йилдан фарқли 3,6,9-ой муддатларга тузилади. 26.07.1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган, 14.08.1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти №1 «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»нинг 61-моддасига асосан «Ҳисобот даврининг сўнгги календарь куни бухгалтерия (молиявий) ҳисоботлари – учун ҳисобот санаси ҳисобланади. Масалан, йиллик **Бухгалтерия баланси** учун ҳисобот санаси 31-декабрь ҳисобланса, йиллик **Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот** учун 1-январдан 31-декабргача бўлган давр ҳисобот даври ҳисобланади.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 16-моддасига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002-йил 27-декабрдаги «Молиявий ҳисобот шакллари ва тўлғазиш бўйича йўриқнома»га асосан жорий ҳисобот шакллари қуйидагилар киради:

- бухгалтерия баланси (1-шакл)
- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл)
- дебеторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумотнома (2а-шакл)
- пул оқимлари тўғрисида ҳисобот (4-шакл).

Ушбу ҳисобот шаклларининг 1, 2 ва 2а – шакллари 3, 6, 9 ойлик ва йиллик ҳисоботнинг, 4-шакл 6 ойлик ва йиллик ҳисоботнинг таркибида бўлади.

Биринчи навбатда шуни айтиш жоизки, фермер хўжаликлари мажбурий тартибда қуйидаги фойдаланувчиларга молиявий ҳисоботини топширади:

- таъсис ҳужжатларига биноан мулкдорлар (мулкни бошқариш бўйича ваколатли органлар, таъсисчилар);

- статистика органига;

- давлат солиқ инспекциясига;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан фермер хўжаликлари фаолиятининг айрим томонларини текшириш ва тегишли ҳисоботни олиш вазифалари юклатилган бошқа давлат органларига.

Фермер хўжаликлари томонидан тузиладиган ва тегишли органларга топшириладиган молиявий ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартси №1 «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» билан тартибга солинади. Молиявий ҳисоботларда қуйидаги ахборотлар тўлиқ акс эттирилиши керак:

1. Фермер хўжаликлари номи, юридик манзили, идентификацияланган рақами ва субъектни аниқлаб олиш учун зарур бўладиган бошқа реквизитлар;

2. Ҳисобот санаси ёки молиявий ҳисоботлар қайси даврни ўз ичига олиши; Топширилган ҳисобот ахборотларини тўғри тушуниш учун қуйидаги реквизитлар келтирилиши лозим:

1. Молиявий ҳисоботда қўлланилган валюта тури; 2. Ҳисоботда фойдаланилган рақамларнинг аниқлик даражаси, масалан, келтирилган рақамларнинг минг ҳисобида ёки миллион ҳисобида эканлиги ва ҳ.к.

## **2. Бухгалтерия баланси ва корхона сифат кўрсаткичларининг таҳлили.**

Бухгалтерия(молиявий) ҳисоботнинг асосий шаклларида бири «Бухгалтерия баланси» (1-шакл) ҳисобланади. **Бухгалтерия баланси**-корхона активларини, капитали ва мажбуриятларини маълум бир санага пул ўлчов бирлигида гуруҳлаб акс эттириш усулидир. «Баланс» сўзи латин тилидан олинган бўлиб, ўзбек тилида «тарози икки палласи тенглиги» маъносидан иборат. Бу корхона активлари суммасининг корхона капитали ва мажбуриятлари суммасига тенглигидан келиб чиқади.

**Бухгалтерия баланси тузилиш вақтига кўра**-Кириш баланси, Жорий баланс, Тугатиш баланси, Бўлиш баланси, Бирлаштириш балансига бўлинади.

**Ахборот ҳажмига кўра бухгалтерия баланси**-Бир марталик баланс ва Йиғма балансга бўлинади.

**Акс эттиштириш объектига кўра баланслар**—Мустақил (корхона бўйича тузилади) ва алоҳида (корхона филиаллари бўйича тузилади) балансларга бўлинади.

**Тозалаш усулига кўра баланслар** – «Баланс-брутто» ва «Баланс-нетто» га бўлинади.

**Баланс-брутто**-барча моддаларни ўз ичига олиб, бу моддалар суммаси балансининг якуний суммасига киради. Масалан, «Асосий воситалар эскириши» суммаси «Асосий воситалар» бошланғич қийматидан айрилмасдан акс эттирилади.

**Баланс-нетто** – тегишли баланс моддаси суммасидан тегишли тартибга солувчи моддалар суммаси чегирилган ҳолда тузилган бухгалтерия балансидир. Буни балансни «тозалаш» деб аталади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда фермер хўжаликлари бухгалтерия балансларини «баланс-нетто» кўринишида тузадилар.

Бухгалтерия баланси жадвал кўринишида бўлиб, унинг ўнг томони «Актив», чап томони «Пассив» деб аталади. Баланс активи икки бўлимдан: I- бўлим «Узоқ муддатли активлар», II-бўлим «Оборот (айланма) активлар» дан иборат, Пассив томони ҳам икки бўлимдан: I – бўлим «Ўз маблағларининг манбалари», II- бўлим «Мажбуриятлар» дан иборат.

Бухгалтерия баланси бўлимлари баланс моддаларидан иборат. Баланс моддалари балансни тузишни енгиллаштириш ва қулай бўлиши учун

бухгалтерия счётига мослаштирилган. Фермер хўжаликлари ичида балансда келтирилган ахборотлар фермер хўжаликларининг хўжалик фаолиятини таҳлил этиш, харажатлар ва йўқотишларни қисқартириш, резервларини қидириб топиши, фермер хўжаликлари тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобидан тўланадиган жарималар, бурдсизликлар сабабларини бартараф этиш учун кенг қўлланилади.

Балансга асосан фермер хўжаликларининг тўлов қобилияти ва бошқа бир қанча сифат кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда таҳлил қилиш мумкин.

Баланс маълумотларига асосан фермер хўжаликларининг тўлов қобилияти қуйидагича аниқланади.

$$\boxed{\begin{array}{l} \text{Фермер} \\ \text{хўжаликлари-} \\ \text{нинг мутлоқ} \\ \text{тўлов қобилияти} \end{array}} = \frac{\text{Пул маблағлари}}{\text{Фермер хўжаликларининг қисқа муддатли мажбуриятлари}}$$

Бу кўрсаткич 0,2 коэффицент ёки 20% дан кам бўлмаслиги керак. Шу йўл билан ҳисоблаб чиқилган коэффицент фермер хўжаликларининг қисқа муддатли қарз мажбуриятларини қанчаси зудлик билан қайтарилишини кўрсатади.

Баланс маълумотлари бўйича фермер хўжаликларининг соф оборот маблағлари ёки капиталини аниқлаб олиш унинг истиқболдаги ривожланишини таърифлайди.

$$\boxed{\begin{array}{l} \text{Соф оборот} \\ \text{маблағлар ёки} \\ \text{капитал} \end{array}} = \boxed{\begin{array}{l} \text{Оборот} \\ \text{активлар} \end{array}} - \boxed{\begin{array}{l} \text{Қисқа муддатли} \\ \text{мажбуриятлар} \end{array}}$$

Соф оборот маблағлар ёки капитал ҳажми фермер хўжаликлари томонидан ўз қарзини тўлагандан сўнг унинг потенциал ривожланиш қобилиятини таърифлайди.

Соф оборот маблағлар ёки капиталининг коэффиценти қуйидагича топилади:

$$\boxed{\begin{array}{l} \text{Соф оборот} \\ \text{капитали} \\ \text{коэффиценти} \end{array}} = \frac{\text{Материаллар ишлаб чиқариш захиралари}}{\text{Соф оборот капитал}}$$

Бу коэффицент бир сўмлик соф оборот капиталига неча пуллик ҳали ишлаб чиқаришга сарфланмаган материал захиралари тўғри келишини таърифлайди. Бундай маълумотларга асосан фермер хўжаликлари ҳолатини ривожлантириш бўйича тегишли қарорларни қабул қилишда фойдаланилади.

Баланс маълумотларидан фойдаланиладиган ташқи қизиқувчилар учун фермер хўжаликлари капиталининг структуравий кўрсаткичлари (ёки тўлов қобилияти, молиявий барқарорлиги) муҳим аҳамиятга эга.

Капиталнинг структуравий кўрсаткичлари фермер хўжаликларига узоқ муддатли қўйилмалар қўйган инвесторлар ва кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш даражасини таърифлайди. Улар фермер хўжаликларининг узоқ муддатли қарзларини тўлаш қобилиятини акс эттиради.

Мулк коэффиценти (ёки хусусий капитални концентрациялаш коэффиценти) қуйидагича топилади:

|                     |   |                                    |
|---------------------|---|------------------------------------|
| Мулк<br>коэффиценти | = | ХК (Хусусий капитал)               |
|                     |   | Активларнинг ўртача йиллик қиймати |

Бу коэффицент бир йилликка тенг ёки ундан ортиқ бўлиши мумкин. У фермер хўжаликлари эгаларининг фермер хўжаликларига қўйилган маблағларнинг умумий суммасидага улушини кўрсатади. Корхона эгаларининг улуши қанчалик кўп бўлса, шунчалик фермер хўжаликлари молиявий барқарор, иқтисодий мустаҳкам бўлади ва ташқи кредиторларга қарам бўлмайди.

Фермер хўжаликларининг молиявий қарамлик коэффиценти (Кмқ) қуйидагича аниқланади:

|     |   |                      |
|-----|---|----------------------|
| Кмқ | = | Қарз капитали (Қк)   |
|     |   | Хусусий капитал (Хк) |

Ушбу коэффицент 0,5 дан кам бўлмаслиги, ҳамда максимум 1 дан ошмаслиги керак. Мазкур коэффицент 0,5 дан кичик бўлса фермер хўжаликларининг ташқи қарз берувчиларга молиявий қарамлигини таърифлайди ва унинг 0 коэффицентга яқинлашиши корхонани молиялаштиришда қарзга олинган маблағлар улушини кўпайиб бораётганини кўрсатади.

### **3. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузиш тартиби.**

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 25.08.1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган, 27.08.1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартси №3-Бухгалтерия ҳисоби Миллий стандарти «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»га биноан жорий бухгалтерия маълумотлари бўйича тузилади.

Қуйида Адлия вазирлигида 2003 йил 24 январда 1209-сон билан рўйхатдан ўтган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 27 декабрдаги 140 сонли буйруғи билан тасдиқланган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг шакли келтирилади.

#### **МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ.**

**200\_\_йил.**

**2-**

**шакл**

**Кодла**

**р**

|                                             |                      |  |
|---------------------------------------------|----------------------|--|
| Корхона,ташкилот _____                      | БХУТ бўйича 2-шакл   |  |
| Тармоқ _____                                | КРЕДИТУТ бўйича      |  |
| Ташкилилий-ҳуқуқий _____                    | ХХТУТ бўйича         |  |
| Мулкчилик _____                             | ТППТ бўйича          |  |
| Вазирлик,идора бошқалар _____               | МШТ бўйича           |  |
| Солиқ тўловчининг индефикациян рақами _____ | ДБИБТ бўйича         |  |
| Худуд _____                                 | СИТР                 |  |
| Манзил _____                                | МХБТ                 |  |
| Ўлчов бирлиги, минг сўм _____               | Жўнатилган сана      |  |
|                                             | Қабул қилинган сана  |  |
|                                             | Тақдим қилиш муддати |  |

| Кўрсаткичлар номи                                                               | Сатр тури | Ўтган йилнинг шу даврида |                      | Ҳисобот даврида |                      |
|---------------------------------------------------------------------------------|-----------|--------------------------|----------------------|-----------------|----------------------|
|                                                                                 |           | Даромад (фойда)          | Харажатлар(зарарлар) | Даромад (фойда) | Харажатлар(зарарлар) |
| 1                                                                               | 2         | 3                        | 4                    | 5               | 6                    |
| Маҳсулот(товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум                           | 010       |                          | x                    |                 | x                    |
| Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)лар таннари                              | 020       | x                        |                      | x               |                      |
| Маҳсулот(товар, иш ва хизмат)лар сотишнинг ялпи фойдаси (зарари) (сатр.010-020) | 030       |                          | x                    |                 | x                    |
| Давр харажатлари, жами (сатр 050+060+070+080), шу жумладан                      | 040       | x                        |                      | x               |                      |
| Сотиш харажатлари                                                               | 050       | x                        |                      | x               |                      |
| Маъмурий харажатлар                                                             | 060       | x                        |                      | x               |                      |
| Бошқа операцион харажатлар                                                      | 070       | x                        |                      | x               |                      |
| Келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари  | 080       | x                        |                      | x               |                      |
| Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари                                            | 090       |                          | x                    |                 | x                    |

|                                                                               |     |   |   |   |   |
|-------------------------------------------------------------------------------|-----|---|---|---|---|
| Асосий фаолиятнинг фойдаси(зарари) (сатр.030-040+090)                         | 100 |   |   |   |   |
| Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами(сатр.120+130+140+150+160),шу жумладан: | 110 |   | x |   | x |
| Дивидентлар шаклидаги даромадлар                                              | 120 |   | x |   | x |
| Фоизлар шаклидаги даромадлар                                                  | 130 |   | x |   | x |
| Узоқ муддатли ижара(лизинг)дан даромадлар                                     | 140 |   | x |   | x |
| Валюта курси фарқидан даромадлар                                              | 150 |   | x |   | x |
| бошқа даромадлари                                                             | 160 |   | x |   | x |
| Молиявий фаолият бўйича харажатлар (сатр.180+190+200+210),шу жумладан:        | 170 | x |   | x |   |
| Фоизлар шаклидаги харажатлар                                                  | 180 | x |   | x |   |
| Узоқ муддатли ижара(лизинг) бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар               | 190 | x |   | x |   |
| Валюта курси фарқидан зарарлар                                                | 200 | x |   | x |   |
| Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар                                      | 210 | x |   | x |   |
| Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари)(сатр.100+110-170)                   | 220 |   |   |   |   |
| Фавқулоддаги фойда ва зарарлар                                                | 230 |   |   |   |   |
| Даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар) (сатр 220+/- 230)      | 240 |   |   |   |   |
| Даромад (фойда)дан солиғи                                                     | 250 | x |   | x |   |
| Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар                                           | 260 | x |   | x |   |
| Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари) (сатр 240-250-260)                     | 270 |   |   |   |   |

Фермер хўжаликларида ҳисоботнинг 010-сатри 9000 «Асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби счётлари»нинг тегишли (9010-9030) счётларидан олинади.

020 - сатр суммаси 9100»Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархи ҳисоби счётлари»нинг тегишли счётлари (9110-9130) дан олинади.

030 - сатр суммаси 010 - сатр суммасидан 020 - сатр суммасини айириб ташлаш йўли билан топилади.

040 - сатрда 050, 060, 070-сатрларнинг жами суммаси акс эттирилади.

050-сатрда 9410 «Сотиш бўйича харажатлар» счётида ҳисобга олинган сотиш харажатлари акс эттирилади.

060 - сатрда 9420 «Маъмурий харажатлар» счётида ҳисобга олинган сумма акс эттирилади.

070 - сатрда 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётида ҳисобга олинган сумма акс эттирилади.

090 - сатрнинг суммаси 9300 «Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳисоби счётлари»нинг тегишли счётлари (9310-9390)дан олинади.

100 - сатрнинг суммаси 030 - сатр суммасидан 040-сатр суммасини олиб ташлаб, 090 - сатр суммасини қўшиш йўли билан топилади.

110 - сатрда 120,130,140,150,160 - сатрларнинг жами суммаси акс эттирилади.

120 - сатрда 9520 «Дивиденд кўринишидаги даромадлар» счётининг суммаси акс эттирилади.

130 - сатрда 9530 «Фоиз кўринишидаги даромадлар» счётининг суммаси акс эттирилади.

140 - сатрда 9550 «Узоқ муддатли ижарадан даромадлар» счётининг суммаси акс эттирилади.

150 - сатрда 9540 «Валюталар курслари фарқларидан олинган даромадлар» счётининг суммаси кўрсатилади.

160- сатрда 9510 «Роялти кўринишидаги даромадлар», 9560 «Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар» ва 9590 «Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари» счётларининг маълумотлари акс эттирилади.

170 - сатрда 180, 190, 200, 210 - сатрлар жами суммаси акс эттирилади.

180 - сатрда 9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар» счётида ҳисобга олинadиган банк кредитлари ва қарзлар бўйича тўланган фоизлар суммаси акс эттирилади.

190 - сатрда 9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар» счётида ҳисобга олинadиган узоқ муддатли ижара(лизинг) бўйича тўланадиган фоизлар акс эттирилади.

200 - сатрда 9620 «Валюталар курслари фарқларидан зарар» счётида ҳисобга олинadиган валюта операциялари бўйича салбий курс фарқлари суммаси акс эттирилади.

210 - сатрда 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» счётларининг маълумотлари акс эттирилади.

220 - сатрнинг суммаси 100 - сатр суммасига 110 - сатр суммасини қўшиб, 170-сатр суммасини олиб ташлаш йўли билан топилади.

230 - сатрнинг «Даромад (фойда)» сатри 9710 «Фавқулодда фойдалар» счётининг маълумотларига асосан тўлдирилади, «Харажатлар (зарар)» сатрига ёзиш учун маълумот 9720 «Фавқулоддаги зарарлар» счётидан олинади.

240 - сатрнинг суммаси 220 - сатр суммасига 230 - сатр суммасини қўшиш ёки олиб ташлаш йўли билан топилади. Бу маълумот 9910 «Якуний молиявий натижа» счётининг дебет ва кредит оборотларининг фарқи суммасига тенг бўлиши керак.

Амалдаги қонунчиликка биноан фермер хўжаликлари 260 - сатрда ҳисобланган ягона ер солиғи суммасини акс эттиради.

270 - сатр суммаси 240 - сатр суммасидан 260 - сатр суммасини олиб ташлаш йўли билан аниқланади.

Фермер хўжаликларида “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” шаклининг 080 ва 250 сатрлари тўлғазилмайди.

#### **4. Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот.**

Молиявий ҳисобдаги ички ва ташқи фойдаланувчилар учун фермер хўжаликлари асосий воситаларининг таркиби, уларнинг иш ҳолати, умумий қиймати муҳим аҳамиятга эга. Бу маълумотлар фермер хўжаликларининг молиявий ҳисоботи таркибида тузиладиган “Асосий воситалар ҳаракати

тўғрисидаги ҳисобот”да акс эттирилади. Қуйида бу ҳисоботнинг шаклини келтирамиз.

### 3-шакл

#### АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ.

200\_\_йил

|                                                 |                                       |            |
|-------------------------------------------------|---------------------------------------|------------|
| Корхона,ташкилот_____                           | БХУТ бўйича 3-шакл<br>КРЕДИТУТ бўйича | Кодла<br>р |
| Тармоқ_____                                     | ХХТУТ бўйича                          |            |
| Ташкилилий-ҳуқуқий _____                        | шакли ТППТ бўйича                     |            |
| Мулкчилик _____                                 | шакли МШТ бўйича                      |            |
| Вазирлик,идора<br>бошқалар_____                 | ва ДБИБТ бўйича                       |            |
| Солиқ тўловчининг индефикацияон<br>рақами _____ | СИТР                                  |            |
| Худуд _____                                     | МҲБТ                                  |            |
| Манзил _____                                    | Жўнатилган сана                       |            |
| Ўлчов бирлиги, минг сўм _____                   | Қабул қилинган сана                   |            |
|                                                 | Такдим қилиш<br>муддати               |            |

| Кўрсаткичлар номи                                     | Сатр<br>№ | Бошланғич<br>(қайта<br>тиклаш)<br>киймат |       |                    |               | Йиғилган<br>амортизация<br>(эскириш)<br>миқдори |       |          |               | Қолдиқ<br>киймат |                |
|-------------------------------------------------------|-----------|------------------------------------------|-------|--------------------|---------------|-------------------------------------------------|-------|----------|---------------|------------------|----------------|
|                                                       |           | йил<br>бошиг                             | қирим | ҳисобдан<br>чиқари | йил<br>охириг | йил<br>бошиг                                    | қирим | ҳисобдан | йил<br>охириг | йил<br>бошига    | йил<br>охирига |
| 1                                                     | 2         | 3                                        | 4     | 5                  | 6             | 7                                               | 8     | 9        | 10            | 11               | 12             |
| Ер                                                    | 010       |                                          |       |                    |               |                                                 |       |          |               |                  |                |
| Ерни ободонлаштириш                                   | 020       |                                          |       |                    |               |                                                 |       |          |               |                  |                |
| Узоқ _____ муддатли<br>ижара(лизинг)шартномаси бўйича | 030       |                                          |       |                    |               |                                                 |       |          |               |                  |                |

|                                                                                   |     |  |  |  |  |   |   |   |   |   |   |
|-----------------------------------------------------------------------------------|-----|--|--|--|--|---|---|---|---|---|---|
| олинган асосий воситаларни ободонлаштириш                                         |     |  |  |  |  |   |   |   |   |   |   |
| Бино                                                                              | 040 |  |  |  |  |   |   |   |   |   |   |
| Иншоот                                                                            | 050 |  |  |  |  |   |   |   |   |   |   |
| Узатиш мосламалари                                                                | 060 |  |  |  |  |   |   |   |   |   |   |
| Машина ва ускуналар                                                               | 070 |  |  |  |  |   |   |   |   |   |   |
| Мебель ва офис жиҳозлари                                                          | 080 |  |  |  |  |   |   |   |   |   |   |
| Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси                                         | 090 |  |  |  |  |   |   |   |   |   |   |
| Транспорт воситалари                                                              | 100 |  |  |  |  |   |   |   |   |   |   |
| Ишчи ҳайвонлар                                                                    | 110 |  |  |  |  |   |   |   |   |   |   |
| Маҳсулдор ҳайвонлар                                                               | 120 |  |  |  |  |   |   |   |   |   |   |
| Кўп йиллик дарахтлар                                                              | 130 |  |  |  |  |   |   |   |   |   |   |
| Бошқа асосий воситалар                                                            | 140 |  |  |  |  |   |   |   |   |   |   |
| Консервация қилинган асосий воситалар                                             | 150 |  |  |  |  |   |   |   |   |   |   |
| Узоқ муддатли ижара(лизинг)га олинган                                             | 160 |  |  |  |  |   |   |   |   |   |   |
| <b>Жами асосий воситалар (010-сатрдан 160-сатргача), шундан:</b>                  | 170 |  |  |  |  |   |   |   |   |   |   |
| Ишлаб чиқариш                                                                     | 171 |  |  |  |  |   |   |   |   |   |   |
| Ноишлаб чиқариш                                                                   | 172 |  |  |  |  |   |   |   |   |   |   |
| <b>Маълумот учун:</b>                                                             |     |  |  |  |  |   |   |   |   |   |   |
| Йил давомида сотиб олинган асосий воситалар, жами(сатр.181+182+183), шу жумладан: | 180 |  |  |  |  | x | x | x | x | x | x |
| ўз маблағлари ҳисобига                                                            | 181 |  |  |  |  | x | x | x | x | x | x |
| банк кредити ҳисобига                                                             | 182 |  |  |  |  | x | x | x | x | x | x |
| бошқа қарзга олинган маблағлар ҳисобига                                           | 183 |  |  |  |  | x | x | x | x | x | x |
| Тугалланмаган қурилиш                                                             | 190 |  |  |  |  | x | x | x | x | x | x |

Раҳбар \_\_\_\_\_

Бош бухгалтер

Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот жадвали мазмунидан кўриниб турибдики, унда асосий воситалар ва уларнинг эскириши белгиланган таснифи асосида қуйидаги кўрсаткичлар бўйича акс эттирилади:

- ◆ йил бошига қолдиғи;
- ◆ ҳисобот даврида асосий воситаларининг кирими;
- ◆ ҳисобот даврида ҳисобдан чиқарилгани;
- ◆ йил охирига қолдиғи.

Ҳисоботнинг 3 ва 6 - устунларида корхона балансида ҳисобга олинган барча асосий воситаларнинг қиймати акс эттирилади.

4-устунда ҳисобот даврида, қайта баҳолаш қиймати ҳам қўшилган ҳолда қуйидаги манбалардан корхона тасарруфига ўтган асосий воситалар акс эттирилади:

- ◆ пулга сотиб олиш ёки янгидан қуриш;
- ◆ оборот маблағлардан асосий воситага ўтказилиши;
- ◆ бошқа корхона ва ташкилотлардан бепул олиними;
- ◆ инвентаризация натижасида ортиқча чиққан асосий воситалари кирими;
- ◆ лизинг операциялари бўйича узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситалар.

5- устунда қайта баҳолаш натижасида нархини пасайтириш ёки қўшилган ҳолда қуйидаги сабабларга кўра хўжалик тасарруфидаги асосий воситалар таркибидан чиқарилган объектлар қиймати акс эттирилади:

- ◆ пулга сотилган кераксиз ва ортиқча асосий воситалар;
- ◆ асосий воситалар таркибидан оборот маблағларга ўтказилган объектлар;
- ◆ бошқа корхона ва ташкилотларга бепул берилган объектлар;
- ◆ эскириши натижасида объектларнинг ҳисобдан чиқарилиши;
- ◆ табиий офатлар, авария натижасида ва бошқа сабабларга кўра объектларнинг ҳисобдан чиқарилиши.

7 ва 10 - устунларда асосий воситаларнинг турлари бўйича ҳисобот даври бошига ва охирига йиғилган амортизация (эскириш) суммаси акс эттирилади.

8-устунда асосий воситаларни қайта баҳолаш натижасида қўшимча ҳисобланган амортизация суммаси ҳам қўшилган ҳолда, ҳисобот давридаги барча асосий воситалари бўйича ҳисобланган амортизация (эскириш) суммаси акс эттирилади.

9 - устунда тугатилган, сотилган ва бошқа йўллар билан фермер хўжалиги тасарруфидан чиқиб кетган асосий воситалар эскириши кўрсатилади.

11 - устунда асосий воситаларнинг йил бошига қолган соф қолдиқ қиймати акс эттирилади. Бу сумма 3 - устун билан 7– устунларнинг суммалари фарқидан иборат.

12 - устунда асосий воситаларнинг ҳисобот даври охирига қолган соф қолдиқ қиймати акс эттирилади. Бу сумма 6 - устун билан 10 - устунларнинг суммалари фарқидан иборат.

Асосий воситаларнинг жами суммасидан ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш йўналишидаги асосий воситаларнинг ҳаракати алоқида ажратиб кўрсатилади.

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш йўналишидаги асосий воситалар таркибига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва бошқа моддий ишлаб чиқариш фаолияти соҳасига тегишли асосий воситалар киради.

Фермер хўжаликларида ноишлаб чиқариш йўналишидаги асосий воситалар таркибига уй-жой хўжалиги, маданият ва шунга ўхшаганларда фойдаланиладиган асосий воситалар киради.

## **5. Пул оқими тўғрисида ҳисобот.**

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот маълум бир ҳисобот даврида фермер хўжаликларининг пул маблағлари ҳолатига операция, инвестиция ва молиявий фаолияти таъсирини акс эттиради ҳамда шу давр ичида пул маблағлари ўзгаришини кўрсатади.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот маълумотларидан фойдаланиш қуйидаги имкониятларни беради:

- ◆ фермер хўжаликларининг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини ишлаб топиш қобилиятини, шунингдек, шунга ўхшаган пул маблағларидан фойдаланишда фермер хўжаликлари эҳтиёжини баҳолаш;

- ◆ фермер хўжаликларининг соф активдаги ўзгаришларни, унинг (тўлов қобилияти ҳам қўшилган ҳолда) молиявий структурасини ва унинг ўзгарувчан вазият ва имкониятларига мослашиш мақсадида пул оқимларининг суммалари ҳамда ўз вақтида тушишига таъсир этиш қобилиятини баҳолаш;

- ◆ турли фермер хўжаликларининг операцион фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини таққослаш. Чунки бу хўжалик фаолиятининг бир хил операция ва воқеалари учун бухгалтерия ҳисобининг турли усулларидан фойдаланиш оқибатларини бартараф этади.

Пул оқими тўғрисидаги ҳисоботда ҳисобот даври ичида пул маблағлари оқими қуйидаги фаолиятлар бўйича таснифланади:

- ◆ операцион фаолияти;
- ◆ инвестицион фаолияти;
- ◆ молиявий фаолияти.

Операцион фаолиятдан олинадиган пул маблағлари ҳажми фермер хўжаликлари фаолияти самарасининг ҳал этувчи кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Чунки у ташқи молиялаш манбаларисиз қайтариш, меҳнат унумдорлик даражасини сақлаш, дивидендлар тўлаш ва янги капитал қўйилмаларни амалга ошириш имкониятини беради.

Операцион фаолиятида бўлган пул маблағлари ҳаракати биринчи навбатда даромад олиш бўйича асосий фаолият натижаси бўлиб ҳисобланади.

Инвестицион фаолият - бу пул эквивалентига кирмайдиган узоқ муддатли активлар ва бошқа инвестицияларни сотиб олиш ва сотиш, қайтариладиган кредитларни бериш ва олишдир. Буларга бино, асбоб - ускуна, номоддий ва бошқа активларни сотиш ва сотиб олиш, акция ёки бошқа қарз мажбуриятларини сотишдан тушган тушум ва бошқа корхоналарнинг акциялари ва қарз мажбуриятларини сотиб олиш, фьючерс, форвард, опцион ва своп - контрактлар бўйича тушумлар ва улар бўйича тўловлар киради.

**Фьючерс** контракт (муддатли контракт) - бу маълум миқдорда молиявий инструментларни ёки белгиланган меъёргаги товарни эркин савдо биржасида келишилган нархда олди – сотдиси тўғрисидаги шартнома.

**Форвард** контракти - бу товар ёки молиявий инструментларни келажакда жўнатиш ва ҳисоб - китоб қилиш бўйича олди - сотди тўғрисидаги битим.

**Опцион** контракт (мукофотли битим) - бу маълум миқдордаги молиявий инструментлар ёки товарларни келишилган муддат ичида белгиланган миқдорда мукофот тўлаш эвазига қайд этилган нархда сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқи.

Молиявий фаолият - бу шундай фаолият турики, унинг натижасида фермер хўжаликларининг хусусий капитали, қарзлари ҳажми ва структураси (тузилиши) да ўзгариш ҳосил бўлади.

Қуйидаги пул маблағларининг ҳаракати бунга мисол бўла олади:

| Пул маблағларининг тушуми                                                                           | Пул маблағларининг чиқими                                                                         |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Қимматли қоғозлар чиқаришдан олинадиган тушумлар                                                    | Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича тўланмалар                                                  |
| Қарзга олинган маблағлар тушуми (чиқарилган векселлар, облигациялар ва бошқа узоқ муддатли қарзлар) | Қарзларнинг қайтарилиши (операцион фаолиятда акс эттириладиган қарзлар бўйича фоизлардан ташқари) |
|                                                                                                     | Дивидентлар тўлаш ва капиталнинг бошқа кўринишдаги тақсимланиши                                   |
|                                                                                                     | Молиялаштириладиган ижара билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар бўйича тўловлар                        |

Қуйида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140 - сон буйруғи билан тасдиқланган «Пул оқимлари тўғрисида»ги ҳисоботи шаклини келтирамиз.

#### ПУЛ ОҚИМЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ (4- шакл)

|                                        |       |                    |                 | Кодлар |
|----------------------------------------|-------|--------------------|-----------------|--------|
| Корхона, ташкилот _____                |       | БХУТ бўйича 4-шакл | КРЕДИТУТ бўйича |        |
| Тармоқ _____                           |       | ХХТУТ бўйича       |                 |        |
| Ташкилилий-ҳуқуқий _____               | шакли | ТХШТ бўйича        |                 |        |
| Мулкчилик _____                        | шакли | МШТ бўйича         |                 |        |
| Вазирлик, идора бошқалар _____         | ва    | ДБИБТ бўйича       |                 |        |
| Солиқ тўловчининг индефикацияон рақами |       | СТИР               |                 |        |
| Худуд _____                            |       | МХОБТ              |                 |        |
| Манзил _____                           |       | Жўнатилган сана    |                 |        |
| Ўлчов бирлиги, минг сўм                |       | Қабул сана         | қилинган        |        |
|                                        |       | Тақдим муддати     | қилиш           |        |

| Кўрсаткичлар номи | Қатор № | Чиқим | Кириш |
|-------------------|---------|-------|-------|
| Операцион фаолият |         |       |       |

|                                                                                                      |     |  |  |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|--|--|
| Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан келиб тушган пул маблағлари                             | 010 |  |  |
| Материал, товар, иш ва хизматлар учун мол етказиб берувчиларга тўланалиган пул маблағлари            | 020 |  |  |
| Ходимларга ва улар номидан тўланган пул маблағлари                                                   | 030 |  |  |
| Операцион фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари                                               | 040 |  |  |
| Жами операцион фаолиятининг соф кирими (чиқими) сатр 010-<br><i>Инвестиция фаолияти</i>              |     |  |  |
| Асосий воситаларни сотиб олиш ва сотиш                                                               | 050 |  |  |
| Номолдий активларни сотиб олиш ва сотиш                                                              | 060 |  |  |
| Узоқ муллатли молдий активларни сотиб олиш ва сотиш                                                  | 070 |  |  |
| Инвестиция фаолиятининг бошқа пул тушумлари ва                                                       | 080 |  |  |
| Жами инвестиция фаолиятининг соф пул кирими (чиқими) (сатр 060+(-070)+(-080)+(-090))                 | 090 |  |  |
| <i>Молиявий фаолият</i>                                                                              | 100 |  |  |
| Олинган ва тўланган фоизлар                                                                          | 110 |  |  |
| Олинган ва тўланган дивидендлар                                                                      | 120 |  |  |
| Акция чиқаришдан ёки хусусий капитал билан боғлиқ бўлган бошқа инструментлардан келган пул тушумлари | 130 |  |  |
| Хусусий акциялар сотиб олингандаги пул тўловлари                                                     | 140 |  |  |
| Узоқ ва қисқа муддатли кредит ва қарзлари бўйича пул тушумлари ва тўловлари                          | 150 |  |  |
| Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича пул тушумлари ва тўловлари                              | 160 |  |  |
| Молиявий фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари                                                | 170 |  |  |
| Жами молиявий фаолиятнинг соф кирими (чиқими) (сатр 110+(-120)+130-140+(-150)+(-160)+(-170))         | 180 |  |  |
| <i>Солиққа тортиш</i>                                                                                |     |  |  |
| Тўланган даромад (фойда) солиғи                                                                      | 190 |  |  |
| Тўланган бошқа солиқлар                                                                              | 200 |  |  |
| Жами тўланган солиқлар (сатр 190+200)                                                                | 210 |  |  |
| Жами молиявий - хўжалик фаолиятининг соф пул кирим - чиқими (сатр 050+(-100)+(-180)-210)             | 220 |  |  |
| Йил бошига пул маблағлари                                                                            | 230 |  |  |
| Йил охирига пул маблағлари                                                                           | 240 |  |  |

**Чет эл валютасидаги пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги маълумот**

| Кўрсаткичлар номи                                           | сатр коди | Миқдор и сумма |
|-------------------------------------------------------------|-----------|----------------|
| Йил бошига қолдиқ                                           | 250       |                |
| Келиб тушган валюта маблағлари, жами (сатр 261+262+263+264) | 260       |                |
| шу жумладан:                                                |           |                |
| Сотишдан олинган тушум                                      | 261       |                |
| Конвертация қилинган                                        | 262       |                |
| Молиявий фаолият бўйича                                     | 263       |                |
| Бошқа манбалар                                              | 264       |                |

|                                                                        |     |  |
|------------------------------------------------------------------------|-----|--|
| Сарфланган валюта маблағлари, жами (сатр 271+272+273),<br>шу жумладан: | 270 |  |
| Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўловлар                       | 271 |  |
| Молиявий фаолият бўйича тўловлар                                       | 272 |  |
| Бошқа мақсадлар учун                                                   | 273 |  |
| Йил охиридаги қолдиқ (сатр 250+260-270)                                | 280 |  |

Раҳбар \_\_\_\_\_

Бош бухгалтер \_\_\_\_\_

010 - сатрда ҳисобот даврида сотилган маҳсулот (иш ва хизмат)лар учун фермер хўжалиги счётига ва кассасига тушган пул маблағлари акс эттирилади.

020 - сатрда фермер хўжаликларининг олинган материал, ишлар ва хизматлар учун мол юборувчиларига ва пудратчиларга тўланган пул маблағлари (сотиб олинган узоқ муддатли активлар учун тўланганидан ташқари) акс эттирилади.

030-сатрда фермер хўжаликлари пул маблағларининг қандай мақсадлар учун сарфланиши кўрсатилади: ходимларга тўланган иш ҳақи, мукофотлар, пенсия, бандлик, шахсий суғурта жамғармасига тўланмалар; бюджетга даромад солиғи тўлаш, касаба уюшмаларига тўланмалар; алимент тўловлари, тураржой жамғармасига тўловлар; ходимларга берилган банк кредитлари бўйича тўловлар ва ҳ.к.лар акс эттирилади.

040 - сатрда турли хил тўловлар, комисион йиғимлар ва бошқа операцион фаолиятдан олинган, тўланган пул маблағлари акс эттирилади.

050 - сатрда қўшув, олув аломатларини инобатта олган ҳолда 010,020,030, 040 сатрларининг йиғиндиси акс эттирилади.

060 - сатрда сотилган ва сотиб олинган асосий воситалар учун келиб тушган «кирим» ва сарфланган «чиқим» пул маблағлари акс эттирилади.

070 - сатрда сотилган ва сотиб олинган номоддий активлар учун келиб тушган «кирим» ва сарфланган «чиқим» пул маблағлари акс эттирилади.

080 - сатрда сотиб олинган «чиқим» ва сотилган «кирим» қимматли қоғозлар ва инвестицияларнинг бошқа инструментларидан келиб тушган «кирим» ва сарфланган «чиқим» пул маблағлари акс эттирилади.

090 - сатрда бошқа инвестицион фаолиятдан олинган «кирим» ва тўланган «чиқим» пул маблағлари акс эттирилади.

100 - сатрда 060,070,080,090 сатрларнинг плус билан белгиланган йиғиндиси «кирим», минус билан белгиланган йиғиндиси «чиқим» устунларида акс эттирилади.

110 - сатрнинг «кирим» устунида олинган фоизлар суммаси, «чиқим» устунида тўланган фоизлар суммаси акс эттирилади.

120 - сатрнинг «кирим» устунида олинган дивидендлар суммаси, «чиқим» устунида тўланган дивидендлар суммаси акс эттирилади.

150 - сатрда ҳисобот даврида олинган кредитлар «кирим» ва тўланган қарзлар «чиқим» суммаси акс эттиради.

160 - сатрнинг «чиқим» устунида ижарага берувчи (лизинг берувчи)га тўланган, «кирим» устунида ижарага олувчи (лизинг олувчи)дан тушган пул маблағлари акс эттирилади.

170 - сатрда бошқа молиявий фаолиятдан олинган «кирим» ва тўланган «чиқим» пул маблағлари акс эттирилади.

180 - сатрда 110,120,130,140,150,160,170 сатрларнинг плус билан белгиланган йиғиндиси «кирим», минус билан белгиланган йиғиндиси «чиқим» устунларида акс эттирилади.

200 - сатрда ягона ер солиғи, пошлиналар ва уларга тенглаштирилган йиғим ва ажратмалар суммаси акс эттирилади.

210 - сатрда 200 - сатрларнинг суммаси акс эттирилади.

220 - сатрда 050, 100, 180, 210 - сатрларнинг плус билан белгиланган йиғиндиси «кирим», минус билан белгиланган йиғиндиси «чиқим» устунларида акс эттирилади.

230 - сатрда фермер хўжаликлари баланснинг 320 - сатрини 3 - устунда кўрсатилган пул маблағларини ҳисобга оладиган счётларда (5000, 5100, 5200, 5500, 5600, 5700)ги қолдиқлари суммаси акс эттирилади.

Фермер хўжаликларида «Пул оқимлари тўғрисида» шаклининг 130,140 ва 190 сатрлари тўлғазилмайди.

#### **Мавзуни мустақил ўзлаштириш бўйича саволлар :**

1. Ҳисоботнинг моҳияти.
2. Ҳисобот турлари ва унга қўйилган талаблар.
3. Ҳисоботнинг аҳамияти.
4. Даврий ва йиллик ҳисобот шакллари.
5. Бухгалтерия балансини тузиш тартиби.
6. Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботни тузиш.
7. Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисоботни тузиш
8. Пул оқимлари тўғрисида ҳисоботни тузиш
9. Хусусий капитал тўғрисида ҳисоботни тузиш
10. Дебеторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотномани таркиби ва тузиш
11. Ҳисоботни тушунтириш хати
12. Ҳисоботни тақдим этиш муддатлари ва тартиби.

#### **АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.— Т.: “Ўзбекистон”, 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 30 август.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида” ги Қонуни. 2004 йил 24 август.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. 2000 йил 25 май.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 2000 йил 26 май.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 окредитябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси” тўғрисидаги фармони.

7.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009.

8.Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислон Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастўрнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

9.Махсулот(ишлар,хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом.ЎзР ВМтомонидан 5.02.1999йилда 54-сон қарор билан тасдиқлаанган.

10.Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисида Низом. МВ томонидан 23.12.2003 йилда 131-сон билан тасдиқланган, АВ томонидан 20.01.2004 йилда 1297-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

11.Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида. Молия вазирининг 27.12.2002йилдаги 140-сон буйруғи, АВ томонидан 24.01.2003йилда 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

12.Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисида низом. Молия вазирлиги ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2008 йил 21 январдаги 1,1/2-сон қарори билан тасдиқланган, АВ томонидан 26.03.2008 йилда 1781-сон билан рўйхатга олинган.

13.Дўсмуратов Р.Д., Машарипов О.А. Фермер хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш. Ўқув қўлланма. – Т.: 2007.

14.Олимжонов О. ва бошқ. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари.—Т.:Университет. 2005.

15.Ризакулов А. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби. Т. «Қатортолқамолат» 1998 йил.

#### **Қўшимча адабиётлар:**

16. Дўстмуратов. Р.Кичик корхоналарда бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган шаклини ташкил этиш. Т.1995 йил.

17.Ғуломова Ф.Ғ. Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма .- Т.:”NORMA”.2009.

18.Каримов А.А.ва бошқалар.Бухгалтерия ҳисоби.Дарслик.Т:Шарқ.2004.-592 б.

19.Саидибрагимов Т. Р.Дўстмуратов. Қишлоқ хўжалик корхоналарида бухгалтерия ҳисобидан машқлар тўплами. -Т. 1990.

20.Санаев Н., Тўлаев А., Тилавов Ҳ., Санаев Ғ. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари: Дарслик. – Т.: “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти”, 2006.

21. Холбоев Д. Молиявий ҳисобот., Самарқанд, 2005.

22.Хасанов Б.А.,ХошимовА.А.Бошқарув ҳисоби.Дарслик.—Т.:“Иқтисод ва молия”, 2005.

23.Интернет сайтлари:

[www.norma.uz](http://www.norma.uz)

[www.yandex.ru](http://www.yandex.ru)

[www.ziyo.uz](http://www.ziyo.uz)  
[www.soliq.uz](http://www.soliq.uz)  
[www.akademiya.uz](http://www.akademiya.uz)